

МАВЛОНО  
ЖАЛОЛИДДИН РУМЎЙ

*Маснавийи*  
*Маънавий*

Бешинчи китоб

*Форсийдан*  
*Ўзбекистон халқ шоири*  
**ЖАМОЛ КАМОЛ**  
*таржимаси*

ТОШКЕНТ

مولوی، جلال الدین محمد بن محمد، ۶۰۴-۶۷۲ق.

[مثنوی. ترکی ازبکی]

(مثنوی معنوی).

Masnavii Ma'navii / Mavlono Zhaloliddin Rumii; Zhamal kamal takzhimasi . . الہدی: تہران . 13 = 20.

ISBN 964 - 8121 - 84 - 2 (ج. ۵)

ISBN 964 - 8121 - 83 - 4 (ج. ۶)

ج

انگلیسی.

فہرست نویسی بر اساس اطلاعات فیبا.

ترکی ازبکی (خط سیریلیک).

فہرست نویسی بر اساس جلدہای ۵ و ۶، ۱۳۸۳.

۱. شعر فارسی -- قرن ۷ ق. -- ترجمہ شدہ بہ ترکی ازبکی. ۲. شعر ترکی ازبکی -- قرن

۲۰ م. -- ترجمہ شدہ از فارسی. الف. کمال، جمال، Kamal, Zhamal مترجم.

ب. عنوان: Masnavii ma'navii

ج. عنوان: مثنوی. ترکی ازبکی.

۸ فا / ۳۱

ک ۳۸۲۵۲ / ۵۳۰۰ PIR

ی ۱۳۰۰

کتابخانہ ملی ایران

۲۴۴۵۰ - ۸۲ م

Эрон Ислон Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси

Маданият ваколатхонаси

Мавлоно Жалолиддин Румий

МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ

Бешинчи китоб

Ўзбек тилида

Форсийдан Жамол Камол таржимаси

«Ал - худо» халқаро нашриёти. Техрон - 2004 йил.

ISBN 964 8121 84 2

Нашр босма табоғи 22,0. Адади 1000. Бахоси келишилган нарҳда

انتشارات بين المللى الهدى

تهران - صندوق پستی: ۴۳۶۳ - ۱۴۱۵۵

تلفن: ۶۴۰۶۲۶۱ فاکس: ۶۴۰۶۲۴۰



نام کتاب: دیوان مثنوی معنوی دفتر پنجم

تهیه و تنظیم: رایزنی فرهنگی ج.ا.ا. - ازبکستان

مترجم: جمال، کمال

نوبت چاپ: اول، ۲۰۰۴ م. ۱۳۸۳ ه.ش

ناشر: انتشارات بین المللی الهدی

حق چاپ برای ناشر محفوظ است. www.ziyouz.com kutubxonasi

Нарса йўқим, хорижи олам эрур,  
Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур.

Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил,  
Кўз бўлурму ҳақни кўрмас бўлса ул...

Мавлоно Жалолоддин Румий - жаҳон мумтоз адабиётининг энг буюк сиймоларидан, башарият шоири деб шуҳрат қозонган забардаст алломадир. Мана, қарийб сақкиз асрдир-ким Мавлононинг номи тиллардан тушмайди, румиёна сатрлар эллардан элларга ўтиб, жаҳон кезади.

Алишер Навоий ул зоти шарифни устозлар устози деб атаган, Абдураҳмон Жомий эса, у пайгамбар эмас, аммо пайгамбарлик китоби бор, деб улуғлаган. Буюк немис файласуфи Гегель, мен ўзимнинг диалектика ҳақидаги тағлимотимни Жалолоддин Румийга суяниб, яратдим, деб эътироф этган. Мавлоно ҳақида Гёте, Лев Толстой каби буюкларнинг дил сўзлари ҳам тарих саҳифаларида ярқираб турибди.

Шубҳасиз, Жалолоддин Румий ижодининг энг ёрқин дурдонаси унинг олти китобдан иборат «Маснавийи мағнавий» асаридир. «Маснавийи шариф», «Мағнавият денгизи», «Тасаввуф қомуси» деб донг таратган бу асарни чин мағнода «Дунёнинг китоби» дейиш мумкин. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, у - Ҳақ мадҳи, ҳақиқат таронаси, инсонни қолдирилган фалсафасидир.

Азиз китобхон, дарё тўлқинларидек тўхтовсиз оқиб келувчи сўнгсиз ҳикоят ривоятлар ва улар замиридаги те-ран ва улугвор ҳикматлардан бебахра қолмай десангиз, бу китобларни ўқинг. Ўшанда сиз ҳам уларнинг завқига бери-либ, бизга ўхшаб беихтиёр такрорлаб юрасиз:

Лабларига етсам ул дамсозни,  
Най каби мен сочгай эрдим розни...

## МАСЪУЛ МУҲАРРИР ИЗОҲИ

Ушбу таржима «Маснавий»нинг энг мукаммал нусхаларидан бири - эронлик машҳур мавлавийшунос олим, филология фанлари доктори Муҳаммад Истеъломий томонидан 7 жилдда тайёрланиб, 2000 йили Теҳронда нашр этилган нусхаси асосида амалга оширилди.

«Маснавий»нинг Муҳаммад Истеъломий томонидан тайёрланган матни асарнинг тўрт қадимги қўлёзма нусхалари - Қуниёнинг 668 ва 677 рақамли қўлёзма нусхалари, Қуниёнинг иккинчи нусхаси, Эрон Миллий Кутубхонасида 715 рақами остида сақланаётган қўлёзма нусха ва машҳур инглиз мавлавийшунос олими Р.Никелсон ҳозирлаган нашрга асосланади.

Мазкур нашрда «Маснавий» нинг 6 китоби, ҳар бир китобда мукаммал изоҳлар, 7-жилдда эса «Кашф-ул-абёт», яъни асардаги барча байтларнинг мундарижаси берилган. Ушбу таржима ана шундай бир мўтабар нашр асосида амалга оширилганлиги билан ҳам эътиборга моликдир.

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ!

Ёлғиз ундан нажот сўраймиз ва ёлғиз унга суянамиз. Кўнгилларнинг калити унинг измидадир. Яратилганларнинг энг хайрлиси бўлмиш Муҳаммад Мустафога, унинг аҳли байтига, унинг саҳобаларига салот ва саломлар бўлсин.

Бу - Маснавий дафтарлари, маънавий тушунчаларнинг бешинчи китобидир. Ул ҳақдаким, шариат шамъга ўхшар, йўлингни ёритар, то қўлга шамъ олмагунча йўл юрмоғинг маҳолдир. Бас, йўлга тушдингми, ул-Тариқатдир. Йўл босиб, мақсадга етганинг, қўлга киритганинг-Ҳақиқат. Шунинг учун демишларким, ҳақойиқ майдонга чиқса, шариат ботил бўлур. Бўйлаким, мис олтинга айланса ёхуд бир нарса асл эътибори ила олтин эрса, унинг кимёга эҳтиёжи булмас. Кимийё - шариатдир. Миснинг олтинга айланиши эса - тариқат. Инчунин, борилажак манзилга етгандан сўнг раҳнамо изламак - хатодир, илло, манзил муяссар бўлгач, раҳнамони тарк айламоқ ҳам гуноҳ.

Хуллас, шариат кимийё илмига ўхшар, устоздан ёхуд китобдан кимийё ўрганмоқ кабидир. Тариқат - доруларни қўлланмоқ, мисни кимёга урмоқдир. Ҳақиқат эса - кимийё воситаси ила миснинг олтинга айланишидир. Кимийё билганлар, биз бу кимийё илмини билурмиз, деб севинурлар. Кимийё амалиёти ила машғул бўлганлар, биз бу амалиётдан хабардормиз, деб хурсандлар. Ҳақиқатга етишганлар эса, биз олтинга айландик, кимийё илмидан ҳам, амалиётдан ҳам қутулдик, деб ҳақиқат ила шод-масрурдирлар. “Ҳар гуруҳ қўлга киритган бир нарсаси ила севинар ва овунар” Ёхуд шариат тиб илмига ўхшар, тариқат - тиб илмига кўра парҳез айламак, дору - дармон ичмакдир, ҳақиқат эса - соғаймоқ, абадий сихҳат топмоқдир, тиб илмидан ҳам, дору дармондан ҳам бир йўла қутулмоқ, демакдир. Инсон боласи тирикликдан кечиб, дунёдан кўз юмаркан, бас, на шариат қолур, на тариқат,

фақат ҳақиқат қолур, холос. Ҳақиқатга етишса, Тангрим мени не сабабдин ёрлақганини бошқалар ҳам билсайди, деб ҳайқирар. Ҳақиқатга етишмаса, кошки берилмасайди китобим, кошки билмасайдим надир ҳисобим, кошки ўлим-ла битсайди ишим, молу мулким фойда бермади, мени халос этолмади, куч-мадорим битди, деб фарёд чекар... Шариат - илмдир, тариқат амалдир. Ҳақиқат Оллоҳга етишмоқдир.

“Ким Раббига етишмоқ истаса, яхши амаллар қилсин, Раббига бандалик этаркан, унга ширк келтирмасин”

Яратилганларнинг энг хайрлиси бўлмиш Муҳаммад Мустафога, унинг аҳли байтига, унинг саҳобаларига Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин.

Омин, ё Раббул олабийн!

## ДЕБОЧА

Шоҳ Ҳусомиддинки, юлдуз, тоза нур,  
Бизни бешинчи сафарга бошлаюр.

Эй Зиёулҳақ, Ҳусомиддини жон,  
Эйки устодларга устои замон,

Халқ бу янглиғ пардаларга бурканиб,  
Бўлмасайди шунчалар тору заиф,

Мадҳинг айтиб, мен гуҳар сочгай эдим,  
Ўзга мақтовларга лаб очгай эдим.

5 Саъвага сингмайди лочин луқмаси,  
Мой ила сувни қўшармиз хулласи.

Ҳайф, зиндонийга айтсам мен ани,  
Аҳли руҳонийга сўйлармен сени.

Мақтовингни хушламас аҳли жаҳон,  
Рози ишқдек дилда сақлармен ниҳон.

Мадҳ - таърифдир, магар очмоқ ҳижоб,  
Мадҳу таърифдин баланддир офтоб.

Кунни мақтаб, кимса ўзни мақтагай,  
Кунни кўрган кўзларим равшан, дегай.

10 Гар қуёшга таъна-дашном этса эр,  
Кўзларим кўрдир, кўролмас, тийра, дер.

Ким ҳасад этгай қуёшга, қўй уни,  
Гар қуёши битса, ўтгайму куни?

Офтобни бенишон этгайму ул?  
Сўндириб, кўздин ниҳон этгайму ул?

Шуъласин этгайму ёхуд зарра кам?  
Жилдирарму ўрнидин ё зарра ҳам?

Бас, буюкларга ҳасад этгай киши,  
Бир ҳалоқат чоҳига кетгай киши.

15 Ошди қадринг ҳадди идрокдинки ул,  
Сўйласа, сафсагга сотгайдир ақл.

Қолди ожиз васфинг айларкан баён,  
Ожизона васфини этсин давом.

Инна шайъан куллуҳу ло юдрака,  
Иъламу ан куллуҳу ло ютрака.<sup>1</sup>

Қуйса ёмғир, сен ичолмассен магар,  
Сув ичишдин ҳам кечолмассен магар.

Роз сўйларсен, баён эт аслини,  
Айру этгил мағзи бирлан пўстини.

20 Сенга нисбат сўз ҳама пўстдир, инон,  
Лек бировлар наздида ул мағзи жон.

Осмон Арш олдида пастдир магар,  
Ерга нисбат этса, юксакдир ўшал.

Бўйлаким васфингни кўрдим элга эп,  
То надомат чекмасинлар сўнгра, деб.

Нури Ҳақсен, жазб этарсен Ҳақ томон,  
Элда зулматдир, баса ваҳму гумон.

Айладим чун нури Ҳақнинг васфини,  
То улус кўзларга сургайлар ани.

25 Нурга етгай улки, нурдир матлаби,  
Севмаса зулматни гар сичқон каби.

---

<sup>1</sup> Таг-томири билан англашилмаган нарсани таг-томири билан қўпориб отмоқ - ақлдан эмас.



Улки шабкўр, тунда жавлон айлагай,  
Не этиб ул азми иймон айлагай?

Бўйлаким зулматда эрмиш, беҳабар,  
Етмагай фаҳмига нозик нуқталар.

На ҳунар бобида кўрсатгай ўзин,  
На қуёшга тик боқиб, солгай кўзин.

На оғочдек яшнатур япроқни ул,  
Худди сичқондек уяр тупроқни ул.

- 30 Боқки, инсон қалбининг тўрт васфи бор,  
Ақлига чормих бўлиб, этгай фишор<sup>2</sup>

«ТЎРТТА ҚУШ ОЛИБ, УЛАРНИ ОЛДИНГДА  
ТЎПЛА» ОЯТИНИНГ ТАФСИРИ<sup>3</sup>

Сен замон ичра Халилдирсен ҳануз,  
Йўлтўсар тўрт қушни ушла, бошин уз.

Ҳар бири оқилга сўйлаб нақлини,  
Худди қузғундек чўқийдир ақлини.

Тандаги тўрт хўй - Халилнинг қушлари,  
Кес уларни, айла жонингдин нари.

Эй Халил, қушларни сўйла рўй рост,  
Боғу банддин эт оёқларни халос.

- 35 Кул ўзингсен, бошқалар жузвинг сенинг,  
Еч оёқларни, оёқлар ҳам сенинг,

Жумла олам руҳзор бўлгай сенга,  
Неча минг лашкар савор бўлгай сенга.

---

<sup>2</sup> Фишор - таъзийқ.

<sup>3</sup> Қуръони карим, Бақара сураси, 260-оятга ишорат.

Шул бадан эрмиш мақоми тўрт хў,  
Феълу хўйинг тўрт қушдир, фитнажў.<sup>4</sup>

Халққа гар истар эсанг умри абад,  
Тўртта шумнинг бошини уз бегалат.

Сўнг тирилтиргил-да, бергил болу пар,  
Келмагай токи улардин бир зарар.

- 40 Маънавий тўрт қушки, маъшум, роҳзан,<sup>5</sup>  
Халқ дилу жонида тутмишлар ватан.

Баски диллар шоҳидирсен, соҳиби,  
Баски сен Ҳақнинг халифи, ноиби.

Тўртта қушнинг бошини узгил баса,  
Жумла халқнинг умрини чўзгил баса.

Чун улар ғоздир, товус, зоғу, хўроз,  
Нафс аро ҳар лаҳза бергайлар овоз.

Ғоз - ҳисдирким, хўроз - шаҳват эрур,  
Гар товус - жоҳ эрса, зоғ - ният эрур.<sup>6</sup>

- 45 Зоғ истар, ўлмаса ҳеч, турса боз,  
Ул тамаҳ айлайди чун умри дароз.

Ғоз ҳирским, титкилар ерни нуқул,  
Ҳўл-қуруқ ҳар неки топгай, ютгай ул.

Бир замон осуда турмас ул томоқ,  
Билгани ҳар лаҳза ютмоқ, ямламоқ.

Худди бир яғмочидек юргай фақатъ,  
Ўз жигилдонини тўлдиргай фақат.

---

<sup>4</sup> Фитнажў - фитначи.

<sup>5</sup> Роҳзан - йўлтўсар, қароқчи.

<sup>6</sup> Жоҳ - мартаба.

Айру этмас, ҳар неким яхши-ёмон,  
Дуру гавҳарму, нўхатму, ямлабон.

- 50 Келмагай ногоҳ рақиб, деб кўзи лўқ,  
Халтага жойлар ҳама ҳўлу қуруқ.

Вақт тангу фурсат оз деб чопгай ул,  
Қўйнига ургай, агарда топгай ул.

Эътимоди йўқ сира султониға,  
Ўзгаларни ҳеч йўлтамас ёниға.

Бандайи мўминда лекин эътимод,  
Еб-ичаркан, айлагай сабру сабот.

Еб-ичаркан, ҳар нафас эминдир у,  
Подшо қаҳри ёмон, келмас адув.

- 55 Хўжатошлардан-да эминдир магар,  
Келмагайлар, этмагайлар бир зарар.

Унга шоҳнинг қаҳри маълум, адли ҳам,  
Кимсага бир кимса этмайдир ситам.

Шул сабабдин шошмагай, сокиндир ул,  
Ризқини қийгувчи йўқ, эминдир ул.

Бас, яшар сабру қаноатда давом,  
Кўзи тўқ, енги, яқоси пок мудом.

Сабру бардош - партави Раҳмон эрур,  
Бесабрлик - ҳаззайи шайтон эрур.

- 60 Қўрқитур шайтон фақирлик бирла то,  
Сабру бардошингни этгайдир адо.

Сен Набийдин тингла, Шайтони палид,  
Дейдиким, келгай сенга фақри шадид.<sup>7</sup>

---

<sup>7</sup> Қуръони карим, Бақара сураси, 268-оятга ишорат.

Гар ҳаромхўрликда айларсен шитоб,  
Сенда қолгай на мурувват, на савоб.

Бир қозон овқат магар кофирга оз,  
Кўнгли пучнинг қорни шишмондир, холос...

МУСТАФО САЛОВАТУЛЛОҲУ АЛАЙҲНИНГ,  
КОФИРНИНГ ҚОРНИ ЕТТИТА, МЎМИННИНГ  
ҚОРНИ БИТТА, ДЕЙИШНИНГ БОИСИ

Неча кофир кимса меҳмон бўлдилар,  
Вақти шом эрди, мачитга келдилар.

65 Дедилар: эй шоҳ, қабул эт, биз қўнуқ,  
Эй ҳузурингда қўнуқ-аҳли уфуқ.<sup>8</sup>

Бенавомиз, ҳеч вақомиз йўқ эрур,  
Не бўлур бошларга сочсанг фазлу нур.

Мустафо деди: ёронлар, марҳабо,  
Қалбингиз шу лаҳза биз бирлан тўло.

Амри подшо бирла лашкар тўлгуси,  
Ул сабабдин ёвга шамшир ургуси.

Қаҳри шоҳ бирлан этарсен заҳми зарб,  
Йўқса, қардошларга жоизму ғазаб?

70 Қаҳри шоҳ бирлан оларсен гурзини,  
Бегуноҳ бошларга ургайсен уни.

Шоҳ-жон эрса, тамомий ўрду-тан,  
Руҳ-сув эрса, тамом танлар-ўзан.

Подшо руҳи эса наҳри зилол,  
Бор ариқларнинг суви ҳам айни ҳол.

---

<sup>8</sup>Аҳли уфуқ - олам аҳли, маъносида.

Шоҳ не динда, раият унда, бас,  
Бўйла амр этмиш у султони Абас...<sup>9</sup>

Ҳар саҳоба бир қўнуқни танлади,  
Марҳабо, деб уйга таклиф айлади.

- 75 Қолган ул масжидда бир меҳмон эди,  
Жуссадор эрди, семиз, шишмон эди.

Бошлади меҳмонни уйга Мустафо,  
Етти эчки сут берарди хушсафо.

Эчкилар қайтмишди уйга кечки пайт,  
Сут соғар эрди алардин аҳли байт.

Ошу нонни еди меҳмон, тўймади,  
Етти эчкининг сутин ҳам қўймади.

Аҳли байт ранжиб, газабга келдилар,  
Чунки ул сутдан умидвор эрдилар.

- 80 Шишди меҳмон қорни андоқким довул,  
Ўн саккиз кимса таомин еди ул.

Вақти хуфтон ҳужрага кирди семиз,  
Устидин ёпди эшикни чўри қиз.

Ранжиб эрди, баски қолмишди кўнгил,  
Шул сабаб занжирни ҳам ўтказди ул.

Тун ярим ёки саҳарда ул қўнуқ,  
Бўлди безовта, магарким ичбуруқ.

Турди тўшакдин, эди ҳожатталаб,  
Кўрдиким эшик қўйилмиш тамбалаб.

- 85 Чорасин излаб, уринди, бўлмади,  
Тамбаланган ул эшик очилмади.

---

<sup>9</sup> Қуръони каримнинг Абаса сураси назарла тутилмоқла.

Ҳожати қистаб, чу бўлди ҳоли танг,  
Ҳужра тор эрди, вале аҳволи танг.

Ётди ул тўшакка, юмди кўзини,  
Эски бир қўрғонда кўрди ўзини.

Эски ул вайронаким, уйқусида,  
Бўлди зоҳир шул замон ўтрисида.

Кўрдиким, вайрона холи эрди то,  
Ҳожатин ҳам этди бир зумда адо.

90 Уйғониб, кўрди не ҳолда хона ул,  
Изтиробдин бўлди чун девона ул.

Бўйла расволикда эрди ул ҳамон,  
Кўксидин учди аламли бир фиғон.

Деди: ўнгимдан ёмонроқдир тушим,  
Унда ерман, бунда расволик ишим.

Худди гўр қаърида кофирдек нуқул,  
Қичқирарди: во сабуру, во сабур!<sup>10</sup>

Ул кутарди тун адо бўлгайму деб,  
Бул эшик қаршимда очилгайму деб.

95 Ўқ каби учмоққа шай бил ҳолини,  
Кўрмагай то кимса бул аҳволини.

Қисқа айтай, энди нелар бўлғуси,  
Бас, эшик очилди, битди қайғуси.

---

<sup>10</sup> Во сабуру, во сабур - эвоҳки, сабру бардошим етмади.

МУСТАФО АЛАИҲИСАЛОМ ҲУЖРА ЭШИГИНИ  
ОЧГАНИ ВА  
МЕҲМОН ХИЖОЛАТ ЧЕКМАСИН, ДЕЯ ЎЗИНИ  
БИР ЧЕТГА ОЛГАНИ

Мустафо очди эшикни субҳидам,  
Токи меҳмон ташқари қўйсин қадам.

Сўнгра ўзни олди четга Мустафо,  
То шармсор бўлмагай ул бедаво.

Ташқарига даъват айларкан уни,  
Кўрмасин, деди, эшик очгувчини.

100 Ул ҳамоно четга олди ўзни то,  
Ёки кўзлардин ниҳон этди Худо.

Сибгатуллоҳ бўйла беркитгай гаҳи,  
Эҳтиётлаб, пардага ўртгай гаҳи.

Олдида турганни кўрмас ёв магар,  
Қудрати Яздон буюқдир шунчалар.

Мустафо билмишди, не эрди сабақ,  
Моне эрди унга лек фармони Ҳақ.

Токи ул нафси ҳавога учмагай,  
Токи бир тубсиз қудуққа тушмагай.

105 Бўйла ҳикмат эрди амри осмон,  
Кўз очиб то ўзни кўрсин ул чунон.

Не адоватларки бор, ёрлик эмиш,  
Не хароботларки, меъморлик эмиш.

Ул нажосатли тўшакни бир фузул,  
Келтириб, дедики, кўргил, эй Расул.

Бўйла бўлди меҳмоннинг ҳиммати,  
Кулди унга икки олам раҳмати.

Сўнг деди ул, чун босаркан кулгуни:  
Бунда келтир, мен ювиб қўйгум уни...

Ҳозир ўлганлар оёққа турдилар,  
Жону танлар сенга қурбон, дедилар.

Биз ювармиз, йўқса, дил тўлгайму ҳеч?  
Қўл иши бул, дил иши бўлгайму ҳеч?

Толеингга шунча иззат ёзди Ҳақ,  
Ноиб айлаб, курсига ўтқизди Ҳақ.

Биз ҳама хизматдадирмиз сен учун,  
Бизга сен хизматда бўлмоғинг нечун?

Деди: лекин бўйла бир соат эрур,  
Кирни ювмоғимда бир ҳикмат эрур.

- 115 Турдилар барча шу онда интизор,  
Ул ажиб асрорни чун кўрмоққа зор.

Жону дилдан кир юварди Мустафо,  
Йўқ эди бу ишда тақлиду риё.

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ ИФЛОС ТЎШАКНИ  
ЎЗ ҚЎЛИ  
БИЛАН ЮВАРКАН, МЕҲМОННИНГ ҚАЙТИБ  
КЕЛГАНИ, ҚАТТИҚ ХИЖОЛАТ ЧЕКИБ, ЎЗ  
ҲОЛИГА ЙИҒЛАГАНИ

Бор эди ҳайкалчасиким, ёдгор,  
Ул йўқолди, бўлди кофир беқарор.

Қайда қолмиш, деб куйинди қанчалар,  
Дедиким, ул ҳужрада қолмиш магар.

- 120 Гарчи келмоққа хижолатлиғ эди,  
Лек уятни ҳирс - аждарҳо еди.



Ҳужрага елди, югурди шул замон,  
Шунда эрди ҳайкали, кўрди ҳамон.

Кўрди сўнгра кўрпани, шалтоғини,  
Ки Расулиллоҳ ювар эрди ани.

Ҳайкали бўлди унут, ўздин кетиб,  
Чекди фарёд ул, яқосин чок этиб.

Нолалар қилди, оқизди ёшини.  
Эшигу деворга урди бошини.

125 Бурнидин қонлар оқиб, бўлди равон,  
Унга раҳм этди Расули меҳрибон.

Оҳ уриб, халқ бошига тўпланди-ку,  
Габр дерди: айюҳаннос, ихзару,<sup>11</sup>

Бошига муштларди, дерди: беақл,  
Кўксига муштларди, дерди: эй бахил.

Сажда айлаб дерди: эй куллий замин,  
Мен каби шармандани авф айлагин.

Сенки Куллсен, Ҳаққа айларсен вафо,  
Менки жузвмен, қилмишим жабру жафо.

130 Сенки Куллсен, Ҳақни айларсен тавоф,  
Менки жузвмен, қилмишим зидду хилоф.

Кўкка дерди юзланиб: эй осмон,  
Менда юз йўқ, токи боқсам сен томон.

Бор вужуди титрар эрди ўт аро,  
Бағрига босди, юпатди Мустафо.

Берди таскин, сийпади юз-кўзини,  
Кўзини очгач, танитди ўзини.

---

<sup>11</sup> Габр, яъни оташпараст: одамлар, менга яқинлашманг, дерди.

Гул куларму йиғламас эрса булут?  
Йиғламас эрса гўдаклар, қайда сут?

- 135 Ёш гўдаклар ҳам билур йўлу тарийқ,  
Йиғлагайлар, истабон меҳру шафиқ.

Дояларнинг дояси ҳам ул атай,  
Йиғламас эрсанг, сенга сут бермагай.

Деди: йиғланг тавба айлаб, зор-зор,  
То мурувват айлагай Парвардигор.<sup>12</sup>

Офтоб нури, булутнинг ёши ул,  
Муҳташам оламнинг икки тоши ул.

Бўлмасайди ёмғиру офтоб, бас,  
Ошкор бўлгаймиди жисму араз?

- 140 Бўлмасайди бул иковлон муттасил,  
Қайда эрди бул таманно тўрт фасл?

Офтоб балқиб, булутлар йиғлашар,  
Атру анбарга чўмиб, олам яшар.

Сен-да порлатгил ақл офтобини,  
Сен-да сочгил кўзларинг селобини.

Яхшидир гар кўзларингда нам бўлур,  
Кўп ема, чун кўзда ёшинг кам бўлур.

Нон ила япроқ ёзар тан яшнабон,  
Жон бутонинг саргайиб, бўлгай хазон.

- 145 Танга озиқ жонга бўлгайму тирак,  
Ул бири деб бул бирин кесмоқ керак.

Хайру эҳсон қил, камайсин барги тан,  
Токи кўнглинг ичра гул очсин чаман.

---

<sup>12</sup> Қуръони карим, Тавба сураси, 82-оятга ишорат.

Қил саховат, луқмайи танни камайт,  
То кўринсин важҳа ла айну раат.<sup>13</sup>

Гар нажосатдин тамиз бўлгай танинг,  
Мушку гавҳарлар била тўлгай танинг.

Чун палидлик ўрнига поклик келур,  
Ютаҳқирким бирла тан ошно бўлур.<sup>14</sup>

150 Қўрқитур шайтон ва лекин: шошма, ҳай,  
Изтиробдин сўнгра бошинг чиқмагай.

Тарк этар бўлса ҳавасларни танинг,  
Ғам сенинг, афсус-пушаймонлар сенинг.

Ол, егил, бу дору дармондир сенга,  
Ич буниким, фойдаси кондир сенга.

Тан улов эрмиш сенга, билгил шуни,  
Неки одат айламиш, бергил уни.

Феълу хўйинг асрагил, ўзгартма лек,  
Дил, димоғинга келур юз хасталик.

155 Бўйла таҳдидлар этар ул деу дун,  
Халққа айлаб неча юз сеҳру фусун.

Жолинуспен, дер, магар танҳо табиб,  
Нафси беморинга лек бергай фириб.

Дарду ғамдин, дер, йироқ бўл бир йўла,  
Аврамиш Одамни чун бурдой ила.

Ҳою-ҳуй, эй воҳ-ла бағринг доғлагай,  
Шул йўсин оғзингни маҳкам боғлагай.

---

<sup>13</sup> Мазмуни: хайру саховат қил, токи кўз кўриб, қулоқ эшитмаган неъматлар сенга муяссар бўлсин.

<sup>14</sup> Сизни пок-мусаффо бир ҳолга келтиришни истар. Қуръони карим, Аҳзаб сураси, 33-оятга ишорат.

Боглашур от огзини урганда наъл,  
Тош суниб сенга дегай ул: тоза лаъл.

- 160 Сўнг қулоғингдин тутиб бўй-бўйига,  
Судрагай ҳирсу ҳаволар сўйига.

Иштибоҳдин сенга ургайдир тақа,  
Юргани қўймас сени заҳму чақа.

Сўнг тараддуд ичра юргайсен мудом,  
Икки ишнинг қай бирин қилсам, дебон.

Эт уникам, этди мухтори Набий,  
Этмагил, чун этди мажнуну сабий.

Жаннат ул кўздин ниҳон эрмиш атай,  
Чун ниҳон эрканда кўпроқ яшнагай.

- 165 Аврагай бир зумда шайтони бало,  
Олдин чикса агарда аждаҳо.

Сув эсанг, бир зумда боғлайдир, қара,  
Айлагай қутби замонни масхара.

Ақлу ҳушни ақлу ҳушга бойлагил,  
Амри Шўрони ўқиб, фикр айлагил.<sup>15</sup>

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ МЕҲМОНГА  
МЕҲРИБОНЛИК КЎРСАТГАНИ, ХИЖОЛАТ  
ТОРТИБ, НАДОМАТ ВА УМИДСИЗЛИК ОТАШИДА  
ЎРТАНИБ, ФАРЁД ЧЕККАН АРАБГА ТАСКИН,  
ТАСАЛЛИ БЕРГАНИ

Бул сухан поёнсиз эрмиш, ул араб,  
Кўрди шоҳ лутфини, қолди довдираб.

Ақлу ҳуш бошдин учишга бошлади,  
Мустафо лекин қўлидин ушлади.

---

<sup>15</sup> Қуръони карим, Шўро сураси, 38-оятга ишорат.

- 170 Кел бери, деди, ажаб тебранди ул,  
Интиҳосиз уйқудин уйғонди ул.
- Ақлу ҳушни бошга йиргил, деди, ҳай,  
Бунда сен қилгувчи ишлар бир талай.
- Юзига сув сепди, тилга кирди тил;  
Эй шаҳиди Ҳақ, шаҳодат арза қил!
- Шоҳидим бўл, дашту саҳрога кетай,  
Бу тирикликдин тўйибмен, тарк этай.
- Биз-да қозийи қазо даҳлизда,  
Ўлтирибмиз бир бало орзусида.
- 175 Балли, деб айтдик, демак, бул-имтиҳон,  
Феълу сўз барча гувоҳликдир тамом.
- Ўлтирибмиз саҳни даҳлизда нуқул,  
Муддао асли гувоҳлик эрди ул.
- Тобакай даҳлизда қолгунг, эй гувоҳ,  
Айлагил зикри шаҳодат жон аро.
- Бунда келмишсен шаҳодат бергани,  
Чорламишлар чин гувоҳликка сени.
- Ўлтирарсен ўзни ташвишга кўмиб,  
Қўлларинг боғлаб, лабингни чирт юмиб.
- 180 То гувоҳлик бермагунча, англаб ол,  
Ушбу даҳлиздан қутулмоғинг маҳол.
- Бир нафаслик ишга кўнгил бузма кўп,  
Қисқа бир ишдирки, бундоқ чўзма кўп.
- Иста юз йил, истагил бир онда ул,  
Бир йўла топшир омонатни, қутул.

УЛ ҲАҚДАКИМ, НАМОЗ, РЎЗА ВА БОШҚА  
ЗОҲИРИЙ ИШЛАР БОТИНИЙ НУРДАН  
ГУВОҲЛИК БЕРГАЙ

Бул намозу рўзаву ҳажжу жиҳод,  
Бир гувоҳликдир, далили эътиқод.

Бул закату ҳадяву тарки ҳасад,  
Нуру иймонингни кўрсатгай фақат.

185 Суфра ёзмоқ, ошу об, нону намак,  
Зй азизлар, сизга биз дўстмиз, демак.

Армуғонлар бирла дилкашлик эрур,  
Бул далилким, ўртада хушлик эрур.

Ҳар кишиким зоҳир этгайдир фусун,  
Кўнглида бир дурру гавҳар бор учун.

Гавҳарнинг бор эрса тақво ё саҳо,  
Рўза тутмоғинг, закотингдир гувоҳ.

Рўза дер: кечди ҳалолдин ул магар,  
Бас, ҳаромга энди солгайму назар?

190 Дер закот: ўз молин эҳсон этди қул,  
Ўзгалар молига кўз солгайму ул?

Айласа таррорлик ул, икки гувоҳ -  
Сўзини этмас қабул адли Илоҳ.

Овчи қуш йўлига этгай дон нисор,  
Раҳму шафқатдин эмас, баҳри шикор.<sup>16</sup>

Боқ, мушук ҳам рўзадор айлар ўзин,  
Ўлжа пойлаб, гоҳи юмгайдир кўзин.

---

<sup>16</sup> Баҳри шикор - ов учун.

Эгрилик йўлларни бундоқ бойламиш,  
Неча аҳли жудни бадном айламиш.

- 195 Фазли Ҳақ лекин яқосин чок этар,  
Эгриликлардин тамизу пок этар.

Раҳмати устун ҳамиша узридин,  
Шуъласи афзун эрур ой нуридин.

Эгриликлардин нари сургай тамом,  
Раҳмати бирлан кейин ювгай тамом.

Бўйлаким гаффорлиги зоҳир бўлур,  
Айбни ювгайдир, магар гофир бўлур.

Боқки, ёмғир ҳам ўшал авжи Самок,  
Буржидин бошлаб этар дунёни пок.

СУВ БАРЧА ИФЛОСЛИКЛАРНИ ТОЗАЛАГАНИ,  
ХУДОЙИ ТАОЛО ЯНА БАРЧА ИФЛОСЛИКЛАРДАН  
СУВНИ ПОКЛАГАНИ, ҲАҚ ТАОЛО БАРЧА  
НУҚСОНЛАРДАН МУСАФФО ЭКАНЛИГИ

- 200 Сувки турғун эрса, бас, ул айнигай,  
Бўйла сувни ичса, кўнгил айнигай.

Ҳақ савоб баҳрига ирғитгай яна,  
Лутфи бирлан сувни сув этгай яна.

Бир йил ўтгач, ул яна маъвосида,  
Қайда эрдинг? Эзгулик дарёсида.

Булганиб эрдим, етишдим пок бўлиб,  
Янги тўн кийдим, маконим хок бўлиб.

Эйки иркитлар, келинг бул ёққаким,  
Покламоқ - Ҳақдин етишган одатим.

- 205 Ҳар балодин поклагувчи дер мени,  
Ифрит эрсанг гар, малак этгум сени.

Булганар бўлсам магар, кетгум яна,  
Тозалик дарёсига етгум яна.

Эски, кир ҳирқамни ечгаймен дағи,  
Янги, тоза тўнни бичгаймен дағи.

Бўйла бил Ҳақни ва Ҳақнинг ҳамдамин,  
Олам ородир Раббул оламин.

Бўлмасайди бизга шунча чанг-ғубор,  
Қайданам бўлгайди сувга эътибор?

210 Зар тўла ҳамённи урган ҳам ўшал,  
Қайда муфлис, деб қидирган ҳам ўшал.

Ҳам экинзорларга дур қуйгувчи ул,  
Ҳам ювиқсиз чеҳрани югувчи ул.

Бошига гоҳо кўтаргай кемани,  
Чарчамас ҳаммол каби сургай ани.

Бағрида минг дору дармондир ниҳон,  
Ҳар нечук дору анинг бирлан омон.

Сув сўрар ҳар неки дурдир, донадир,  
Йўқ, ариқ эрмас, у дорухонадир.

215 Чун етим аҳлига андин парвариш,  
Қовжироқ жонларга ҳам андин равиш.

Оқибат ифлосланиб, булганса лек,  
Бизга ўхшаб ҳеч вақосиз қолса лек,

### СУВНИНГ БУЛҒАНИБ, ҲАҚ ЖАЛЛИ ЖАЛОЛАДАН НАЖОТ СЎРАГАНИ

Нола айлар ул юракдин, эй Худо,  
Берганинг бердим, ўзимдирмен гадо.



Берганинг сарф айладим, кўргил, мана,  
Битди сармоям, магар йўқму яна?

Ҳақ булут бирлан қуёшга амр этар,  
Сен симир, дер, сен ҳаволарга кўтар.

220 Мухталиф йўллар сари сургай ани,  
Сўнгги йўқ денгизга келтиргай ани.

Сув дедик, сувдан ғараздир авлиё,  
Поклагайлар сизни кирликдин, аё.

Булганиб андоқ, юваркан аҳли фарш,  
Боз кетарлар, юксалурлар сўйи Арш.

Боз йўллайдир уларни ерга Ҳақ,  
Тозаликдин элга бергайдир сабақ.

Қум-таяммумдин халос айлаб сени,  
Излаганга кўрсатурлар қиблани.

225 Бас, яна элдин етишгайдир малол,  
Ахтарурлар йўл: араҳна, ё Билол.<sup>17</sup>

Эй Билоли хушнавойи, хушсаҳил,  
Айт азонингни, баландлаб ур довул.

Жон сафар этганда тан айлар қиём,  
Чун намоз битганда бергайлар салом.

Бул мисол восита эрмиш сўз аро,  
Восита лозим кўнгил ҳам кўз аро.

Ул самандардин бўлак, беробита,  
Ким кирар оташга чун бевосита?

230 Сенга лозим восита ҳаммом эрур,  
Токи топгайсен ҳароратдин ҳузур.

---

<sup>17</sup> Эй Билол, бизни севинтир.

Йўқса оташларга тобинг чун Халил,  
Боқки, ҳаммоминг - Расулдир, сув - далил.

Тўқлик Оллоҳдин эмиш, аҳли табаъ.<sup>18</sup>  
Ҳеч тўярму, бўлмаса нон восита?

Лутф Оллоҳдин эмишдир, аҳли тан  
Лутф топгайму жаҳонда бечаман?

Бўлмаса жонингга шу жисминг ҳижоб,  
Чун Мусо қўйнингга киргай моҳтоб.

- 235 Бул ҳунарлар сувга шоҳиддир баче,  
Кўнглида ул лутфи Эзиддир баче.

### ЗОҲИРИЙ АМАЛ ВА СЎЗНИНГ БОТИНИЙ НУРДАН ДАЛОЛАТ БЕРИШЛИГИ

Феълу сўз эрмиш чу кўнгилга далил,  
Боқ уларга, англа, не эрмиш замир.

Хастанинг аҳволи чун сирдир сенга,  
Сийдигин кўргил, у сўйлайдир сенга.

Феълу сўз - сийдик, магарким қон эрур,  
Ул табибга ҳужжату бурҳон эрур.

Руҳ табиби улки, боргай жонгача,  
Жон йўли бирлан магар иймонгача.

- 240 Ҳожат эрмас боқса феълу сўзга хўб,  
Иҳзаруҳум, ҳум жавосис ул - қулуб.<sup>19</sup>

Феълу сўзни изла ул сувданки, ул  
Етмамиш дарёга, ундан айрудир.

---

<sup>18</sup> Аҳли табаъ - табиат аҳли.

<sup>19</sup> Улар - кўнгиллар жосусидирлар.

МУНАВВАР КИМСАНИНГ КЎНГИЛ НУРИ У БИР  
ИШ ҚИЛМАЙ, БИР СЎЗ ДЕМАЙ, АЁН  
БЎЛИШЛИГИ

Ортса солик нури, эрса нурбахш,  
Нурига гарқ бўлгуси саҳрову дашт.

Ҳусни фориғдир шаҳодатдин у дам,  
Ки такаллуф бирла жонбозликданам.

Баски андоқ нур таратгай гавҳар ул,  
Қолмагай макру тасаллусларга йўл.

245 Боқма феълу сўзига сен, не ажаб,  
Икки оламдир гулистон ул сабаб.

Ул гуволик не, чу изҳори ниҳон.  
Сўзлабон ё феълу аъмол айлабон.

Муддао - изҳори сирри жавҳар ул,  
Чун сифат қолмай, араз кетгусидир.<sup>20</sup>

Зарни ўзга зарра юқтирмас маҳак,  
Зар қолур, ул тоза ном, бешубҳа-шак.

Бул намозу бул жиҳоду бул сиём.<sup>21</sup>  
Қолмагай, қолгувчи жондир, яхши ном.

250 Жон маҳактошларга урди ўзни чун,  
Бир амаллар қилди, айтди сўзни чун.

Эътиқодим чин, деди, кўпдир гувоҳ,  
Лек гувоҳларда кўринди иштибоҳ.

Гар гувоҳлар тоза бўлса, яхшидир,  
Чинлиги овоза бўлса, яхшидир.

---

<sup>20</sup> Араз - тасодифий нарса.

<sup>21</sup> Сиём - рўза.

Сўз гувоҳинг содиқ эрса, не ажаб,  
Иш гувоҳинг собит эрса, не ажаб.

Сохта дам урганда, ул бўлмас қабул,  
Эгри йўл юрганда, бул бўлмас қабул.

- 255 Сўзу феълларда таноқуз бўлмагай.<sup>22</sup>  
То қабул чоғида афсус бўлмагай.

Саъйикум шатто, таноқуз ичрасиз,<sup>23</sup>  
Кундузи тикканни оқшом йиртасиз.

Ул таноқузли гувоҳлик не керак,  
Лутфи Ҳақдин унга етгайму дарак?

Феълу сўз - изҳори сир эрмиш, замир,  
Иккиси ошкор этур сирри сатир.

Гар гувоҳинг пок эса, топгай қабул,  
Йўқса, маҳбусдир, қолур зиндонда ул.

- 260 Сен тугун солсанг, у ҳам солгай тугун,  
Фантазирҳум, иннаҳум мунтазирун.<sup>24</sup>

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ МЕҲМОНГА  
КАЛИМАЙИ ШАҲОДАТ КЕЛТИРИШНИ  
ЎРГАТГАНИ

Бул сухан поёнсиз эрмиш, Мустафо,  
Сўйлади иймон, қабул этди фато.

Ул шаҳодатким кўнгилга сочди ул,  
Ҳар нечук банду бўғовни очди ул.

Бўлди мўмин, деди унга Мустафо:  
Бизга меҳмон бўлгил энди, марҳабо.

---

<sup>22</sup> Таноқуз - зиддият.

<sup>23</sup> Саъйикум шатто-айру-айру ҳаракат қилманг.

<sup>24</sup> Уларни кут, улар ҳам сени кутишади.

Деди меҳмон: қайда бўлмай то абад,  
Эй Расулим, сенга меҳмонмен фақат.

- 265 Сен тирилтирдинги, фармонингдамен,  
Ул жаҳону бул жаҳон ёнингдамен.

Кимки истар эрса ўзга суфра, хон,  
Бўғзидин ўтмай, тиқилсин устухон.

Ўзгани гар орзу этса ҳар касе,  
Деву шайтондир унинг ҳамкосаси.

Даҳр аро ким қўшни бўлмайдир сенга,  
Деву шайтон қўшни бўлгайдир анга.

Гар киши сенсиз этар бўлса сафар,  
Деву шайтондир кишига ҳамсафар.

- 270 Ким миниб майдонда тулпори шариф,  
Ойга ҳосид эрса, шайтондир радиф.

Бўйла бир кимса етолмас аслига,  
Деву шайтонлар қўшилгай наслига.

Ҳақ буюрди: майли, юр шериклашиб,  
Моллари, авлодларига ёндашиб.<sup>25</sup>

Сўйлади бу сўзни Пайгамбар, бали,  
Жон қулоғин унга тикмишди Али.

Деди меҳмон: ё Набий, лутф айладинг,  
Бир қуёш янглиғ ёритдинг, сийладинг.

- 275 Оналар ҳам этмамиш бундоқ карам,  
Этмамиш Исо магар Озарга ҳам.

Сен ажалдин менга бахш этдинг нажот,  
Гар тирилмиш эрди Озар, ўлди бот.

---

<sup>25</sup> Қуроъни карим, Ал-Исро сураси, 64-оятга ишорат.

Боз меҳмон бўлди оқшом ул араб,  
Бир қадар сут ичди, дарҳол юмди лаб.

Бас, Расулиллоҳ уни қистаб эди,  
Йўқ, етар, валлоҳки, мен тўйдим, деди.

Бул такаллуфмас ё айру бир тугун,  
Кечагидин балки тўқроқмен бугун.

280 Аҳли байт боқди арабга довдираб,  
Қатра май қандилни тўлдирмиш, ажаб.

Ул абобил қушгаким озиқ эмиш,  
Бул баҳайбат филга бўлгайму емиш?

Дедилар барча шивирлаб дамба-дам:  
Пашшадек овқатга тўймиш филтан.

Кетди кофирлик-ла ҳирс ҳам бир йўла,  
Аждаҳо тўйди тариқдек дон ила.

Кетди кофирлик-ла ҳирс очкўзлиги,  
Келди иймон бирла ҳусни, ўзлиги.

285 Тўлдирарди худди молдек меъдасин,  
Кўрди Марямдек биҳиштнинг мевасин.

Кўрди жаннат мевасини, тўйди ул,  
Ёнди шум нафси, оловда куйди ул.

Сен қаноат айла, бул ҳикмат сенга,  
Зоти имондир буюк неъмат сенга.

УЛ ҲАҚДАКИМ, ЖОН ФИЗОСИ БЎЛГАН НУР  
АВЛИЁЛАР ЖИСМИНИНГ ҲАМ ФИЗОСИДИР. ТО  
УЛ РУҲИНГГА ЁР ЭКАН, ШАЙТОНИНГ ҲАМ  
МУСУЛМОН БЎЛУР

Гарчи нур жону кўзингга озиқ ул,  
Ул яна жисмингга озиқ, эй ўғил.

Деви жисминг топмаса андин наво,  
Аслам-уш-шайтон, демасди Мустафо.<sup>26</sup>

- 290 Этмасайди, нафси ҳеч ўлгаймиди,  
Ул мусулмони замон бўлгаймиди.

Девки шул дунёга ошиқ, кўру кар,  
Кўнглини бир ўзга ишқ чекмиш магар.

Бир ниҳоний ишқ шаробин тотгай ул,  
Жонига ишқнинг бисотин ортгай ул.

Ё ҳарис ул-батни ʻарриж ҳоказо,  
Иннамо ул-минҳожутабдил ул-ғизо.

Ё маризул-қалби ʻарриж лил-илож,  
Жумлатут-тадбири табдил ул-мижоз.

- 295 Айюҳал маҳбусу фи раҳнит-таом,  
Савфа танжу ин таҳаммалатал-фитом.

Инна фил-жуъин таомун вофиру,  
Ифтақид ҳа вартаж ё нофиру.

---

<sup>26</sup> Аслам-уш-шайтон - Шайтоним мусулмон бўлди.

Ифтази бин-нури кун мислил-басар,  
Вофиқил амлока ё хайрул-башар.<sup>27</sup>

Чун малак тасбиҳи Хақни қил ғизо,  
Бўл малойикдек чу беранжу изо.

Жабраил боргайму ҳеч лош устига,  
Ёки ул тушгайму дунё қасдига.

Сўфра ёзмиш Тангри бир олам-жаҳон,  
Лек хасис кўзлардин эрмишдир ниҳон.

Гар жаҳон неъматга тўлгай бор-бор,  
Нон эмас, тупроқ егайлар мушу мор...<sup>28</sup>

### ТАН АҲЛИНИНГ РУҲ ҒИЗОСИНИ ИНКОР ЭТИШЛАРИ, ЎЗ ТУБАН ЕМИШЛАРИ УСТИДА ТИТРАБ-ҚАЛТИРАШЛАРИ

Мири оламсен, жаҳонда устивор,  
Бас, нечун тупроқ яларсен мисли мор?

Боқки, ҳар онда ёғочни ейди қурт.  
Воҳки, қандоқ тотли ҳалво, дейди қурт.

Таппи қуртига тезак роҳат эмиш  
Бул жаҳонда унга ахлатдир емиш.

---

<sup>27</sup> Эй қорин бандаси, кел энди юксал, энди ўзга бир таом тановул эт..

Эй кўнгли хаста, дори дармонга юз бур, муалажанинг энг яхшиси-мижозни ўзгартирмоқдир.

Эй емоққа, ичмоққа асир бўлган кимса, яқинда сутдан айрилиб, бир йўла қутуларсен.

Чиндан ҳам очликда ажиб неъматлар бор, ўша асл неъматларни изла.

Кўз каби нур била озиқлан, эй хайрли инсон, малакларга эргаш.

<sup>28</sup> Мушу мор - сичқон ва илон.



## МУНОЖОТ

305 Эй Худойи беназир, исор қил,  
Ҳақ сўзингни ҳар нафас такрор қил.

Тут қулоқдин, сол ироданг азмига,  
Бизни етказгил азизлар базмига.

Чун насиб этдинг шаробинг бўйидин,  
Бенасиб этма сира, эй Рабби дин.

Гар аёлдир ёки эркак, ҳар замон,  
Ризқини бергувчисен, эй меҳрибон.

Эй дуо этмай этувчи мустажоб,  
Сен сабаб кўнгиллар ичра офтоб.

310 Неча ҳарфлар нақшида чекдинг руқум,  
Ишқида тошлар ушалди, бўлди мум.

“Нун”у “сод”у “жим”ни чекдинг, эй киром,  
Фитна тушди ақлу ҳушларга тамом.

Шул сабаб ингичка тортди ақлу ҳис,  
Кеч алардин, эй адиби хушнавис.

Ўйлаким йўқликка бойлаб дамба-дам,  
Бир хаёл нақшини этгайсен рақам.

Турфа ҳарфлар бирла ул лавҳи хаёл,  
Ичра ёзгайсен лиқову хатту хол.

315 Менки йўқлик ичрамен, борлиқдамас,  
Кўп эрур йўқлик вафоси менга, бас.

Хат ўқитди, чизди сувратларни чун,  
Токи тадбирларни қилгайсен якун.

ЛАВҲИ МАҲФУЗНИНГ ТИМСОЛИ, ҲАР  
КИМСАНИНГ КУНЛИК НАСИБИ ҚАНЧА БЎЛСА,  
УНИНГ АҚЛУ ИДРОКИ ЛАВҲИ МАҲФУЗДАН У  
ҚАДАР ОЛИШИ, ШУНИНГДЕК ЖАБРОИЛ  
АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ЛАВҲИ АЪЗАМНИ ҲАР  
КУНИ БИР ЎЗГАЧА ИДРОК ЭТИШИ

Ақлу идрок ҳам малакдек ҳар сабоқ,  
Лавҳи Маҳфуз сўзидин олгай сабоқ.

Сен адамда бўйла таҳрирларни кўр,  
Ҳар сўзи савдойиларни гангитур.

Ул бирига боқки, бир андишада,  
Ахтарур ганжи ниҳон ҳар гўшада.

320 Бошқаси кўнглида андоқ бир шукуҳ,  
Тоғда маъданларни топсам, дейди у.

Ўзгаси фикри, хаёли ўзгадир,  
Денгиз остига тушиб, излайди дур.

Ул бири роҳиб, ибодатхонада,  
Бул бири деҳқон, зироатхонада.

Йўлтўсар айлайди қочмоқни хаёл,  
Дору дармонларни ўйлар хастаҳол.

Чодир ичра гар парихондир бири,  
Кўкда юлдузлар-ла сайрондир бири.

325 Мухталиф эрмиш амаллар, не ажаб,  
Ичдаги рангин хаёллардир сабаб.

Ул бирига бул бири ҳайрон эмиш,  
Бул бирини ул бири нодон демиш.

Ул хаёллар бўлса эрди мўъталиф,<sup>29</sup>  
Бул амаллар бўлмас эрди мухталиф.

Қиблайи жонларни пинҳон этдилар,  
Ул сабабдин ҳар тараф юз тутдилар.

ФЕЪЛ - АЪМОЛЛАРДАГИ ТАФОВУТЛАР НАМОЗ  
ВАҚТИ ҚОРОНҒУЛИҚДА ҚИБЛАНИ  
ҚИДИРГАНЛАР ҚОЛИГА ЁКИ ДЕНГИЗ ТУБИГА  
ТУШИБ, ИНЖУ ИЗЛАГАНЛАР АҲВОЛИГА  
ЎХШАР

Бўйла бир қавм излагайлар қиблани,  
Тун аро ҳар ерда билгайлар ани.

330 Каъба бўлганда намоён субҳидам,  
Ошкор бўлгай хатоликлар у дам.

Сувга шўнғир ёки ғаввослар шитоб,  
Не илашса қўлга, олгайлар шу тоб.

Гавҳару дурри самин пойлар улар,  
Неки учрар, халтага жойлар улар.

Сўнгра денгиздан чиқарлар, кўр ани,  
Маълум ўлгай унда ҳар не топгани.

Ул бирида марварид-бир томчи ёш,  
Бул бири илкида лекин майда тош.

335 Ҳоказо яблуҳуму бис-соҳира,  
Фитнау зоту фитизоҳ қоҳира.<sup>30</sup>

Бўйлаким ҳар қавм чун ҳайронадир,  
Битта шамнинг бошида парвонадир.

---

<sup>29</sup> Мўъталиф - дўст, улфат, уйғун.

<sup>30</sup> Уларни қаҳр этиб уйғотувчи, ёмонликларини юзларига солувчи имтиҳон ҳам шу йўсинда келгай.

Ўзни бир оташда этгайлар кабоб,  
Балки ул оташни этгайлар тавоб.

Келди оташдин ўшал Мусога бахт,  
Яшнади оташга чулғанган дарахт.

Гоҳи учқун сачраса, сўйлар ҳама,  
Бўйлаким оташ гумон айлар ҳама.

340 Субҳидам лекин келаркан, кўрсатур:  
Не сифат шамдир, нечук парвона ул.

Кимни куйдирмиш магар шамъи ҳаёт,  
Унга бахш этгусидир саксон қанот.

Неча бир парвона борким, кўз юмиб,  
Ул сўник шам остида ётгай куйиб.

Ўртанурлар юз пушаймонлик аро,  
Во дариг, кўзларни босмиш деб қаро.

Шам дер: ёнмоқни билгаймен, холос,  
Бас, нетиб оташдин этгаймен халос.

345 Шам йиғлар боз: адодирмен, ўчиқ,  
Ўзгаларга шуъла сочгаймен нечук?

### “БЎЙЛА БАНДАЛАРГА ҲАСРАТ-НАДОМАТ БЎЛГАЙ” ОЯТИНИНГ ТАҒСИРИ<sup>31</sup>

Чун кўриб парвона шамнинг ҳолини,  
Дерки, кеч билдим унинг аҳволини.

Шам сўнмиш, бода битмиш, дилрабо  
Биз гилайкўзларга боқмас бир қиё.

Заллатал-арбоҳу хусран мағрамо,  
Таштаки шиква илаллоҳил-амо.

---

<sup>31</sup> Қуръони карим, Ёсин сураси, 30-оятга ишорат.

Хаббазо арвоҳи ихвонин сиқот,  
Муслимотин мўминотин қонитот.<sup>32</sup>

350 Гар бировлар ўзни ҳар ён урдилар,  
Лек эранлар юзни Ҳаққа бурдилар.

Ҳар кабутар этди парвоз бир тараф,  
Бул кабутар учди аммо бетараф.

Номимизни элда анво қуш демиш,  
Бизга бўлмишдир емишсизлик емиш.

Ризқимиз мўлдир, чу ун-урвоғимиз,  
Тўн тикишдир бизга тўн йиртмоғимиз.

#### ФАРАЖИНИНГ ФАРАЖИ АТАЛИШИНИНГ ИЛК САБАБИ

Сўфини босмишди андоқ гам-ҳараж,  
Яктагин йиртди, магар топди фараж.<sup>33</sup>

355 Сўнг ўшал йиртиқ аталди фаражи,  
Эр қутилди, бўлди ул марди нажи.<sup>34</sup>

Шайхга тегди асли, андоқ баҳраси,  
Элга қолди номи, бундоқ қуйқаси.

Бўйлаким ҳар ишда бордир бир сафо,  
Қуйқа янглиғ номи қолгай эл аро.

Кимки тупроқхўр, анга-гарду губор,  
Сўфининг топғони софдир, беғубор.

---

<sup>32</sup> Фойдаю зарарларинг битта бўлди, энди кўрликдан шикоят қилавер. Аммо мўмин, мумулмон бандаларнинг жонлари нақадар гўзалдир.

<sup>33</sup> Бу ерда сўз ўйини бор: сўфи фаражи-яктагини йиртиб, гамдан фараж топди, яъни, халос бўлди...

<sup>34</sup> Марди нажи - қутилган эр.

Ноилож дер: қуйқада софлик ҳамон,  
Кўнгли кетгайдир мусаффолик томон.

- 360 Қуйқадир, софдирки, хурмо бил ани,  
Қуйқаси - хом эрса, софи-пишгани.

Ноумид бўлма, эмассен бенажот,  
Чун ўлимдин сўнгра келгайдир ҳаёт.

Руҳ истарсен, тўнингни йирт жадал,  
Сўнгра софлик бирла сен ҳам бош кўтар.

Улки сўфийдир, сафо этгай талаб,  
Йўқ магар соф ҳирқаю рафторда гап.

Пастлар наздида сўфийлик тамом  
Соф кийим, ўғлончиликдир, вассалом.

- 365 Бўйлаким софлик хаёли, номи нек -  
Рангига кирмоқ ёмонмасдир ва лек.

Яхшидир етсанг агарда аслига,  
Сажда этмасдан хаёллар васлига.

Боқ, йўлингда чодири ҳусну жамол,  
Тўхта, деб тўсгай йўлингни бир хаёл.

Ул дегайким, юрма ортиқ, йўл йўқ,  
Йўлларингда қўллагувчи қўл йўқ.

Лекин ул огоҳу чин ҳушёр, бас,  
Бул хаёл ваҳмига парво айламас.

- 370 Ўйлама, чун кимса йўл узра турар,  
Шоҳ ўқин ул кўрсатар-да, йўл юрар.

Бул дили саргаштага тадбир бер,  
Бул камонларким эгилмиш, тир бер.

Ул эранлар жомидин лутф кўргиза,  
Журъае тўқдинг шаробинг ер уза.

Чун гўзаллар ҳусни-андиндир нишон,  
Шоҳлар тупроқ ялайдирлар чунон.

Тушди тупроққа магар бир учқуни,  
Кеча-кундуз эл ҳама ўпгай уни.

375 Журъаси девона этгай дилни, бас,  
Ҳўпласа, кўнгилни нелар айламас.

Бир кесак олдида эл масту хароб,  
Чун тўкилмиш унга бир қултум шароб.

Бир ютум ичмиш ул Офтобу Ҳамал,  
Бир ютум ул Аршу Курсию Зуҳал.

Бир ютум дейми уни ё кимийё,  
Баҳрасига сўнгра бергайсен баҳо.

Эй биродар, излагил, ахтар ани,  
Пок, мусаффолар симиргайлар ани.<sup>35</sup>

380 Бир ютум ичмишди зар, лаълу гуҳар,  
Бир ютум ичмиш ҳама нуқлу самар.

Бир ютум ичмиш ҳама ҳусну латоф,  
Не ажабдир бода ул жом ичра соф.

Биз ялаб тупроқ, билурмиз тотини,  
Не бўлур кўрганда асли зотини?

Чун ажал етганда бир қултум сафо  
Айрилур буткул, бўлур тандин жудо.

Неки қолгай бунда, кўмгайсен шитоб,  
Лош эрур, жонсиз жасад, бузғун, хароб.

---

<sup>35</sup> Қуръони карим, Воқеа сураси, 79-оятга ишорат.

385 Жон жасадсиз энди кўрсатгай жамол,  
Мен нечук сўйлай, нечукдир ул висол.

Ой булутсиз сочса кўклардин зиё,  
Шарҳини этгайму элда бир киё.

Не ажаб ошхона тузмиш, кўр ани,  
Унда подшолар ялайдир косани.

Не гўзал ул хирмани саҳройи дин,  
Ўзга хирмонлар - ўшандин доначин.<sup>36</sup>

Умрининг дарёсиким беғам эрур,  
Етти дарё унга чун шабнам эрур.

390 Шўрлаган тупроққа соқийи Аласт,  
Бир ютум гулгун шаробни тўкди, бас.

Жўшди тупроқ, бизни маст этди, мана,  
Бир ютум бер доғи, ёндирсин яна.

Жоиз эрдиким, адамдин чектим ўт,  
Жоиз эрмас бўлди, этгаймен сукут.

Эрди ҳирс ғози бу, сарсон кўйма-кўй,  
Сен Халилдин ибрат ол-да, ғозни сўй.

Ғозда гар бор эрди ўзга хайру шар,  
Бошқа сўз айтмоққа қўрқармен магар.

#### ТОВУСНИНГ СИФАТИ ВА ТАБИАТИ, ИБРОҶИМ АЛАЙҲИССАЛОМ ТОВУСНИ СЎЙГАНИ БОИСИ

395 Ул товуским рангда кўрсатгай кучин,  
Жилва этгайдир нуқул шуҳрат учун,

Халқни овлайди этаркан хайру шарр,  
Фойдаси бўлгайму, билмас, беҳабар,

---

<sup>36</sup> Доначин - бошоқ.



Бехабар бўлгай магар овдин тузоқ,  
Муддаодин айру, мақсаддин узоқ.

Овламоқдин унга не нафу зиён,  
Беҳуда бу ишга ҳайронмен тамом.

Эй биродар, орттириб кўп дўсту ёр,  
Сен ўзинг кечдинг улардин неча бор.

400 Ўйлаким, дунёда ов бўлди ишинг,  
Сайди мардум айламоқдир қилмишинг.

Кеч ўшал сайду шикорлардин, магар,  
Шунчалар елдинг, югурдинг, не самар?

Кечди кун, оқшомга кундуз тутди юз,  
Сен эса ов бирла мағулсен ҳануз.

Бирни тутдинг, бирни қўймоғинг нима?  
Бирни қўйдинг, бирни сўймоғинг нима?

Сўнг яна тутмоққа этгайсен жадал,  
Қўй бу савдоларни, бўлма беҳабар.

405 Кеч кирар, йўқдир тузоқда ов сенга,  
Ўз тузоғингдир магар алдов сенга.

Овнимас, сен ўз-ўзингни овладинг,  
Ўз-ўзингни банди зиндон айладинг.

Ўзни овловчи жаҳонда эрта-кеч,  
Биз каби ахмоғу нодон борму ҳеч?

Даҳр аро чун тўнғиз овлайдир авом,  
Заҳмати кўпдир, ўзи буткул ҳаром.

Овласанг, ишқ овла шу дунёда, бас,  
Лекин ул дому тузоқни хушламас.

410 Истасанг етмоқ муҳаббат жомига,  
Қўй тузоғингни, ўзинг туш домига.

Ишқ шивирлайдир қулогимга нуқул;  
Сайд бўлиш сайёд бўлишдин яхшидир.

Мен демасменким, ўзингга ғарра бўл,  
Қўй қуёшликни, жаҳонда зарра бўл.

Эшигим маскан тутиб, фарзона бўл,  
Шам дема сен ўзни, бир парвона бўл.

Бўйлаким еткай дилингга зиндалик,  
Подшоликка етаклар бандалик.

415 Унда англарсен, не эрмиш наъли чап,<sup>37</sup>  
Тахтабандонларга “шоҳ” эрмиш лақаб.

Бас, томоғингда ипинг бор - тожи дор,  
Халқ уни подшо атайди, тождор.

Қабри кофир сиртда сокиндир магар,  
Ичда лек қаҳри Худойи иззу жал.

Чун қабрлардек: суванмишлар шитоб,  
Юзларида пардаи шақдин ниқоб.

Таъби мискининг ёпинмишдир ҳунар,  
Мум оғоч янглиғ у бебаргу самар...

---

<sup>37</sup> Наъли чап - изни адаштириш учун от туёғига тескари қоқилган тақа. X Қуръони карим, Мулк сураси, 2-оятга ишорат.

ТАНГРИ ЛУТФИНИ ҲАР КИМСА БИЛАР,  
ҚАҲРИНИ ҲАМ. ҲАР КИМСА ТАНГРИ ҚАҲРИДАН  
ҚОЧИБ, ЛУТФИГА СИФИНАР. ФАҚАТ ҲАҚ ТАОЛО  
ҚАҲРИДА ЛУТФИНИ, ЛУТФИДА ҚАҲРИНИ  
БЕКИТМИШ. БУ - ТЕСКАРИ ҚОҚИЛГАН ТАҚА,  
ТАНГРИНИНГ МАКРИДИР. ШУ ЎРИНДА ОЛЛОҲ  
НУРИ ИЛА НАЗАР ЭТУВЧИ АҲЛИ ТАМИЗ БИЛАН  
ФАҚАТ ЗОҲИРНИ КЎРУВЧИЛАР БИР-  
БИРЛАРИДАН АЙРИЛУРЛАР. АМР  
ЭТИЛМИШКИМ, ҚАЙ БИРИНГИЗ ЯХШИРОҚ  
АМАЛ ҚИЛУВЧИСИЗ, ДЕЯ СИЗНИ ИМТИҲОН  
ҚИЛУРМИЗ...

420 Сўрди дарвеш ўзга дарвешданки, ҳайт,  
Ҳазрати Оллоҳни сен кўрдингми, айт...

Деди: кўрдим Ҳақни бечун, баҳри ҳол,  
Мухтасар васфини сўйлар шу мисол:

Сўл қўли ёқда олов, озар эди,  
Ўнг қўли ёқда суви Кавсар эди.

Сўл қўли ёқда жаҳонсўз оташи,  
Ўнг қўли ёқда зилоли, дилкаши.

Бир гуруҳ чўзмиш эди оташга даст,  
Бир гуруҳ ирмоқ бўйида шоду маст.

425 Лек ўйин эрди бу ҳар соат сайин,  
Бахтлию бадбахтни мот этган ўйин...

Ҳар киши отшга киргайдир ҳамон,  
Бош чиқаргай эрди сувдин шу замон.

Ҳар кишиким сувга шўнғиб, жо эди,  
Шул замон оташ аро пайдо эди.

Ўнг тарафда сувга киргайдир киши,  
Сўлда оташ ичра тургайдир киши.

Сўл тарафда ўтга кирса одаме,  
Ўнг тараф, сув ичра эрди шул даме.

430 Бу буюк асрорни ҳар ким билмади,  
Шул сабабдин ўтга ҳар ким кирмади.

Қай кишининг очса бахт-иқболи гул,  
Сувгамас, оташга киргай эрди ул.

Қўлдаги нақдини маъбуд этди халқ,  
Алданиб, чун ўзни нобуд этди халқ.

Саф чекиб, ўтдин қочиб, асру хароб,  
Сув сари бормоққа этгайлар шитоб.

Бош кўтаргайлар оловдин сўнг улар,  
Эътиборул-эътибор, эй беҳабар...

435 Қичқирар оташки, эй нодону гўл,  
Оташ эрмас, чашмадирмен, мавжи мўл.

Мендадир кўзбоқчилик, сеҳри ниҳон,  
Кел, оловдин сенга етмайдир зиён...

Эй Халил, йўқ бунда оташ, дуд магар,  
Кўрганинг ул ҳийлайи Намруд магар.

Сен Халили Ҳақ эсанг, фарзонасен,  
Оташинг сувдир, ўзинг парвонасен.

Жони парвона фақат солгай нидо:  
Бир эмас, юз минг қанотим бўлса, оҳ.

440 Ёндирардим мен уларни беомон,  
Кўнгли кўрлар токи кўрсинлар, дебон.

Раҳм этар жоҳил шу жоним ҳолига,  
Мен ачингаймен унинг аҳволига.

Ўтқу сувнинг жони эрмиш, кўр ани,  
Не этар парвона, этгум аксини.

Ул кўриб нурни шаҳиди нор эрур,  
Дил кўриб ўтни, асири нур эрур.

Бўйла бир иш кўрсатур Рабби жалил,  
Токи кўргил, ким эмиш қавми Халил.

445 Гар оловлар суврат ичра сув эмиш,  
Оташ ичра чашма солгайдир кумуш.

Бир лаган пишган гуручни соҳир ул,  
Бир лаган қурт дуб умумга кўрсатур.

Холи эрди уй чаёнлардин, аён,  
Сеҳри ила гиж-гиж аён бўлди чаён.

Жодугарлар сеҳри гар эрса чунин,  
Не эмиш ул сеҳри жодуофарин.<sup>38</sup>

Сеҳри Яздон бўлди, эрлар қотдилар,  
Худди хотиндек тўшакка ётдилар.

450 Жодугарлар гарчи эрмишди ғулом,  
Бўлдилар қушдек асири банди дом.

Ол, ўқи Қуръонни, ул сеҳри ҳалол,  
Ҳийла тоғига нечук бермиш завол.<sup>39</sup>

Фиръавнмасманки, борсам суйи Нил,  
Ўзни мен оташга ургум чун Халил.

Оташ эрмасдир ўшал, сувдир, сарин,  
Макр ила сув ҳам оловдир, оташин.

---

<sup>38</sup> Жодуофарин - жоду яратувчи, яъни, Тангри таоло.

<sup>39</sup> Қуръони карим, Ҳуд сураси, 42-оятга ишорат.

Хуш демиш қандоқ Расули дилнавоз:  
Зарра ақлинг садқаси савму намоз.<sup>40</sup>

- 455 Жавҳаринг-ақлинг, ул иккидир - араз,<sup>41</sup>  
Ақли комил бирладир ул икки фарз.

Нур-жило лозим ўшал ойнага,  
Сўнгра тоат ҳам сафодир сийнага.

Ойна эрса магар аслан бузуқ,  
Нур-жилолар бирла бўлмайдир тузук.

Бошданоқ эрса жило пайваст анга,  
Озгина сайқал-да етгай, бас анга...

МУЪАТАЗИЛА АҲЛИ ДЕРЛАРКИМ, ЖУЗВИЙ  
АҚЛЛАР АСЛАН ТЕНГ, БАРОБАРДИР, ТАЪЛИМ,  
ТАРБИЯ ВА ТАЖРИБА ИЛА ТАФОВУТ МАЙДОНГА  
ЧИҚАР. ҲОЛБУКИ АҚЛЛАР ТАФОВУТИ АСЛАН  
ЯРАТИЛИШДА, ФИТРАТДАДИР

Боқ, ақлларда тафовут бор неча,  
Бир тафовутларки, ердан кўккача.

- 460 Бор ақлларким, чу курси Офтоб,  
Бор ақлларким, чу Зуҳрову Шаҳоб.

Қай бириси шам каби мудроқ эрур,  
Қай бири юлдуз каби порлоқ эрур.

Олдин кетса булутлар, ул ҳамон,  
Ҳақ нурин кўргувчи бўлгай бегумон.

Ақли жузв оқилни бадном айлади,  
Коми дунё мардни ноком айлади.

---

<sup>40</sup> "Одамнинг дини-ақлидир, ақли йўқнинг дини йўқдир" (ҲА-ДИС).

<sup>41</sup> Араз - ташқи аломат.

Боқса сайёд ҳуснига ул мот бўлиб,  
Чекди бул сайд қайгусин сайёд бўлиб.

- 465 Хизмат айлаб, етди маҳдумликка ул,  
Миннат айлаб, тушди марҳумликка бул.

Фиръавнлик қилди, сурди сув уни,  
Юзта Суҳроб бўлди сибтий тутқуни.

Терс ўйинда бандидир фарзин киши,  
Ҳийла кам-кам қил, ишинг иқбол иши.

Бойлама ҳийла, хаёлдин торни,  
Ки Ғаний кўп хушламас маккорни.

Макр этарсен, айла хуш хизмат аро,  
То нубувват топгасен уммат аро.

- 470 Макр этиб, бўл макри борингдин халос,  
Макр этиб, бўл жисми хорингдин халос.

Макр этиб, то камтарин бир банда бўл,  
Хизмат айлаб, соҳибу арзанда бўл.

Бўри эрсанг, тулкиликлар айлама,  
Соҳибу сарвар бўлишни ўйлама.

Ўзни чун парвона янглиғ ўтга ур,  
Ўйнасанг, фирромлик этмай ўйнагил.

Қўй кучингни, зору нолон йиғлагил,  
Йиғлаганга раҳм этурлар, англагил.

- 475 Зору ташна маънавийлар йиғлагай,  
Макр этиб, аҳли ғавийлар йиғлагай.

Йиғласа ихвони Юсуф, ҳийладир,<sup>42</sup>  
Рашк, ҳасад этгувчи ҳоли бўйладир...

---

<sup>42</sup> Ихвони Юсуф - Юсуф оғалари.

ХУРЖУНИ ТЎЛА НОН БЎЛАТУРИБ, ИТИГА БИР  
БУРДА НОН БЕРМАГАН, ИТИ ОЧЛИҚДАН  
ЎЛГАЧ, ЎЗИНИ УРИБ, МАРСИЯЛАР АЙТИБ,  
ЙИҒЛАГАН АРАБ ҲИКОЯСИ

Жон берар эрди ити, унга қараб,  
Вой, итим, дерди-да йиғларди араб.

Бир тиланчи сўрдиким, эй бағри хун,  
Сўйлагил, бул оҳу фарёдинг нечун?

Дедиким, содиқ итим бор эрди, ҳай,  
Жон берар йўл узра бундоқ, не қилай?

480 Кундуз овчим, кечалар соқчим эди,  
Ўғрилар йўлига пойлоқчим эди.

Сўрди: етмишму магар захму зиён?  
Дедиким, очликдин ўлгайдир ҳамон.

Деди: сабр айла машаққатларга, бас,  
Лутфи Оллоҳдин етишгайдир эваз.

Сўрди сўнгра: хуржунингда, эй хўжам,  
Не эмишдир, қаппайибдир мунча ҳам.

Дедиким, йўл озигим бул, не эмиш,  
Нону гўшт бирлан яна анво емиш.

485 Итга ҳам берсанг-чи андин бир адад?  
Деди: йўқдир менда лутфу марҳамат.

Йўлда пулсиз, ақчасиз келмайди нон,  
Кўздаги ёшим текиндир, ройгон.

Деди: эй бошинга тупроқ, ҳўппа меш,  
Нон сенга кўз ёшидин авло эмиш.

Кўзда ёшинг қон эрурким, сув эмас,  
Бурда нонинг қон тўкишга арзимас.



Куллини хор айламишди ул билис,  
Куллининг ҳар парчаси эрди хасис.

490 Мен қулидирмен аниким, баҳри жуд,  
Шоҳдин ўзга кимсага сотмас вужуд.

Йиғласа, кўк ҳам фиғону дод этар,  
Инграса, чарх нолаю фарёд этар.

Мен қулидирмен аниким, нурпош,  
Кимиёдин ўзгага эгмайди бош.

Сен шикаста дил била этгил дуо,  
Ки шикаста дилдадир фазли Худо.

Тор қудуқдин гар қутулмоқ истасанг,  
Эй биродар, ўзни ур оташга сен.

Ҳақ макрин кўр-да, макринг ташлагил,  
Эй кўриб макрингни, маккорлар хижил.

Йўқ этур макрингни буткул макри Раб,  
Очилур қаршингда даргоҳи ажаб,

Бўйла даргоҳдирки ул мулки бақо,  
То абад унда уружу иртиқо. <sup>43</sup>

ИНСОНГА ЎЗИГА МАҲЛИЁ БЎЛИБ БОҚҚАН ЎЗ  
КЎЗИДАН ҲАМ ЁМОНРОҚ ТАҲЛИКАЛИ КЎЗ  
БЎЛМАС. ЛЕКИН “МЕН ИЛА ТИНГЛАР ВА МЕН  
ИЛА КЎРАР” СИРРИГА ЕТИБ, БОРЛИҒИ  
БОРЛИҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛИБ, КЎЗИ ҲАҚ НУРИ  
ИЛА ЁРИШГАН БЎЛСА, У БОШҚА ГАП

Сен оёққа боқ, қанотга боқма, ҳай,  
То ёмон кўзлар оёқдин олмагай.

---

<sup>43</sup> Уружу иртиқо - кўтарилиш, юксалиш.

Тоғни силкитгай ёмон кўз таъзийқи,  
“Юзликү”ни ол-да, Қуръондин ўқи.<sup>44</sup>

500 Ул Муҳаммад ҳам жаҳонда тоғ эди,  
Қуп-қуруқ йўл узра тойди, мункиди.

Бир нафас қолди таажжуб ичра ул,  
Дедиким, эрмас магар беҳуда бул.

Келди оят шунда, огоҳ айлади,  
Бул-ёмон кўз касридир, деб сўйлади.

Сендин ўзга бўлса, ло бўлгай эди,  
Ул ёмон кўздин фано бўлгай эди.

Исматим етди ҳимоят айлабон,  
Тойганинг эрди фалокатдин нишон.

505 Ибрат ол тоғ ҳолидин, эй майда чўп,  
Сен ўзингни элга кўз-кўз этма кўп.

**“КОФИРЛАР СИЗНИ КЎЗЛАРИ БИЛАН  
ҚУЛАТИБ, ҲАЛОҚ ЭТИШЛАРИГА ОЗ ҚОЛДИ”  
ОЯТИНИНГ ТАФСИРИ**

Эй Расулиллоҳ, одамлар бор чунон,  
Кўз била калхатни ўлдиргай ҳамон.

Кўз била ҳаттоки шерни тиглагай,  
Тигланиб кўздин, арслон йиғлагай.

Тевага ташлаб нигоҳин бир ҳумом,<sup>45</sup>  
Ортидин сўнгра юборгайдир гулом.

Ёғидин келтур, дегай, ош этгулик,  
Қул кўрар ул тевани йўл узра мук.

<sup>44</sup> Улар кўзлари билан сизни йиқитишларига оз қолди. Қуръони карим, Қалам сураси, 51-52- оятларга ишорат.

<sup>45</sup> Ҳумом - оқсоқол, қария.

- 510 Пойгада отлардин ўзгай эрди то,  
Хасталик боис бўлиб, бошдин жудо.
- Шум ҳасад боис бўлиб бешубҳа-шак,  
Тўғри эрмас, эгри айлангай фалак.
- Сув ниҳон эрса, чиғирдир ошкор,  
Лек чиғир тортишда сувдир эътибор.
- Ҳар ёмон кўзнинг даъвоси яхши кўз,  
Ҳар хунук кўзнинг балоси яхши кўз.
- Яхши кўзлар лутфу раҳматдин келур,  
Лек ёмон кўз қаҳру лаънатдин келур.
- 515 Раҳмати қаҳридин афзундир мудом,  
Ҳар Набий зиддига устундир мудом.
- Чунки ул-эҳсону раҳмат ҳосили,  
Душмани-озору лаънат ҳосили.
- Ғозда бир ҳирс, унда эллик иштаҳо,  
Ҳирси шаҳват-мору мансаб-аждаҳо.
- Гарчи ғоз ҳирсини дерсан зарра кўп,  
Мансаб ҳирси лек йигирма карра кўп.
- Ул улуҳият юзидин лоф урар,  
Ширкат истар, авф этилгайму магар?
- 520 Зиллати одам эрур-нафси бало,  
Зиллати иблис - такаббурлик ва жоҳ.
- Гарчи Одам деди зуд: авф айлагил,  
Тавбадин бош тортди иблиси залил.
- Нафси шаҳват гарчи кўп тубан эрур,  
Ҳирси мансаб неча тубанроқ турур.

Ҳирси мансаб васфини айтсам магар,  
Янги бир дафтар менга лозим бўлар.

Эл асов отларни шайтон дейди, бас,  
Дашт аро юргувчи тулпорларнимас.

525 Шайтанат - саркашлик асли, дер луғат,  
Неча минг лаънатга лойиқ бул сифат.

Юз киши бир суфрадин нон ейди, ҳай,  
Икки подшо бир жаҳонга сиғмагай.

Ўртада кину адоват, қаҳри хун,  
Ўгли ўлдиргай отосин тахт учун.

Эл сўзи бордирки, подшолик-қисир,  
Тожу тахт деб аслу наслин ҳам кесур.

Чун қисирдирким, бирор фарзанди йўқ,  
Мисли ўтдир, жонига пайванди йўқ.

530 Неки топгай, ёндириб, кул айлагай,  
Бир куни ўзни-да ютгай, ямлагай.

Ҳеч бўлиб, сен ҳам қутул дандонидин,  
Кутмагил шафқат дили сандонидин.

Ҳеч эсанг, қўрқма, зиёне айламас,  
Фақри мутлақдин ҳамиша тингла дарс.

Ал-ваҳиятдир либоси Зул-Жалол,  
Ким уни кийгай, анга эрмиш вубол.

Тож унингдир, бизга хизматдин камар,  
Вой унинг ҳолигаким, ҳаддин ошар.

535 Шул товус болу паринг эрмиш синов,  
Ўт синовдин, этма кўп даъвою дов.

БИР ТОВУС ЎЗ ТУМШУҒИ БИЛАН ПАТЛАРИНИ  
ЮЛҚИБ, ЎЗИНИ ТАҚИР ВА ХУНУК БИР ҲОЛГА  
СОЛГАНИ, БУНИ КЎРГАН ҲАКИМ ҲАЙРАТГА  
ТУШИВ, ЎЗИНГА РАҲМИНГ КЕЛМАЙДИМИ,  
ДЕБ СЎРАГАНИ. ТОВУС, ЎЗИМГА РАҲМИМ  
КЕЛАДИ, АММО ЖОНИМ ПАРИМДАН  
АЗИЗРОҚДИР, ПАРЛАРИМ - ДУШМАНИМДИР,  
ДЕБ ЖАВОБ БЕРГАНИ

Бир ҳаким сайри чаманга бурди юз,  
Парларин юлқирди унда бир товус.

Кўрди-да, сўрди товусдин шул замон:  
Нега юлқирсен патингни беомон?

Бўйла патларким, гўзал, анво, сучук,  
Сен юлиб, тупроққа отгайсен нечук?

Парларинг-ёрқин, музайян, дилрабо,  
Жумла ҳофизлар қўяр Мусҳаф аро.

540 Парларинг берсин фароғат ҳам севинч,  
Деб гўзалларга ясарлар елпуғич.

Ношукурлик бул магар, авбошим,  
Билмагайсенму унинг наққоши ким?

Ё биларсан-да, турарсен ноз этиб,  
Сен атайдан ишваю гаммоз этиб.

Бас, оширма ҳаддидин, бўлгай гуноҳ,  
Сен сари солмас назарни сўнгра шоҳ.

Нозланиш гарчи ширин эрмиш, шакар,  
Айлагил кам-камки, келтиргай зарар.

545 Эминободдир магар руҳи ниёз,  
Сен ниёзни танла, лек тарк айла ноз.

Нозанинлар неча силкиб парру бол,  
Оқибат ул нозлари бўлмиш вубол.

Ноз магарким гоҳ кўтаргайдир сени,  
Лек қулочлаб ерга ургайдир сени.

Ёлворишлар танни лоғар айлагай,<sup>46</sup>  
Лекин ул дилни мунаввар айлагай.

Мурдадин ҳайдар тирик жонларни бот,  
Кимки ўлгайдир, билур роҳи рашод.<sup>47</sup>

550 Зиндадин ҳам фориг айлар мурдани,  
Мурда бирла сўнгра нафси зиндани.

Мурда бўл, то махражул-ҳаййус самад,  
Зиндалик берсин сенга, лутфи абад.

Қаҳратон қиш бўл, баҳорни кўзлагил,  
Кеча бўл, субҳу наҳорни кўзлагил.

Парларингни юлма кўп, ирғитма ҳам,  
Юзларингга урма тирноқ, эй санам.

Бўйла бир юздирки ул шамси зуҳо,  
Бўйла рухсорга яро солмоқ хато.

555 Урмагил тирноқ, бу кофирлик эрур,  
Ул қамар юз ҳажрида ой йиғлаюр.

Ё ўзинг ҳам кўрмагандирсен ани,  
Ташла бу феълу лужожандишани.<sup>48</sup>

---

<sup>46</sup> Лоғар - ориқ.

<sup>47</sup> Роҳи рашод - тўғри йўл.

<sup>48</sup> Лужожандиша - ўжар, саркаш.

УЛ ҲАҚДАКИМ, НАФСИ МУТМАИННАНИНГ  
СОФЛИГИ, ТОЗАЛИГИ ФИКРЛАР ИЛА ХИРА  
ТОРТГАЙ. БЎЙЛАКИМ, ОЙИНАГА БИРОР НАРСА  
ЁЗСАНГ ЁХУД РАСМ СОЛСАНГ, УНИ ЎЧИРГАНДА  
ҲАМ ИЗИ ҚОЛУР<sup>49</sup>

Нафси мутмаиннаким, жисмингда ул,  
Фикратинг тирноғи бирлан тирналур.

Ул ёмон фикрингки тирноқдир сенга,  
Тирнагай жонингни, қийноқдир сенга.

Сен тугун солмоқни этгайсен хаёл,  
Кўп азият чекма, ечмоғинг маҳол.

560 Ул тугунни сен ечилмиш бил бугун,  
Чунки ул гоятда қаттиқ бир тугун.

Гар тугун ечмоққа сарф этдинг умр,  
Бир эмас, балки ечилди неча сир.

Бир тугун бўғзингда борким, ўйла, айт,  
Хору хасдирсенму ёхуд некбахт?

Шул тугунни еч, эсанг гар одаме,  
Ҳар дамнинг харж айла унга ҳар даме.

Билсанг аёёну аразни, яхши ул,  
Лекин ўз ҳаддингни билмоғинг зарур.

565 Билгач ўз ҳаддингни, қочгил сен бадар,  
Олами беҳадга боргил, эй башар.

Ташвишу койиш аро учгай умр,  
Майда-чуйда гап била кечгай умр.

Бенатижа эрса умринг, йўқ ҳисоб,  
Не натижа сенда, этгил сарҳисоб.

---

<sup>49</sup> Нафси мутмаинна - кир-ғубор ва ҳар нечук гуноҳлардан  
фориг, пок, мусаффо нафс.

Маснуву сонъни бир деб ўйладинг,<sup>50</sup>  
Сен қиёс бирлан қаноат айладинг.

Гар далилларни кўпайтар фалсафий,  
Лек уларни четга отгайдир сафий.

570 Бул бирига на далилу на ҳижоб,  
Бошини ул ичга тортгайдир шитоб.

Унга гар ўтдин далил эрмиш тутун,  
Хуш эрур оташга кирмоқ биз учун.

Хуллас, ул ўт-маҳсули қурбу вало,<sup>51</sup>  
Ул тутунлардин яқинроқдир манго.

Бормагил ҳаргиз тутунларга томон,  
Бул магар жондин кечишдир, беомон.

ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ  
“МУСУЛМОНЧИЛИҚДА РОҲИБЛИК ЙЎҚДИР”  
СЎЗИНИНГ ТАҒСИРИ

Болу пар юлма, қўнгилни узки, ул,  
Ки жиҳод этмоққа ёв лозим эрур.

575 Гар адув йўқдир, жиҳод эрмиш маҳол,  
Шаҳватинг йўқса, не эрмиш имтисол?<sup>52</sup>

Не эмиш сабр, йўқса майлингга ривож?  
Йўқса ёв, хайлингга борму эҳтиёж?

Роҳиб ўлма, солма жонингга гаров,  
Иффатингга шаҳват эрмишдир гаров.

Гар ҳаво йўқса, ҳаволанма, демас,  
Мурдалар бирлан курашмоқ шарт эмас.

<sup>50</sup> Маснуъ - санъаткорона яратилган нарса.

<sup>51</sup> Сонъ - яратувчи, санъаткор.

Қурбу вало - яқинлик ва муҳаббат.

<sup>52</sup> Имтисол - фармонга бўйсиниш.



Анфиқу, дедики, этгил касби кор,<sup>53</sup>  
Касби корсиз хайру эҳсон кимда бор?

580 Анфиқу, демиш агарчи мутлақ у,  
Сен ўқи чун: аксабусам анфиқу.<sup>54</sup>

Сабр этингиз, деди, бул фармон эмиш,  
Майлу рағбатдин ўзингни тий, демиш.

Бас, кулу - гар далдаи шаҳват эрур,  
Лекин ул ло тусрафу - иффат эрур.<sup>55</sup>

Йўқса шаҳват, йўқ турур шаҳват иши,  
Ўзни андин четга олгайму киши?

Сабру бардош айламоқ заҳмат эрур,  
Лекин ул хайрул жазога шарт эрур.

585 На гўзал шартдир, на хушдир ул жазо,  
Ул жазойи дилнавозу жонфизо. .

### УЛ ҲАҚДАКИМ, ОШИҚ АМАЛИГА БЕРИЛГАН САВОБ ҲАҚДАНДИР ВА ҲАҚДИР

Ошиқ аҳлига севинчу ғам ўшал,  
Нақди хамён, ҳаққи хизмат ҳам ўшал.

Ёргамас, гар ўзгага шайдо эрур,  
Ишқ эмас, беҳуда бир савдо эрур.

Ишқ андоқ шуъладирким, барқ урар,  
Ёрдин ўзга ҳар не эрса, ёндирар.

Тийғи “ло”дин барча ўлмоғи тайин,  
Ўлмаган кимдир ўшал “ло”дин кейин?

<sup>53</sup> Анфиқу - муҳтожларни тўйдилинг.

<sup>54</sup> Иксибу сумма анфиқу - бир нарсага эга бўлиб, сўнг хайру эҳсон қилинг.

<sup>55</sup> Кулу - еб-ичинг.

590 Қолди Иллаллоқ, йўқолди ҳаммаси,  
Эй омон бўл, ишқ, кўнгил арзандаси.

Ишқ магар аввал эмишдир, охир ул,  
Битта кўргил ишқни, икки кўрмагил.

Ишқдин ўзга ҳусни жонон қайда бор?  
Жондин ўзга танга дармон қайда бор?

Жон аро гар иллат эрса ёширин,  
Ул асал бирлан баса бўлмас ширин.

Бул ажабни ул тирилганлар билур,  
Жоми жондин нўш қилганлар билур.

595 Улки ёрнинг қошу кўзин кўрмамиш,  
Тонг эмас, унга тутун ҳам жон эмиш.

Кимсаким Абдулазизни билмагай,<sup>56</sup>  
Йўқ ажаб, Ҳажжожни ул одил дегай.<sup>57</sup>

Кўрмагунча то Мусонинг морини,  
Чин дегайлар жодугарлар корини.

Қушки асло ичмамиш оби зилол,  
Шўр, тахир сувларга ургай парру бол.

Зидни зид ёнида билгайсен, аё,  
Дардқи келгай, унга изларсен даво.

600 Ложарам, дунё муқаддам келди, бас,  
Токи билгайсен ўшал қадри Аласт.

Бул жаҳондин ул жаҳонга қайтасен,  
Ул шукур уйида шукрон айтасен:

---

<sup>56</sup> Абдулазиз - уммавийлар сулоласига мансуб халифа, Пайгамбар авлоди, аҳли байтга кўп яхшиликлар қилган. одиллиги билан шуҳрат қозонган.

<sup>57</sup> Ҳажжож - Ҳажжожии золим, деб ном қозонган, Ҳазрати Али тарафдорларини қиргин-қирон қилган, ёвуз кимса, Ироқ волииси.

Унда тупроқларни мен сочдим неча,  
Бул жаҳони покдин қочдим неча.

Эй дариго, кошки олдинроқ ажал -  
Келса, чекмасдим азобим мунчалар.

ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ  
“ЎЛМАСДАН ТУРИБ, ЎЛИМИНИ ТИЛАГАН  
КИМСА, АГАР У ЯХШИ КИШИ БЎЛСА,  
ЯХШИЛИККА ЕТИШМОҚҚА ОШИҚҚАН, ЁМОН  
КИШИ БЎЛСА, ЁМОНЛИГИНИ КАМАЙТИРМОҚҚА  
ШОШИЛГАН БАНДАДИР” СЎЗИНИНГ ТАФСИРИ

Бўйлаким амр айламиш огоҳ Расул,  
Ҳар кишиким етса фурсат, ўлса ул,

605 Чекмагай ҳасрат магар ўлдим, дебон,  
Оҳ чекар, эҳсонни кам қилдим, дебон.

Кошки олдинроқ мен ўлсайдим, дегай,  
Кошки бул дунёда бўлсайдим, дегай.

Яхши дерким, уйга қайтардим ҳамон,  
Дер ёмонким, мунча этмасдим зиён.

Беҳабар эрмишману гофил фақат,  
Парда тортибмен ўзимга қатма-қат.

Бул кечувдин мен-да ўтсайдим шитоб,  
Пардалардин мунча этмасдим ҳижоб.

610 Ҳирс ила этма қаноатни адо,  
Қилма камтарликка дуч кибру ҳаво.

Солма иблисликка ўзни, уннама,  
Бухл ила ҳиммат юзини тирнама.

Жаннатий, шамшир қанотни юлмагил,  
Ул гўзал, учқур қанотни юлмагил.

Тинглади қуш сўзни, бир кўз ташлади,  
Оқ уриб сўнг йиғламоққа бошлади.

Йиғлади андоқки, хайрон қолдилар,  
Жўр бўлиб сўнг барча фарёд солдилар.

- 615 Ул савол берган-да жон тиглар эди,  
Бул пушаймонлик аро йиғлар эди.

Дерди: мен нодон нечун сўрдим савол,  
Улки бундоқ хастадир, афтодаҳол.

Ашкдин тупроқ-да бўлгайдир хароб,  
Қатра кўз ёш ичрадир юз бир жавоб.

Сидқ ила жонлар магар бирён эрур,  
Чарху Арш ҳам ҳолига гирён эрур.

Ақлу дил Арш аҳлидирлар бегумон,  
Нури Арш бирлан яшарлар ҳар замон.

УЛ ҲАҚДАКИМ, БОБУЛ ЧОҲИДА ТУТҚУН  
БЎЛГАН ҲОРУТ ВА МОРУТ ЯНГЛИФ АҚЛУ ЖОН  
ҲАМ БУ ДУНЁДА МАҲБУСДИРЛАР

- 620 Икки пок - Ҳоруту Морут эрдилар,  
Тушдилар чоҳ қаърига, ўлтирдилар.

Олами шаҳват аро тушкун бўлиб,  
Қолдилар чоҳ ичра чун тутқун бўлиб.

Сеҳр ила сеҳр зиддини беихтиёр,  
Ўрганур мардум улардин бор-бор.

Бошда ҳар гал дер улар: қўй, айлама,  
Сеҳру жодуга кўнгилни бойлама.

Сенга ўргатсак агарда, бил шуни,  
Ўргатурмиз имтиҳонинг деб уни.

625 Имтиҳон бўлганда шартдир ихтиёр,  
Ихтиёр бўлгайму ҳеч беиқтидор.<sup>58</sup>

Ухлаган итдир магар майлу ҳавас,  
Хайру шар ҳам шул ҳаваслар ичра, бас.

Куч-мадорсиз эрса, чўпдир, ўйлаким,  
Ерда ётгайлар улар осуда, жим.

Ўртага тушса ўлимтик, бир ҳаром,  
Нафсу ҳирс итларда қўзгалгай ҳамон.

Кўчада ўлса бирорта эшшак ул,  
Кўз очиб, юз битта кўппак қўзгалур.

630 Гайб аро ул неча ҳирсларким шу тоб,  
Енг-яқодин бош чиқаргайлар шитоб.

Хурпайиб, ҳар тукни тиш-дандон этиб,  
Макру ҳийла тузгали дум ўйнатиб.

Ярми макру ҳийладир, ярми ғазаб,  
Сўнган оташдек турарлар милтираб.

Шуъласин ургай ва лекин ломакон,  
Дуд, оловлар кўкка учгайлар ҳамон.

Бўйла юз кўппак ниҳондир тан аро,  
Ўлжа пойлаб ётгай ул маскан аро.

635 Ташна лочинларга ўхшайдир улар,  
Ов кутиб, учмоққа чун шайдир улар.

Олса бошлардан тумоқни овчи, бас,  
Талпиниб, тоғларни этгайлар ҳавас.

---

<sup>58</sup> Байтнинг мазмуни: Имтиҳон учун кишида майл-ихтиёр бўлмоғи шарт, майл-ихтиёрни рўёбга чиқазиш учун куч-қувват, иқтидор лозим.

Қайнамас беморни нафси, шаҳвати,  
Сарфланур соғлиққа зеҳни, диққати.

Олмаю нону қовунни кўрса лек,  
Кўнгли кетгайдир, қўяр роҳатга чек.

Сабр этолса, унга кони фойдадир,  
Бесабр нафсига ором қайдадир?

- 640 Йўқса сабринг, уз кўзингни нарсадин,  
Йўқса қалқонинг, йироқ тур найзадин.

### ТОВУСНИНГ САВОЛ СЎРГУВЧИГА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Йиғламоқдин тинди охир, деди: бор,  
Сенга ул рангу бўёқдир эътибор.

Кўрмадингму шу қанотлар узра то,  
Ҳар тарафдин ёғилур юз бир бало.

Эй басо сайёдки ҳар ерда мудом,  
Шу қанотлар деб қўярлар менга дом.

Неча тийрандоз отарлар беомон,  
Неча минг ўқлар учарлар мен томон.

- 645 Зўру забтим йўқ, қочишни эпласам,  
Бул қазову бул балони четласам.

Яхшидир бўлсам ўзим беболу пар,  
Сўнгра шу маъвода юрсам бехатар.

Бир силоҳ эрмиш бу менга, эй фато,  
Ки улуғларга улуғланмоқ - бало.

УЛ ҲАҚДАКИМ, АҚЛЛИ, ЗАКОВАТЛИ БЎЛИШ  
ВА МОЛУ ДУНЁ-ТОВУС ҚУШНИНГ ПАРЛАРИДЕК  
ЖОННИНГ ДУШМАНИДИР

Бас, ҳунар офатга солгай хомни,  
Донни кўргай, кўрмайин ул домни.

Ихтиёр унга ярашгайдирки, у  
Ўз-ўзига амр этиб, дер: иттақу.<sup>59</sup>

650 Ҳифзу тақво йўқ эса, зинҳору зор,  
Ташлагил олатни, тарк эт ихтиёр.

Жилвагоҳим - парларимдир ҳар нафас,  
Юлмасам, айлар менинг жонимга қасд.

Кимки собирдир, қанотсизмен, дегай,  
То қаноти бир балога солмагай.

Етмагай унга қанотлардин зиён,  
Учса ўқ, қалқонни тутгайдир ҳамон.

Лек ўшал зебо қанотлар - душманим,  
Жилва этмасликка сабрим йўқ маним.

655 Сабру ҳифзим бўлса эрди роҳбар,  
Ихтиёримда бўлурди карру фар.

Чун гўдакмен ёки мастдирмен қатиг,  
Жоиз эрмас берсалар илкимга тиг.

Ақлу ҳуш бўлсайди, банд этгай эди,  
Тиг зафарларга мени элтгай эди.

Ақлу ҳуш бўлсин магарким офтоб,  
Тиг урар бўлса, баса бўлгай савоб.

---

<sup>59</sup> Иттақу - эҳтиёт бўл.

Менда йўқ чун ақли тобону салоҳ,  
Чоҳга тушсин бори қалқону силоҳ.

660 Чоҳга отгаймен, саховат йўлига,  
Йўқса, тушгай душманнинг қўлига.

На кучим бор, на таянчим, кўргай ул,  
Бас, олиб тигимни, менга ургай ул.

Бул қабиҳ нафсимни кўргаймен ўзим,  
Юзни беркитмайди, тирнармен юзим.

Қолмагай то бу жамолу бу камол,  
Юзки йўқ эрса, камайгай ул вубол.

Шу ният-ла тирнагаймен ўзни то,  
Чирмасин деб юзларим заҳму яро.

665 Дилда гар феъли ситезу жанг эди,  
Юзда лекин юз сафову ранг эди.

Менда на қудрат, на фарҳангу салоҳ,  
Душманним кўрдим-да, синдирдим силоҳ.

Бермагай то унга шамширим камол,  
Менга сўнг келтирмагай заҳму залол.

Мен қочармен, қочмаган инсоним, ҳай?  
Ўз-ўзингдан қочмоғинг осонми, ҳай?

Улки қочгай ўзгадин, беихтиёр,  
Оқибат бир ерда топгайдир қарор.

670 Ёв ўзимдирменки, ул қочгувчи ҳам,  
То қиёматга қадар қочгувчиман.

Ул неча Ҳинду Хўтанга чопмагай,  
Соyasi қувса, омонлик топмагай.



КУНДУЗИ ҚУЁШ НУРИДА ЙЎҚ БЎЛГАН  
ЮЛДУЗЛАР ЯНГЛИҚ ҲАҚ БОРЛИГИДА ФОНИЙ  
БЎЛИБ, ШАРРИДАН ҲАМ, ҲУНАРИДАН ҲАМ  
ҚУТУЛИБ, ОМОН ТОПГАН, ЎЗЛИГИДАН  
КЕЧГАНЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ. ФОНИЙГА НА  
ОФАТ ҚЎРҚУВСИ БОР, НА ХАВФУ ХАТАР

Фақр агар фонийга чун пироядир,<sup>60</sup>  
Ул Муҳаммад сингари бесоядир.

Фарқ агарда фаҳри эрса, ғояси,  
Шам каби порлар-да, бўлмас сояси.

Нур бўлур шам ўйлаким бошдин-оёқ,  
Соя андин ҳар нафас тургай йироқ.

675 Соядин-да қочди, ўздин қочди мум,  
Шамрехт майл этди, нурлар сочди мум.<sup>61</sup>

Ул дегай: қуйдим фанойинг деб сени,  
Бул дегай: топгил фанойимдин мени.

Бўйла шам боқий эрур оламда, бас,  
Эрмас ул ўткинчи бир шаъми араз.

Шамки топгайдир ёниб куллий фано,  
На асар қолгай, на андин бир зиё.

Шамки ул зулматда эрмиш ошкор,  
Тунда мум борича бўлгай пойдор.

680 Аксидир лек шаъми жисми нотавон,  
Ул камайган чоғда ортгай нури жон.

Унда боқий, бунда нур фоний эрур,  
Шамъи жонда нури Раббоний эрур.

---

<sup>60</sup> Пироя - зебу зийнат, оройиш.

<sup>61</sup> Шамрехт - шам қуювчи.

Нур эмиш шам ёлқини ул, ярқироқ,  
Соёйи фоний эрур андин йироқ.

Соё тушгайдир булутдан ерга чин,  
Лекин ул ой бирла бўлмас ҳамнишин.

Сен булутсиз бўл жаҳонда, эй ҳумой,  
Қоч ўзингданким, бўлурсен мисли ой.

685 Лек булутни боз сургайдир шамол,  
Беркиниб ой кўкда, қолгайдир хаёл.

Ул булутдин ой нури бўлгай заиф,  
Янги ойдек бўлгай ул бадри шариф.

Ой булут боис хаёлдек бўлгуси,  
Жисмимизда ҳам хаёл қўзғолгуси.

Лутф этарса ой, анинг лутфи эмиш,  
У, булутлар бизга душмандир, демиш.

Ойга не эрмиш булут, чангу губор,  
Чарх урар кўк узра андоқ беқарор.

690 Бизга душмандир булут ул, хасми жон,  
Ойни этгайдир магар кўздин ниҳон.

Кўзларингга ҳурни зол этгай ўшал,  
Тўлган ойни чун ҳилол этгай ўшал.

Ойки бизни лутфи бирлан чирмамиш,  
Душманингиз менга ҳам душман, демиш.

Бўз булутда ой сабаб оро эрур,  
Ким булутни ой деса, гумроҳ эрур.

Ой булутнинг кўксини ҳал айлагай,  
Ул қаро кўзни мубаддал айлагай.

695 Ойга ҳамранглик магар давлат эрур,  
Лек муваққатдир булут бағрида нур.

Шамсу ой маҳшарда сўнгайлар абад,  
Ўз зиёси бирла қолгай кўз фақат.

Маълум ўлгай ул диёру бу диёр,  
Бул работи кўҳна, ул дорилқарор.

Доя уч-тўрт кун эрур парвонамиз,  
Ол ўзинг бағрингга бизни, онамиз.

Парларим чун парда эрмишлар, касиф,<sup>62</sup>  
Лутфи Ҳақ бирлан улар бўлмиш латиф.

700 Битталаб юлгай-да, отгаймен уни,  
Токи кўргаймен ўшал ой ҳуснини,

Доямас, бошимга онам сядир,  
Мен Мусодирменки, онам доядир.

Истарам ой лутфини бевосита,  
Ки ҳалоки қавм эрур бул робита.

Ё булут йўллар кечиб, фоний бўлур,  
Ой юзига парда бўлмас эмди ул.

Сувратин айлар намоён васфи ло,  
Худди жисми анбиёву авлиё.

705 Бир булутдир улки, бўлмас пардабанд,  
Маъни ичра парда йиртгай, судманд.

Бўйлаким, субҳу саҳарлаб мисли қут,  
Сел ёғар, осмонда бўлмас бир булут.

Мўъжиза эрди Расулдин ул сафо,  
Ҳам булут зангори эрди, ҳам само.

---

<sup>62</sup> Касиф - чиркин, ифлос.

Гар булутдир, лек булутмас дер ани,  
Бўйла бўлгай сабр ила ошиқ тани.

Тан эрур, лек унда танлик қолмагай,  
Танга хос бир феълу ранглик қолмагай.

- 710 Ўзгаларга болу пар, бош менга тан,  
Тан тирикдир тингламоқ, кўрмоқ билан.

Ҳақни бил, ғайрига этма жон фидо,  
Йўқса, кофирлик бўлур бул мутлақо.

Тўтилар олдида шаккар бўлмагил  
Оғу бўл, заҳму зиёнга тўлмагил.

Ўзни итлар олдида лош айла сен,  
Ўзгалар токи ташаккур айласин.

Ул Хизирким кемага берди шикаст,  
Мақсади амну омонлик эрди, бас.

- 715 Фақр - фаҳрим, деди, англаб ет ани,  
Ҳаққа бор, қоч таъмагирдин, дер сени.

Билмагай деб аҳли ҳирс кошонада,  
Ганжни кўмгайлар магар вайронада.

Парларингни юлмасанг, хилватга бор,  
Беҳуда сарф этма бундоқ, этма хор.

Луқма ҳам сен, луқмахўр ҳам сен ўзинг,  
Окилу маъкул ўзингсен, оч кўзинг.<sup>63</sup>

---

<sup>63</sup> Окилу маъкул - егувчи ва емиш.

УЛ ҲАҚДАКИМ, ОЛАМИ ҲАҚДА ҲАР НАРСАКИМ  
БОР, ЕГУВЧИ ВА ЕМИШДИР, ЧУНОНЧИ,  
ЧИГИРТКА ҚУВГАН ҚУШ ЎЗ ОРТИДАН ОЧ  
ЛОЧИННИНГ ТУШГАНИНИ БИЛМАС. ЭЙ ОВЧИ,  
ЭЙ ЕГУВЧИ ИНСОН, ЭҲТИЁТ БЎЛКИМ, СЕНИНГ  
ҲАМ ИЗИНГГА ОВЧИ ВА ЕГУВЧИ ТУШМИШ...  
КЎЗ ОЧИБ, УНИ ДАЛИЛ ВА ИБРАТ КЎЗИ БИЛАН  
КЎРГИЛ

Қушча қурт овлашга эрди мунча банд,  
Бир мушук келди-да, босди дафъатан.

720 Окилу маъкул эди ул, беҳабар,  
Ки унинг ҳам ортидин сайёд келар.

Ўғри келгай гарчи мол-ашё сари,  
Ортида лек миршабу душманлари.

Унга ёлғиз молу дунё бўлса, бас,  
Оқибат оҳлар чекишни ўйламас.

Шунчалар ғарқдирки ул савдосига,  
Ўзгалар келмас унинг парвосига.

Майса ўтлар ҳам дамо-дам сув ичар,  
Сўнгра ҳайвон деб тирикликдин кечар.

725 Окилу маъкул эмишдир ҳар гиёҳ,  
Барча борлиқ бўйладир, ғайри Илоҳ.

“Тўйдирар, лекин емас” дир васфи дўст,<sup>64</sup>  
Ҳақ емас окилу маъкул, гўшту пўст.

Окилу маъкул қачон эмин эрур?  
Ўзга окил заҳмидин сокин эрур?

Амни маъкул дема, жазби мотам ул,  
Бор ўшал даргоҳаким, лоятаъм ул.<sup>65</sup>

<sup>64</sup> Қуръони карим, Анъом сураси, 14-оятга ишорат.

<sup>65</sup> Лоятаъм - емак емайдиған.

Ул хаёлни бул хаёл айлар адо,  
Ул фикрга бул фикр бўлгай фидо.

- 730 Ким этар фориг хаёллардин сени?  
Уйқу эрмас, уйғониб, отсанг ани.

Фикру ўй чун ари эрмиш, уйқу - сув,  
Баски, уйғондинг, келур бошингга у.

Неча ўйларким, тинимсиз ғувлагай,  
Ул тарафдин бул тарафга судрагай.

Камтарин окил эмишдир бул хаёл,  
Бошқасин билгай магарким Зулжалол.

Қоч хаёлданким, ўшал эрмиш ғализ,  
Унга борким, деди: мо имат ҳафиз.<sup>66</sup>

- 735 Ул тарафга бормасанг истаб омон,  
Бор бирор ҳифзу ҳимоятчи томон.

Қўл чўзиб, топгил жаҳонда дасти пир,  
Ҳақ ўшал пирингга эрмиш дастгир.

Кекса идрокинг гўдак ўйлардадир,  
Нафсинг ул ақлинг юзига пардадир.

Ақли комилга яқин бўл боз-боз,  
Токи топгайсен ёмон феълдин халос.

Қўлни чун пирингга бергайсен баса,  
Жумла окилдин қутулгайсен баса.

- 740 Чун ядиллоқ фавқи айдиҳим, демиш,<sup>67</sup>  
Дасти ул дастинг эса, байъат на хуш.

---

<sup>66</sup> Сени биз қўриқлаймиз.

<sup>67</sup> Оялоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир.

Баски, чўз, тутсин қўлингдан дасти пир,  
Пири ҳикмат ул, алимдир, беназир.

Ул замон саҳнида пайғамбар каби,  
Унда акс этгай ўшал нури Набий.

Сени Худайбияда ҳозир бўлгасен,  
Аҳли байъат ичра нозир бўлгасен.

Жаннатий ўн ёрга ҳамроҳ ҳам ўзинг,  
Покланиб, софликда тилло ҳам ўзинг.

745 Бу баробарлик бунингдек рост бўлур,  
Одамий севган киши-ла дўст бўлур.

Бул жаҳону ул жаҳон ҳамроҳ эмиш,  
Бул ҳадисни Аҳмади хушрўй демиш.

Дедиким, алмарью маъ маҳбубиҳи,  
Ло юфаккул - қалбумин матлубиҳи.<sup>68</sup>

Қайда дому донадир, ўлтирма кўп,  
Боқ забунгирларга, юзни бурма кўп.<sup>69</sup>

Эй забунларга забунгир, эй ўгил,  
Қўл фақат қўл узра бўлгай, англагил.

750 Ҳам забунсен, ҳам забунгарсен, ажаб,  
Сайд бўлиб, сайёдлик этгайсен талаб.

Олди-ортидин ўралганларсимон  
Юрмагил, қаршингда душмандир ҳамон.

Улки сайёд, сайидин гофил бўлиб,  
Кўнгил олмоқ истагай бедил бўлиб.

---

<sup>68</sup> Дедиким, инсон маҳбуби ила биргадир, кўнгил ўз тилагидан айрилмас...

<sup>69</sup> Забунгир - золим.

Сен увоқ қушдан-да кам бўлдингми, ҳай,  
Олди-ортига назарни ташлагай.

Ҳар сафар келса яқинлаб донга, бас,  
Ҳар тарафга кўз югуртар ҳар нафас.

Олди-ортига боқиб, ғам ейди ул,  
Йўқмикин ортимда сайёд, дейди ул.

Нобакорлар қиссаси ҳикмат сенга,  
Дўсту ёрлар қисмати ибрат сенга.

Бас, уларниким ажал этди ҳалок,  
Навбатинг келгай, этар кўксингни чок.

Ҳаққи сенга бир жазосин шайлагай,  
Зарбини қўлсиз, оёқсиз айлагай.

Бор эса Ҳақ, қайда?-деб сўргувчи ул,  
Тушса қийноққа, Худо, дер муттасил.

760 Шубҳа бирлан керган эрди қошини,  
Энди, Раббим, деб тўкар кўз ёшини.

Тўр-тузоқдин қочмоғинг вожиб магар,  
Лек қанотинг бирла бирлашмиш ўшал.

Мен юлай, даф бўлсин ул манхус дом,  
Комим истаб бўлмаин то талхком.

Мослабон ақлингга, бердим бул жавоб,  
Сен уни фаҳм айла, этгил мустажоб.

Уз ўшал арқонни, ул-ҳирсу ҳасад,  
Эслагил: фи жийдиҳо ҳаблу масад...<sup>70</sup>

---

<sup>70</sup> Гўзал бўйнингда хурмо пўстлоғидан ўрилган ип бор.



ХАЛИЛ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚУЗГУННИ  
ЎЛДИРГАНИ САБАБИ, БУ - МУРИДНИНГ ҚАЙСИ  
БИР ЁМОН СИФАТЛАРДАН ҚУТУЛИШИ  
ЛОЗИМЛИГИГА ИШОРАТ ЭКАНЛИГИ

765 Бул сухан поёнсиз эрмишдирки чун,  
Эй Халил, қузгунни ўлдирдинг нечун?

Баски, буйруқ бирла этдинг корни,  
Энди сал очмоқ керак асрорни.

Боқки, қагиллайди қузгун боз-боз,  
Жисмига истайди ул умри дароз.

Бўйлаким, Ҳақ-Раббанодин иблис ул,  
То қиёмат истамиш эрди умр.

Сўрди умрин то ўшал Явмул жазо,  
Кош десайди: тавба қилдим, Раббано.

770 Умри бетавба баса меҳнат эрур,  
Ногаҳон келган ўлим гафлат эрур.

Ҳаққа хушдир ҳам ҳаёту ҳам мамот,  
Тангрисиз оташ эрур оби ҳаёт.

Ўйлаким, таъсири лаънат эрди бул,  
Бўйла бир соатда умрин сўрди ул.

Тангридин ғайри Худони сўрганинг,  
Кўкка эрмас, ўзни ерга урганинг.

Умр истарсен жаҳонда, кулгулик,  
Шер ҳузурида ўйин бу, тулкилик.

775 Ким умр истарки, дер, олчоқ бўлай,  
Муҳлатим сургилки, тубанроқ бўлай.

Бори лаънатга нишона ул эмиш,  
Нокас эрмиш мунча, лаънатжў эмиш,

Хуш умр - қурб ичра жонорасталик,  
Қарға умри - гўнг титиб, нокасталик.

Ул дегай: умримни чўз, очдир кўзим,  
Менга ахлат берки, бадгавҳар ўзим.

Бўлмасайди бўйла, сўйлаб рўй-рост,  
Қарға-қузғунликдин истарди халос.

## МУНОЖОТ

780 Эйки, бундоқ айлаган тупроқни зар,  
Эйки, тупроқдин яратган Булбашар.

Гар ишинг - табдилу аъёну ато,  
Қилмишим - янглиш, унутмоқлик, хато.

Янглишу нисъёним олгил, бер билим,<sup>71</sup>  
Мен газабдирмен, бағишла сабру ҳилм.

Эй тахир тупроқни чун нон айлаган,  
Эй ўлик нонларни сўнг жон айлаган.

Эйки, ҳайрон жонни раҳбар айлаган,  
Эйки, йўл билмасни сарвар айлаган.

785 Бўйлаким, ердин яратдинг осмон,  
Ерда юлдузларни ҳам этдинг аён.

Кимки топгай даҳр аро оби ҳаёт,  
Кўз очирмай, унга етгайдир мамот.

Дил кўзи-ла ким назарни бургуси,  
Ҳар замон бир турфа савдо кўргуси.

Тан либосиким, бу янглиғ сир эрур,  
Танни тан этган ўшал иксир эрур.

---

<sup>71</sup> Нисъён - унутиш.

Мулки борлиқ ичра сен қандоқ эдинг,  
Оташ эрдинг, ел эдинг, тупроқ эдинг.

790 Гар шу ҳолат ичра турсайдинг бақо,  
Қайда эрди сенга бундоқ иртиқо.<sup>72</sup>

Сурди Ҳақ, аввалги борлиқ қолмади,  
Ўрнига бир ўзга борлиқ жойлади.

Неча минглаб кечди борлиқлар, бироқ,  
Ҳар бири аввалгисидин яхшироқ.

Кўрганинг восита эрмиш, қўй ани,  
Восита тусгай кўзингдин аслини.

Восита кўп эрса, васл эрмиш йироқ,  
Восита кам эрса, ортар иштиёқ.

795 Чун сабаб бирлан камайгай ҳайратинг,  
Ҳайратингдин восит ўлгай ҳазратинг.

Барча борлиқлар фанодин келди чун,  
Бас, фанодин юз ўгиргайсен нечун?

Не зиён кўрдинг фанолардинки то,  
Тирмашиб олдинг бақога, нофиқо?<sup>73</sup>

Сўнггиси аввалгисининг нақшидир,  
Сен фано изла, фанойинг яхшидир.

Кўрганинг шу борлиқ эрмишдир, вужуд,  
Кўрдинг андин юз қиёмат, эй ануд.

800 Бехабар, жонсиз жисмдин - то набот,  
Сўнгра андин - ўзга бир сўйи ҳаёт.

Сўнгра келдинг шу ақл маъвосига,  
Эмди кетгайсен фано дунёсига.

<sup>72</sup> Иртиқо - юксалиш.

<sup>73</sup> Нофиқо - калламуш.

Сақланур соҳилда излар, чизгилар,  
Денгиз ичра лек йўқолгайдир улар.

Боқ қуруқлик ичра шарти эҳтиёт -  
Неча манзилгоҳу қўрғону работ.

Не эмиш денгизда манзил, дамба-дам,  
Урса тўлқин, саҳни қолмас, шифти ҳам.

805 Саҳни неким, томи ҳам эрмас аён,  
Йўқ алардин ўйлаким ному нишон.

Ул набототдин - шу жонингга қадар,  
Неча юз манзил, қўнимгоҳдир магар.

Йўл босиб ҳам неча борлиқлар ошиб,  
Келдингу қолдинг шу тангга тирмашиб.

Жон бериб, эй қарга, сен ҳам боз бўл,<sup>74</sup>  
Боқ Худо табдилига, жонбоз бўл.

Эскисин бер, янгисин ол янгидин,  
Ҳар йилинг уч карра кўп аввалгидин.

810 Гар саховатсиз эсанг, исор қил,<sup>75</sup>  
Эскини эскига қўш, омбор қил.

Эски-туски нарса не ҳожат сенга,  
Тухфа этгил сен уни нодийдага.<sup>76</sup>

Эскига энди харидор бўлмагай,  
Ҳақни дер, сенга гирифтор бўлмагай.

Ҳар нечук қушларки, нодон, кўзи кўр,  
Сенга келгайлар, аё селоби шўр.<sup>77</sup>

---

<sup>74</sup> Боз - лочин

<sup>75</sup> Исор - бу ерда, асир қил.

<sup>76</sup> Нодийда - кўримсиз, очкўз.

<sup>77</sup> Селоби шўр - айниган, шўр кўлмак.

Кўзни кўрмас айласа, шўр айлагай,  
Сувки шўрдир, кўзни ул кўр айлагай.

815 Кўнгли кўрдир аҳли дунё ул сабаб,  
Ҳақни кўрмаслар шу обу гил сабаб.

Йўқса гар оби ҳаётинг чун зилол,  
Сен ўшал шўр сувни ич, кўрликни ол.

Бўйла ҳолатда бақо истаб тўла,  
Занжидек шодсен қаро юзлик била.

Занжига не ул қаролик, ганжидир,  
Чун азалдин ул қародир, занжидир,

Улки ул кўрку сафолик излагай,  
Юз қаро бўлса, тадорик излагай.

820 Гар учар қуш ерда, учмасдан қолур,  
Гуссаву дарду аламдин дод солур.

Уй қуши юргай заминда йўргалаб,  
Дону сувни уйда этгайдир талаб.

Ул азалдин соҳиби парвоз эмиш,  
Бул азалдин сусту бепарвоз эмиш.

ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ, УЧ КИМСАГА  
АЧИНИНГ, ДЕБ АМР ЭТМИШ: ҲАҚИР АҲВОЛГА  
ТУШГАН ЮҚСАК МАРТАБАЛИ КИШИГА,  
ҚАШШОҚЛИҚКА УЧРАГАН ДАВЛАТМАНДГА,  
ЖОҲИЛЛАРГА КУЛГУ БЎЛГАН ДОНИШМАНДГА

Деди Аҳмад: хўрламанг, сийланг ани,  
Тушса йўқсилликка давлатманд, гани.

Валлази кона азизан фаҳтақар,  
Ав сафиян олиман байналмазар.<sup>78</sup>

825 Деди Пайғамбар, бу сўзни ўйлангиз,  
Уч гуруҳга раҳму шафқат айлангиз.

Улки соҳиб рутба эрди, хор бугун,  
Улки зангин эрди, бединор бугун.

Улки донишманд эрур, ҳикматга ёр,  
Неча бир нодонга бўлмишдир дучор.

Айрилиб ул иззати аълосидин,  
Айрилуру чун узвидин, аъзосидин.

Тандин айрилса, ўликдир узв, бас,  
Гарчи бошда ул қимирлар бир нафас.

830 Лек Аласт жомини сипқоргай киши,  
Йил бўйи масту хумор юргаи киши.

Итки омборни қўриқлар эрта-кеч,  
Ҳирси султонлик бўлурми унда ҳеч?

Тавба айлар улки, этмишдир гуноҳ,  
Йўл йўқотганга ярашгай оҳ-воҳ.

---

<sup>78</sup> Юксак мартабадан айрилиб, ҳақирликка тушган кимсага, жоҳиллар орасига тушиб, кулгу бўлган олимга ачининг, деб амр этди.

ОҲУ БОЛАСИНИ ЭШАҚ ОҒИЛИГА ҚАМАШГАНИ,  
ЭШАҚЛАР УНИ ГОҲ ТЕПИБ, ГОҲ МАСХАРА  
ҚИЛИШГАНИ. ОҲУ ОЧ ҚОЛИБ, ҚУРУҚ СОМОН  
ЕЙИШГА МАЖБУР БЎЛГАНИ. АҲЛИ ДУНЁ, АҲЛИ  
ҲАВОЮ ШАҲВАТ ОРАСИГА ТУШИБ ҚОЛГАН  
ХУДОНИНГ ХОС БАНДАСИ ЎШАЛ ОҲУГА ЎХШАР.  
ДЕЙИЛМИШКИМ, ИСЛОМ ҒАРИБ БЎЛИБ КЕЛДИ,  
ҒАРИБ БЎЛИБ КЕТГАЙ, ҒАРИБЛАР  
БАХТИЁРДИРЛАР...ЧИН ДЕМИШ БУ СЎЗНИ  
РАСУЛИЛЛОҲ

Овлади оҳуни бир сайёд, кейин,  
Судради оғилга ҳеч раҳм этмайин.

Кўп эди оғилда эшшак, мол-ҳўкиз,  
Қолди ул оғилда оҳу чорасиз.

835 Қўрқув ичра ўзни урди ҳар томон,  
Тунда сайёд солди охурга сомон.

Хўкизу эшшак сомонни ердилар,  
Бул сомонмас, шаҳду шаккар, дердилар.

Ҳар тараф ўзни урарди оҳужон,  
Чанг-губордин юз бурарди оҳужон.

Кимки ножинс бирла ҳамдам бўлгуси,  
Тонг эмаским, ул тириклай ўлгуси.

Чун Сулаймон ҳам демиш, Ҳудҳуд агар,  
Айтмаса айбига узри мўътабар,

840 Ўлдирармен ёки бергаймен азоб,  
Бир азобдирким, анга йўқдир ҳисоб.

Не азоб, деб сен сўрарсен шул нафас,  
Улки, ножинс бирла бўлмоқ ҳамнафас.

Умринг ўтгайдир азоб ичра, башар,  
Жон қушинг ножинсга тутқундир магар.

Лочин эрмиш жонки, жисминг - зоғлар,  
Жон аро андин аламлар, доғлар.

Қарға-қузғунлар аро йиғлайди ул,  
Сабзаворда йиғлагандек Бубакр.

ХАЛҚИ БАТАМОМ РОФИЗИЙ БЎЛГАН  
САБЗАВОР ШАҲРИНИ МУҲАММАД  
ХОРАЗМШОҲ ЖАНГ ИЛА ИШҒОЛ ЭТГАНИ.  
ШАҲАР АҲОЛИСИ ОМОНЛИК ТИЛАГАНДА,  
АБУБАКР ИСМЛИ ҚИШНИНИ ТОПИБ, ҲАДЯ  
ЭТСАНГИЗ, ОМОНЛИК БЕРАМЕН, ДЕГАНИ

845 Ул Муаммад Хоразмшоҳким, улуғ,  
Сабзавор шаҳрини забт этди тўлиқ.

Енгилиб, қочди шаҳар лашкарлари,  
Қатлу қирғин қилди шоҳ аскарлари.

Тиз чўкиб, ер ўпди ул мардум ҳамон:  
Қул бўлайлик сенга, лекин бер омон.

Бож-хирожларни берурмиз бот-бот,  
Майли, ҳар мавсумда бўлсин ул зиёд.

Садқа бўлсин жонимиз, эй шер ўғил,  
Сен уни бизга омонат айлагил.

850 Шоҳ дедиким, гар тиларсиз бу иши,  
Бубакр исми-ла келсин бир киши.

Чиқмагунча шаҳрингиздин Бубакр,  
Оҳу нола барчаси бефойдадир.

Шафқат этмасмен сира, эй қавми дун,  
На хирож киргай арога, на фусун.

Излама деб Бубакрни, жойига,  
Бир қоп олтин тўкдилар шоҳ пойига.



Сабзаворда Бубакр юргайму ҳеч?  
Сувда бир нарса қуруқ тургайму ҳеч?

855 Юз ўғирди шоҳ, дедиким, эй муғон,  
Бубакрни бизга айланг армуғон.

Мен гўдакмасманки, алдаб-нетсангиз,  
Симу зар бирлан мени мот этсангиз.

Майли, ортинг бирла масжидни супур,  
Саждага бош қўймасанг, бефойда ул.

Чопдилар сўнг ҳар тараф, ҳар ёна-да,  
Бормикин деб Бубакр вайронада.

Уч-кеча-кундуз бу янглиг чопдилар,  
Оқибат бир Бубакрни топдилар.

860 Бир йўловчи эрди ул, суврат мисол,  
Бир харобот ичра ҳорғин, хастаҳол.

Ётмиш эрди бўйла, аҳволи хароб,  
Топдилар чун дедилар: тургил шитоб.

Қошига чорлар сени султон ҳамон,  
Шаҳримизга йўқса солгайлар қирон.

Деди: юрсам, бунда мен тургаймидим,  
Шул қаро бурчакда ўлтиргаймидим.

Бўйла душман шаҳридин кетмасмидим,  
Дўстларимнинг шаҳрига етмасмидим?

865 Тахта тобут келтириб шунда жадал,  
Бубакрни тахтага ётқиздилар.

Элтдилар зудлик-ла ҳаммолар бари,  
Хоразмшоҳга ани кўрсатгали. .

Сабзавордир бу жаҳону марди Ҳақ -  
Унда бир нодон саналмиш, мумтаҳақ.<sup>79</sup>

Хоразмшоҳ эрса - Яздони жамил,  
Бул қавмдин рост кўнгилни истар ул.

Деди: лоянзур ило тасвири кум,  
Ғабтағу зулқалби фи тадбири кум.<sup>80</sup>

870 Сенга соҳибдил бўлиб солгум назар,  
Эътибормас нақши сажда, сийму зар.

Сен кўнгил этдинг ҳисоб кўнглингни, чун,  
Аҳли дилни изламайдирсен бугун.

Етти эрмас, дилга юз-юз осмон  
Жо бўлиб, кўздин магар бўлгай ниҳон.

Лек анув дилларни сен кўнгил дема,  
Сабзаворда Бубакрни излама.

Соҳиби дил олти юзли кўзгу ул,  
Ҳақ анга олти тарафдин кўз солур.

875 Соҳиби дил бўлмагунча ҳар сафар,  
Солмагай олти тарафга Ҳақ назар.

Рад этар бўлса, муқаррар ул сабаб,  
Гар қабул этса, яна кўнгил сабаб.

Андин айру бермагай Ҳақ бир навол,<sup>81</sup>  
Сўйладим не эрканин соҳиб висол.

Ризқини кўрмиш анинг кафтига эп,  
Кафти бирлан берсин ул йўқсулга, деб.

<sup>79</sup> Мумтаҳақ - нобуд бўлган, абгор.

<sup>80</sup> Пайғамбар демишки, Тангри кўринишингизга эмас, ишингизни нақадар чин кўнгил ва Ҳақ ризолигини тилаб, адо этишингизга боқар...

<sup>81</sup> Навол - эҳсон.

Кафтида дарёи Кулл деб бил уни,  
Ҳечдан ҳеч ортар камоли, тўлқини.

880 Бўйла бирликдирки, ожиздир калом,  
Сўйламоқ беҳуда эрмиш, вассалом.

Юз саноч олтинни тўксанг, эй гани,  
Ҳақ дегайким, топганинг кўнгил қани?

Рози эрса гар кўнгил, мен розимен,  
Юз ўгирса сендин ул, норозимен.

Сенгамас, кўз ташлагум кўнглинга мен,  
Туҳфа айлаб, келтир остонамга сен.

Сенга кўнгилдир нечук, мен ҳам чунон,  
Оналарнинг пойи остида - жинон.

885 Элга ота-она эрмишдир кўнгил,  
Бахтлидир кўнгилни кўрган кимса ул.

Сенга келтирдим, дегайсен, дилни ман,  
Ул дегайким, бўйла диллар не писанд.

Қутби олам бўлгудек кўнгил керак,  
Жони одам бўлгудек кўнгил керак.

Бир кўнгилдирким, мусаффо, беназир,  
Унга ул султони олам мунтазир.

Сабзаворда сен кезиб ошуфтаҳол,  
Бўйла бир кўнгилни топмоғинг маҳол.

890 Сен топарсен бир дили афтодани,  
Тахта узра Ҳаққа элтарсен ани.

Ҳам дегайсен: қанчалар мен чопмадим,  
Сабзаворда ўзга кўнгил топмадим.

Ҳақ дегайким, бул мазор эрмас сенга,  
Ул ўлик кўнглинг не ҳожатдир менга?

Бўйла бир кўнгилни келтиргил ҳамон,  
Ки ўшандин Сабзавор топсин омон.

Бўйла кўнгил даҳр аро пинҳон эрур,  
Ул зиёга бул қаро зиндон эрур.

895 Душман эрди дилга ул рўзи Аласт,  
Сабзавордир то ҳануз кўнгилга, бас.

Лочин эрмиш дил, шу дунё-шаҳри зоғ,  
Қарға - зоғлар дастидин кўксида доғ.

Хуш гапиргай гоҳ, нифоқ айлар гаҳи,  
Бир самар деб иттифоқ айлар гаҳи.

Хўп, деса гоҳ, эрмас ул баҳри ниёз,  
Этмасин дер чун насиҳатни дароз.

Чунки ахлатхўр бу қузгун ўйлатур,  
Юз туман макру фирибни қўзғатур.

900 Лек мунофиқликка берса майлини,  
Ул мунофиқлик-да қўллайдир ани.

Бўйла соҳибдилда эрса карру фарр,  
Бизга бозор ичра эшшак ул магар.

Соҳиби дил изла, бежон бўлмасанг,  
Жинси дил бўл, зидди султон бўлмасанг.

Ҳирқапўшлар гарчи хуш эрмас санго,  
Ҳуш эмасдирлар вале хоси Худо.

Ҳар кишиким сенга айлар пайрави,  
Ул кўзингга ё Набийдир, ё валий.

905 Бул ҳавони қўй-да, изла хуш уфор,  
Хуш уфорини уфурсин гулбаҳор.

Ул ҳаволарким думоғинг ичра, ҳай,  
Мушку анбарлар сенга хуш келмагай.

Бул сухан поёнсиз эрмиш, оҳужон,  
Дилдираб огилда, чун сақлайди жон.

## ОФИЛДА, ЭШШАКЛАР ОРАСИДА ҚОЛГАН ОҲУ ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ

Неча кундир оҳуйи хушнофу тар,  
Ул эшаклар ичра бундоқ ғам чекар.

Сувдин айрилган балиқдек эрди зор,  
Гўнга тушмишди магар мушку уфор.

910 Бир эшак дерди анга айлаб ўгит:  
Шеру арслон ҳам гаҳи айлар сукут.

Бошқаси дерди: намунча чопқилар,  
Гавҳари бордир магар, арзон сотар.

Ўзгаси дерди: бу нозиклик ила  
Подшо тахтига чиқсин бир йўла.

Бир эшакким еб-ичиб, бўкмиш эди,  
Кел, сомон е биз билан, оҳу, деди.

Лек эшакдин юз ўгирди ул ҳамон,  
Иштаҳам йўқдир, деди, ҳолим ёмон...

915 Шунда эшшак деди: нозинг бор магар,  
Ор этарсен, эътирозинг бор магар.

Оҳу деди: ул таомингдир сенинг,  
Қувватинг, ризқи тамомингдир сенинг.

Мен-чаманлар эркаси, жайрон эдим,  
Муз булоқлардин ичиб, сайрон эдим.

Солди қисмат бул азобга печ-печ,  
Таъбу атворимки бор, кетгайму ҳеч?

Гар гадо эрсам, гадоюздурми мен?  
Гар либосим эски, жисми янгимен.

920 Сумбулу лола, гули райҳонни то  
Мен емишдим, айлабон нозу адо.

Деди эшшак: майли, ур лоф узра лоф,  
Чун ғариблик ичра лофдир беҳисоб.

Деди оҳу: мушқу нофимдир гувоҳ,  
Айридир ул уду амбарлар аро.

Ҳидлагувчи йўқ бу атримни тамом,  
Ҳангийи тезакпарастга ул ҳаром.

Йўлда гўнг ҳидлайди эшшак ҳар нечук,  
Ҳид таратгаймен уларга мен нечук?

925 Ул сабаб деди Набийи мустажоб:  
Рамзи ал-ислому фид-дунё ғариб.<sup>82</sup>

Гар мусулмонлар малойик ҳамдами,  
Дини исломдин қочурлар ҳар даме.

Сувратин ҳамжинс билгайлар, бали,  
Ҳидлабон, атрин ололмаслар вале.

Чун ҳўкиз тери ёпинган шер улар,  
Боқ, йироқдин, бўйла қўрқинчдир улар.

Йўқса, ул ҳўкиз танингни таркин эт,  
Бурдалар, шер бирла қолсанг бетма-бет.

<sup>82</sup> Исломнинг дунёдаги рамзи - ғарибликдир... Қуръони карим, Юсуф сураси, 43-оятга ишорат.

930 Шер қиёфат ичра кўргайсен ани,  
Ул ҳўкизликдин халос айлар сени.

Гов эсанг, ёнида шер бўлгунг ҳама,  
Говлигинг хуш эрса, шерлик излама.

“МЕН ЕТТИ СЕМИЗ СИГИРНИ ЕТТИ ОРИҚ СИГИР  
ЕГАНИНИ КўРДИМ” ОЯТИНИНГ ТАФСИРИ.  
ТАНГРИ УЛ ЕТТИ ОРИҚ СИГИРНИ ОЧ АРСЛОН  
СИФАТИ ИЛА ЯРАТДИ ВА УЛАР ЕТТИ СЕМИЗ  
СИГИРНИ ИШТАҲА ИЛА ЕЙИШДИ. ГАРЧИ УЛ  
СИГИРЛАР ХАЁЛИ ТУШДА КўРИНМИШ ЭСА-ДА,  
СЕН МАЪНО ЗАМИРИГА БОҚ

Бир мисрлик авлиё уйқусида,  
Очилиб ғайб пардаси ўтрусида,

Кўрди, етти оч сигирким эрдилар,  
Етти бош семиз сигирни ердилар.

Гарчи ориқ эрди, ичда шер эди,  
Йўқса, ул семиз сигирни ермиди?

935 Бас, башар сувратда гарчи марду зўр,  
Унда пинҳондир ва лекин мардхўр.

Мардни еб хушлик ила, фард айлагай,  
Дардини покиза бир дард айлагай.

Ул сабаб бўлгай халос дардларданам,  
Сўнг Шуҳо устига қўйгайдир қадам.

Наҳс қузгундек сўрайдирсенки, чун,  
Эй Халил, сўйдинг хўрозни не учун?

Дерки, буйруқ бўлди: айт, маъноси не?  
Токи сўйлай мен-да Ҳақнинг мадҳини.

ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМ ХҶРОЗНИ  
СЎЯРҚАН, БУНДА МУРИД БОТИНИДАГИ ҚАЙСИ  
СИФАТГА БАРҲАМ БЕРИЛИШИ ЛОЗИМЛИГИГА  
ИШОРАТ БОРЛИГИ БАЁНИ

940 Шаҳватийдир ул хўроз шаҳватпараст,  
Оғули бир бода бирлан маст-аласт.

Насл учундир шаҳват ул кўпу ками,  
Йўқса, ўлгайди уятдин одамий.

Деди Иблиским, аё Раззоқи тоқ,  
Бер менга инсонни овлашга тузоқ.

Сийму зар берди, бедовлар рангба-ранг,  
Деди: этгай бу халойиқни гаранг.

Яхшидир, деди лаин, кўргач ани,  
Юз буриб, бужмайтди лекин афтини.

945 Сўнг дуру гавҳар ва маъданларки, хуш,  
Берди Ҳақ Иблисга, чун олгувчи ҳуш.

Деди: ол ушбу тузоқни, эй лаин,  
Дедиким, бер менга бундан яхшисин.

Мой, асал, ҳалвою шарбат берди Ҳақ,  
Зар, ипак тўн, яъни, хилъат берди Ҳақ.

Деди: ё Раб, яхшироғин бер атай,  
Токи инсонларни боғлаб, банд этай.

Сен ила маст эрларингким бор абад,  
Ул тугун, боғларни узсинлар фақат.

950 Ул тузоқ инсонни таслим айласин,  
Мард ила номардни ажрим айласин.

Бир тузоқ бер ўзга, эй султони тахт,  
Токи инсон ақлини этсин карахт.



Олдига чангу шаробни қўйди бот,  
Сал кулимсаб қўйди Иблис, жилла шод.

Сўнг азал излолидин берди хабар,<sup>83</sup>  
Фитна дарёсин, деди, ул чайқатар.

Деди: Мусо эрди сенга банда, қул,  
Денгиз ортини қўпормиш эрди ул.

955 Тирқираб сув, бир-бирин йиқмиш эди,  
Лой-ғуборлар сув уза чиқмиш эди.

Шунда Ҳақ кўрсатди хотин ҳуснини,  
Эр кишининг ақлин олгай, сабрини.

Қарс уриб, Иблис ўйинга тушди шод,  
Деди: бергил, ҳосил ўлгайдир мурод.

Кўрди ул кўзларки эрди пурхумор,  
Бир боқиб, ақлу хирад ҳам беқарор.

Кўрди ул юзларки нақ кундай эди,  
Шуъласи дилларни куйдиргай эди.

Чеҳраву хол, қошу лабларким, ақиқ  
Шуълаи Ҳақдек гўзал эрди, ёниқ.

Ғамзаву нозларга бир кўз ташлади,  
Чарх уриб, рақс айламоққа бошлади.

---

<sup>83</sup> Излол - гумроҳлик, адашиш.

“БИЗ ИНСОННИ ЭНГ ГЎЗАЛ БИР ШАҚЛДА  
ЯРАТДИК ВА УНИ ЭНГ ТУБАНЛАРГА ОТДИК”  
ОЯТИ ҲАМДА “КИМГА КЎП УМР БЕРСАК, УНИНГ  
КУЧЕНИ ОЗАЙТИРАМИЗ” ОЯТИНИНГ  
ТАФСИРИ<sup>84</sup>

Сажда этмишди малак ҳам ҳуснига.  
Аста-аста етди барҳам ҳуснига.

Одамий оҳ чекди бунга, Ҳақ деди:  
Кўп умр кўрдинг, гуноҳинг шул эди.

Жабраил тутди башарни, судрабон,  
Чиқ, деди, хушлик диёридин ҳамон.

965 Сўрди:иззат эрди, не излол бул?  
Бул адолатдир, деди, лутф эрди ул.

Дедиким, ҳой, сажда этмишдинг ҳама,  
Энди жаннатдин бу қувмоғинг нима?

Бор либосимдин айирди имтиҳон,  
Бир оғочдирмен магар, баргим хазон.

Юзларимки, рашк этарди ой анга.  
Кексайиб, бужмайди, энди вой анга.

Бошда сочим ҳурпайиб, кўркам эди,  
Тос бўлиб, битди, тўкилди, қолмади

970 Қоматим ҳам найза эрдиким, синон,  
Букчайиб қолдим, нетай, қаддим камон.

Лола рангим заъфарон бўлди бугун,  
Шер кучим битди, тамом бўлди бугун.

Паҳлавонни ҳам йиқардим ул куни,  
Энди бир эплаб юритгайлар мени.

---

<sup>84</sup> Қурони карим, Ёсин сураси, 68-оятга ишорат.

Бул бари - жонимга йўлдош йўлчидир,  
Ҳар бири - менга ўлимдин элчидир.

“АММО МЎМИНЛАР, ХАЙРЛИ АМАЛЛАРНИ АДО  
ЭТГАНЛАР БОШҚА. УЛАР УЧУН АЙРИЧА АЖРУ  
МУКОФОТЛАР БОР” ОЯТИНИНГ ТАФСИРИ

Нури Ҳақ бўлса табибинг, эй хўжам.  
Кексалик бирлан ҳарорат не писанд?

975 Сузлиги - маст сузлигидир, бошқамас,  
Унга ул Рустам-да этгайдир ҳавас.

Ўлса, буткул устухони ғарқи завқ,  
Зарра-зарра жисми узра нури шавқ.

Нури Ҳақсиз кимса - боғи бесамар,  
Кузда этгайлар уни зеру забар.

Гуллари кетгай, тикони қолгуси,  
Бир уюм барги хазони қолгуси.

Не гуноҳи бор эдики, эй Худо,  
Ул тароватдин ани этдинг жудо?

980 Ўзлигин кўрмишди, ўзни кўргани.  
Заҳри қотилдирки, ўлдиргай ани.

Улки олам ишқида гирён эмиш,  
Четга ҳайдалгай, гуноҳи не эмиш?

Журми улким, зевари - ориядур<sup>85</sup>,  
Дерки, эгнимда ҳалол молим эрур.

Биз олурмиз молни ул билсин яқин,  
Бизники - хирмон, - алардир - доначин<sup>86</sup>

---

<sup>85</sup> Ория - вақтинча муваққат олинган нарса

<sup>86</sup> Доначин - дон, бошоқ терувчи

Токи билсин, ул либос ория, бас,  
Нури хуршиди вужуддир, бошқамас.

- 985 Ул жамолу қудрату фазлу ҳунар -  
Нури офтоби ҳуснидир жилвагар.

Офтоб нури не чандон урмагай,  
Кетгай ул, деворда мангу турмагай.

Ул кетиб, тутгай макон офтоб аро,  
Шунда девор ҳам баса тортгай қаро.

Ул гўзаллар ҳусниким, андишадин,  
Нури хуршиддир, ўтар уч шишадин.

Шисаларким турфаранг эрмиш, қаранг,  
Бизга ул нурларни этгай турфаранг.

- 990 Шисаларким рангба-ранг, битгай тамом,  
Нури беранг ҳангу манг этгай тамом.

Шисасиз кўрмоқни одат айла. ҳай,  
Синса шиша, кўзларинг кўр бўлмагай.

Ўрганиб, шодсен илмлар жамидин,  
Кўзларинг равшан бировнинг шамидин.

Ул сенинг қошингда сўндиргай чироқ,  
Ки ҳали ёшсен, етукликдин йироқ.

Шукр этиб, саъй айла жонинг борича,  
Омадингни Хақ ҳали бергай неча.

- 995 Ношукур эрсанг магар қон йиғла, хун,  
Кечди кофирдин ўшандоқ бир ҳусн.

Умматул куфроназал эъмолиҳум,  
Умматул иймон аслаҳ бил-лаҳум.<sup>87</sup>

Ношукурликдин кетиб ҳусну ҳунар  
Қолмади ул иккисидин бир асар.

Хешлигу бехешлигу шукру видод  
Кетди андоқ, айламас бир кимса ёд.

Не “азал эъмолиҳум”нинг маъниси,  
Комронлар комидин айрилгуси

1000 Ўзгадир лек аҳли шукрону вафо.  
Ки алар олдида давлат доимо

Кетса гар давлат не эрмиш қуввати,  
Келса гар давлат, бўлур хосияти.

Давлитнгдин гар иона бергасен,  
Неча юз давлат қошингда кўргасен<sup>88</sup>

Майни кам ичсанг магар, нетгай сенга,  
Ҳавзи кавсар ул насиб этгай сенга.

Ким вафо хокига тўкса қатра май,  
Сайди давлат унга келгай, қочмагай.

1005 Дилларин ҳушларки, аслаҳ биллахум,  
Радда минбаъд ит-тави анзолаум.<sup>89</sup>

Эй ажал, эй жумла ғоратсоз, бер,  
Олганинг шукр айлаганга боз бер.

---

<sup>87</sup> Кофирланинг ишлари зое бўлур, мўминларинг ишлари ўнгла-  
нур.

Қурони карим, Муҳаммад сураси, 2-оятга ишорат.

<sup>88</sup> Бу ерда Худо йўлига қарзи ҳасана деб йўқсилларга берилади-  
ган хайри садақа кўзда тутилмоқда. Қуръоним карим, Ҳадид  
сурасининг 18-ояти ва Музааммил сурасининг 20-оятига ишорат-  
лар.

<sup>89</sup> Тангри уларнинг кўнгилларини ҳушлар, ишларини ўнглр,  
қўлдан чиқазган нарсаларини яна қайтириб берад.

Берса ҳам лек қабул этмас улар,  
Неъматини жонга муяссар бўлдилар.

Сўфимиз, дерлар, чу отдик хирқани,  
Ўйнадик, бас, энди олмасмиз уни.

Ҳам эваз бердик-да, ҳам олдик эваз,  
Битди бизда ҳожату ҳирсу гараз.

1010 Айниган, шўр сувни тарк этдик бугун,  
Чашмаи кавсарга ҳам етдик бугун.

Неки кўрсатдинг башарга, эй жаҳон,  
Бевафолик, ҳийлаю нози гарон.

Қайтарурмиз барчасин, баҳри Худо,  
Чун, шаҳидлармиз буюк майдон аро.

Токи билгайсен Худоинг амрида,  
Қуллари борким, забардастдир жуда.

Мўйловингни битталаб юлгай улар,  
Фатҳу нусрат чодирин қургай улар.

1015 Ул шиҳидлар ғози бўлгайлар яна,  
Банди зиндонлар қутулгайлар яна.

Бош чиқаргайлар адамдин ҳангу манг,  
Кўр дегайлар бизни, гар кўр бўлмасанг.

Не қуёшлар бор ўшал йўқлик аро,  
Қайда офтоб, унда эрмишдир Суҳо.

Йўқлигу борлик, биродар, чун эмиш,  
Зид агар зид ичрадир, макнун эмиш.

“Юхрижул-ҳайа минал-маййит”ни бил,<sup>90</sup>  
Йўқлик - обидлар умиди эрмиш ул.

<sup>90</sup> “У ўликдан тирикни чиқарар” деган сўзнинг маъносини бил.  
Қуръони карим, Анъом сураси, 95-оятга ишорат.

1020 Улки-ул, омбори буткул бўм-бўш,  
Йўқлик умиди ила эрмасми хуш?

Ки ўшал йўқликдин унгайдир экин,  
Маънига воқиф эсанг, фаҳм айлагин.

Кўз солиб йўқликка ҳар дам интизор,  
Сен кутарсен завқу орому нисор.

Йўқ изн очмоққа ушбу розни,  
Йўқса Бағдод айлағум Абҳозни.<sup>91</sup>

Сунъи Ҳақ дарёси эрмишдир адам,  
Андин эҳсонлар чиқаргай дамба-дам.

1025 Ибтидо, аввал асос ул, Ҳақ эмиш,  
Поясиз ҳам новдани бор айламиш.....

### ЙЎҚ КЎРИНГАН БОР ДУНЁ БИЛАН БОР КЎРИНГАН ЙЎҚ ДУНЁНИНГ МИСОЛИ

Йўқни ул кўрсатди бордек, муҳташам,  
Борни лек кўрсатди йўқдек, чун адам.

Сувнимас кўпикни этди ошкор.  
Елнимас, кўрсатди бизга чанг-ғубор.

Чанг ғуборлар учди ул сўйи ҳаво,  
Бесабабдин кўкка ўрларму аё?

Чанг ғуборни кўкда кўргайсен, амил.  
Чанг-ғуборлар елга эрмасму амил?

1030 Кўз солиб кўпик кўрарсен эрта-кеч.  
Бўлмаса денгиз, кўпик бўлгайму ҳеч?

Кўрганинг кўпик у денгизга далил,  
Фикр агар пинҳон, аёндир қолу қил.

---

<sup>91</sup> Шимолий Кавказда ўша даврда христианлар шахри.

Йўқни исбот ўрнида сургувчимиз,  
Бўйладирким, йўқни ҳам кўргувчимиз.

Уйқули кўзлар жаҳонда не кўрар?  
Бир хаёл, йўқликни кўргайдир магар.

Ложарам саргашта эрмишдир залол,  
Чин ҳақиқат ўрнига келмиш хаёл.

1035 Бул адамни ул аён айлар нечук?  
Ул ҳақиқатни ниҳон айлар нечук?

Офарин, устози сеҳру ҳийлабоф,<sup>92</sup>  
Лойқа сувни кўрсатурсен бизга соф.

Сеҳргарлар ой нурини ўлчабон,  
Зар, ипак деб элга сотгайлар ҳамон.

Сийму зарни элдан олгайлар талай,  
Пул кетар қўлдин, матоҳ ҳам қолмагай.

Бул жаҳондир жоду, кўз солгувчи биз,  
Ой нурин ўлчайди ул, олгувчи биз.

Кўзларингга шоҳи нури моҳтоб,  
Неча юз газ шоҳи ўлчайдир шитоб.

Сийми умринг олгай ул очкўзу суқ,  
Кўз очарсен, шоҳи йўқ, киссанг қуруқ.

“Қулаузот” деди Тангри, бил ани,  
Айт: балолардин халос қилгил мени.

Сеҳргарларким тугунга пуфлагай,  
Алгиёс ул-мустағос, Эй Хаққи Ҳай.

Феъл тили бирла ўқиб, сен айла ҳис,  
Сўз тили ожиз эмишдир, эй азиз.

---

<sup>92</sup> Ҳийлабоф - ҳийла тўқувчи.



1045 Учта йўлдошинг йўлингда кун ва тун,  
Битта содиқ, иккиси гаддору дун.

Ул бири ёрон, биридир - мулку мол,  
Сенга содиқдир вале ҳуснул-фиол.<sup>93</sup>

Уйда қолгай молу мулкинг ул неча,  
Дўстларинг боргай магарким гўргача.

Чун ажалким сенга қўл чўзгай, ҳамон,  
Ҳол тили билан дегайлар: бас, тамом.

Бизни кўрмассен бу савдо қошида,  
Биз бўлурмиз бир нафас гўр бошида.

1050 Феълу аъмолинг - вафодоринг абад,  
Сен била қабрингга киргай ул фақат.

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ “СЕНГА СЕН  
БИЛАН ТИРИКЛАЙИН ТУПРОҚҚА КЎМИЛАЖАК  
БИР ДЎСТ КЕРАК.... У СЕН БИЛАН БИРГА  
ТУПРОҚҚА КЎМИЛУР, СЕН ЎЛИК ЭКАНСАН, У  
ТИРИК БЎЛУР. У ЯХШИ ЭРСА, СЕНИ  
ЯХШИЛИККА, ЁМОН ЭРСА, СЕНИ ЁМОНЛИККА  
ДУЧОР АЙЛАР. У ДЎСТУ ЙЎЛДОШИНГ - ЭТГАН  
ИШ -АМАЛЛАРИНГДИР. БАС,КУЧИНГ БОРИЧА  
ЯХШИ АМАЛЛАР ҚИЛГИЛ” ҲАДИСНИНГ  
ТАФСИРИ, ЧИН ДЕМИШ РАСУЛИЛЛОҲ.

Мустафодин келди бизга бул тарийқ:  
Иш амал эрмиш вафодоринг, рафиқ.

Яхши эрса, то абад ёринг бўлур,  
Гар ёмон эрса, жабркоринг бўлур.

Тўғри йўлда кимса этгайдир амал,  
Йўқ эса устози, топгайму самар?

---

<sup>93</sup> Ҳуснул фиол - яхши ишлар, гўзал амаллар.

Майда иш ҳам бул жаҳонда даҳмаза,  
Гар биров заҳмат чекиб, ўргатмаса.

1055 Аввали илм, сўнг амалдин наф келур,  
Ёки муҳлат, ё ажалдин сўнгра ул.

Истаъину фил-хираф ё ё зоннуҳо  
Мин карими солиҳин мин аҳлихо.

Утлубид дура ахи васт ус-садаф,  
Ва-тлубил-фанна мин арбоб илхираф.

1060 Ин райитум носихина инсифу,  
Бодиру ит-таълима ло тастанкифу.<sup>94</sup>

Тери ошловчи кияр коржомани,  
Эл магарким камбағал дерму ани?

Гар темирчи кийса ул коржома-далқ.  
Йўқсулу бечора деб билгайму халқ?

Илм истарсен, кибр тўнини еч,  
Камтаринлик жомасин кий эрта-кеч.

Илм ўрганмоқ йўли - сўздир магар,  
Иш била комил бўлур касбу ҳунар.

1065 Фақр истарсен, чу суҳбатдир йўлинг,  
На тилинг бўлгай мададкор, на қўлинг.

Жон билимни жондин олгай дамба-дам,  
Тилдин олмайдир, магар дафтарданам.

Деса солик дилда: рамз билгувчимиз,  
Рамз илмин билмагайдур ул ҳануз.

---

<sup>94</sup> Оқиллар санъатларини эгаллашга интилинг. лекин ҳар бир санъатни унинг устозидан ўрганинг. Биродар, дурни садафдан, ҳунарни ҳунар аҳлидан изла... Насиҳатгўйларга инсоф ила қулоқ тутинг, ўрганиб, ўргатмоққа жазм этинг, чекинманг.

Кўнглини этгай мунаввар ул зиё,  
Чун “алам нашрақ”ни амр этса Худо.<sup>95</sup>

Кўксинг ичра яшнатиб қўйдик ани,  
Воқиф этдик сўнгра асрордин сени.

Сен эса четлардин изларсен нуқул,  
Ҳолбуки кўксингдадир, кўнглингда ул.

Сенда бундоқ чашма бордир, беканор,  
Хурмадин сут изламоқдин айла ор.

1070 Денгиз эрмишдир магар қошингда чун,  
Бас, ўшал кўлмакка бормоғинг нечун?

Не учун кўнглинг кўзи очилмади,  
Толейинг сенга табассум қилмади?

Ташла кўз кўнглинга, изла Ҳақ нурин,  
Келмагай то таънайи ло табсирун.<sup>96</sup>

### «У СИЗ БИЛАН БИРГАДИР» ОЯТИНИНГ ТАФСИРИ»<sup>97</sup>

Бошинг узра бир сават нондир магар,  
Сен эса нон излаюрсен дарбадар.

Чулғамиш бошингни андоқ бир ғубор,  
Ҳар эшикка борма, сен кўнглинга бор.

1075 Гарчи юргайсен тизингдин сув кечиб.  
Ўзгадин сув истаюрсен, қўл чўзиб.

Олду ортингда сув эрмиш беадад.  
Олду ортингда вале тўғону сад.

---

<sup>95</sup> Қуръони карим, Иншиқоқ сурасига ишорат.

<sup>96</sup> Ло табсирун - сиз кўрмайсиз Қуръони карим, Воқеа сураси.  
85-оятга ишорат.

<sup>97</sup> Қуръони карим, Ҳадид сураси, 4-оятга ишорат.

Боқ, суворийкам юрар от устида,  
От сураp ул отни топмоқ қасдида

Лек десангим, от сенинг остингда, ҳай,  
Тўғри, лекин ким уни кўрмиш, дегай.

Ташналаб сув деб югургай ҳар томон,  
Беҳабардир, олдида оби равон

1080 Денгиз ичра излагай денгизни ул,  
Ўз хаёли унга бир девор эрур.

Ўз саволи бир ҳижоб эрмиш анга,  
Бир булут эрмиш, ниқоб эрмиш анга.

Чашмбанд бўлмиш магар бадхоқ кўзи,  
Кўзни тўсган ўзгалар эрмас, ўзи.

Карқулоқ эрмиш тамом ақлу ҳуши,  
Ҳаққа бергил ҳушни, эй Ҳақ мадҳуши

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ “БУТУН  
ДАРДЛАРИНИ БИТТА ДАРДГА ЙИҒА ОЛГАН  
КИМСАНИ ОЛЛОҲ ЎЗГА ДАРДЛАРДИН ХАЛОС  
АЙЛАР ТУРЛИ-ТУМАН ДАРДЛАРГА  
ЧАЛИНГАНЛАРНИ ЭСА ИСТАГАН ЕРДА МАВҲ  
ЭТАР, ШАФҚАТ АЙЛАМАС” ҲАДИСИНИ  
АНГЛАТИШ

Ақлу идрокинг паришондир бугун,  
Айтганинг бир пулга арзондир бугун.

1085 Етди чун ақлинг суйи илдизгаким,  
Ул магарким мевага етгаймикин?

Сен қўлингга болта ол, кес бачкини,  
Сув қуйиб, яшнат бутоқда новдани.

Иккиси ҳолига сўнгра сол назар,  
Ул биримас, бул бири бергай самар.

Сув ҳалол бунга, вале унга ҳаром,  
Оқибат фарқи кўрингай, вассалом.

Не эмишдир адл? Оғочга сув қўйиш,  
Не эмишдир зулм? Тиканга сув қўйиш.

1090 Адл-эъзоз айламоқ, неъматни, бас,  
Учраган илдизга сув қўймоқ эмас.

Зулм не эрмиш-номуносибни қабул,  
Сўнгра бўлгайдир надомат кони ул.

Неъматни Ҳақни ақлга, жонга бер,  
Йўқ, демасменким, тани вайронга бер.

Ғам юкин сен жонгамас, жисминга орт,  
Орт уни жисминга, кўрсатсин сабот.

Юк Исонинг бошида, лек ушбу дам,  
Эшшаги ўтлоқда ағнар дамба-дам.

1095 Сурмани сургум қулогимга, дема,  
Дил ишин ноқис таниндин излама.

Дил эсанг, нозлан, насиб этсин севинч,  
Тан эсанг, сен шарбат ичма, оғу ич.

Оғу танга фойда эрмиш, қанд зиён,  
Яхшидир тан эрса ожиз, нотавон.

Тан-жаҳаннамга ўтиндир, суймагил,  
Яшнабон ўсмоққа асло қўймагил.

Йўқса, ҳаммолсен, чу ҳаммоли ҳатаб,<sup>98</sup>  
Икки олам ичра йўлдошинг Лаҳаб.

1100 Сен ўтиндин Сидрани фарқ айла то,  
Иккиси ҳам ям-яшилдир, эй фато.

---

<sup>98</sup> Ҳаммоли ҳатаб - ўтин ташувчи.

Ул бирининг маскани - еттинчи кўк,  
Бул бирига ер-жаҳаннам ичра ўт.

Гарчи суврат ичра монанддир улар,  
Ҳис адашгай, кўзларинг янглиш кўрар.

Ул кўнгил кўзгусида пайдо бўлур,  
Жаҳд этким, манзилинг бўлсин кўнгил.

Гар оёгинг йўқса, боргил судралиб,  
Неки бордир анда, кўргайсен қониб

### УШБУ БАЙТНИНГ БАЁНИ:

1105 *Туш йўлгаки, йўлингни равон этгайлар,  
Йўқмен, дема, борлиққа сени элтгайлар...*<sup>99</sup>

Гар Зулайҳо ҳар эшикни чирмади,  
Лек Юсуфда саъй-рағбат кўрмади.

Йўл-эшик очилди, ерга тушди қулф,  
Ҳаққа юзланди, халос бўлди Юсуф.

Йўқ магар оламда раҳна ўтгудек,  
Лек Юсуф янглиғ жадал этмоқ керак.

То очилсин сенга йўл, айро бўлиб,  
Бемаконликда макон пайдо бўлиб.

1100 Сен келиб дунёга шул, эй мумтаҳан,<sup>100</sup>  
Қайси йўлдин келганинг кўрганмисан?

Не тарафдин йўл босиб келдинг; ўғил,  
Ўйладингму, қайси бир йўл эрди ул?

Билмасанг, қаршимда йўл йўқдир, дема,  
Ушбу йўлсизлик-ла кетгаймиз ҳама.

<sup>99</sup> Ушбу икки мисрга Мавлоно машҳур рубоийсининг дастлабки байтидир

<sup>100</sup> Мумтаҳан - имтиҳон берувчи, синовдан ўтувчи.

Уйқуда шодон юрарсен ўнгу сўл,  
Билмайин, майдонга элтгай қайси йўл.

Юм кўзингни, сен ўзингни таслим эт,  
Шул замон тегрангни қуршар кўҳна кент.

1115 Кўз юмишнинг сенга мушкул жойи бор,  
Кўзларинг ўнгида юз чашми хумор.

Кўзларинг тўртдир, кутарсен муштари,  
Эл аро бўлсанг улуснинг сарвари.

Ҳар кеча уйқуда кўргайсен ани,  
Тушда бойқуш ҳам кўрар вайронани.

Муштари, дерсан магарким доимо,  
Не матойинг бор сотишга? Ҳеч вақо.

Бўлса кўнглинг ичра неъматдин асар,  
Сен харидорларга боқмасдинг магар.

ПАЙҒАМБАРЛИК ДАЪВОСИНИ ҚИЛГАН  
КИМСАНИНГ ҲИКОЯСИ. УНДАН, НЕ ЕДИНГКИМ,  
БУ ҚАДАР САФСАТА СОТАРСЕН, ДЕБ  
СЎРАШГАНИ. У ДЕДИКИМ, ЕГУЛИК БИР  
НАРСАМ БЎЛГАНДА, ГУМРОҲЛИК ЙЎЛИГА  
КИРИБ, САФСАТА СОТАРМИДИМ... ҲАР СЎЗНИ  
ЎША СЎЗ АҲЛИДИН ЎЗГАСИГА СЎЙЛАСАНГ,  
УНИ САФСАТА ДЕГАЙЛАР. ГАРЧИ СЎЗЛОВЧИ  
ЎША СЎЗНИ СЎЙЛАШГА МАЪМУР БЎЛСА ҲАМ.

1120 Бир киши дедик, пайгамбар ўзим,  
Жумла пайгом аҳлига сарвар ўзим.

Тутдилар, подшога судраб элтдилар,  
Ушбу гавғони анга арз этдилар.

Тўпланиб келди халойиқ бошига,  
Бул нечук макру тузоқ деб, қошига.

Ул расулмен, дер, чу тарк этмиш адам,  
Биз-да пайғамбар эрурмиз, мухташам.

Ул адамдин биз-да келганмиз гариб,  
Сен нечун махсус эмишсан, эй адиб?

1125 Уйқуда ётган гўдак янглиғ магар,  
Сиз-да келгансиз, жаҳондин беҳабар.

Неча манзилларни ошгансиз тайин,  
Йўлдаги пасту баландни кўрмайин.

Биз вале келдик қувонч, кулгу била,  
Олти ёққа бешта ҳис-туйғу била.

Биз кўриб манзилда чин аслу асос,  
Раҳнамо бўлдик, хабардор, йўлшунос.

Дедилар шоҳга: буни қийноққа сол,  
Токи минбаъд этмагай бу қилу қол.

1130 Боқди шоҳ ҳолига, эрди чун ориқ,  
Битта калтак бирла ўлмоғи аниқ.

Ўйлаким, бормасди қўл ҳам ургани,  
Бир омонат шиша эрмишди тани.

Дедиким, ҳолин сўрай хушлик била,  
Нега лоф ургай бу саркашлик била?

Бунда қўрсликмас, ҳалимлик ишлагай,  
Ки ширин сўзни илон ҳам хушлагай.

Халқни ҳайдаб, кимсага тин берди шоҳ,  
Хушсифат, хушчеҳра, мунис эрди шоҳ.

1135 Юртини, хеш-ақробасин сўрди ул,  
Сўнг маошу мултажосин сўрди ул.



Деди: шаҳримдир ўшал Дорус-салом,  
Етганим манзил магар Дорул-малом.<sup>101</sup>

На уйим бор, на анису ҳамнишин,  
Ой магар ерни макон айлармикин?

Чун ҳазил, кулгуга шоҳ мойил эди,  
Не единг тушликка, ҳой, айтгил, деди.

Не емишдинг эрталаб, ҳолинг хароб?  
Бўйла сармастсен, сўзингда лофу қоф.

1140 Деди: ноним бўлса, гам ютгаймидим,  
Мен-Набий, деб можаро этгаймидим?

Бул гуруҳга сўзлаган ахмоқ эмиш,  
Тоғу тошдин кўнгил ахтармоқ эмиш.

Тоғу тошдин кимса кўнгил изламас,  
Фаҳму забт, маънийи мушкул изламас.

Ҳар не айтсанг, қайтариб сўйлар ҳамон,  
Қайтариб сўйлар, мазах этгансимон.

Қайдадир ул, қавми пайғом қайдадир?  
Қайдаву жонсиз жисм, жон қайдадир?

1145 Бер вале бойлик ва хотиндин хабар,  
Ер ўпиб, қаршингда тургайдир улар.

Бир гўзал бордир, десанг, тинглар ҳама,  
Сенга муштоқдир, десанг, англар ҳама.

Лек баён этсанг Худо пайғомини,  
Ўртага кўйсанг Худонинг номини.

Бойлама кўнгил фано дунёсига,  
Бор, десанг, Ҳақнинг бақо дунёсига.

---

<sup>101</sup> Дорул-салом - Бағдод шаҳри назарда тутилмоқда. Дорул-малом - маломат юрти

Айлагайлар қонингу жонинга қасд,  
Ишлари дину диёнатдин эмас.

ХАЛҚ ҲАҚҚА, ОБИ ҲАЁТГА ДАЪВАТ ЭТГУВЧИ  
АЗИЗ АВЛИЁЛАРНИ ЎЗЛАРИГА БЕГОНА САНАБ,  
УЛАРГА АDOVAT ИЛА БОҚИШЛАРИ САБАБИ

1150 Мунчалар ширин уларга хонумон,  
Ул сабаб аччиқ кўрингай бул баён.

Сол магар эшшак яғирга ҳирқани,  
Мушкул ўлгай сўнгра олмоғинг ани.

Ул ёпишгайдир ярога тош қотиб,  
Олгани кўймас эшак життак отиб.

Биттамас, элликта эрса гар яғир,  
Сен эшакни ҳар замон балчиқда кўр.

Хонумонинг-ҳирқа, ҳирсинг чун яро,  
Ҳирсинг ортаркан, яна афзун яро.

1155 Хонумон бойқушга бир вайрона, бас,  
Васфи Бағдоду Табасни тингламас.

Келса ул вайронага лочин агар,  
Берса бойқушларга шоҳдин юз хабар.

Сўзласа шаҳру чаман боғларни у,  
Сўзига афсус дегайдир юз адув.

Қўй дегайлар, эски ул афсонани,  
Лофу қоф кўп урма, билгаймиз ани.

Ул чирик чўпчакни кўрмиш бизга эп,  
Кўҳна савдоларни сўйлар янги деб.

1160 Эски мурда, дема, ҳой, жон бахш этар,  
Тожу ақлу нури иймон бахш этар.

Бер кўнгилни, дилрабо ул, руҳбахш,  
Ки сенга эҳсон этар тулпори рахш.<sup>102</sup>

Сен анга бошингни бергил бесукун,  
Ки ечар кўнгил оёғидан тугун.

Кимга сўйлай, борму бунда бир тирик,  
Талпиниб, оби ҳаётни ичгудек?

Битта озори қочиргайдир сени,  
Ишқнимас, ёлғиз билурсен исмини.

1165 Ишқнинг юз нозу истигноси бор,  
Лутфини ноз бирла этгайдир нисор.

Ишқ эмасдир ишқ, вафодин айрилиб,  
Ул вафосизларга боқмас қайрилиб.

Бир оғочдир-одамий, илдизи-аҳд,  
Илдизингни эҳтиёт қил, айла жаҳд.

Аҳди фосид бир чирик илдиз магар,  
Ул сабабдин мева бермас, бесамар.

Гарчи япроғи яшилдир, ранги тўқ,  
Илдизи сушт эрса, андин фойда йўқ.

1170 Илдизи мустаҳкам эрса муттасил,  
Неча юз япроқ чиқаргайдир яшил.

Бўлма сен илмингга мағрур, изла аҳд,  
Аҳд мағз эрса, илмлар пўст фақат.

---

<sup>102</sup> Рахш - чақмоқ, шуъла

ЁМОН КИМСА ЎЗ ЁМОНЛИГИДА СОБИТ ТУРИБ,  
ЯХШИЛАРНИНГ ДАВЛАТГА ЭРИШГАНЛАРИНИ  
КЎРИБ, ШАЙТОНГА АЙЛАНУР, ҲАСАДҚИЛИБ,  
ЯХШИЛИККА МОНЕ БЎЛУР... БЎЙЛАКИМ,  
ХИРМАНИ ЁНГАН КИШИ ЎЗГАЛАРНИНГ ҲАМ  
ХИРМАНИ ЁНИШИНИ ИСТАР.. “КЎРДИНГМИ  
НАМОЗХОННИ НАМОЗДИН ТЎСАДИГАН  
КИМСАНИ?”<sup>103</sup>

Чун вафо айлаб, самарлар топса қул,  
Сенда шайтондек ҳасадлар қўзғолур.

Ул кишиким хастадир, бемор, бас,  
Ўзгага соғлик, эсонлик истамас.

Гар ҳасадчи иблис эрмассен, аё,  
Этма даъво, иста даргоҳи вафо.

1175 Гар вафо йўқ эрса сенда, урма дам,  
Сўзларинг даъво эрурлар бешу кам.

Сўз тиларсен, дилда турмоғин тила,  
Жон тоғур жон баски хомушлик била.

Тилга келган сўзки топгайдир абас,  
Харжла кам-кам, дилда қолсин мағзи мағз.

Кимса кам гап эрса, бордир фикрати,  
Сўзки афзун бўлди, кетгай сийрати.

Пўст қалинлашганда кичрайгай уруғ,  
Юпқа эрса пўсти, билким, мағзи тўқ.

1180 Боқ ўшал уч мева, хому растани,  
Боғ аро ёнгоғу бодом пистани.

Кимсаким исён этар, шайтон эрур,  
Яхши инсонларга кин этгувчи ул.

---

<sup>103</sup> Қуръони карим, Алақ сураси, 9=10=оятларга ишорат.

Тангри аҳдига магар этсанг вафо,  
Ёрлақаб, аҳдингни асрайдир Худо.

Сен вафойи Ҳақни кўзга илмадинг,  
“Узкуру азкурукум”ни билмадинг.<sup>104</sup>

Аҳдингизга сиз вафо айланг шиор,  
Мен-да айлармен, деди Парвардигор.

1185 Не эмишдир бевафолик, беҳабар?  
Бу-ивитмай, донни сочмоғинг магар.

Бу ишингдин келмагай майдонга наф,  
На ўшал ер соҳиби деҳқонга наф.

Бул-ишоратдир, ишоратли сўзинг,  
Аслини бердинг адамдин сен ўзинг.

Донни еб, келтирдим андин бир нишон,  
Неъматингдин бер яна, ай меҳрибон.

Сен дуойинг намлагил, эй некбахт,  
Дона сочган кимса кўзлайдир дарахт.

1190 Гар уруғ йўқ эрса, сен этгил дуо,  
Сенга кўркам бир оғоч бергай Худо.

Дард эди Марямда, дона йўқ эди,  
Амри Ҳақ бўлди, оғочи яшнади.

Чун вафодор эрди ул фарзона зот,  
Ул сабабдин берди Тангри юз мурод.

Ул жамоатким вафодор эрдилар,  
Чун садоқат ичра қўргон қурдилар.

Бўлди дарёлар мусаххар, тоғу тош,  
Эгди чор унсур алар олдида бош.

---

<sup>104</sup> “Мени эсланг, мен ҳам сизни эслармен...” Қуръони карим,  
Бақара сураси, 152-оятга ишорат.

1195 Иззату икромдин эрди бул нишон,  
Аҳли инкор токи кўрсинлар дебон.

Ул иноятларки Ҳақдин етди, ҳай,  
Туйғу ожиздир, баёнга сигмагай.

Бўйла эҳсондирки ул лутфи Аҳад,  
Тинмагай асло, туганмасдир абад.

### МУНОЖОТ.

Эй Худойи қуту тамкину сабот,  
Бесаботдир халқ, ўзинг бергил нажот.

Шул қийин ишда мададкор бўл, қараш,  
Бетийиқ нафсларга инсоф айла бахш.

1200 Сабру бардош бер, мунаввар айлагин,  
Шумният сувратчилардин асрагин.

Сен ҳасаддин асра элни, эй Карим,  
Бўлмагайлар токи шайтони ражим.

Эл ҳама ўткинчи ул молу жасад,  
Касридин бир-бирга этгайлар ҳасад.

Подшолар неча лашкар тортадир,  
Бир-бири бошига кулфат ортадир.

Баски, ошиқ аҳли ҳам айлаб ҳасад,  
Бир-бирига қасди жон этгай фақат.

1205 Вису Ромин, Хусраву Ширин магар,  
Бўйлаким шўришу гавго қилдилар.

Топди ошиқлар фано, маъшуқа ҳам,  
Кетдилар бир-бир, ҳама бўлди адам.

Воҳ, Худойимнинг не эрмиш буйруғи,  
Айлагай йўқликни йўқлик ошиғи.

Шум ҳасадниким кўнгил раҳбар қилур,  
Борлиқ ул йўқликни чун музтар қилур.

Гар хотинни меҳрибон дерлар баса,  
Икки кундош бир-бирин ерлар баса.

1210 Энди эркакларки тошкўнгил неча,  
Кин-ҳасад бобида боргай қайгача.

Бўлмасайди афсуни шаръи латиф,<sup>105</sup>  
Ҳар ҳарифни парчалар эрди ҳариф.

Чун шариат шаръни даф айлагай,  
Девни ҳужжат шишасига жойлагай.

Бу - гувоҳлик, онту ҳужжатлар била  
Шишага девни қамашдир бир йўла.

Бир тарозуким, сира янглишмайин,  
Тортадир бирдек ҳама ёлғону чин.

1215 Бас, шариат ул тарозудир магар,  
Икки душманни балодин қутқарар.

Йўқса, ҳеч битгаймиди жангу жидол,  
Тарк этарму дилни ваҳми эҳтиёл.<sup>106</sup>

Баски, бул мурдору лошу бевафо -  
Даҳр аро душманлигу рашку жафо.

Найласин иқболу давлат бунда, ул  
Инсу жинс юргай ҳасад айлаб нуқул.

Ул шаётингким ҳасуддирлар ҳамон,  
Йўлтўсарликни қўйишмас бир замон.

---

<sup>105</sup> Афсуни шаръи латиф - бу ерда, шариатнинг гўзал қоидалари, маъносида

<sup>106</sup> Ваҳми эҳтиёл - алданиб қолмоқ ваҳми.

1220 Ул бани Одам-да исён қилдилар,  
Шум ҳасад касри-ла шайтон бўлдилар.

Сен ўқи Қуръонни, баъзи одамий,  
Амри Ҳақ-ла бўлдилар шайтон каби.<sup>107</sup>

Баъзида Иблис-да ожиз, бемадад -  
Қолса сўргайдир алардин бир мадад.

Дерки, дўсту ёрмиз, ёрдам қилинг,  
Дардимизга чораву малҳам қилинг.

Гар бировни йўлдан оздирса жаҳон,  
Икки шайтон ҳам бўлурлар шодмон.

1225 Гар биров иймонда бўлса сарбаланд,  
Оҳ уриб, фарёд чекарлар дамба-дам.

Иккисин ҳам ўртагай кийну ҳасад,  
Гар биров берса сенга ақлу хирад...

ПОДШО ПАЙҒАМБАРЛИК ДАЪВОСИНИ ҚИЛГАН  
КИМСАДАН, ЧИНАКАМ ПАЙҒАМБАР БЎЛИБ,  
ПАЙҒАМБАРЛИКДА СОБИТ ТУРГАН КИШИ  
ИНСОНГА НЕ БАҒИШЛАР, УНИНГ ХИЗМАТИДА  
БЎЛГАНЛАР НАСИҲАТИДАН ЎЗГА ЯНА НЕ  
БАҲРА ТОПГАЙЛАР, ДЕБ СЎРГАНИ.

Сўрди подшо: сўйла, не эрмиш ваҳий,  
Ул недирким, ҳосил этгайдир Набий?

Деди: не эрмишки, ҳосил бўлмамиш,  
Не буюк давлатки, восил бўлмамиш?

Ул ваҳийларким Набийга келди, бас,  
Арига келган ваҳийдан кам эмас.

---

<sup>107</sup> Қуръони карим, Анъом сураси, 112-оятга ишорат..



1230 Келди “Ав ҳар-Раб ила ан-наҳл”,  
Жон уйи шарбатга тўлди, ўйлагил.<sup>108</sup>

Келди ул нури ваҳийи Иззу жал,  
Тўлди шул оламга сўнг шаъму асал.

Улки, каррамно, деди, юксак эрур,<sup>109</sup>  
Ўзгалардин энди кам бўлгайми ул?

Гарчи ул Кавсар суйига ошнасен,  
Не сабабдин қуп-қуруқсен, ташнасен?

Фиръавнсен балки, Кавсар сенга Нил,  
Сен учун қонларга тўлмиш, эй алил.

1235 Тавба қил, сендин йироқ кетсин адув,  
Оби Кавсарсиз эмишдир ул каду...<sup>110</sup>

Улки, ранги рўйи Кавсар бирла ол,  
Ул Муҳаммадхў эмишдир, унга бор.

То аҳаббуллоҳга етгил, хулласи,  
Ундадир Аҳмад оғочи олмаси...

Кимсаким, Кавсар суйи етмас анга,  
Ул ажалдир, баски, душмандир сенга.

Гарчи отанг, гарчи онанг бўлса ҳам,  
Ул ичар қонингни, этмас бир карам.

1240 Сен Халидуллоҳдин ўрган, не турур,  
Отасига бўлди ёт, бегона ул.

Абгази лиллоҳ бўлиб Ҳақ олдида,  
Бўлма ожиз ишқ ила дақ олдида.<sup>111</sup>

---

<sup>108</sup> Тангри асаларига ваҳий этди... Қуръони карим, Наҳл сураси, 68-69-оятларга ишорат.

<sup>109</sup> Биз инсонни улуғладик.

<sup>110</sup> Каду - қовоқ, бу ерда, идиш, маъносида.

<sup>111</sup> Абгазуллоҳ - Ҳақ учун нафратланувчи. Дақ - таъна, маломат.

Айтмагунча лоюииллаллоҳни,  
Топмагайсен ул тарийқи роҳни.

БИР ОШИҚНИНГ СЕВГИЛИСИГА ЭТГАН  
ХИЗМАТЛАРИ, КЎРСАТГАН СИДҚУ САДОҚАТИ,  
УЗУН ТУНЛАРНИ ОЧ-НАҲОР, ҲАТТОКИ СУВСИЗ  
ТАШНАЙИ ЗОР КЕЧИРГАНИНИ АЙТИБ, БОШҚА  
ИШ ҚЎЛИМДАН КЕЛМАЙДИ, БИРОР  
ХИЗМАТИНГ БЎЛСА, БУЮР. ИСТАСАНГ,  
ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМ ЯНГЛИФ ЎЗИМНИ  
ОЛОВГА ОТАЙ. ИСТАСАНГ, ЮНУС  
АЛАЙҲИССАЛОМ ЯНГЛИФ НАҲАНГГА ЕМ  
БЎЛАЙ, ИСТАСАНГ, ЖИРЖИС АЛАЙҲИССАЛОМ  
ЯНГЛИФ ЕТМИШ КАРРА ЎЛДИРИЛАЙ,  
ИСТАСАНГ, ШУАЙБ АЛАЙҲИССАЛОМ ЯНГЛИФ  
ЙИРЛАБ, КЎЗИМНИ КЎР ҚИЛАЙ, ДЕГАНИ...  
ПАЙҒАМБАРЛАР КЎРСАТГАН ВАҒО ВА  
ЖОНБОЗЛИКЛАРНИ САНАБ АДОҒИГА ЕТИБ  
БЎЛМАС... МАЪШУҚАСИ УНГА ЖАВОБ  
БЕРГАНИ.<sup>112</sup>

Воҳки, бир ошиқ очиб дил дафтарин,  
Ёрига айтар эди хизматларин.

Сен учун ундоғу бундоқ бўлди кор,  
Найзаву ўқларга бўлдим мен дучор.

1245 Кетди молим, кетди қувват, кетди ном,  
Баски, ишқингда адодирмен тамом.

Тонг отиб, кўнглимни хандон кўрмадим,  
Кун ботиб, ўзни беармон кўрмадим.

Ҳар неким чекмишди ул аччиқ-тахир,  
Сўйлар эрди дона-дона, бирма-бир.

---

<sup>112</sup> Жиржис алайҳиссалом - Исо алайҳиссалом билан Муҳаммад алайҳиссалом оралигида яшаган пайғамбар. Фаластинда туғилган, христианлар орасида Авлиё Георгий номи ила машҳур.

Ёрига миннат қилиб айтмасди ул,  
Ишқига сўйларди балки юз далил.

Улки оқилдир, ишорат унга бас,  
Улки ошиқдир, қаноат айламас.

1250 Сўзни такрорлар-да, такрорлар ёниқ,  
Сув ичаркан, сувга қонгайму балиқ?

Бир эмас, юз карра сўйлар, ўйлаким,  
Сўнггида сўйлар магарким, не дедим?

Ул ёнар оташда, аммо билмагай,  
Шам каби оташлар ичра йиғлагай...

Айтганинг ростдир, деди, маъшука, бас,  
Энди мен сўйлай, эшитгил бир нафас.

Этганинг бир зарра, андин ўтмадинг,  
Не эмиш ишқ амри, ижро этмадинг.

1255 Не эмиш ишқ асли, деб сўрди бу дам,  
Дедиким, ўлмоқдир ул, бўлмоқ адам.

Лек тирикдирсен ҳамон, ҳар не десанг,  
Ёрни деб жонингни бер жонбоз эсанг.

Шул замон ётди, кулиб жон берди ул,  
Ки чамандин шоду хандон кечди гул.

Бўйла бўлди ишқу ошиқ белгиси,  
Қолди лекин шоду хандон кулгуси.

Кирланурму ой нури, эй муҳтарам,  
Гарчи ул яхши-ёмонга тушса ҳам?

1260 Ойга қайтгайдир мусаффо ул зиё,  
Бўйла нури ақлу жон - сўйи Илоҳ.

Нур сифоти тозалик, поклик эрур,  
Гарчи тушгайдир нажосатларга нур.

Йўлдаги ҳар не нажосат, хору хас,  
Нурга дуч келгай, ва лекин булгамас.

“Иржиъи!” амрини нури офтоб  
Тинглабон, аслига қайтгайдир шитоб.<sup>113</sup>

Унда на ўтдин, на гулхандин асар,  
Унда на гулдин, на гулшандин асар.

1265 Нури дийда қайтадир, қолгувчи ашк,  
Қолгай ул нур ҳажрида саҳрову дашт.

---

<sup>113</sup> Иржиъи - аслинга қайт.

БИРОВИ ОЛИМУ ОРИФ КИМСАДАН, КИШИ  
 НАМОЗ ЎҚИРКАН, ОҶ ЧЕКИБ ЙИҒЛАСА  
 НАМОЗИ БУЗИЛМАЙДИМИ, ДЕБ СЎРАДИ.  
 ЖАВОБ БЎЛДИКИМ, КЎЗИНГДИН ОҚҚАН СУВ -  
 КЎЗ ЁШИДИР... ЙИҒЛАГУВЧИ НЕ КЎРАР УНИ  
 БИЛМОҚ ЛОЗИМ. АГАР У ТАНГРИ ТАОЛО  
 ШАВҚИ БИЛА ЙИҒЛАСА ЁКИ ГУНОҶИГА ТАВБА  
 ЭТИВ КЎЗ ЁШИ ТЎКСА, НАМОЗИ БУЗИЛМАС,  
 БАЛКИ ЮКСАЛУР. ЧУНКИ НАМОЗ КЎНГИЛ  
 ҲУЗУРИГА АЙЛАНМАГУНЧА НАМОЗ САНАЛМАС.  
 АММО БУ БАДАНИДАГИ ХАСТАЛИК  
 ТУФАЙЛИДАН ЁХУД ЎҒЛИДАН АЙРИЛИБ,  
 ЙИҒЛАРКАН, НАМОЗИ БУЗУЛУР. Зеро,  
 НАМОЗНИНГ АСЛИ - ИБРОҶИМГА ЎХШАВ  
 ТАНИИ ТАРК ЭТМОҚ, ФАРЗАНДДИН ВОЗ  
 КЕЧМОҚДИР. ИБРОҶИМ НАМОЗ ТАКМИЛИ УЧУН  
 ФАРЗАНДИНИ ҚУРБОН ҚИЛИБ, ЎЗИНИ  
 НАМРУДНИНГ ОЛОВИГА ОТМИШДИ. ИНЧУНИН  
 МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ  
 БУЮРМИШЛАРКИМ, ИБРОҶИМГА ЭРГАШИНГ,  
 ИБРОҶИМДА СИЗГА ИБРАТ БЎЛГУЛИК ГЎЗАЛ  
 ФАЗИЛАТЛАР БОР.<sup>114</sup>

Муфтидин сўрди биров: айлаб намоз,  
 Гар намозхон йиғласа, чекса овоз,

Ул намози бузгуну ботилмидир?  
 Ё магарким жоизу комилмидир?

Деди муфтий: кўнглида не кўрди ул,  
 Нега йиғлар, боисин билмоқ зарур.

Кўнгли ичра кўрди неларни ниҳон?  
 Не сабабдин бўлди кўз ёши равон?

1270 Ўзга оламини кўриб ул пурниёз,  
 Йиғласа, жоизу комилдир намоз.

<sup>114</sup> Қуръони карим, Наҳл сураси, 123-оятга ишорат.

Боиси дарду мусибат эрса, бас,  
Ип узилмиш, чарҳига етмиш шикаст...

БИР МУРИД ШАЙХ ҲУЗУРИГА КЕЛДИ. ШАЙХ  
ДЕЙИШ ИЛА ЁШИ УЛУҒЛИГИНИМАС, АҚЛИ,  
МАЪРИФАТИ БУЮКЛИГИНИ АЙТМОҚЧИМИЗ,  
ХОЛОС. ИСО АЛАЙҲИССАЛОМ ҲАЛИ БЕШИҚДА  
ЭКАН, СЎЗЛАЙ БОШЛАГАН, ЯХЁ  
АЛАЙҲИССАЛОМ МАКТАБДАЁҚ ЗЕҲНИНИ  
НАМОЙИШ ЭТГАН ЭДИ. МУРИД КЎРДИКИМ,  
ШАЙХ ЙИҒЛАБ ЎЛТИРУР... У ҲАМ ШАЙХГА  
ЭРГАШИБ, ЙИҒЛАЙ БОШЛАДИ. ШАЙХ  
ЙИҒИДАН ТЎХТАГАЧ, МУРИД ТАШҚАРИ  
ЧИҚДИ. ШАЙХНИНГ ҲОЛИНИ УНДАН ЯХШИРОҚ  
БИЛГАН БОШҚА БИР МУРИД УНИНГ ОРТИДАН  
ЕТИБ, ХОЙ, БИРОДАР, ДЕДИ, ШАЙХ ЙИҒЛАДИ,  
МЕН ҲАМ УНГА ҚЎШИЛИШИБ ЙИҒЛАДИМ,  
ДЕГАН ГАПНИ ЗИНҲОР КЎНГЛИНГГА  
КЕЛТИРМА... ШАЙХДЕК ЙИҒЛАМОҚ УЧУН  
ЎТТИЗ ЙИЛ РИЁЗАТ ЧЕКМОҚ, НАҲАНГ ТЎЛА  
ДЕНГИЗЛАРДАН КЕЧМОҚ, АРСЛОНЛАРУ  
ЙЎЛБАРСЛАРГА ТЎЛА ТОҒЛАРДАН ОШМОҚ  
КЕРАК. ШУНДА ҲАМ АНДОҚ КЎЗ ЁШЛАРГА  
БАЛКИ ЕТАРСАН, БАЛКИ ЙЎҒ. МАБОДО ЕТАР  
БЎЛСАНГ, ИККИ ДУНЁ МЕНГА БИР ҚАДАМ  
БЎЛДИ, ДЕБ ШУКРОНАЛАР ҚИЛ...

Бир мурид бир гал келиб пир қошига,  
Кўрдиким, фарқ эрди ул кўз ёшига.

Муқтадосига мурид кўз ташлади,  
Ўлтириб сўнг йиғламоққа бошлади...

Соғ киши бир карра этгай эътибор,  
Кар киши кулгай ҳазилга икки бор.

1275 Бошда кулгайдир у кулганлар била,  
Ўзгаларга эргашиб, тақлид ила.

Ўзгаларга эргашиб кулгай магар,  
Боиси не эрди аммо, беҳабар.

Сўнг сўраб, кулгу сабабни билгай ул,  
Билди, бас, иккинчи карра кулгай ул.

Ул муқаллид ҳам магарким кар киши,  
Дарҳақиқат карга ўхшайдир иши.

Партави шайхдир муридга ургани,  
Билмагайсен то муриддин деб ани.

1280 Сувга ботган бир савват эрмишки то,  
Сув маним деб айтса, янглишдир, хато.

Чунки ул сувдин саватни олсалар,  
Қолмагай сувдин саватда бир асар.

Шиша чақнайдир, тушиб ой шуъласи,  
Ой ботиб кетгач, қаро тортгай басе.

Амри Қумдин кўзларин очган маҳал,  
Ул кулар иккинчи даъфа чун саҳар.<sup>115</sup>

Ул кулар энди ўшал туйғусидин,  
Ўзгаларга тақлидий кулгусидин.

1285 Дерки, билдим йўл босиб дуру дароз:  
Не ҳақиқат, не эмиш асрору роз.

Мен ўшал водийда шод эрдим магар,  
Кўр эмишмен, кар эмишмен қанчалар.

Не хаёллар ичра эрдим, ул бари,  
Терс эмишдир, жилва этмиш тескари.

---

<sup>115</sup> Қум - тур, қўзғол, Қуръони карим, Музаммил сураси, 1-4-оятларга ишорат.

Ёшгина ўғлонда фикрат қайдадир,  
Ул хаёл қайда, ҳақиқат қайдадир?

Ёш бола йўлларда ҳар дам сут дегай,  
Ёки ёнгоқ, ё майиз деб гингшигай.

1290 Ул муқаллид ҳам магарким бир бола,<sup>116</sup>  
Гарчи баҳс айлар далил, исбот ила.

Ул далиллар бирла юргай маст бўлиб,  
Ул далиллар касридин кўрмас бўлиб.

Сирру асрор сурмасин отмишдир ул,  
Мушкулотлар баҳсига ботмишдир ул.

Эй муқаллид, сен Бухоро борма, қайт,  
Бор ўшал хорликка, бўлгил шеримард.

Сен Бухоро кўр магар кўнглингда чун,  
Анда мажлис аҳлидир ло яфқахун.<sup>117</sup>

1295 Гар чопар йўлларда кўп чопқир эрур,  
Етса денгизга, ҳамоно тўхтар ул.

Чун қуруқда юкчилик эрди иши,  
Юкчилик денгизда этгай эр киши.

Эй ваҳимлар ичра юрган беқарор,  
Подшонинг неча бир эҳсони бор.

Ул муридким, тақлид эрди жонида,  
Йиғлади алқисса шайхнинг ёнида.

Ул муқаллид эрди бир монанди кар,  
Кўрса-да, лекин сабабдин беҳабар.

1300 Ташқари чиқди мурид ул, даъфатан,  
Бир муриди хос югурди ортидан.

<sup>116</sup> Муқаллид - тақлидчи.

<sup>117</sup> Яфқахун - ҳеч нарса англамаслар.



Деди: ҳай, шошма, азиз шайхи назар,  
Олдида кўз ёши тўккан беҳабар!

Оллоҳ-Оллоҳ, эй садоқатли мурид,  
Гарчи тақлид ичра наф бордир, ўгит.

Демаким, кўз ёши тўкди шоҳ, ул,  
Мен-да тўкдим ёш, бул мункирлик бўлур.

Қайда ул кўз ёши, тўкмиш мўътаман,  
Қайда ул кўз ёшиким, тақлиду занн.<sup>118</sup>

1305 Ул бирига бул бирин этма қиёс,  
Ўртада йўл бор магар дуру дароз.<sup>119</sup>

Йиғлар ул айлаб чу ўттиз йил жиҳод,  
Ақлу идрокинг у йўллар узра мот.

Ўртада бирмас, магар юз марҳала,<sup>120</sup>

Ул нечук карвон, ақл билмас сира.

Боисин шодлик дема, ё ғам тиғи,  
Руҳ билур ёлғиз не эрмиш ул йиғи.

Уч тарафдандир йиғи ҳам кулгуси,  
Йўқ магарким ваҳму қўрқув туйғуси.

1310 Қатрайи кўз ёши унга кўз эрур,  
Кўзки кўрмас бўлса, кўз бўлгайму ул?

Кўрганин тутмоқ маҳолдир қўл била,  
На қиёсу ақлу на туйғу ила.

Тун чекингай чун йироқдин нур келур,  
Билмагай зулмат не эрмиш ҳоли нур.

<sup>118</sup> Мўътаман - ишончли. Занн - гумон, шубҳа.

<sup>119</sup> Дуру дароз - узундан узоқ.

<sup>120</sup> Марҳала - манзил.

Пашша қочгай ел эсаркан эрта-кеч,  
Пашша еллар завқини билгайму ҳеч?

Чун қадим келса, ҳадис бўлгай абас,  
Бас, қадим қадрини билгайму ҳадас?<sup>121</sup>

1315 Ҳақ ҳадисга урса нур, данг айлагай,<sup>122</sup>  
Йўқ этиб, ўзига ҳамранг айлагай.

Истасанг, юзлаб мисоли мунтазир,  
Менга лекин ҳожат эрмас, эй фақир.

Бу алиф, Лом, Мим, Ҳа, Мим ҳарфлари  
Чун Мусо тутган асо эрмиш бари.<sup>123</sup>

Ўзга ҳарфларга гар ўхшашдир пича,  
Аслида ҳоли, сифоти ўзгача.

Сен асо олсанг қўлингга, эй фалон,  
Ул асога тенг бўлурму ҳеч замон?

1320 Ул нафаслар эрдиким Исо дами,  
Демагил қайғу, фараҳлар ҳамдами.

Бул Алиф, Лом, Мимни бизга, эй падар,  
Йўлламишдир Тангри, Мавло ул-башар.

Одатиймас бу Алиф, Лом, ўзга ул,  
Танда жонинг эрса, бундоқ билмагил.

Таркиби ҳарфлардин эрмиш, эй ҳумом,  
Бўйлаким зоҳирда таркиби авом.

Ул Муҳаммадким башарга унс эди,  
Ўзга бир танларга монанд жинс эди.

---

<sup>121</sup>Ҳадис, ҳадас - кейин яратилган, маъносида.

<sup>122</sup> Данг - беҳуш, ҳайрон.

<sup>123</sup> Қуръони каримнинг йигирма тўққиз сураси шу ҳарфлар-  
ҳуруфи муқаттас ила бошланади.

1325 Унда ҳам эт эрди, пўсту устуҳон,  
Ўзгаларда не эса, эрди ҳамон.

Урди ул таркибга лекин мўъжизот,  
Бўлди таркиблар унинг олдида мот.

Бўйлаким таркиби Ҳо, Мим ул китоб,  
Бошқа ҳарфлардин баланддир беҳисоб.

Чунки келгай бўйла таркибдин ҳаёт,  
Сур ўлик танларга бергандек нажот.

Лутфи Ҳақ бирлан бўлиб бир аждаҳо,  
Бўйлаким денгизни ёрмишди асо.

1330 Кўкдаги ой нонга ўхшашдир, бироқ,  
Аслида андоқ тассавурдин йироқ.

Сўзлаган сўзи, йиғи ҳам кулгуси,  
Ўздин эрмас, Ул тарафдин келгуси.

Аҳли нодон билгани зоҳир, тамом,  
Ул дақойиқлар қолур кўздин ниҳон.

Ложарам танг қолдилар айлаб ғараз,  
Бўлди шунда бор дақойиқ ҳам абас...

БИР ЧЎРИ ЭШАК ИЛА НАФСИНИ ҚОНДИРГАНИ.  
 БУ ИШДА ҚОВОҚДАН ФОЙДАЛАНГАНИ.  
 ЧЎРИНИНГ БЕКАСИ БЎЛМИШ ХОТУН БУНДАН  
 ХАВАР ТОПИБ, ЧЎРИНИ БАҲОНАДА БИР ЁҚҚА  
 ЖЎНАТИБ, ЎЗИ ЭШАК БИЛАН ЖИМО КИЛГАНИ  
 ВА ҲАЛОК БЎЛГАНИ... ЧЎРИ ЕТИБ КЕЛИБ, ЭЙ  
 ЖОНИМ ЖИГАРИМ, ЭЙ КЎЗИМНИНГ  
 РАВШАНИ, НЕГА ЭШАКНИ КЎРДИНГУ ҚОВОҚНИ  
 КЎРМАДИНГ, ДЕБ ФАРЁД СОЛГАНИ. КУЛЛИ  
 НОҚИСИ МАЪЛУН, БАРЧА НУҚСОНЛАР,  
 НУҚСОНЛИ КЎРИШЛАР  
 ЛАЪНАТЛАНГАНДИРЛАР. ЙЎҚСА, ЖИСМОНИЙ  
 НУҚСОНИ БЎЛГАНЛАРГА ҲЕЧ КИМСА  
 АЧИНМАСДИ. “КЎЗИ ОЖИЗГА АЙБ ТАҚИЛМАС”  
 ОЯТИНИ ЎҚИ. БУ ОЯТ КЎЗИ ОЖИЗНИ  
 АЙБЛОВДАН ҲАМ, ЛАЪНАТДАН ҲАМ, РАНЖУ  
 ОЗОРУ ҚАҲРУ ҒАЗАБДАН ҲАМ ХАЛОС ЭТГАЙ.<sup>124</sup>

Шаҳвати зўр эрди, чўри эрди ул,  
 Бир куни ўзни эшакка берди ул.

1335 Бул амални одат этмишди эшак,  
 Одамий макрига етмишди эшак.

Ҳийлагарнинг бир қовоғи бор эди,  
 Иш-амал асносида даркор эди.

Бўйлаким сақлар эди меёрни,  
 Чўри олгай эрди ул даркорни.

Йўқса, ул роҳатга не имкон эди,  
 Ичда ҳар не бор эса, вайрон эди.

Эшшак ориқлаб борар эрди, ажаб,  
 Эгаси билмасди лекин, не сабаб?

1340 Неча байторларга кўрсатди ҳамон,  
 Илллати не, ҳоли кун-кундин ёмон.

<sup>124</sup> Қрўони карим, Фатҳ сураси, 17-оятга ишорат.

Не эмишдир дарди, зоҳир бўлмади,  
Бир киши сиррига дохил бўлмади.

Лекин ул хотин натижа излади,  
Сиррига етмоқни ҳар дам кўзлади.

Кимса излар эрса, чопгайдир магар,  
Излабон, охирда топгайдир магар.

Кўрди хотун, нафсу шаҳват қасдида,  
Чўри ётмиш эрди эшшак остида.

1345 Кўрди тирқишдин боқиб, бу ҳолни,  
Бул ажаб ҳайратга солди золни.

Ҳайратомуз эрди ул эшшак иши,  
Бўйлаким, эплайди гоҳо эр киши.

Рашки қўзғолди, деди: эшшак маним,  
Яхшимасми остида мен ётганим.

Эшшак ўрганмиш, чу пайдар-пай эди,  
Шам ёқиғлиқ эрди, суфра шай эди...

Борди-да, қоқди эшикни ул жадал,  
Деди: оғилни супурдинг, бас, етар...

1350 Ўзни солди ул тағофулга шу тоб,  
Оч эшикни, деб яна қилди хитоб.

Ўзни чун кўрмасга солди ул хотун,  
Кузламишди чунки ул ҳам лаззатин.

Чўри беркитди қовоқни аввало,  
Сўнг келиб, очди эшикни ул қиё.

Юзлари ҳорғин эди, кўзларда нам,  
Лаб чўзиб, гўёки дерди: рўзаман...

Илкида эски супурги, ул магар,  
Дерди, огилни супурдим мен тугал.

1355 Чиқди чун чўри, супурги илкида,  
Кўз солиб хотун, гижинди кўнглида.

Юзларинг ҳоргин, ҳа, истарсен емиш,  
Емсиз ул эшшакнинг ҳоли не эмиш?

Иш чала қолган, у бесабру қарор,  
Термулиб, йўлингда андоқ интизор.

Бўйла андиша хаёлин чирмади,  
Аслида чўрига сир бой бермади.

Деди: дарҳол чодрани бошингга сол,  
Йўлга тушгил-да, фалон манзилга бор.

1360 Сўнг фалонга учра, сўнгра айт ани,  
Мухтасар қилдик хотинлар нақлини.

Не эди мақсад, ани олдинга сур,  
Йўлга солди бўйла золи тушмагур.

Эрди шаҳват кайфи бирлан шодумон,  
Тамбалаб олди эшикни шул замон.

Ўз-ўзига дерди юз шукрон ила:  
Барча ташвишдан қутулдим бир йўла.

Ўйлаким, эчкиси бўлмишди ҳазор,  
Ул эшак шавқи-ла андоқ беқарор.

1365 Эчки не, эчкига айланмиш ўзи,  
Энди андин эчкиликлар келгуси.

Майли шаҳват айлаган кўнгилни кўр,  
Кўзга ул эшшакни Юсуф кўрсатур.

Эй басо сармасти оташ, норжў,<sup>125</sup>  
Нури мутлақ деб санайдир ўзни у.

Тушса кўнгилга ва лекин жазби Ҳақ,  
Ул халос топгай ва ағдаргай варақ.

Ул билурким, ул хаёли нория,  
Чин тариқат ичра йўқдир, ория.<sup>126</sup>

1370 Кўрсатур ҳирс ҳар не офатни омон,  
Йўлда офат борму шаҳватдин ёмон?

Неча юз минг яхши номни булғади,  
Неча минг оқилни ахлоқ айлади.

Баски ҳирс эшшакни Юсуф кўрсатур,  
Ўйла, қандоқ кўрсатур Юсуфни ул?

Гўнгни афсун бирла кўрсатгай асал,  
Гар асал эрса, уни не кўрсатар?

Ўзни тий, еб-ичма, шаҳватдир бари,  
Ёки уйлан, қоч касофатдин нари.

1375 Еб-ичиш тортар ҳаромга бешумор,  
Чунки кирган нарсанинг чиқмоғи бор.

Бас, никоҳ эрмиш чу ло ҳавлу вало,  
Токи шайтон этмагай банди бало.

Уйланиш асрар балолардин сени,  
Йўқ десанг, мушукка бергунг думбани.

Сен асов эшакка юкни юкла кўп,  
Юкла зуд, урмоққа доғи шайла чўп.

---

<sup>125</sup> Норжў - олов изловчи.

<sup>126</sup> Хаёли нория - оташдан майдонга келган хаёл.  
Ория - ясама, сунъий.

Сен олов феълини билмайсен, бола,  
Борма ўт олдига бул илминг била.

1380 Бехабарсен обу оташдин магар,  
На қозон қолгай, на шўрводин асар.

Сув керак, турфа масаллиқ, дори-да,  
Қайнасин десанг қозон меёрида.

Гофил эрсанг, борма оҳангар томон,  
Куйдирар сочу соқолингни ҳамон.

Хуллас, ул хотун эшикни зичлади,  
Кайфи шаҳват бирла дилни хушлади.

Тортди эшшакни оғилнинг пастига,  
Кирди сўнг, ётди эшакнинг остига.

1385 Курси узра ул чўзилди чўридай,  
Бўйлаким эшшакка бўлсин деб қулай.

Сакради ҳанги, хотунга сакради,  
Ташна кўзлардин оловлар сачради.

Ул эшак остида ул хотин ҳамон,  
Букланиб, бир пастда таслим этди жон.

Дабдала этди хотинни ул қадар,  
На ичак қолди қоринда, на жигар.

Кечмади бир зум, йиқилди ҳансираб,  
Хотун ул бир ёққа, курси бир тараф.

1390 Тўлди оғир қонгаю хотун нигун,  
Етди унга шум ўлим - Райбул-манун.

Бир ўлим эрдики эшшак зарбидан,  
Бўйла расволикни ҳеч кўрганмисан?



Ол, ўқи, “хўрлик азобин”, ул Набий,  
Дерки, сен жон берма расволар каби.<sup>127</sup>

Насфким ҳанги эшак, нархар эрур,  
Остида ётган киши баттар эрур.

Нафс учун жонингни берсанг, эй фалон,  
Сен ҳамону ул бузуқ хотин ҳамон.

1395 Эшшак эрмиш нафсимизнинг суврати,  
Сувратига монанд эрмиш сийрати.

Рўзи Маҳшар очилур сирлар бари,  
Оллоҳ-Оллоҳ, қоч у нафсингдин нари.

Қўрқингиз ўтдин, деди Ҳақ, эй куфур,  
Дедилар: гордин олов авло эрур.

Дедиким, горларга оташдир тамал,  
Ўт туфайли етди хотунга ажал.

Ҳирсидин бир луқма олди оғзига,  
Луқмаси қотди, тиқилди бўғзига.

1400 Луқмани меъёрда олгил, эй ҳарис,  
Олганинг ул гарчи ҳалводир, майиз.

Тангри тил бермиш тарозига, уқи,  
Ол қўлингга, сурайи Раҳмон ўқи.<sup>128</sup>

Ҳирсни қўй, меёрни тутгил ҳар маҳал,  
Ҳирс, тамаҳ жонингга душмандир азал.

Ҳирси оч-офат, мудом истайди Кулл,  
Ҳирсни қўйгил, эй фужул ибн-ал фужул.<sup>129</sup>

<sup>127</sup> Қуръони карим, Юнус сураси, 98=оятга ишорат.

<sup>128</sup> Қуръони карим, Раҳмон сураси, 7-8=оятларга ишорат.

<sup>129</sup> Эй фужул ибн-ал фужул - эй турп ўғли турп.

Билса эрди чўри, андоқ йўл юриб,  
Эҳтимол афсус чекарди, оҳ уриб.

1405 Ишни беустоз этишни истадинг,  
Бўйлаким, ўзни ажалга қистадинг.

Билганинг ул эрди илми нотамом,  
Сўрмадинг ем қайда эрди, қайда дом.

Ҳай, қушим, бўйнингга тушмасди тузоқ,  
Балки дон ердинг хатарлардин узоқ.

Донни камроқ е, анга этма ружу,  
Бас, “Кулу” билдинг, ўқи “лотасрафу”.<sup>130</sup>

Донни е, бўлма асири, банди дом  
Айла касб илми қаноат, вассалом.

1410 Неъмат дунёни ер оқил, не ғам,  
Жоҳил афсусу надомат дамба-дам.

Ногаҳон сиртмоқ тушаркан бўйнига,  
Қўшчанинг дони ҳаром бўлгай анга.

Дон егайму домга тушган қуш магар,  
Егани дон унга бўлмасму заҳар?

Ақли ғофил дон егай, бўйнида дом,  
Доми дунё ичра андоқдир авом.

Лекин ул қушларки ҳушёр, ҳушманд,  
Ўзни тийгайлар емишдин, дондан.

1415 Дон агар дом ичра бўлса, оғудир,  
Бўйла донни истаган эрмасму кўр?

Ўлдириб овчи магар ахмоғини,  
Давраларга элтадир сайроғини.

---

<sup>130</sup> Кулу - енг; лотасрафу - исроф этманг.

Ул бирининг жисми бўлгай лаққа гўшт,  
Бул бирининг хониши дилларгауш...

Чўри кўз ташлаб эшик тирқишидин,  
Бўлди огоҳ хоними қилмишидин.

Деди: эй ахмоғу нодон, ул бари  
Билганинг эрмишди ишнинг зоҳири.

1420 Сиртини билдинг, ичи қолди ниҳон,  
Уста кўрмасдин нечун очдинг дўкон?

Бир қулоч олатни кўрдинг, шубҳасиз,  
Кўрмадинг лекин қовоқни, эй ҳарис.

Баски, эшшак шавқи бирла маст эдинг,  
Ундан ўзга нарсани кўрмас эдинг.

Зоҳирий санъатни кўрдинг бўйла, бот,  
Тушдинг устодликка сўнг мамнуну шод.

Эй басо зарроқу гўлу бевуқуф,  
Кўргани ёлғиз либоси жанда, суф.<sup>131</sup>

1425 Эй басо пасткашки, жиндак эътироф  
Этса мардум, бошлагайлар лофу қоф.

Мен Мусомен, дер бари ушлаб асо,  
Мен Исомен, дейди ноқис, норасо.

Кун келур, расту ҳақиқат сўйлабон,  
Сидқи софингдин берурсен имтиҳон.

Қолганин устои боқийдин сўра,  
Аҳли ҳирсининг кўзлари кўрдир, хира.

Ортда қолдинг барчадин, бўлғони шу,  
Бўриларга ўлжадирсен, эй сурув.

---

<sup>131</sup> Суф - сурп, сўфилар киядиган кийим.

1430 Сувратин кўрдинг-да, бўлдинг таржимон,  
Ўз сўзидин беҳабар тўтисимон.

ШАЙХНИНГ МУРИДЛАРГА, ПАЙҒАМБАРНИНГ  
УММАТЛАРГА ТАЛҚИНИ ОЙИНА ОРТИДА ТУРИБ  
ТЎТИ ҚУШГА СЎЗ ЎРГАТМОҚҚА ЎХШАР.  
ТЎТИ ИНСОН ИЛА УЛФАТ ТУТИНИШНИ  
ИСТАМАС, ЧУНОНЧИ МУРИДЛАР ИЛА  
УММАТЛАР ҲАМ ҲАҚ ТАЛҚИНИГА  
ТОҚАТСИЗДИРЛАР. ҲАҚ ТАОЛО ШАЙХНИ  
МУРИД ҚАРШИСИДА БИР ОЙИНА КАБИ ҚУЯР,  
ТЎТИГА ОЙНА ОРТИДАН ТУРИБ СЎЗ  
ҚОТИШГАНИДЕК, МУРИДГА ШАЙХ ВОСИТАСИ  
ИЛА ТАЛҚИН АЙЛАР... ЗЕРО, “ПИЧИРЛАМАЙ  
ҚЎЯ ҚОЛИНГ” ВА “У ПАЙҒАМБАРГА ВАҲИЙ  
ҚИЛИНАЁТГАН ВАҲИЙДИР” ДЕБ БУЮРМИШДИ  
ОЛЛОҲ...<sup>132</sup> БУ СЎНГСИЗ БИР МАСАЛАНИНГ  
ИБТИДОСИДИР. ТЎТИ ОЙИНАДА КЎРИНГАН  
ТЎТИГА ҚАРАБ, ТУМШУҒИНИ ЎЙНАТУР. СЕН  
УНИ БИР ХАЁЛГА БОРДИ, ДЕМА. ТЎТИНИНГ  
ТУМШУҚ ЎЙНАТИШИ УНИНГ ИХТИЁРИ БИЛА  
БЎЛМАС, БУ ҲАРАКАТ ОЙИНА ОРТИДАГИ СЎЗ  
ЎРГАТУВЧИ ТУФАЙЛИ ҲАММАС ОЙИНАДА АКС  
ЭТГАН ТЎТИ САБАБЛИ ЗОҲИР БЎЛУР... АММО  
ОЙИНА ОЛДИДАГИ ТЎТИНИНГ СЎЗЛАШИ  
ОЙИНА ОРТИДАГИ КИМСАНИНГ ТИЛАГИГА  
БОҒЛИҚ. БУ БИР МИСОЛДИРКИМ, МИСЛ ЭРМАС.

Тўти қуш ойнага солганда кўз,  
Бўлгусу ўз акси бирлан юзма-юз.

Ойна ортида устои ниҳон,  
Унга сўз айтур мулойим, хушзабон.

Тўтича ўйларки, сўз айтгувчи ул,  
Ойна тўридаги тўти эрур.

---

<sup>132</sup> Қуръони карим, Қиёмат сураси, 16-19-оятлар ҳамда Ва-н-нажм сураси, 4-оятга ишоратлар.

Ки анга ҳамжинси сўйлайдир сухан,  
Беҳабардир кекса қашқир макридан.

1435 Сўйласа ҳамжинси, айлар иштиёқ,  
Ўзгалар сўз қотса лек, солмас қулоқ.

Сўйламоқни ўргатур тўти магар,  
Сирру маъноси не эрмиш, беҳабар.

Ул башардин ўрганур сўз бирма-бир,  
Ул башардин ўзга не ҳам ўрганур?

Чун мурид ҳам ўлтириб ўтрусида,  
Ўзни кўргайдир валий кўзгусида.

Лек ўшал суҳбат аро билмайди ул,  
Сўйлагувчи пир эмасдир, Ақли Кулл.

1440 Ул гумон айларки, сўйлайдир башар,  
Ўзга сирлардин ва лекин беҳабар.

Унга чун сўз ўргатур сирри қадим,  
Билмагай ул, тўтидир, эрмас надим.

Баъзи инсонлар-да қушдек сайрашар,  
Сайрашиб, қушларга тақлид айлашар.

Куш тилин билмоққа лек бешубҳа шак  
Етди ким ҳазрат Сулаймондин бўлак?

Баъзилар дарвеш сўзини билдилар,  
Мажлису минбарда такрор қилдилар.

1445 Йўқ аларнинг сўздин ўзга қисмати,  
Ё магар охирда етгай раҳмати...

КЎНГИЛ СОҲИБИ БЎЛМИШ БИР КИМСА  
ҲОМИЛАДОР ИТНИ УЧРАТДИ. ИТ ҚОРНИДА  
БОЛАЛАРИ ВОВУЛЛАШАРДИ. ИТНИНГ  
ВОВУЛЛАШДАН МАҚСАДИ - ҚУРИҚЧИЛИК.  
ЛЕКИН ОНА ҚОРНИДА ВОВУЛЛАШАРКАН,  
МАҚСАД ҚУРИҚЧИЛИК ЭМАС. СУТ ЁКИ ЁРДАМ  
СЎРАБ ВОВУЛЛАШАЯПТИ. ДЕЙИШДА ҲАМ  
МАЪНО ЙЎҚ... СОХИБДИЛ БАТТАР ҲАЙРАТГА  
ТУШДИ. ҲАҚҚА ЮЗЛАНДИ, “ТАЪБИРИНИ  
ТАНГРИ БИЛУР” ДЕДИ. ЖАВОБ КЕЛДИ,  
АНДОККИМ. БУ - ПАРДАДИН ЧИҚМАСДАН,  
КЎНГИЛ КЎЗИ ОЧИЛМАСДАН СОҲИБНАЗАРЛИК  
ДАЪВОСИ АЙЛАБ. ЛОФЛАР УРГУВЧИ  
ҚАВМНИНГ СУВРАТИ ҲОЛИДИР. УЛАРГА КУЧ ВА  
МАДАД ЕТМАС ВА УЛАР ИНСОНЛАРНИ РУШДУ  
ҲИДОЯТ САРИ БОШЛАШГА ОЖИЗДИРЛАР.

Чиллада туш кўрди бир соҳиб кўнгил.  
Учради қанжиқ, эди ҳомила ул.

Ногаҳон итбаччаларким ҳурдилар,  
Она қорнида, кўринмас эрдилар.

Солди соҳибдилни ҳайратга бу ҳол,  
Она қорнида ҳурарлар бемалол.

Она қорнида ҳуриб, вовуллашар,  
Бўйласин дунёда кўрмишму башар?

1450 Уйқидин уйғонди, ортди ҳайрати,  
Не эмиш бу турфа ҳолнинг ҳикмати?

Чиллада йўқ эрди доно, этса ҳал,  
Ҳал этур ёлғиз Ҳудойи иззу жал.

Деди: ё Раб, бўйлаким ҳоли ажиб,  
Чиллада зикрингдин этди бенасиб.

Қўл-қанотим берки, мен паррон бўлай,  
Боғи зикринг саҳнида сайрон бўлай.

Келди ул овози хотиф бир замон,  
Ки ўшалдир - лофи жоҳилдин нишон.

1455 Она қорнида ҳижоб ичра туриб,  
Кўзлари боғлиқ, турарлар лоф уриб.

Бўйла лофлардин нуқул келгай зиён,  
Овчи эрмас ул ва ёким посбон.

Бўрини кўрмаски, олса қаршилаб,  
Ўғрини кўрмаски, ҳайдаб, этса даф.

Ҳирс ила сарварлик этмишлар ҳаво,  
Ишлари ҳар лаҳза лофи бедаво.

Муштарий топмоқни этгайлар ҳавас,  
Бебасират тоғни этгайлар ҳавас.

1460 Ойни кўрмасдин, нишонин сўйлашар,  
Соддадилларни паришон айлашар.

Муштарий овлаш учун ой васфини  
Айтишар, бир дафъа кўрмасдин ани.

Муштарий аслида ёлғиз, биттадир,  
Лек аларнинг кўнгли шубҳа ичрадир.

Муштарий излаб бунингдек бешукуҳ,  
Муштарийни елга бермиш бул гуруҳ.

Муштарийдир бизга - Оллоҳ аштуро,  
Муштарий деб чекма ғам олам аро.

1465 Муштарийни излаким, жонингда ул,  
Ибтидойинг бирла поёнингда ул.

Қўл чўзиб, ҳар муштарийни сайлама,  
Икки ёрга ишқибозлик айлама.

Олса-да, этмас сенга бир марҳамат,  
Билмагай чун қиймати ақлу хирад.

Бир вақоси йўқ бахойи сийқа наъл,  
Сен чўзарсен унга ол, деб дуру лаъл.

Ҳирс сени кўздин-да маҳрум айлагай,  
Дев сени олчоғу маржум айлагай.

1470 Бўйлаким, асҳоби Филу қавми Лут,  
Бошига солмишди савдо бесубут.

Сабр эли не муштарийлар топмади,  
Муштарий деб ҳар тарафга чопмади.

Улки, андоқ муштарийдин бурди юз,  
Давлату бахти бақодин бурди юз.

Қолди ҳасратда ҳарислар то абад,  
Аҳли Зарвондек магар айлаб ҳасад.



ЗАРВОН АҲЛИ ҚИССАСИ. УЛАР, ОТАМИЗ БОҒ-  
 РОҒЛАР ҲОСИЛИДИН ЙЎҚСУЛЛАРГА ХАЙРИ-  
 ЭҲСОН БЕРАР, ДЕБ ҲАСАД ЭТИШГАНИ...  
 ЧУВОНЧИ, УЗУМ УЗСА, УШР БЕРАР, МАЙИЗ  
 ҚУРИТСА, УШР БЕРАР, ҲАЛВО. ПОЛУДА  
 ПИШИРСА. УШР БЕРАР. БУҒДОЙ ЎРСА, УШР  
 БЕРАР. ХИРМОН КЎТАРСА, УШР БЕРАР.  
 ТЕГИРМОНДА УН ТОРТСА, УШР БЕРАР ХАМИР  
 ҚОРСА, УШР БЕРАР, НОН ЁПСА, ЯНА УШР  
 БЕРАР...<sup>133</sup> ҲАҚ ТАОЛО УНИНГ БОҒИ ВА  
 ДАЛАСИГА БЎЙЛА БИР БАРАКОТ  
 БЕРМИШДИКИМ, ЎЗГА БОҒ - РОҒЛАРНИНГ  
 ЭГАЛАРИ УНГА МУҲТОЖ БЎЛИБ, МЕВА ВА АҚЧА  
 СЎРАШАР, У ЭСА БИРОВГА МУҲТОЖ  
 БЎЛМАСЛИ. ЎРҒИЛЛАРИ ЎШАЛ ҲАЙРУ  
 ЭҲСОНЛАРНИ КЎРИШАРДИЮ БОҒДАГИ  
 БАРАКОТНИ КЎРИШМАСДИ... ХУДДИ АНАВИ  
 БАДБАХТ ХОТИН ЭШАКНИ КЎРИБ, ҚОВОҚНИ  
 КЎРМАГАНИДЕК.

Бор эди бир кимса, раббоний эди,  
 Комил эрди, одамий жони эди.

1475 Аҳли Зарвон эрди ул, аҳли Яман,  
 Мард эди, хулқу саховатда ҳасан.<sup>134</sup>

Каъба эрди камбағалларга кўйи,  
 Ёприлиб йўқсул, гадолар йил бўйи.

Галла майдондин берар эрди ушр,  
 Сўнгра хирмондин берар эрди ушр.

Тортса, ундин ҳам ушр бергай эди,  
 Ёпса, нондин ҳам ушр бергай эди.

Не даромад этса, андин ҳам улуш,  
 Не зироат этса, андин ҳам улуш.

<sup>133</sup> Ушр - Ҳосилнинг ўндан бир ҳиссаси. Полуда - ҳолванинг бир тури

<sup>134</sup> Ҳасан - гўзал, кўркем.

1480 Жами фарзанларни гоҳо чорлабон,  
Сўз аро панду насиҳат айлабон,

ОЛЛОҲ-ОЛЛОҲ, дерди у, мендин кейин,  
Ҳаққи мискинни беринг савҳ этмайин.

Измингизда жумла боғу ғаллазор,  
Ҳақ паноҳи бирла бўлгай пойдор.

Чунки бул суду самар Ҳақдин келур,  
Жумла дону мевалар Ҳақдин келур.

Баски, мискинларга эҳсон берганинг,  
Ишни ул суду самарга бурганинг.

1485 Туркни кўргил, хирмонин янчиб, ана,  
Аксарий буғдойни сочгайдир яна.

Озни еб, кўпроқни сочгай ерга то,  
Сочгани ҳар гал кўкаргай беҳато.

Қўл била ул ерга сочгай ҳар маҳал,  
Қўлга ҳосил ҳам ўшал ердан келар.

Ҳар не орттиргай кафшдўз ул ҳамон,  
Ип олур, шаъм бирла чарму сахтиён.

Дер: булар бирлан даромад келгуси,  
Ризқи рўзим эшиги очилгуси.

1490 Файзи қут келгай у ёқдин ложарам,  
Ҳам у ёққа айлагай доду карам.

Бул замину сахтиёнинг парда, бас,  
Аслида ризқинг Худодин ҳар нафас.

Сен асл майдонда этгил киштуқор,  
Битта донингдин кўкарсин юз ҳазор.

Донни сочсанг гар унумсиз ерга сен,  
Донни сочгайсен ҳавога, елга сен.

Икки-уч йил унмаса ҳосил магар,  
Йиғлагайдирсен, қўлингдин не келар?

1495 Бош уриб дерсанки, раҳм эт, эй Худо,  
Сенга ризқ бергувчи кимдир, бул гувоҳ.

Ризқи рўзингни мудом бергувчи ул,  
Ҳақни ким изларса, ризқин ахтарур.

Ризқни Ҳақдан сўр, Умардин излама,  
Мастлигинг бергувчи Ҳақдир, май дема.

Давлат ул бергай, наинки ганжу мол,  
Нусрат ул бергай, наинки амму хол.<sup>135</sup>

Оқибат даҳр ичра қолганда ҳориб,  
Кимни чорларсен қошинга ёлвориб?

1500 Ҳаққа юзлан, ўзгасин тарк эт ҳамон,  
Бўл ўзинг шул вориси мулки жаҳон.<sup>136</sup>

Чун “яфиррул - маръ”деса мин ахиҳ,  
Яҳрубул мавлуду явман мин абиҳ...<sup>137</sup>

Унда дўст деб юрганинг бўлгай адув,  
Чун санамдек йўлда моне эрди ул.

Юзни наққошдин магар бурмиш эдинг,  
Битта нақшига кўнгил бермиш эдинг.

Кун келарким, дўстларинг дилтанг бўлур,  
Юз буриб сендин, баса душман бўлур.

---

<sup>135</sup> Амму хол - амма, хола

<sup>136</sup> Куръони карим, Анбиё сураси, 105-оятга ишорат

<sup>137</sup> У кун ога инисидан, фарзанд отасидан қочар... Қуръони карим, Абаса сураси, 34=36=оятларга ишорат

1505 Бас, дегил, жон нур била тўлди бугун,  
Эртага юз бергуси-бўлди бугун.

Бўлдилар зид менга бул аҳли саро,  
Чун қиёмат қўпти шул олам аро.

Бул тириклик муддати ўтмай туриб,  
Умрим ўз поёнига етмай туриб,

Бир матоҳ бозорда олмоқчи эдим,  
Айби не эрмиш, шукурки, англадим.

Қолди сармоям қўлимда хайрият,  
Айби маълум бўлгай эрди оқибат.

1510 Мол кетарди, жон кетарди, эй насиб,  
Ул ёмон, ўтмас матоҳнинг харжи деб.

Сийқа пулга молни харж этгай эдим,  
Шоду шодон уй сари кетгай эдим.

Минг шукурларким, шу умрим ўтмайин,  
Сийқа пулнинг қиймати бўлди тайин.

То абад бўйнимда қолгайди маним,  
Ҳайф эди умримни зое этганим.

Қалбаки эрмиш ўшал, бўлди аён,  
Борму тоқат, юзни бургаймен ҳамон.

1515 Дўстки бундоқ сенга душманлик қилур,  
Кин, адоват бирла манманлик қилур.

Юз ўгир андин, чу афгон айлама,  
Чекма ҳасрат, ўзни нодон айлама.

Шукри Ҳақ қил, келди бундоқ омадинг,  
То абад шул халта ичра қолмадинг.

Халтасин тарк айладинг зуд хайрият,  
Истадинг топмоқни бир дўсти абад.

Не ажаб дустдирки, сен топгач мамот,  
Дўстлиги уч карра бўлгайдир зиёд.

1520 Балки султондир у, юксак рутбали,  
Ё шафоатчи, шаҳаншоҳ мақбули.

Кетди ул қаллобу солусу дағал,  
Кимлигин билдинг чу келмасдин ажал.

Бул жафоларким, этар аҳли жаҳон,  
Ганжи зардир сенга, келмишдир ниҳон.

Халқ сени этганда бундоқ бешараф,  
Кўз тикарсен чор-ночор ул тараф.

Халқ сенга айлаб жафолар ончунон,  
Зулму бедодлик этаркан беомон,

1525 Масканинг бўлганда ул гўру лаҳад,  
Дод солурсен: қўйма ёлғиз, эй Аҳад!

Эй жафоси не вафолардин азиз,  
Адли ҳар неким сафолардин азиз.

Тингла ақлинг бирла, эй омбордор,<sup>138</sup>  
Этгил Оллоҳ ерига донинг нисор,

Токи топгай ўғрию битдин омон,  
Девни ҳам, нафсингни ҳам ўлдир ҳамон.

Ул фақирлик бирла қўрқитгай сени,  
Улки каклик, овла, эй лочин, ани.

1530 Улки султон лочини, олий ният,  
Каклик овлар эрса, бўлгайдир уят.

---

<sup>138</sup> Омбордор-омбор эгаси, омборчи.

Бас, васият айлаб ул, сочди уруғ,  
Ерки шўрхоқ эрса, андин фойда йўқ.

Гар насиҳатгўйда юз жаҳду жадал,  
Тингламоқ ҳам сидқ ила лозим бўлар.

Айтмаган панду насиҳат қолмагай,  
Лекин ул сўзни қулоққа олмагай.

Тингламас эрса атайлаб кимса ул,  
Юз насиҳатпеша ҳам ожиз қолур.

1535 Анбиёким, лаб очиб то урди дам,  
Ул эритди тоғ аро тошларни ҳам.

Англади Ҳақ сўзни тошлар ҳам бугун,  
Лек ечилмай қолди бадбахтда тугун.

Қайси кўнгил ичраким кибру ҳаво,  
Келди, ул тошдин-да қаттиқ, деб нидо.

АТОЙИ ҲАҚ ВА ҚУДРАТИ МАВҚУФ ХАЛҚНИНГ  
ЭҲСОНИ ЯНГЛИҒ ҚОБИЛИЯТГА БОҒЛИҚ ЭМАС.  
ЧУНКИ, АТО-ҚАДИМДИР.  
ҚОБИЛИЯТ-ҲОДИСИЙ, ЯРАТИЛМИШДИР. АТО-  
ҲАҚ СИФОТИ ЭСА, ҚОБИЛИЯТ МАҲЛУҚ  
СИФАТИ. ҚАДИМНИНГ МУҲТОЖЛИГИ БЎЛМАС.  
ЙЎҚСА, ҲОДИС МАЙДОНГА ЧИҚМАС ЭДИ

Чорайи кўнгил - атойти Тангри, бас,  
Қобилият ул атога шарт эмас.

Шарт эрур Ҳақ лутфи истеъдодга, дўст,  
Лутф агар мағз эрса, истеъдод-пўст.

1540 Ҳасса Мусо илкида аждар эрур,  
Кафтини очса, қуёшдек порлаюр.

Неча минглаб мўъжизоти анбиё,  
Ақлимиз мулкига сифмас, эй киё.

Ҳодисот эрмас, Худонинг лутфи ул,  
Ўзи йўқ эрса, сифат қайдин бўлур?

Ҳақ ишида бўйла шарт бўлгай эди,  
Йўқ нетиб борлиқ сари келгай эди?

Суннат этди толибонга Ҳақ-улуғ,  
Даҳр аро бир неча асбобу йўриғ.<sup>139</sup>

1545 Аксарий аҳволда гар суннат бўлур,  
Гоҳи қудрат хориқи суннат эрур.

Суннату одатки ул бундоқ эса,  
Гоҳида одатни бузгай мўъжиза.

Бесабаб эрмас буюклик аслида,  
Лек сабаблар не эмиш Ҳақ олдида?

Эй сабаблар бандаси, билгаймусен,  
Ҳақ сабабларни кўтаргай ўртадин.

Неки истар ул, ўшанга юз бурар,  
Қудрати мутлақ сабабларни сурар.

1550 Лек сабабларни отар майдонга бот,  
Токи топсин дер талабгорлар мурод.

Гар сабаб йўқ эрса, не излар мурид,  
Унга келгайдир сабаблардин умид.

Лек сабаблар пардадир кўзларга то,  
Ҳар назарга санъати эрмас раво.

Кўз керак ҳар не сабабни кўргали,  
Ул ҳижобларни ёқиб, куйдиргали.

То кўринсин унга Ҳаққу ломакон,  
Ҳеч бўлиб бор жаҳду анжому дўкон,

---

<sup>139</sup> Толибон - талабгорлар, изловчилар.

1555 Ул Мусаббибдин эмишдир хайру шарр,<sup>140</sup>  
Йўқ магар асбоб, васойит, эй падар.<sup>141</sup>

Барчаси гафлат, хаёл эрмиш тамом,  
Бир нафас йўл узра этгайдир давом.

ТАНГРИ ТАОЛО ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ  
ТАНИНИ ЯРАТИШ УЧУН ЖАБРОИЛ  
АЛЛАЙҲИССАЛОМГА, БОР, ЕРГА ТУШИБ, БИР  
ҲОВУЧ ТУПРОҚ КЕЛТИР, ДЕБ ИШОРАТ ЭТГАНИ.  
БОШҚА БИР РИВОЯТГА КЎРА ЭСА, ҲАР ЕР-ҲАР  
ЕРДАН ҲОВУЧ-ҲОВУЧЛАБ ТУПРОҚ ОЛ, ДЕБ  
БУЮРГАНИ

Тангри Одамни яратмоқ бўлди чун,  
Хайру шарр ичра синов этмоқ учун.

Деди Жаброилга: тушгил ерга, ҳов,  
Бизга келтир бир ҳовуч тупроқ гаров.

Тушди Жаброил ҳамон сўйи замин,  
То бажаргай амри Раббул оламин.

1560 Чўзди ул тупроққа илкин, шу маҳал,  
Титради ер, тисланиб, этди ҳазар.

Тилга кирди сўнгра, фарёд айлади,  
Деди: эй, Парвардигоринг ҳурмати,

Кўй менинг ҳолимгаву жон айла бахш,  
Отни бур ортингга, эҳсон айла бахш.

Кўп бўлур бу ишда таклифу хатар,  
Олма тупроқ, солма бошимга кадар.

Ҳақ сени эъзоз этди, сийлади,  
Илми лавҳиддин хабардор айлади.

<sup>140</sup> Мусаббиб-сабабларни яратувчи, Тангри.

<sup>141</sup> Асбоб, васойит-сабаблар, воситалар.



1565 Ки малойикка муаллим ҳам ўзинг,  
Ҳаққа суҳбатдош, мукаллим ҳам ўзинг.<sup>142</sup>

Ўйла Исрофил қаёнда, сен қаён,  
Ул ҳаёти тан эса, сен жонга жон.

Сури Исрофил-ла танлар қўзғалур,  
Сен била танларда жонлар қўзғалур.

Жону танлар жони-кўнгилдир ўшал  
Берганинг бергонидин устун магар.

1570 Гар Микоил берса танлар ризқини,  
Сен дили равшанга бергайсен ани.

Ул берар эрмиш ҳовучлаб, ризқни,ҳай,  
Сен берар эрсанг ҳовучга сиғмагай.

Қайда Азроилга вазну нисбатинг,  
Қайда қаҳру қайда меҳру шафқатинг?

Аршни тутмиш тўрт малак, огоҳисен.  
Тўрт малак султонидирсен, шоҳисен.

Тонгла Машҳарда кўтаргай саккизи,  
Саккизи ичра ўзингсен юлдузи...

1575 Бўйлаким ер оҳ чекиб, йиғлар эди,  
Оқибатни чунки ул англар эди.

Кон эди шарму ҳаёга Жаброил,  
Этгани ниятлари қолди сабил.

Бўйлаким ёлборди тупроқ, солди дод,  
Ортга қайтди, деди: Эй Раббул-ибод.

Буйругинг олдида ожизмен магар,  
Кечди не савдо, ўзингсен бохабар.

---

<sup>142</sup> Мукаллим-сўзлашувчи.

Бўйла бир номни арога солди, ҳай,  
Етти гардун айланишдин тўхтагай.

1580 Тушди номинг ўртага, бўлдим хижил,  
Йўқса, тупроқ келтириш мушкулмидир?

Бўйла куч бердинг малакларга, Эгам,  
Парчалайдирмиз магар кўкларни ҳам.

ТАНГРИ ТАОЛО ЎЗ ХАЛИФАСИ, ҲАЗРАТ  
АБУЛБАШАР, МАЛАКЛАР САЖДА ЭТГУВЧИ,  
МАЛАКЛАР ХЎЖАСИ ОДАМ  
АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ МУБОРАК ЖИСМИНИ  
ЯРАТМОҚ УЧУН ТУПРОҚ ОЛИБ КЕЛИШГА  
МИКОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМНИ ЮБОРГАНИ

Деди Ҳақ: боргил, Микоил, эр бўлиб,  
Бир ҳовуч тупроқ қўпоргил шер бўлиб.

Чун Микоил учди, ерга етди ул,  
Бир ҳовуч тупроқ олишга чўзди қўл.

Сесканиб, ер ўзни ортга ташлади,  
Ўртаниб, сўнг йиғламоққа бошлади.

1585 Ўтли оҳлар чекди, фарёд, нола ҳам,  
Қонли ёшлар тўкди кўздин дамба-дам.

Деди: Яздон ҳаққи, қўйма ноумид,  
Ки сенинг елкангдадир Арши мажид.

Даҳр аро ризқу насаб элтгувчи сен,  
Ташналаб дилларга сув тутгувчи сен.

«Кайл» сўзи бўлмиш «Микоил» га ўзак,  
Яъни, у кайел, тарозубон демак.

Бер омоним, қўй мени, озод қил,  
Боқ синиқ ҳолимгаву имдод қил.

1590 Чашмаи раҳми Илоҳ эрмиш малак,  
Деди: жоизму гарибни қийнамак...

Чашмаи қаҳру ғазаб шайтону дев,  
Одамийнинг кўксига солгай гирев.

Раҳмат устундир ғазабдин, эй фато,  
Шафқат эрмиш аввали васфи Худо.

Бандалар ҳам баҳраманддир ҳўйидин,  
Жомлари лим-лим у раҳмат суйидин.

Ул расули Ҳақ, қуловузи сулук,  
Деди: ан-носу ало динул мулук.<sup>143</sup>

1595 Чун Микоил боқди ер кўз ёшига,  
Қайтди бўш қўл бирла Тангри қошига.

Деди: эй донойи сирру шоҳи фард,  
Оҳу зори эзди кўнглим беадад.

Қадри бор кўз ёшининг қаршингда чун,  
Беқадр бўлгаймидир ул мен учун:

Сен эшитгайсен фиғону нолани,  
Мен нечук тинглаб, эшитмасмен ани?

Ёшли кўз наздингда топмиш чун қадр,  
Менда ул кўзларга бардош қайдадур?

1600 Ул муаззинким намозга чорлагай,  
Бандаси беш карра Ҳақ деб зорлагай.

Ул муаззин қичқирар: ҳайюл фалоҳ,  
Маъниси: этгил Худога илтижо.

Қимсаниким ғамга маҳкум айладинг,  
Йиғламоқдин бори маҳрум айладинг.

<sup>143</sup> Тангри элчиси, ҳақ йўл раҳнамоси дедиким, инсонлар ўз подшоларининг динидадирлар.

Ёғилур минг бир балодин ўқ анга,  
Гар тазаррудин шафоат йўқ анга.

Ҳақ балолардин агар имдод этар,  
Бандаси оҳлар чекиб, фарёд этар.

1605 Ҳақ демишким, қавмлар бордир чунон,  
Учрамиш қаҳру ғазабга беомон.

Гар балолар эрди асру, етмади,  
Ҳеч бири зору тазарру этмади.<sup>144</sup>

Тош эди кўнгиллари, билмишлари,  
Чун ибодат эрди ул қилмишлари.

То надоматлар кўнгилни ёқмагай,  
Кимсанинг кўз ёши юздин оқмагай.

ЮНУС АЛАЙҲИССАЛОМ ҚАВМИНИНГ ҲИКОЯСИ..  
УЛ ҲАҚДАКИМ, ЗОРУ ТАЗАРРУ ЧЕКМОҚ  
ОСМОНИЙ БАЛОЛАРНИ ДАФ АЙЛАР, ТАНГРИ  
ТАОЛЛО НЕ ИСТАСА, ШУНИ ҚИЛУР... ЛЕКИН  
БОШ ЭГИБ, УНГА ИЛТИЖО ЭТМОҚ ХАЙРЛИДИР.  
ФАЙЛАСУФЛАР ДЕРЛАРКИМ, ТАНГРИ  
ТАБИАТГА, САБАБГА СУЯНИБ ИШ ТУТАР,  
ИНЧУНИН ЗОРУ ТАЗАРРУ ТАБИАТНИ  
ЎЗГАРТИРА ОЛМАС

Бўлди Юнус қавмига дохил бало,  
Ўт олов ёғдирди бошларга само.

1610 Кул бўлиб тошлар чақиндин ҳар нафас,  
Титраган жонларда қўрқув эрди, бас.

Тунлари томларда эрди барча ул,  
Токи билгайлар бало қайдин келур.

---

<sup>144</sup> Қуръони карим. Аъном сураси, 42-45-оятларга ишорат.

Сўнгра томлардан-да сакраб тушдилар,  
Бошланг, дашту далога қочдилар.

Оналардин болалар бўлди йироқ,  
Солдилар филжумла фарёду фироқ.

1615 Сўнгги йўқди нола бирлан оҳнинг,  
Раҳми келди охири Оллоҳнинг.

Кўк уза ўтлиғ булут эрди давом,  
Андак-андак тарқалиб, битди тамом.

Қиссайи Юнус узундир, долғали,  
Энди тупроқ бирла файзи Ҳақ гали.

Ҳақ учун зору тазарру-эътибор,  
Бўйла юксак қадру қиймат қайда бор?

Эй умид, кел энди, белни бойлагил,  
Йиғлагувчи, энди қаҳқоҳ айлагил.

1620 Фазл аро тенгдир, демиш шоҳи мажид,  
Кўздаги ёш бирла ул хуни шаҳид.<sup>145</sup>

ТАНГРИ ТАОЛЛО ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ  
ЖИСМИНИ ЯРАТМОҚ УЧУН ТУПРОҚ ОЛИБ  
КЕЛИШНИ ИСРОФИЛ АЛАЙҲИССАЛОМГА  
БУЮРГАНИ

Тангри Исрофилга, қўзғол, тур деди,  
Бизга ер тупроғидин келтир, деди.

Тушди Исрофил заминга шул замон,  
Ер яна йиглаб-нетиб, этди фигон,

Деди: сур созандаси, баҳрул нажот,  
Сен била келгай ўликларга ҳаёт.

---

<sup>145</sup> Ҳуни шаҳид-шаҳиднинг қони

Сур чалиб, чексанг магар бонги баланд,  
Бўлгай ул машҳар халойиқ бирла банд.

1625 Сур чалиб, гўёки дерсан: ас-сало,  
Қўзғалинг, эй сиз, шаҳиди Карбалло.

Эй ҳалокат бирла ётганлар тўзиб,  
Қўзғалингиз энди япроқлар ёзиб.

Ёзилур раҳмат дами нойинг била,  
Қўзғалур олам шу эҳъёйинг била.

Сен малакдирсен, раҳимдил, дилрабо,  
Арш сенинг елкангдадир, эй додхо.

Арш деган асли адолат кони ул,  
Тўртта дарё остида тўлқинланур.

1630 Сут оқар, шарбат оқар, жонларга жон,  
Май оқар, сув-дажлайи оби равон.

Аршдин жаннатга тушгайдир улар,  
Бул жаҳонда зарраси зоҳир бўлар.

Бул жаҳонда тўртта дарё оқадир,  
Лек улар заҳри фанодин лойқадир.

Қатраси томди қаро тупроққа то,  
Фитна қўзғолди магар олам аро.

Қатра эрди аслидан хасларга ул,  
Лек ғанимат бўлди нокасларга ул.

1635 Ҳар гўдакка бунчаким қут берди Ҳақ,  
Ҳар хотиннинг кўксига сут берди Ҳақ.

Токи кўнглинг ғуссаларга ботмагай,  
Деб сенга чекди узумдин бода, май.

Бўлмагил деб токи ранжиру касал,  
Арилардин сенга етказди асал.

Сувни берди, токи ичгайсен қониб,  
Токи юргайсен жаҳонда покланиб.

Аслидин сенга ишорат эрди бул,  
Сен етар билдинг буларни, билфузул.<sup>146</sup>

1640 Энди кел, ер можароси не эди,  
Тингла, Исрофилни қандоқ авради.

Дардини юз бир шаклда ёрди ер,  
Илтижолар айлади, ёлборди ер.

Деди: ҳаққи зоти поку Зулжалол,  
Этма бу савдони менга сен ҳалол.

Бўйла бир савдоки ул қошимдадир,  
Бадгумонлик ўйлаким бошимдадир.

Сен малакдирсен, ажаб раҳматнамо,  
Инжитарму ўзга қушларни ҳумо.

1645 Эй шафову раҳмати асҳоби дил,  
Чун улар не қилди, сен ҳам айлагил.

Қайтди Исрофил Худо олдига то,  
Сўйлади, не бўлди узру можаро.

Деди: ол, амрини кўрдинг менга эп,  
Аслида кўнглимга солдинг, олма, деб.

Ол, дебон етди қулогим сўйига,  
Олма, деб ақлу думогим сўйига.

Бўйла раҳмат енгди, енгилди газаб,  
Эй ўзи, аъмоли тенгсиз Ҳаққу Раб.

---

<sup>146</sup> Эҳъё-ҳаёт, тириклик

ТАНГРИ ТАОЛО ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ  
ВУЖУДИНИ ЯРАТМОҶ УЧУН ТУПРОҶ ОЛИШГА  
МАЛАКУЛ АЗМ ВАЛ-ҲАЗМ АЗРОИЛ  
АЛАЙҲИССАЛОМНИ ЖЎНАТГАНИ

1650 Ҳақ дедиким, ерга тушгил, Азроил,  
Бор=да, кўргил, не бало ўйларда ул.

Топ ўшал золим хотинни, берма пайт,  
Бир ҳовуч тупрогин ол-да, изга қайт.

Тушди Азроил, у сарқанги қазо,  
Тангрининг амрини этмоқ-чун адо.

Ер яна икки кўзини ёшлади,  
Йиғламоққа, сиқтамоққа бошлади.

Эй гуломи хос, деди, ҳаммоли Арш,  
Амри Ҳақ бирлан маконинг Аршу фарш.

1655 Кет Худойинг ҳаққи, ул Раҳмони фард,  
Қанчалар лутф этди сенга, марҳамат.

Ундин ўзга маъбудинг маъбуд эмас,  
Оҳу зоринг олдида мардуд эмас.<sup>147</sup>

Деди: бу афсун=ла кетмоғим қийин,  
Тангрининг амрини ижро этмайин.

Деди: Ҳақ амр этди юр деб ҳилм ила,<sup>148</sup>  
Ул бирини танлагил сен илм ила.

Деди: ул таъвил бўлгай ё қиёс,  
Бунда таъвилу қиёсга йўқ асос.

1660 Яхшидир фикрингни таъвил айласанг,<sup>149</sup>  
Лек буни Ҳақ амридир, деб ўйласанг.

<sup>147</sup> Мардуд-рад этилган.

<sup>148</sup> Ҳилм-юмшоқлик.

<sup>149</sup> Таъвил-шарҳ, изоҳ.



Ўртади кўнглимни бундоқ нодининг,  
Солди шул жонимга титроқ нолишинг.

Бўйлаким меҳру мурувват менда, бас,  
Ўзгалардин эътиборим кам эмас.

Тарсаки тортгум етимга мен магар,  
Ўзгалар қанд бирла ҳалво берсалар.

Тарсаким авло эрур ҳвлвосидин,  
Алданиб қолмас ширин ишвосидин.

1665 Гарчи ҳамдардмен, жигарсўзмен сенга,  
Тангри ўзга шева ўргатмиш менга.

Лутфи пинҳондир ғазаблар ичра то,  
Лойда ётгайдир ақиқи бебаҳо.

Тангрининг қаҳри бузиш эрмас, тузиш,  
Тангридин жон сақламоғинг - жон узиш.

Қаҳрига келмас баробар икки кавн,  
Ниъматини Раббул-аламину ниъматини.<sup>150</sup>

Шафқати пинҳон эмишдир қаҳрида,  
Жон олиб, жонинг киритгай аслида.

1670 Бадгумонлик этганинг ул не эмиш,  
Талпиниб боргилки, сенга, кел, демиш.

Кел, дебон сенга таололар берур,<sup>151</sup>  
Мастлигу маҳбубу ашёлар берур.

Амри суннийни бажаргум эрта-кеч,  
Бунда сусткашлик этолмама ҳеч-ҳеч.

---

<sup>150</sup> Кавн-дунё. На гўзалдир оламларнинг Рабби, на гўзалдир унинг мадади.

<sup>151</sup> Таоло-юксак, юксаклик.

Тинглади бир-бир бу сўзларни замин,  
Лек гумон эрди қулоғига тиқин.

Ул яна оҳ чекди, кўзни ёшлади,  
Кўзни ёшлаб, ёлборишга бошлади.

1675 Деди Азроил: сенга етмас зиён,  
Бошу жонимни гаров этгум ҳамон.

Қўй, бу андуҳларга бошқа бормагил,  
Ҳақдин ўзга кимсага ёлбормагил.

Амри Ҳаққа бўйсунурмен бешу кам,  
Амри қўзгатгай магар денгизни ҳам.

Ул-қулоғим, кўзу бошим Тангриси,  
Не писанд жонимни хайру шарриси.

Тингламасмен ундан ўзга кимсани,  
Чун билурмен жонга жоним деб ани.

1680 Келмамиш жондин у, андин келди жон,  
Неча минг жонларни берди ройгон.<sup>152</sup>

Жон надир, қаршимда турса ул карим,  
Бургани деб кўрпани ёққаймидим?

Хайр оллоҳ хайридир жонимга, ҳов,  
Ўзгаларга кўру кардирмен, соқов.

Кирмагай ҳаргиз қулоғимга фиғон,  
Мен унинг илкида ўқдирмен, камон.

---

<sup>152</sup> Ройгон-текинга.

УЛ ҲАҚДАКИМ, СЕНГА ЗУЛМ ЭТГАН КИМСА -  
БИР ҚУРОЛДИР. ОРИФ ҲАҚНИ КЎРАР, ҚУРОЛНИ  
КЎРМАС. ҚУРОЛГА БОҚСА, УНИНГ ЗОҲИРИГА  
БОҚАР, ЖОҲИЛЛИГИ ТУФАЙЛИДАНМАС,  
МАСЛАҲАТ ЮЗАСИДАН. ЧУНОНЧИ АБУ ЯЗИД  
ҚАДАСАЛЛОҲУ СИРРУҲУ ДЕМИШКИ, НЕЧА  
ЙИЛЛАРКИМ ЯРАТИЛГАНЛАРГА СЎЙЛАМАДИМ  
ВА УЛАРНИ ТИНГЛАМАДИМ. АММО ХАЛҚ  
ЎЙЛАРКИ, МЕН СЎЙЛАГАЙМЕН ВА  
ТИНГЛАГАЙМЕН. ЧУНКИ УЛАР СЎЙЛАГУВЧИ ВА  
ТИНГЛАГУВЧИ УЛУФ ЗОТНИ КЎРМАСЛАР. УЛАР  
СЎЗГА АКС САДО БЕРГУВЧИ ТОҒЛАР  
КАБИДИРЛАР. МАҚОЛ БОР, ДЕВОР МИХДИН  
СЎРАГАНМИШ, МЕНИ КИМ ҚОҚАЯПТИ, ДЕБ.

Раҳму шафқат сўрма тигдин, эй гани,  
Найзани тутгувчи шоҳдин сўр ани.

1685 Найзага ёлборма, ҳой, не эрмиш ул?  
Найза подшоҳ илкида тутқун эрур.

Ул эмиш санъатда - Озар, мен - санам,  
Не ясар бўлса, ўшалдирмен ҳамон.

Соғар айлар бўлса ул, соғар ўзим,  
Ханжар айлар бўлса ул, ханжар ўзим.

Чашма этса, мен оқармен сув бўлиб,  
Оташ этса, товланиб, ёғду бўлиб.

Ёмғир айлар бўлса, мен хирмон бўлай,  
Ўқ этар бўлса, баданга санчилай.

1690 Гар илон этса, заҳар солгум ёмон,  
Дўсту ёр этса, анисмен, меҳрибон.

Икки бармоқ измида мен бир қалам,  
Ҳар нечук амр этса, ижро айларам.

Сўз била ерни хаёлга солди ул,  
Бир ҳовуч тупроқни ердин олди ул.

Сеҳргардек авради сўйлаб, кулиб,  
Қолди ер сўз сеҳридин сархуш бўлиб.

Элтди ул Ҳақ олдига тупроқни,  
Мақтаб элтгандек ўжар, қочқоқни.

1695 Ҳақ деди: илмимни бунёд айлағум,  
Мен сени мардумга жаллод айлағум.

Деди: ё Раб, халқ менга душман бўлур,  
Жон бераркан, ишни мендин деб билур.

Эй Худо, лутфингдин айлаб мосуво,  
Бўйла душманликни кўрдингму раво?

Ҳақ дедиким, мен сабаб этгум аён,  
Чун табу қуланжу сарсому синон.<sup>153</sup>

Сенга боққанда сени кўрмас улар,  
Хасталикларни, сабабларни кўрар.

1700 Деди: ё Раб, бўйла қуллар бор тайин,  
Кўз солиб, йиртар сабаблар пардасин.

Кўзлари турлик сабаблардин ўтар,  
Лутфи Ҳақ бирлан ҳижоблардин ўтар.

Ҳол аро кўзларда тавҳид срамаси,  
Ошкор иллат, сабаблар ҳаммаси.

Боқмагайлар на табу қуланжу сил,  
Очмагайлар ул сабабларга кўнгил.

Чунки ҳар бир хасталликка бор даво,  
Даҳр аро ёлғиз қазодир бедаво.

<sup>153</sup> Таб-иситма, қуланж-санчиқ, сарсом-бош айланиш, синон-найза.

1705 Ҳар касалга бир даво бор ростин,  
Чун шамоллашнинг давоси - пўстин.

Лутфи Ҳақ йўқ эрса, бўлмас баргараф,  
Юзта пўстиндин етишмас зарра наф.

Хаста титроқларга тушгай ул маҳал,  
Тўнлару иссиқ тўшакдин не самар.

Бас, қазо келса, табиб ҳайрон эмиш,  
Дору дармонинг бари сарсон эмиш.

Ул сабаблар ўзгаларга парда, бас,  
Жон била кўргувчиларга пардамас.

1710 Тубни кўрган кимсалар акмал эрур,  
Бачкини кўрса фақат, аҳвал эрур.<sup>154</sup>

ТАНГРИДАН ЖАВОБ КЕЛДИКИМ, ЭЙ АЗРОИЛ,  
САБАБЛАР-ЛА ХАСТАЛИКНИ, ҚИЛИЧ ЯРАСИНИ  
КЎРМАГАНЛАР СЕНИ-ДА КЎРМАСЛАР. ГАРЧИ  
СЕН ҲАМ САБАБСЕН, ЛЕКИН У САБАБЛАРДИН  
МАҲФИЙРОҚСЕН. ҲАТТОКИ ХАСТАГА “СИЗГА У  
СИЗДАН КЎРА ЯҚИНРОҚДИР, ФАҚАТ У СИЗ  
УНИ КЎРМАССИЗ” СИРИ МАҲФИЙҚОЛМАС,  
АЁН БЎЛУР.<sup>155</sup>

Ҳақ дедиким, тубни ким кўргай аён,  
Сен томонга ул назар солгай қачон?

Халқ учун гарчи кўринмас ердасен,  
Кўзи равшанларга лекин пардасен.

Бол каби ширин туюлганда ажал,  
Не эмишдир молу давлат, симу зар.

Этмагай парво ўлимнинг заҳрига,  
Чоҳни ташлаб, боргуси боғ сайрига.

<sup>154</sup> Аҳвал-ғилай.

<sup>155</sup> Қуръони карим, Воқеа сураси, 85-оятга ишорат.

- 1715 Чун жаҳонни тарк этурлар эрта-кеч,  
Йўқки йўқ бўлса, киши йиғларму ҳеч?
- Бузса ул зиндонни арконий агар,  
Ранжи дил бўлгайму зиндоний магар?
- Эй дарифо, етди мрамарга шикаст,  
Жонимиз чиқди қафасдин шул нафас.
- Ул гўзал мрамарки, ул тоши шариф  
Ёт эди зиндонга, чун эрди латиф.
- Бузди қўл зиндонни, чун бўлди иши,  
Энди синсин қўл ўшал, дерму киши?
- 1720 Сўйламас маҳбус буни қўл қасдига,  
Суйлагайдир, элтсалар дор остига.
- Заҳри мордин қутқариб бир кимсани,  
Элтсалар қанду асалга, кўр ани.
- Жон шу дам ғавғойи танни тарк этар,  
Чарх уриб, учқур қанотин силкитар.
- Маҳбуси зиндон=да гоҳи - гоҳида,  
Боғу бўстонларни кўргай уйқуда.
- Дерки, эй Яздон, мени уйғотмагил,  
Қўй, кезай, саҳройи танга элтмагил.
- 1725 Унга Яздон дер: дуойинг мустажоб,  
Майли, қол, валлоҳу аълам бис-савоб.
- Бўйла бир рўёни кўргайдир киши,  
Ўлмаин, жаннатда юргайдир киши.
- Ғам чекарму ҳеч, этарму талваса,  
Гар ўшал зиндон аро уйғонмаса.

Мўмин эрсанг, сафга кир майдон аро,  
Сен учун айшу тараб осмон аро.

Сен фақат юксакка талпин, эй гулом,  
Тунлари меҳробда ёнган шамсимон.

1730 Йиғла, Ҳақдин лутфу эҳсон эт талаб,  
Бир кесик шамдек саҳарлар парпираб.

Ўзни тий, тарк эт таом бирлан шароб,  
Тангри дастурхонига этгил шитоб.

Дамба-дам боққил самога, термулиб,  
Елда мажнунтол каби рақсон бўлиб.

Сув ва оташ бардавом кўкдин келур,  
Ризқи рўзинг ҳам тамом кўкдин келур.

1735 Масканинг кўк бўлса бир кун, не ажаб,  
Қўй бу ожизликни, ҳар дам қил талаб.

Бу талаб чунки гаравгони Худо,<sup>156</sup>  
Чунки ҳар толибга матлубдир сазо.

Сен талабни эт зиёда, боз-боз,  
То кўнгил тан чоҳидин бўлсин халос.

Халқ дегайким, бир ғариб ўлмиш фалон,  
Сен дегайсен: мен тирикмен, жовидон.

Гарчи танҳоликда тан ухлоқ эрур,  
Дил аро саккиз биҳишт яшноқ эрур.

Жонга маҳрам боғ аро насрин эмиш,  
Ғаммидир, гар тан ила саргин эмиш.<sup>157</sup>

1740 Жон магар билмас, не аҳвол тандадир,  
Балки ул гулхандадир, гулшандадир.

<sup>156</sup> Гаравгон-омонат.

<sup>157</sup> Саргин-ахлат, гўнг.

Жон чекар мовий жаҳон саҳнида чун,  
Наъраким, ё лойта қавми яъламун.<sup>158</sup>

Жонки ул тандин тамом айрилгуси,  
Бу фалак айвони кимга қолгуси?

Гар бадансиз кечса жонинг исмати,  
“Ризқингиз кўкларда...” кимнинг қисмати?<sup>159</sup>

ДУНЁНИНГ МОЙЛИ-ТОТЛИ НЕЪМАТЛАРИНИ  
ЕЙИШНИНГ ТАҲЛИҚАСИ, УЛАРНИНГ ОЛЛОҲ  
ТАОМИГА МОНЕ БЎЛИШЛИГИ. НЕГАКИМ,  
“ОЧЛИҚ-ОЛЛОҲ ТАОМИДИР, ОЛЛОҲ  
СИДДИҚЛАРНИНГ ЖАСМИНИ АНА ШУ ТАОМ  
ИЛА ТИРИЛТИРГАЙ” ДЕБ АМР ЭТИЛМИШ.  
ЯЪНИ, ОЧЛИҚДА ОЛЛОҲ НЕЪМАТИ БОР. ЯНА  
РАББИМГА МЕҲМОН БЎЛУРМЕН, У МЕНИ  
ТУЙДИРАР ВА СУВГА ҚОНДИРАР” ДЕЙИЛМИШ.  
ТАНГРИ ҲАМ “ФАРАҲЛАНИБ, РИЗҚУ  
НАСИБАНГИЗНИ ТЕРИНГ” ДЕБ БУЮРМИШ

Жонни шум чиркин томоқдин қутқариб,  
Олсангу етса сенга ризқи шариф,

1745 Сингадир, ҳар қанча ейдирсен, бари,  
Енгилу поксен, ҳафифсен чун пари.

На ачиб, меъдангда бир оғриқ бўлур,  
На шишиб, қорнингда бир санчиқ бўлур.

Оз есанг, феълу хўйинг бўлгай ёмон,  
Кўп есанг, меъданг бузилгайдир ҳамон.

Гар таомуллоҳ есанг-чи, унда сен,  
Ўйлаким, денгизда сузган кемасен.

---

<sup>158</sup> Кошки қавмим ҳам билсайди... Қуръони карим, Ёсин сураси, 26-оятга ишорат.

<sup>159</sup> Қуръони карим, Ва-з-зориёт сураси, 22-оятга ишорат.



1750 Рўзада сабру қаноат ичра тур,  
Бўл мудом қути Худога мунтазир.

Чунки ул Оллоҳи соҳиб марҳамат,  
Интизорлар оҳини тинглар фақат.

Тўқ киши овқат сари боққайму ҳеч,  
Эрта келгайму таоминг ёки кеч.

Бенаво эрса, емишни кўзлагай,  
Оч қолиб, бир бурда нонни излагай.

Интизорлик чекмаса, додим сенга,  
Етмиш икки ризқи етмайдир анга.

1755 Эй ўғил, ал-интизор, ал-интизор,  
Кут ўшал кўк суфрасини зор-зор.

Интизор, оч кимса бир кун тўқ бўлур,  
Сочгуси давлат қуёши унга нур.

Оз еса меҳмон агар сақлаб киром,  
Келтирур мезбон таом узра таом.

Зиқнадир лек баъзи дарвешини лаим,  
Чин саховатпеша Раззоқи карим.

Тоғ каби бошинг кўтаргил кўкка то,  
Субҳидамлар сенга сочсинлар зиё.

1760 Чўққилар ҳам кўкка бош ургай фақат,  
Офтоб, деб йўлга термулгай фақат.

КОШКИЙДИ ЎЛИМ БЎЛМАСА, КОШКИЙДИ  
ДУНЁ МУЛКИ ЗАВОЛ КЎРМАСА, ҚАБИЛИДА  
ЛОФЛАР УРГУВЧИ ҒАФЛАТ ЭГАСИГА ЖАВОБ

Ул бири дедики, хуш эрди жаҳон  
Гар ўлимдин бўлмаса ному нишон.

Бошқаси деди: ўлим гар бўлмаса,  
Бўлгай эрди шул жаҳонинг бир чақа.

Ётгай эрди бузғуну ҳайрон бўлиб,  
Донлари янчилмаган хирмон бўлиб.

Шум ўлимни сен ҳаёт этдинг гумон,  
Донни шўр тупроққа сочдинг бегумон.

1765 Ақли козибнинг ғилай эрмиш кўзи,  
Ул тирикликни ўлим деб билгуси.

Эй Худо, кўзларни ноқис этмайин,  
Ҳар неким бор эрса, кўрсат бизга чин.

Ҳеч ўлик кўрмас ўзига ғамни эп,  
Ғам чеар ул ҳосилим кам бўлди деб.

Чунки тор чоҳдин қутилмиш бир йўла,  
Энди маскан бўлди унга кенг дала.

Маскан эрди тевалар ётган оғил,  
Энди гулбоғу чаманга етди ул.

1770 Сидқ уйидир ул, бузуқ айвон эмас,  
Сидқ майидир ул, суюқ айрон эмас.

Маскан ўлгай ул қароргоҳ сенга-да,  
Айла тарк шул обу гил, оташкада.

Чин тириклик топгали омода бўл,  
Қолди уч-тўрт сония, мардона бўл.

ҚУЛ ҲАЛИ МУҲТОЖ БЎЛМАЙ ТУРИБ, УНГА  
НЕЪМАТЛАР БЕРГУВЧИ ОЛЛОҲДАН  
СЎРАЛАДИГАН НАРСАЛАР. “БЎЙЛА  
МАЪБУДДИРКИ, ҚУЛЛАР УМИДИНИ УЗГАНДА  
ЁМФИР ЁҒДИРАР”. НЕЧА ЙИРОҚЛИКЛАР  
БОРКИМ, ЯҚИНЛИК КЕЛТИРАР. НЕЧА  
ЁМОНЛИКЛАР БОРКИМ, ЯХШИЛИК КЕЛТИРАР.  
БУЛАР БАРЧАСИ ЁМОНЛИКЛАРНИ  
ЯХШИЛИКЛАРГА БУРГУВЧИ ОЛЛОҲНИ  
БИЛИШИНГ УЧУНДИР<sup>160</sup>

Бор ҳадис, урса қиёмат тонги барқ,  
Тур, дебон буйруқ берар танларга Ҳақ.

Сур чалингай, амр этиб Яздони пок,  
Дерки, барча тарк этинг тупроғу хок.

Жон кирар жонсиз бандаларга, на хуш,  
Танга қайтгандек саҳарлаб ақлу ҳуш.

1775 Жон кирар жисми, қадрдон хонага,  
Ганж киргандек хароботихонага.

Танни топгай ул, чу этмай эрта-кеч,  
Тўнчига боргайму заргар жони ҳеч?

Талпинир олим руҳи олим тараф,  
Талпинур золим руҳи золим тараф.

Танни топгайдир адашмай руҳлар,  
Қўйни топгандек саҳарлаб қўзилар.

Кафшини топгай оёқ тунларда ҳам,  
Жон нечук топгай баданни, эй санам.

1780 Тонг кичик маҳшар эмишдир, иқтибос,  
Сен буюк маҳшарни андин эт қиёс.

---

<sup>160</sup> Қуръони карим, Фурқон сураси, 70-оятга ишорат.

Талпинаркан жон қуши тупроққа, боқ,  
Номалар учгай дамодам сўлу соғ.

Нома қўлларга берилгай, бухлу жуд,  
Фисқу тақво унда эрмаслар унут.

Уйғониб, кўзни очаркан ул саҳар,  
Сафланиб келгай ҳамоно хайру шарр.

Гар риёзат этган эрса жонига,  
Ул риёзатлар келурлар ёнига.

1785 Ботган эрса гар залолатларга ул,  
Номаси ўнгдин эмас, чапдин келур.

Эрса гар ул соҳиби тақвою дин,  
Кўз очиб, кўргай фақат дурри самин.

Гоҳи ухлоқ, гоҳи уйгоқсен, аё,  
Бу – ўлим маҳшарга эрмишдир гувоҳ.

Ҳашри асгар ҳашри акбардин нишон,  
Марги асгар марги акбардин нишон.<sup>161</sup>

Бунда нома гар хаёл эрмиш, рафиқ,  
Лек буюк маҳшарда ошқору дақиқ.

1790 Гар хаёл бунда нишона курсатур,  
Юз очиб унда, фасона курсатур.

Кўр мухандисни, чекаркан хомани,  
Уйлаким, сочгай уруғлик донани.

Ул хаёли сўнгра уй булгай, ёруг,  
Буйлаким, пайкалда унгандек уруғ.

---

<sup>161</sup> Курони карим, Фурқон сураси, 70-оятга ишорат. \*Ҳашри асгар-кичик киёмат, ҳашри акбар – катта киёмат. \*Марги асгар – кичик ўлим, марги акбар – катта ўлим.

Ҳар хаёлким дилда тутмишдир ватан,  
Тонгла маҳшар ичра топгайдир бадан.

Ҳар хаёлким дилда чун пинҳон эди,  
Унгали тупроққа тушган дон эди.

Буйладир ул икки маҳшар қиссаси,  
Аҳли мўминга етишгай ҳиссаси,

Порласа маҳшар қуёши, ул замон,  
Қўғалур ҳар яхши бирлан ҳар ёмон.

Барча чопгайлар қазо девонига,  
Барча тушгай Тангри оташдонига.

Чин, асл тилло севинч, роҳат аро,  
Қалбаки танга ғаму ҳасрат аро.

Лаҳза-лаҳза имтиҳонлар бўлгуси,  
Дилда пинҳонинг аёнлар бўлгуси.

1800 Қандил айлаб мой била сувларни фош,  
Тупроқ этгандек экинни айрибош.

Ё пиёз бирлан саримсоқ, кўкнор  
Кўркини ошкора этгандек баҳор.

Ул бири сарсабзу нахнул - муттақун,  
Бул бири мисли бинафша сарнигун.

Ваҳм аро кўзлар тамом қиндан чиқиб,  
Ҳар бири ўн чашма янглиғ ёш тўкиб.

Интизорликла қотиб кўз соққаси,  
Келмагай деб чап тарафдин номаси.

1805 Ўнгу сўл ташлаб назарин басма-бас,  
Нома ўнгдин келмаги осон эмас...

Қўлга теккай нома шул фурсат аро,  
Номаким, эрди гуноҳлардин қаро.

Унда йўқ бир хайру тавфиқдин нишон,  
Ё савобдин, лутфи сиддиқдин нишон.

Сарбасар айру гуноҳ, ғавго бари,  
Бошдин охир фитнаю игво бари.

Ўғрилиқлар, қасду душманлик тамом,  
Фиръавиндек кибру манманлик тамом.

1810 Кўрди чун дафтарни ул, билди ани,  
Бўлмагай зиндондин ўзга маскани.

Ўғридек йул олди дор остига бот,  
Бас, гуноҳ буйинидадирким, йўқ нажот.

Неча минг ёлғонки, этмиш арзини,  
Бир боғичдек боғламишди огзини.

Не ўмармиш эрди, юкдир елкамда,  
Йўқ эди байту масалдин кўлка-да.

Энди ул зиндон сари этгай гузор,  
Бас, тикан эрса, унинг ёнмоғи бор.

1810 Олди - ортидин малойиқлар ҳамон,  
Қуршамишлар эрди миршабларсимон.

Найза бирлан туртишиб, ҳайдаб ҳама,  
Юр, дегайлар, ит, бу йўлда тўхтама.

Гоҳи тўхтар эрди йулда тирғалиб,  
Ногаҳон чоҳдин кутилгайманму деб.

Кўз тикарди ортига зорлик била,  
Интизорлик не, умидворлик била.

Кўзидин ёшлар оқарди тинмайин,  
Кеч хазон фаслида сел ёққандайин.

1820 Юз бурар эрди дамодам ортга ул,  
Кўз тикар эрди буюк даргоҳга ул.

Шунда етди Ҳақ таоло айтгани,  
Ношукур баттол, атангиз деб ани.

Нега ортингга боқарсен дамба-дам:  
Не кутарсен Тангридин, эй муттаҳам?

Номайи аъмолни олдинг қўлга, бас,  
Эй Худобезор, аё шайтонпараст.

Кўрдинг этган кирдикорингни магар,  
Энди олгайсен жазоинг ҳам тугал.

1825 Ўзни ҳар ён урмагил, беҳуда ул,  
Буйла бир чоҳ ичра имдод не қилур?

На тамизлаб танни, тоат айладинг,  
На кўнгилда яхши ният айладинг.

На узун тунлар муножоту қиём,  
На ёруғ кунларда парҳезу сиём.<sup>162</sup>

Эй дилозор, етмади шафқат сенга,  
Олди-ортингдин на бир ибрат сенга.

Олдда не эрди, ўлимнинг ёди ул,  
Ортда не, дўстлар вафоти эрди ул.

1830 Зулм этиб, бир бор пушаймон бўлмадинг,  
Тавба ичра зору гирён бўлмадинг.

Кўрдинг ул қийшиқ тарозуни сазо,  
Энди кўргайсен тарозуйи жазо.

---

<sup>162</sup> Сиём - рўза

Чап оёқдин бошламишдинг йулни, ҳай,  
Энди номанг ўнг тарафдин келмагай.

Ул жазоинг соядир, эй муттаҳам,  
Қоматинг хамдирки, хамдир соя ҳам.

Бўйла дашномлар ёгарди қулга то,  
Тоғ эшитса, қадди бўлгайди дуто.

1835 Кул деди: ҳой, ҳар неким этдинг баён,  
Юз чунонмен, юз чунонмен, юз чунон.

Айбларим ёпдинг магарким ҳилм ила,  
Неча бир расволигимни илм ила.

Лекин ул айбу қабоҳатлар бари,  
Менда бордир, сен уларни қўй нари.

Қўй нари ваҳму хаёлимни, хўжам,  
Менга ўхшаш неча юз жонларни ҳам.

Боқмадим қилмишларимга бул нафас,  
Кутганим лутфу атойинг эрди, бас.

1840 Беэваз лутфингдан этмишдим умид,  
Беғараз лутфингдин этмишдим умид.

Тикмадим кўз кирдикорим суйига,  
Кўзни тикканмен атойинг куйига.

Айладим лутфингни орзу, эй Худо,  
Ки вужудимни ўзинг этдинг ато.

Шу тириклик тунини бахш айладинг,  
Дилга уммидимни ҳам нақш айладинг.

Қул хатову айбини айтган сайин,  
Марҳаматлар унга бўлгайдир тайин.



Ҳақ дегайким, эй малойиклар, боринг,  
Бизга зору бенавони келтиринг.

Айлайн озод, мурувват кўргизиб,  
Қилмиши устига буткул хат чизиб.

Ул гуноҳкор бандага шафқат раво,  
Безиёндир унда гар айбу салоҳ.

Ўт ёқармиз бир улугвор, муҳташам,  
Унда ёнгай айбу зиллат бешу кам.

1850 Тушгай ул омбори инсонийга нур,  
Дашту чўл гулзори руҳоний булур.

Тўққизинчи осмондин тушди чун  
Кимиёи яслалу лакум аъмолукум<sup>163</sup>

Бўйла сир нурдир, қиёс этсанг агар,  
Ҳеч эмишдир карри фарри Булбашар.

Тил деган ул-олати гўёсидир,  
Кўз деган ул-манзари бийносидир.

Тинглагувчи – парча эту устухон,  
Англагувчи – қалб эрур, бир томчи қон.

1855 Гўннга ботган қурт эмишсен ложарам,  
Даҳр аро шовқин солурсен дамба-дам.

Аслида бир томчи сув эрдинг, холос,  
Эсга ол эски чориқни, эй Аёз.

---

<sup>163</sup> Биз тўққизинчи осмондан “Ишларингизни ўнгласин” кимёсини туширдик... Қуръони карим, Аҳзоб сураси, 70-71 оятларга ишорат.

АЁЗНИНГ БИР ҲУЖРАДА ЧОРИҚ ВА  
ПЎСТИНИНИ АСРАГАНИ. САРОЙДАГИЛАР  
ҲУЖРА ЭШИГИГА ҚУЛФ ОСИЛГАНИНИ КЎРИБ,  
БУ ЕРДА ХАЗИНА БОР, ДЕБ ГУМОН ҚИЛИШГАНИ

Чун Аёз эрди асл, идрокли қул,  
Эски пўстин, чоригин асрарди ул,

Ўз-ўзига сўйлагувчи эр эди,  
Чоригинг асло унутма, дер эди.

Шоҳга маълум этдилар ул ҳужрани,  
Симу зарга бир макондир деб ани.

1860 Эшигига қулф осилгайдир фақат,  
Ичкари кирмоққа йўқ ҳечкимда ҳад.

Шоҳ буюрди: бизни бул ҳайрон этар,  
Не эмишким, ҳужрада пинҳон этар?

Сўнг ишорат этди миршабга ҳамон,  
Сен ярим тун ҳужрага киргил, дебон.

Ҳар не топсанг унда, ол яғмош қил,  
Сиррини аҳли саройга фош қил.

Бўйла иззат озмидир, биздин етар,  
Ул яна олтин, кумуш пинҳон этар.

1865 Ишқ, вафода ўзни чун ой кўрсатиб.  
Арпа сотгай бизга, бугдой кўрсатиб.

Ҳар кишиким топса ишқда зиндалик,  
Кофир ўлгай, этса ғайри бандалик...

Тунда миршаблар оёққа турдилар,  
Ҳужрани очмоққа илдам юрдилар.

Машғала ёққанча неча паҳлавон,  
Тушдилар йўлга шитобу шодмон.

Дердилар: йўлнинг танобин тортамыз,  
Елкага олтин, кумушни ортамыз.

1870 Қай бири дерди: не эрмиш сийму зар,  
Ҳужрада сен лаъл кўргайсен, гуҳар.

Хоси хос, маҳбуби султондир Аёз.  
Балки султон жисмига жондир Аёз.

Ўртада меҳру равобат бул тарийқ,  
Не эмишдир лаълу ёқут ё ақиқ?

Шоҳда йўқ эрди ва лекин бир гумон,  
Балки ёлгондин этарди имтиҳон.

Шубҳалардин гарчи фориг эрди ул,  
Гоҳида ваҳм ичра ўйнарди кўнгил.

1875 Ки мободро бўйла тахмин чиқса чин,  
Истамам ранжу хижолат чекмоғин.

Этмамиш ул, гарчи этмишдир, раво.  
Не тилар ул, майлига, этсин адо.

Айлагувчи ул эмас, мен аслида,  
Улки мен, мен ул эрурмен пардада.

Дерди боз: йўқ буйла ишдин ул йироқ,  
Бўйла бир тахмин хаёлдир, тумтароқ.

Келмагай ҳаргиз Аёздин бул йўриқ,  
Бўйла денгиздирки ул, поёни йўқ.

1880 Етти денгиз – мавжидин бир қатрадир,  
Жумла борлиқ – меҳридин бир заррадир.

Жумла покликлар ўшандин келгуси,  
Журъаси бир айру кимё бўлгуси.

Шоҳи шоҳондир у, балки шоҳсоз,  
Тегмасин деб сўз магар исми Аёз.

Суқланурлар яхши кўзлар ҳам, холос,  
Чунки бундоқ ҳусни бордир беқиёс.

Мен даҳон истармен андоқким фалак,  
Токи сўйлай не ўшал рашки малак.

1885 Гар даҳон юз карра ортиқ бўлса, ул  
Буйла фарёдимга етмас, тор келур.

Мунча айтдим, мунчалар андишаси,  
Айтмасам, сингай кўнгилнинг шишаси.

Кўрдим ул кўнгилни бундоқ инжа, пок,  
Айладим мен ҳам яқони чок-чок...

Ҳар келар ой боши уч кун, эй санам,  
Мен бу янглиғ телбаю девонаман.

Бул – ўшал девоналикнинг илк куни,  
Англа фируз, билма фируз деб уни.<sup>164</sup>

1890 Ҳар кишиким, шоҳ гами йўлдошидир,  
Унга ҳар ўтгувчи дам – ойбошидир.

Ҳиссайи Маҳмуду авсофи Айз,  
Бўлди шул девоналикдин мунча оз.

---

<sup>164</sup> Сўз ўйини: фируз - ғолиб, фируз - мовий тош.

БУ ЕРДА ҲАР НЕКИМ АЙТИЛМИШ – ҚИССАНИНГ  
СУВРАТИДИР, ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ИДРОКИ,  
ТАСАВВУР ОЙИНАЛАРИГА МУВОФИҚ ҚИЛИБ  
АЙТИЛДИ. ҚИССАНИНГ СИЙРАТИНИ,  
ҲАҚИҚАТИНИ, ҚУДСИЯТИНИ СЎЗЛАСАМ, БУ  
ХАБАРДИН СЎЗ ҚИЗАРУР, БОШ АЙЛАНУР,  
СОҶОЛ ҲАМ, ҚАЛАМ ҲАМ ХИЖОЛАТДИН АДО  
БЎЛУР... ОҶИЛГА ИШОРАТ ЕТАР

Баски Хиндистонни туш кўрди филим,  
Бож-хирождин уз умидингни, дилим.

Кайфа яътин-назмуливал-қофия,  
Баъда то зоъат усулул- офия.

1895 Мо жунуну вохиду ли фи-ш-шужун,  
Бал жунуну фи жунунин фи жунун.

Зоба жисми мин ишоратил-куно,  
Мунзу чоянул-бақоа ил-фано.<sup>165</sup>

Эй Аёз ишқингда ёндим, келди пайт,  
Қўйдим ул қиссангни, сен қисматни айт.

Сўйладим ишқинг-ла афсонангни мен,  
Энди сўйла элга афсонамни сен.

Сўйлагувчи сен ўзинг, эй муқтадо,  
Менки Турмен, сен Мусосен, ул садо.

Қайдин ул сас, тоғ буни билгайму, йўқ,  
Бир Мусо билгайки, тоғда кимса йўқ.

---

<sup>165</sup> Ақлу идроким адо бўлгач, нечук шеър сўйлайману қофия жуфтлайман.

Дардлар аро жунуним биттамас, балки жунун ичра жунуним,  
жунун ичра жунуним бор менинг.

Йўқлиқда борлиқни кўриб, вужудим сирли маънолар денгизига  
гарқ бўлди - кетди.

1900 Тоғ магар билса, билур ўз ҳолича,  
Танга руҳ лутфу карам этмиш пича.

Тан далилмиш руҳга, устурлоб эмиш.  
Руҳ унинг осмонида офтоб эмиш.

Кўзлари ўтмас мунажжимнинг магар.  
Унга устурлобчи уста асқотар.

Уста устурлоби бирла қўллагай.  
Не эмиш офтоб, мунажжим англагай.

Жонки устурлоб-ла излайдир савоб.  
Ҳеч билурму не эмишдир офтоб?

1905 Кўз била дунёни кўргайсен нуқул.  
Ул сабабдин сенга дунё тор эрур.

Тор кўрингай сенга дунёи дуни.  
Шул сабабдин кўзга илмайсен уни.

Изла орифлар зиёсин, кўзга сур,  
Кўзларинг ирмоқ эса, дарё бўлур.

Ақлу ҳуш бўлсайди менда зарра,ҳой,  
Сўзларим бўлгайму эрди пойма-пой.

Ақлу ҳушдин чин эрур айрилганим.  
Лек бу савдода гуноҳим не маним?

1910 Ақлим олган ҳам гуноҳсиздир ва лек,  
Олдида ақлу заколардир ўлик.

Ё тужийр ал-ъақл, фаттон ал-ҳижо  
Мо савоки лил-уқули муртажо.

Маштаҳайтул - чақла туз жаннатани,  
Мо ҳасадту л-ҳусна муз зайян тани

Ҳал жунуни фи хавока мустатоб.  
Қул бало валлоҳу яжзик ас-савоб.<sup>166</sup>

1915 Хоҳ арабча, хоҳи форсий сўйлагай.  
Ақлу ҳушсиз маънисин не англагай?

Бодаси ҳар ақлу ҳушга мос эмас,  
Ҳар қулоққа ҳалқаси эъвоз эмас.

Бош уриб келдим яна девонавор,  
Занжирим бергил менга, эй жони зор.

Дилбарим зулфини занжир эт ҳамон,  
Ўзга занжирларга бермасмен омон...

ЧОРИҚ ВА ПЎСТИНГА КЎЗ ТАШЛАБ  
ТУРИШНИНГ ҲИКМАТИ. “ИНСОНГА БОҚ, У  
НИМАДАН ЯРАТИЛДИ?”<sup>167</sup> ҲУКМИНИНГ  
БАЁНИ<sup>168</sup>

Сўйлайин боз қиссайи ишқи Аёз.  
Кони ганждир ул, тўла асрори роз.

1920 Ҳужрага ҳар кун борарди бесукун,  
Чориғу пўстинга кўз солмоқ учун.

Боқки, борлиқ жонга мастлик келтирар,  
Ҳушни бошдин, ҳисни кўнгилдин сураар.

Неча аждодларга етмиш пастлиги,  
Йўлдин оздирмиш шу борлиқ мастлиги.

---

<sup>166</sup> Эй ақлларни шоширган, фикрларни остин-устун этган зот, ақлимизнинг сендин ўзга саждагоҳи йўқ. Мени ақлимдин айирдинг, лекин уни соғинмадим, мени зийнатладинг, ўзга зийнатларга ҳасад этмадим. Сенинг ҳавоинг ила жунунга тушганим на хуш, Оллоҳ хайрингни берсин...

<sup>167</sup> Қуръони карим, Торик сураси, 5-7- оятларга ишорат.

<sup>168</sup> Қуръони карим, Раҳмон сураси, 14-15 оятлар ҳамда Қаҳф сурасининг 50- оятига ишорат.

Ул азозил бұлди мастликдин Билис,  
Деди: Олам менга бұлгайму раис?

Хўжадирмен, яъни, хўжазодамен.  
Юз ҳунарга қобилу омодамен.

1925 Бас, ҳунар бобида йўқдир камлигим,  
Ўзгаларнинг хизматин айлармидим?

Мен оловданмен, у балчиқдин эмиш,  
Ўт-олов олдида балчиқ не эмиш?

Қайда эрди илгари ул, мен ҳамон  
Садри олам эрдиму фаҳри замон.

“ЖИНЛАРНИ ТУТУНСИЗ ОЛОВДАН ЯРАТДИ”  
ОЯТИ ИЛА БАРОБАР ТАНГРИ ТАОЛО ИБЛИС  
ҲАҚИДА”У ЧИНДАН ҲАМ ЖИНЛАРДАН ЭДИ,  
РАББИНИНГ БУЙРУГИДАН БЎЙИН ТОВЛАДИ”  
ДЕБ АМР ЭТГАНИ

Бир туташ ўт эрди ул жони қабиҳ  
Бўйла ўтким, ал-валал сирри абиҳ.<sup>169</sup>

Йўқ, ғалат, ул эрди чин қаҳри Худо.  
Бир сабаб кўрсатмоқ анга нораво.

Бесабаб иш бўйла бўлгайдир магар,  
Ул азалдин мустамиру мустақар.<sup>170</sup>

1930 Бўйладир Ҳақ санъати, ул мустахас.  
Сигмагай унга сабаб бирлан халас.

Отамиз ҳам-санъати Ҳақ эрди, дўст,  
Санъат ул мағз эрса, суврат эрди пўст.

Ишқни бил сен, жонажон дўстингни ул,  
Жонинг излаб, ўртагай пўстингни ул.

<sup>169</sup> Ал-валал сирри абиҳ - ўғил отанинг асроридир.

<sup>170</sup> Мустамиру мустақар - доимий, даволи.



Дўзахийни кўр-да, кўргил дўстини,  
Тангри ҳар дам янгилайдир пустини.

Маънию мағзинг агар ҳоким эрур,  
Қобиғу пўстинг оловга ем эрур.

1935 Сувли эрса кўзайи чўбин ичи,  
Сиртига етгай фақат ўтнинг кучи.

Маънийи инсон оловни даф этар,  
Молики дўзахга ўтдин не хатар?

Бас, семиртирма баданни, маъни йиғ,  
Сен-да оташларга ҳоким бўл, улуг.

Сен юрарсен териларга бурканиб,  
Бир қалин пўстинга ўхшаб дудланиб.

1940 Қаҳри Хақдин бу бало келмиш сенга,  
Теридин кибру ҳаво келмиш сенга.

Бу такаббурликка ул пўстинг сабаб,  
Мол-бисот кибрига ул дўстинг сабаб.

Ул нечун кибру ҳавони кўзлагай,  
Сув қуёшдин айру тушса, музлагай.

Лек қуёш нури анга тушган замон,  
Турмагай, бўлгай эриб, обу равон.

Ични кўрди, бўлди жумла тан тамаҳ,  
Хору ошиқ бўлди, залла ман тамаҳ<sup>171</sup>

1945 Бунда иззат нораводир, зилли дин,  
Тошки фоний эрмас ул, бўлмас нигин.

---

<sup>171</sup> Молики дўзах - дўзахнинг хокими.  
Зилли ман тамаҳ - тамаҳ этган тубанлашур  
Раббимиз, биз ўзимизга зулм этдик.

Сенки тошсен, мунча этгайсен ҳаво,  
Бақтидир мискин бўлиб, топсанг фано.

Кибр истайдир ҳамиша жоҳу мол,  
Ўт-олов топгай тезак бирлан камол.

Молу жоҳким терини афзун этар,  
Кибринг ортар-да, ичингда ёғ битар.

1950 Кўр уларни, пўстга парво қилдилар,  
Ични кўрмай, пўстни мағз деб билдилар.

Бўйлаким, бу йўлда Иблис пешво,  
Ул илинмишди бу тўрга аввало.

Мол-илондир, жоҳу мансаб - аждаҳо,  
Сояйи мардон - зумурраддир санго.

Бир зумуррадким, илонни кўр қилур,  
Йўлчини юз бир балодин қутқарур.

Баски, йўлларга тикан солмиш раис,  
Ҳар сафар лаънатга қолгайдир Билис.

1955 Сўнгра карвондек асрлар ўтдилар,  
Жумла мардум шу тарийқни тутдилар.

Гар биров йўл тутса маккорлик била,  
Унга халқ эргашсалар кўрлик била,

Бор гуноҳни унга этгайлар ҳукм,  
Чунки ул-бошдир, халойиқ эрса-дум.

Лекин одам илкида чориқ эди,  
Аслини ёд этди, тупроқмен, деди.

1960 Биру бор йўқликда ишлайдир баса,  
Чунки йўқликдир унинг корхонаси.

Кимса хат узра қалам чеккайму ҳеч?  
Ё ниҳолзорга кўчат эккайиу ҳеч?

Ул қалам сурмоққа оқ имкон тилар,  
Бул ниҳол экмоққа бўш майдон тилар.

Эй биродар, бўйла бир андоза бўл,  
Оқ қоғоз бўл, хат-рақамдин тоза бўл.

1965 Ул ажиб ҳалвони тотдинг, тотмагил,  
Бул ажиб ошхонага кўз отмагил.

Чунки ул ҳалво солур жонингга ўт,  
Пўстиниу чориқни этгайсен унут.

Лек ажал етганда оҳларсен яна,  
Чориғу пўстинни ёдларсен яна.

Ғарқ бўлиб мавжи қабоҳатлар аро,  
Қолмагунча токи бепушту паноҳ,

1970 Баски ғарқоби фано бўлгач, у дам,  
Сен-да “Залламно” дегайсен дамба-дам.<sup>172</sup>

Дев дегайким, вой, кўринг ул хомни,  
Бош кесинг бул мурғи беҳангомни.<sup>173</sup>

Лек йироқдир бўйла хислатдин Аёз,  
То намози етмаса, этмас намоз.

Улки осмоний хўроздир аслида,  
Бемаҳалмас, қичқирар ўз вақтида.

---

<sup>172</sup> Мурғи баҳангом - бемаҳал қичқирган хўроз.

<sup>173</sup> Зиндониён - зиндонийлар, маҳбублар. Хуноқ - томоқ оғриғи, дифтерия.

“ҲАР НАРСАНИ БИЗГА АСЛ ҲОЛИЧА КЎРСАТ” ВА  
“ПАРДА ОЧИЛСАЙДИ, ҲАҚИҚАТИМ АЁН  
БЎЛАРДИ” СЎЗЛАРИНИНГ БАЁНИ ҲАМДА

*Ҳар нарсаниким кўриб, ёмон кўргайсен,  
Жисминг сўйидин боқиб, ҳамон кўргайсен.*

БАЙТНИНГ МАЪНОСИ ХУСУСИДА

*Чун эгри оёқнинг эгривир сояси ҳам....*

1975 Эй хўрозлар, ишни ундан ўрганинг,  
Дон эмас, лутфи Худо деб қичқиринг.

Субҳи козиб чалғитолмайди ани,  
Субҳи козиб - шул кўринган олами.

Аҳли дунё ақли чун ноқис эмиш,  
Субҳи козибни кўриб, содиқ демиш.

Отди тонг, деб йўлга тушгайдир улар,  
Субҳи козиб корвонларни урар.

Субҳи козиб халққа раҳбар бўлмасин,  
Аҳли карвон боридин айрилмасин.

1980 Айлаган эй субҳи козибдин тамаҳ,  
Субҳи содиқни магар козиб дема.

Сенки топмассен нифоқлардин омон,  
Дўсту ёрингдин нечун этгунг гумон?

Бадгумон эрмиш ҳамиша бекарам,  
Ўзидек билгай магар дўстларни ҳам.

Ул неча бадбахтки, қинғир эрдилар.  
Анбиёни жодугар деб билдилар.

Қалбаки, қинғир у беклар ҳам чунон,  
Бўдилар содиқ Аёздин бадгумон.

1985 Шоҳ билар эрди Аёзда не кўнгил,  
Майли, кўрсинлар, дея амр этди ул.

Қоқ ярим тунда очингиз ҳужрасин,  
Ки Аёз бул хақда зинҳор билмасин.

Айланг андоқ кирдикорини аниқ,  
Сўнгра этгаймиз жазога мустаҳиқ.

Сизга бўлсин барча бойлик, симу зар,  
Бизга ул ишдин хабар топсак, етар.

1990 Бўйла сўйлар эрди гарчи шоҳи нек,  
Энтикар эрди Аёзни деб ва лек.

Бўйлаки нутқи забонимни менинг  
Гар эшитса ҳоли не кечгай анинг?

Боз дедиким, йўқ, бунингдек дини бор,  
Бўйла сўзлардин баланд тамкини бор.

Бўйла сўзлардан ҳазар этмасми ул,  
Не эрур кўнглимда сир, етмасми ул?

Мубтало кўргай ва ютгай ранжни,  
Яхшидир гар ул унутса ранжни.

1995 Бўйлаким Юсуф каби зиндониён -  
Тушларин таъбирлаб, этгайдир аён.

Ўз тушининг таъбирин билмас киши,  
Ўзгалар таъбири бирла не иши?

Юз қилич урсам-да айлаб имтиҳон,  
Воҳ, демас бир ул анису меҳрибон.

Ул билурким тиғ урармен ўзга мен,  
Чун Аёздирмен, эмасмен ўзга мен...

ЭХТИЁЖ ЭХТИЖЗСИЗЛИКНИНГ ЗИДДИДИР,  
АММО ҲАҚИҚАТДА ОШИҚ ВА МАЪШУҚ БИР  
БУТУНДИР.ЧУНОНЧИ, ОЙИНАДА СУВРАТ  
ЙЎҚДИР, СУВРАТСИЗЛИК ҲАМ СУВРАТНИНГ  
ЗИДДИДИР, АММО ОЙИНА ВА СУВРАТ ОРАСИДА  
БИРЛИК МАВЖУД. БУНИНГ ШАРҲИ УЗУН,  
ЛЕКИН ОҚИЛГА ИШОРАТ ЎЗИ ЕТАРЛИДИР.

2000 Ёқди Мажнунни соғинч, дилбасталик,  
Ногаҳон жисмига етди хасталик.

Қони жўш урди, соғинчу иштиёқ,  
Айлади андоқки, юз берди хуноқ.<sup>174</sup>

Дору дармон этгали келди табиб,  
Деди: қон олмоқ керакдир, ё ҳабиб.

Хасталикни қон олиш этгуси даф,  
Тиғи наштардин етар жонингга наф.

Келди наштарчи ва тиғни шайлади,  
Боқди Мажнун унга, фарёд айлади.

2005 Деди: ол ҳаққингнию қўйгил мени,  
Розидирмен шу аламда ўлгани...

Деди: арслон ҳам ювош оху сенга,  
Нега наштардин етар қўрқув сенга?

Шеру сиртлон ҳам, айиқ ҳам, бўри ҳам,  
Тўпланиб, тунлар сенинг тегрангда жам.

Сендин олмаслар башарнинг бўйини,  
Сайр этурлар ишқ-Муҳаббат кўйини.

Ишқ надир, қашқир, айиқ, шер ҳам билур,  
Ишқни билмас кимса итдан паст бўлур.

---

<sup>174</sup> Хуноқ - томоқ оғриғи, дифтерия.

2010 Итда севги бўлмаса, бўзлармиди,  
Жон чекиб, асҳоби Қаҳф излармиди?

Унга ўхшаш бу жаҳонда ҳар қалай,  
Ишқни билгувчи вафодорлар талай.

Сенга инсонданку баҳро етмади,  
Қашқире қўйдин самар етгаймиди?

Йўқса ишқ, дунё надир, билмас эдинг,  
Нон-да бўлмас, сен дағи бўлмас эдинг?

Нонни бошлаб келди ишқу иштаҳо,  
Йўқса, унга қайда эрди жон раҳо.

2015 Чун ўлик нон ишқ туфайли топди жон,  
Жонки фоний эрди, бўлди жовидон.

Деди Мажнун: менга наштар не писанд,  
Сабру бардошим баланддир тоғданам.

Жангчимен, жонимга ҳамдамдир яра,  
Ишқ аро дардимга малҳамдир яра.

Лек вужудим Лайли бирландир тўла,  
Бул садаф тўлмиш сифоти дур била.

Наштаринг урсанг магар жисмимга, ҳай,  
Қўрқамен, Лайлига ногоҳ тегмагай.

2020 Кимки равшандил, аёндир унга, бас,  
Мен ва Лайли биттадирмиз, айрумас.

МАЪШУҚА ОШИҚДАН, МЕНИ КЎПРОҚ  
СЕВАСАНМИ ЁХУД ЎЗИНГНИМИ, ДЕБ  
СЎРАГАНИ. ОШИҚ ДЕМИШКИ. МЕН ЎЗИМ-ЛА  
ЎЛИК, СЕН БИЛА ТИРИКМЕН. ЎЗИМДИН, ЎЗ  
СИФАТЛАРИМДИН КЕЧИБ, СЕНГА АЙЛАНДИМ,  
ЎЗ ИЛМИМНИ УНУТИБ, СЕНИНГ ИЛМИНГ-ЛА  
ОЛИМ БЎЛДИМ. КУЧ-ҚУДРАТИМНИ ТАРК ЭТИБ,  
КУЧ-ҚУДРАТИНГ-ЛА ҚОДИР БЎЛДИМ.ЎЗИМНИ  
СЕВГАНИМ - СЕНИ СЕВГАНИМ, СЕНИ  
СЕВГАНИМ-ЎЗИМНИ СЕВГАНИМ

*Ҳар кимса гар ойинайи яқин бўлгай,  
Гарчи худбиндир, Худойбин бўлгай.*

“СИФАТЛАРИМ-ЛА ХАЛҚИМГА КЎРИН, СЕНИ  
КЎРГАН МЕНИ КЎРГАЙ, СЕНИ ТОПМОҚ  
ИСТАГАН, СЕНИ ТОПГАН МЕНИ ТОПГУСИДИР”  
ДЕБ АМР ЭТГАНИ

Деди бир маъшуқ чу айлаб имтихон,  
Ошиғига: эй фалон ибн ал-фалон.

Сенму кўпроқ севганинг ёхуд ўзинг,  
Айт менга, пайсалга солмай чин сўзинг.

Деди: фониймен кўйингда мунча, боқ  
Сен била тўлдим магар бошдин-оёқ

Борлигимдин менда қолмиш ном, холос,  
Нотавон жисмимда сен хушком, холос.

2025 Бўлгай ул тош ҳам магарким лаъли ноб,  
Жисмига жо бўлса сингиб офтоб,

Тошда қолмас ул сифоти, васфи тош,  
Орқа-ўнги ярқираб бўлгай қуёш.

Шунда гар ул ўзни севса, бил ани,  
Ўзни севмак-ла қуёшни севгани.



Гар қуёш деб ул тасаддуқ этса жон,  
Ўзни севгайдир юракдин бегумон.

2030 Иста, жондин ўзни севсин лаъли ноб,  
Иста, маҳбуб ўлсин унга офтоб.

Бул арода бир тафовут, фарқ йўқ,  
Кунчиқар бордир, бўлак бир шарқ йўқ.

То ўзига душман эрмас, лаъли, дур,  
Унда бирмас, икки “мен” ҳозир эрур.

Аҳли зулматдир у, кўрмас кундузи,  
Аҳли зулмат нурга душман бўлгуси.

Ўзни севган кимса ул кофир магар,  
Чунки кўзлардин қуёшни беркитар.

2035 “Мен” дейиш тошга ярашмас мутлақо,  
Баски зулмат ичра ул, ғарқи фано.

Деди Фиръавн “Аналҳақ”, ўлди ул,  
Деди Мансур бўйла, лек юксалди ул.

Фиръавн айтганда гар лаънат эди,  
Мансур айтаркан, баса раҳмат эди.

Ул қаро тош эрса, бул эрди ақиқ,  
Ул қоронғу эрса, бул эрди ёруғ.

Мен, деб айтса, ул демакдир, эй фузул,  
Иттиҳоди нурдир, эрмасдир хулул.

2040 Жаҳд қил, тошликни камроқ айлагил,  
Тошни сен лаъл айла, порлоқ айлагил.

Сабру бардош айла азму жазм аро,  
Дамба-дам кўргил фано ичра бақо.

Тош сифотинг бўйла кам-кам бўлгуси,  
Лаъли васфинг масту маҳкам бўлгуси.

Васфи дунё тарк этиб жисмингни бот,  
Бўлгуси бошингда сархушлик зиёд.

Тинглогувчи бир қулоқ бўл сен тайин,  
Лаъли ноб таққил қулогингга кейин.

2045 Қаз қудуқдек шул тани хокийни сен,  
Бир куни оби ҳаётга етгасен.

Гар Худодан жазба етса ярқираб,  
Қазмасанг-да сув отилгай шарқираб.

Сен қаноат этма бунга, қил хавас,  
Андек-андек ишга туш, тупроқни қаз.

Кимки ранж кўргай, етар сарватга ул,  
Кимки жаҳд этгай, етар давлатга ул.

Деди Пайгамбар: намозга трганинг,  
Тангрининг дарвозасини урганинг.

2050 Ҳар кишиким ул эшикни урғуси,  
Давлати бир кун муяссар бўлғуси...

АМИР ВА МИРШАБЛАР ЯРИМ ТУНДА АЁЗ  
ҲУЖРАСИГА КИРИШГАНИ, УНДА БИР ПЎСТИН  
ВА ЧОРИҚ ОСИҒЛИҚ ТУРГАНИНИ КЎРИБ, БУНИ  
МАКРУ ҲИЙЛА ДЕБ БИЛИШГАНИ, ҲУЖРАНИНГ  
ТАГИНИ ҚАЗИБ, ДЕВОРЛАРИНИ БУЗИБ, ҲЕЧ  
НАРСА ТОПОЛМАЙ, ШАРМАНДА БЎЛИШГАНИ...  
БЎЙЛАКИМ, БАДГУМОН ВА ХАЁЛПАРАСТЛАР  
ҲАМ АНБИЁ ВА АВЛИЁНИ СЕҲРГАР ДЕБ  
АТАШГАН, ҲАҚИҚАТ АЁН БЎЛГАЧ, ХИЖОЛАТ  
ЧЕКИШГАН, АММО БУНДАН БИРОР ФОЙДА  
ТОПИШМАГАН ЭДИ.

Тунда ҳужра эшигига келдилар,  
Сийму зар бунда ниҳон деб билдилар,

Неча кимса уннашиб чун дамба-дам,  
Очдилар юз бир ҳунар-ла қулфни ҳам.

Қулф эшикда зил эди, залвор эди,  
Ёнида бир неча занжир бор эди.

Бул бахилликдин эмасди, ўзга сир,  
Тушмасин, дерди авом наздига сир.

2055 Йўймагайлар то ёмонликка ани,  
Билмагайлар токи маккор деб мени...

Гоҳ эранлар сирни чун жон асрагай,  
Лаъли нобни бўйлаким кон асрагай.

Зарни нодонларга жондек қадри бор,  
Шоҳ уни жонларга этгайдир нисор.

Ўт-олов янглиғ югургай ҳирси зар,  
Ақлу ҳуш дерким, ошиқманг мунчалар.

Ҳирс саробга талпинур беҳуда, бас,  
Ақлу идрок дер: сароб ул, сув эмас.

2060 Енгса ҳирс, зар бўлса нодонларга жон,  
Ақлу идрок наъраси тингай ҳамон.

Ул бирининг юксалиб ғавғолари,  
Бул бирининг ўксинур маънолари.

Ҳирс тутиб, чоҳи ғурурда банд этар,  
Шунда ҳикматдин маломатлар етар.

Баски бўлгай банди дом, топгай шикаст,  
Нафси лаввома узатгай унга даст.

То бало девори ёрмас бошини,  
Тингламас, олмас қулоқдин тошини.

2065 Чун чиқиб чипқон қачон куйдиргуси,  
Айтганинг шунда қулоққа киргуси.

Ҳужрани юз бир ҳунар, ҳирсу ҳавас  
Бирла охир очдилар ул неча кас.

Ёпирилиб барча эшикдин кирдилар,  
Ўйлаким оч пашшадек ёприлдилар.

Пашша ҳам айронга ургай ўзни чун,  
Сўнгра ул айронда ўлгай нафс учун.

2070 Хужрада бор нарса, ортиқ-кам эмас,  
Эски чориқ бирла пўстин эрди, бас

Дедиларким, ҳужра бўш бўлгайму? Йўқ,  
Бунда чориқ парда эрмишдир, тутуқ.

Келтирингиз болта бирлан тешани,  
То кўрайлик биз қазиб ҳар гўшани.

Ҳар тарафни қаздилар бир-бир бузиб,  
Ҳар тарафни буздилар бир-бир қазиб.

Ҳар чуқурдин юксаларди бир садо:  
Эй палидлар, бунда йўқдир ҳеч вақо.

2075 Сўнгра ўй-андишаларга чўмдилар,  
Қазган ул жойларни бир-бир кўмдилар.

Учдилар лоҳавлаю нолишлари,  
Бўйлаким донсиз қолиб нафс қушлари.

Ҳужрада тирқиш, тешиқлар беадад,  
Кирдиккорларга далил эрди фақат.

Ул деворларни суваш имкони йўқ,  
Чун Аёздин пардалаш имкони йўқ.

Беғуноҳ гар тухмат ичра тургуси,  
Унга туйнук ҳам гувоҳлик бергуси.

2080 Қайтдилар шоҳ олдиға хорлик била,  
Демаким хорлик, шармсорлик била.

МИРШАБЛАР ТАРВУЗЛАРИ ҚЎЛТИҚЛАРИДАН  
ТУШИБ, АЁЗ ҲУЖРАСИДАН ШОҲ ХУЗУРИГА  
ҚАЙТИШГАНИ... БЎЙЛАКИМ ПАЙҒАМБАР  
АЛАЙҲИССАЛОМЛАР ҲАҚИДА БАДГУМОНЛИК  
ҚИЛГАНЛАР ҲАМ “У КУН ЮЗЛАР ОҚАРУР, У  
КУН ЮЗЛАР ҚОРАЮР” ВА “ОЛЛОҲГА ШАК  
КЕЛТИРГАНЛАРНИ КЎРАРСЕН, ЮЗЛАРИ ҚОП-  
ҚОРА БЎЛУР” ОЯТЛАРИДА АЙТИЛГАНИДЕК,  
ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ ПОКЛИГИ, ШУБҲА -  
ГУМОНЛАРДАН ФОРИҒЛИГИ АЁН БЎЛГАЧ,  
УЯЛИБ ҚОЛУРЛАР<sup>175</sup>

Ҳой, нечун, деб сўнг улардин сўрди шоҳ,  
Қўйнингизда йўқ, кўринмас бир вақо?

Майлига, дейлик, яширдингиз ани,  
Чеҳраларда чақнаган шодлик қани?

<sup>175</sup> Қуръони карим, Ол-и Имрон сураси, 106-107-оятларга ишорат.

Гарчи илдизлар яшар ер остида,  
Новда, япроқ яшнагай ер устида.

Не етар илдизга, оғу ёки қанд?  
Жарчидир андин ўшал шохи баланд.

2085 Илдиз эрса ерда озиқсиз, тақир,  
Унда кўм-кўк новда, япроқлар надир?

Ер агар илдизга муҳрин ургуси,  
Қўл-оёқ шохлар шаҳодат бергуси.

Ул амирларким узр деб келдилар,  
Соядек ой бошидин эврилдилар.

Барчаси афсус-надоматлар билан,  
Келдилар қўлларда шамширу кафан.

Ҳар бири ҳар лаҳза бармоқ тишлабон,  
Оқ уриб дерди: аё шоҳи жаҳон,

2090 Қонимиз тўксанг, ҳалол бўлгай баса,  
Тўкмасанг, бизга навол бўлгай бас.<sup>176</sup>

Бизга лойиқ ишни биз этдик адо,  
Энди фармонингни юргиз, подшо.

Бизни маъзур айласанг не бўлгуси?  
Кеча бўлгай кеча, кундуз кундузи.

Маъзур этсанг, минг дуо бўлсин сенга,  
Этмасанг, жонлар фидо бўлсин сенга.

Шоҳ деди: мен истамам оҳу гудоз,  
Ҳар не истар, айласин, этсин Аёз...

---

<sup>176</sup> Навол -эҳсон.

ПОДШО ҲУЖРАГА КИРУВЧИЛАР ТАВБАСИ  
ҚАБУЛИНИ АЁЗГА ҲАВОЛА ЭТГАНИ ЗЕРО, БУ  
ЁМОНЛИКНИ МЕНГАМАС, УНГА ЭТДИНГИЗ,  
ДЕГАНИ

2095 Бул маломатни Аёзга қилдингиз,  
Тиғи бўҳтон бирла кўксин тилдингиз.

Гарчи воҳидмиз, Аёз-ла битта жон,  
Зоҳиран мендин йироқ суду зиён.

Қулга тухмат этсалар, не этгуси?  
Унга шоҳдин раҳму шафқат етгуси.

Шоҳ уни Қорун этар ганж бирла, бас,  
Беғуноҳни, ўйла, нелар айламас.

Шоҳни гофил, ўйлама, огоҳ эрур,  
Улки огоҳдир, магарким шоҳ эрур.

2100 Билса ҳам чун сабру тоқат айлағай,  
Андин ўзга ким шафоат айлағай?

Ҳилми боис бандага етгай гуноҳ,  
Журъат айлаб, йўқса ким этгай гуноҳ?

Хунбаҳо деб берса қотил гар дият<sup>177</sup>  
Ҳилми оқилга суйнгайдир фақат.

Айру тушган чоғда нафс бардошидан,  
Дев илиб қочди кулоҳни бошидан.

Соқийи илм бўлмасайди бодакаш,  
Қайда эрди девга Одам-ла талаш...

---

<sup>177</sup> Дият - шариат ҳукмига кўра марҳум ворисига қотил томонидан тўланадиган маълум тол-маблар

2105 Одам айларди малакларга ўғит,  
Эрди чин устоду наққоди нуқуд.<sup>178</sup>

Ичди жанатда шароби ҳилм, ҳамон,  
Макри шайтон этди рангин заъфарон.

Ҳолбуки жаннат аро дўст талқини,  
Айламишди эпчилу доно уни.

Ҳилм афсуни етишди жонига,  
Ўғрини келтирди чорлаб ёнига.

Келди ҳилм сори ақл айлаб сужуд,  
Деди: соқийсен ўзинг, илкимни тут...

ШОҲНИНГ АЁЗГА, ИСТАСАНГ, АВФ ЭТ,  
ИСТАСАНГ, ЖАЗО БЕР, АВФ ЭТСАНГ ТЎҒРИ  
БЎЛУР, ЖАЗО БЕРСАНГ ҲАМ, ТЎҒРИ БЎЛУР,  
УНИСИДА ҲАМ, БУНИСИДА ҲАМ ФОЙДАЛАР  
БОР, АДОЛАТДА МИНГЛАРЧА ЛУТФУ  
МАРҲАМАТ МАВЖУД, ДЕГАНИ. ЗЕРО,  
ДЕЙИМИШКИМ, ҚАСОСДА СИЗ УЧУН ҲАЁТ БОР..  
ҚАСОСНИ ХУШ КЎРМАГАН КИМСА  
ЎЛДИРИЛГАН БИР КИШИНИНГ ҲАЁТИНИ  
КЎРАР, АММО ЎЛДИРИЛИШ ВАҲМИ ИЛА ЮЗ  
МИНГЛАРЧА КИШИНИНГ ҲАЁТГА  
ҚОВУШМОҒИНИ КЎРМАС

2110 Бер гуноҳкорларга ҳукмингни, Аёз,  
Эй Аёзу пок, азизу дилнавоз.

Гар сени қайнатсалар мингларча бор,  
Чиқмагай макру фирибдин бир губор.

Имтиҳон этгувчи неча бандадир,  
Имтиҳон этган сени шармандадир.

---

<sup>178</sup> Наққоди нуқуд - билимдон.



Бўйла денгизсенки, ёлғиз илм эмас,  
Бўйла тоғдирсенки, ёлғиз ҳилм эмас...

Деди: эҳсоннинг туфайли мен - Аёз,  
Менда чориқ эрдию пўстин, холос.

2115 Тингла, бул ҳикмат Набийдин келгуси;  
Ўзни билганлар Худони билгуси.

Чорифингдир - нуфта, қонинг - пўстин,  
Ўзгаси Хақдин ато, эй дўстим.

Демаким, аслида бори шул қадар,  
Мунча бердим, бошқасин топ, дер ўшал.

Кўрсатур бир неча олма боғбон,  
Мевалардин сенга бўлсин деб нишон.

Бир ҳовуч бугдойни деҳқон кўрсатур,  
Токи бил деб не эмиш омборда ул.

2120 Нуқта сўйлар шарҳ этиб устоду пир,  
Англагаймен, унда не илму далил.

Билгани ёлғиз шу деб билсанг ани,  
Хас каби ўздин улоқтиргай сени.

Эй Аёз, келгил, адолат айлагил,  
Бир адолатни ижобат айлагил.

Гарчи ўлдирмоққа лойиқ ул ҳама,  
Ҳимматингдин дилда этгайлар тамаҳ.

Раҳм этарму ёки қилгайдир ғазаб?  
Оби кавсар устун ўлгайму, лаҳаб?<sup>179</sup>

2125 Ўйла, ул аҳди Аластдин то бугун,  
Халқни пойлар раҳму шафқат, қаҳру кин.

---

<sup>179</sup> Лаҳаб - ўт, олов

Ул сабаб лафзи Аластда бегумон,  
Ҳам нафий ошкора, ҳам исбот аён.

Ҳам саволдир, ҳам жавоб ул, ўйлаким,  
Унда “лайса” сўзи бўлмишдир дафин.<sup>180</sup>

Сен бу хом талқинни такрор этмагил,  
Косайи хосни авомга тутмагил.

Қаҳру лутфи - ҳам савобу ҳам вабо,  
Ул бири оҳанрабо, бул қаҳрабо.

2130 Улки ростдир, Ҳаққи одил тортадир,  
Аҳли ботилларни ботил тортадир.

Меъда ҳалвойи эса, ҳалво сўрар,  
Меъда сафройи эса, сирко сўрар.

Жун тўшак танга ҳарорат бергуси  
Бўз тўшак оташларинг сўндиргуси.

Дўстни кўрсанг, дилда меҳринг бир жаҳон,  
Ёвни учратганда қаҳринг ончунон.

Эй Аёз, ҳал эт бу ишни, этма зор,  
Айрича бир интиқомдир интизор.

ПОДШОНИНГ АЁЗГА БУ ИШНИ ТЕЗРОҚ ТУГАТ,  
КУНЛАР ЎТАВЕРАДИ, ДЕЯ, ПАЙСАЛГА СОЛМА,  
ДЕБ БУЮРГАНИ, ЗЕРО, МАҚОЛ БОРКИМ,  
ИНТИЗОРЛИК ҚИП -ҚИЗИЛ ЎЛИМДИР... АЁЗНИНГ  
ПОДШОГА ЖАВОБ БЕРГАНИ

2135 Деди: амринг амр эрур, эй подшо,  
Гар қуёш чиқса, топар юлдуз фано.

Не эмиш Зуҳро, Аторуд ё Шаҳоб,  
Ярқираб, тўлдирса кўкни офтоб?

---

<sup>180</sup> Лайса - ҳеч нарса. Дафин - яширилган, беркитилган.

Бўлмаса чоруғу пўстин, не эди?  
Бу маломатлар менга бўлгаймиди?

Баски, атрофда ҳасадгўйдир ҳама,  
Хужрага қулф осмоқ эрди не яна?

Ул ҳама тутмиш ҳаётда бир йўриқ,  
Истагайлар, чиқсалар сувдин қуруқ.

2140 Сувга тушган кимсалар ҳўл бўлгуси,  
Қай балиқ дарёга исён қилгуси?

Шубҳа айлаб, менга этгайлар жафо,  
Ки хижолатдир бугун мендин вафо.

Бўлмасам бегоналардин гар хижил,  
Мен вафодин кўз очардим неча бир.

Бул жаҳондир шубҳачи, сувратпараст,  
Сўз очармиз кўз солиб сувратга, бас.

Қобигингдир - сувратинг, синдир уни,  
Тинглагайсен мағзининг достонини.

2145 Боққи ёнғоқ пўсти шовқинлар нуқул,  
Мағзи хомушдир, сукунат ичра ул.

Мағзининг овози бор эрмиш, бале,  
Ул овоз етмас қулогингга вале.

Бўлмаса ул мағзининг овози гар,  
Пўстининг шовқинларига ким чидар?

Тинглагайсен жим туриб шовқинларин,  
Мағзини кафтингга олгайсен кейин.

Бир замон ўзни қулоқсиз, лабсиз эт,  
Сўнгра лаблардек ўзинг шарбатга ет.

2150 Сир очарсен назму насрингда тўлиб,  
Хўжа, ўзни имтиҳон эт гунг бўлиб...

«НЕЧА МУДДАТ СЎЗЛАМОҚНИ ИМТИҲОН  
ҚИЛДИК, ЭНДИ БИР МУДДАТ САБРУ СУКУТНИ  
ҲАМ СИНАБ КЎРАЙЛИК» ТАЪБИРИНИНГ БАЁНИ

Бас пиширдинг шўру аччиқ қанчалар,  
Бир сафар ширин пиширсанг, не қилар?

Бир куни кўз очди қул маҳшар аро,  
Қўлга тегди номаси, буткул қаро.

Сим-сиёҳ эрди чу хатти таъзия,  
Бўйла эрди ҳам матн, ҳам ҳошия.

Бошдин-охир бир қаро бурҳон эди,  
Ўйлаким, кофир тўла майдон эди.

2155 Бас гуноҳлар кетсалар ҳаддан ўтиб,  
Ўнг тарафдин нома келгайдир нетиб?

Ҳой, ўзинг кўз ташла бир номангга, қул?  
Ўнг тарафданму келур, чапданму ул?

Гар дўконда этик эрса чап оёқ,  
Бир боқиш бирлан билурсен, киймаёқ.

Ўнг эмас эрса, муқаррар чап бўлур,  
Шер ила маймун овози фарқ қилур.

Улки, гулни тоза, хушбў айлагай,  
Лутфи бирлан чапни ҳам ўнг айлагай.

2160 Чапга ўнгликларни ёлғиз ул берар,  
Истаса, денгизга тотли сув берар.

Чап эсанг, даргоҳида ўнг бўл тайин,  
Лутф ила эҳсонларин кўргил кейин.

Номайи аъмолки ҳоли бул турур,  
Сен раво этгунгму ўнгдин келса ул?

Номадир ул, номайи зулму жафо,  
Ўнг тарафдин келса, бўлгайму раво?

УЛ ҲАҚДАКИМ, БАЪЗИ КИМСАЛАРНИНГ СЎЗИ  
УЛАРНИНГ ҲОЛИ ВА ДАЪВОСИГА МУВОФИҚ  
КЕЛМАС, ЧУНОНЧИ, “КОФИРЛАРДАН  
ОСМОНЛАР ВА ЕРНИ КИМ ЯРАТГАН”, ДЕБ  
СЎРАСАНГИЗ, ШУБҲАСИЗ, ОЛЛОҲ, ДЕРЛАР.  
ЛЕКИН ОСМОНЛАРНИ ВА ЕРНИ ЯРАТГАН,  
ҲАММА НАРСАНИ КЎРГУВЧИ, ЭШИТУВЧИ, ҲАР  
ЕРДА ҲОЗИР-НОЗИР ОЛЛОҲ ЭКАНЛИГИНИ  
БИЛГАН КИМСА НЕЧУК ЭНДИ ЖОНИНИ,  
МОЛИНИ ТОШДАН ЙЎНИЛГАН БИР БУТГА ФИДО  
ЭТАР, БОШ ЭГИБ, УНГА ИБОДАТ ҚИЛАР?

Рашкчи, қизганч эрди зоҳид хотини,  
Бир паридек чўриси борди ани.

2165 Бас, кузатгай эрди хотин ҳар замон,  
Якка-ёлғиз қўймас эрди ҳеч қачон.

Эридин кўнгли сира тўлмас эди,  
Бир замон хилват аро қўймас эди.

Лек буюрса ишни тақдири Илоҳ,  
Ҳар нечук ақлу ироданг ҳам табоҳ<sup>181</sup>

Ҳукми тақдир баски келгай бевуқуф,  
Ақлу ҳуш ойига етгайдир хусуф.

Хотун ул ҳаммомда эркан, ногаҳон  
Эслади, тос уйда қолмишдир ҳамон.

2170 Чўрига амр этди: қушдек уч шу тоб,  
Ул кумуш тосимни келтиргил шитоб.

---

<sup>181</sup> Табоҳ - бузгун, вайрон, хароб

Чўрига жон кирди, майли бор эди,  
Хўжа бирлан учрашишга зор эди.

Хўжа ёлғиз эрди ул хилват аро,  
Тушди чўри йўлга шул фурсат аро.

Олти йилким хўжасин кўзлар эди,  
Бўйла бир фурсатни орзулар эди.

Истаги елдек олиб учди уни,  
Уйда хилват ичра кўрди хўжани.

2175 Ботдилар шаҳватга андоқ, ўйламай,  
Эҳтиёт этмай, эшикни бойламай.

Бир-бирининг бағрига отилдилар,  
Жонга жон пайваст этиб, қотилдилар

Бир замон хотин кўз очди, кўр ани,  
Не учун, деди, жўнатдим чўрини?

Пахтани оташга отдим мен нечун?  
Қўйни қўчқорга жўнатдим мен нечун?

Ювди сочин бир амал-корсон қилиб,  
Йўлга тушди чодрасин бошга илиб.

2180 Сен унинг ишқи, бунинг ваҳмига боқ,  
Ваҳм ила ишқнинг ароси кўп йироқ.

Сайри ориф ҳар нафас то тахти шоҳ,  
Сайди зоҳид ойда бир фарсанг аро.

Гарчи бор зоҳидда ҳам рўзи шариф,  
Бир куни бўлгайму ҳеч хумсин алиф?<sup>182</sup>

---

<sup>182</sup> Хумсин алиф - Эллик минг. Бу ерда сўз узунлиги эллик минг йилга тенг Қиёмат куни ҳақида боряпти. Қуръони карим, Маариж сураси, 4-оятга ишорат.

Не эмиш асли эраннинг бир куни?  
Элнинг эллик минг йили деб бил уни.

Етмагай бу сирга ақлинг шуъласи,  
Қўй, ёрилсин ул ваҳмининг заҳраси.

2185 Зарра қўрқув бўлмагай ишқ сўйида,  
Барча қурбондир муҳаббат кўйида.

Ишқ ул- васфи Худодир, ваҳми дил -  
Ҳирсу нафсга мубталонинг васфидир.

Боқ “Юҳиббуҳна” сўзин Яздон демиш,  
Сўнг “Юҳиббуҳум”- да унга эш эмиш.<sup>183</sup>

Васфи Хақ эрмиш муҳаббат, эй фалон,  
Васфи Хақ қўрқув бўлолмас ҳеч қачон.

Тангри қайда, бир ҳовуч хок қайдадир?  
Васфи ҳодис қайда, ул пок қайдадир?

2190 Ишқ шарҳин сўйласам, этсам давом,  
Юз қиёмат ўтса ҳам бўлмас тамом.

Лек қиёмат ҳам битар, турмас абад,  
Тангри васфига вале бўлгайму ҳад?

Ишқнинг беш юз қаноти бор, ўшал,  
Авжи Аршдин то қоронғу Ер қадар.

Зоҳид ул ваҳм ичра чопгайдир яёв,  
Ошиқ учгайдир, етолмас ел, олов.

Етмагай қўрқоқ юракка гарди ишқ,  
Осмонни қопламишдир дарди ишқ.

2195 Лек Худойим унга лутфин йўлласа,  
Шул жаҳондин бори фориғ бўл, деса.

<sup>183</sup> Севарлар, севар... Қуръони карим, Моида сураси, 54-оятга ишорат.

Деса: қуш, бу тушни қўй, озод бўл,  
Шунда ул лочин топар подшога йўл.

Қуш била туш асли жабру ихтиёр,  
Иккиси боис келур ул жазби ёр...

Етди хотун уйга, ул икки нафар,  
Чун эшик очилди, андин билдилар.

Чўри сачраб, ўзни бир ён ташлади,  
Турди зоҳид ул, ибодат бошлади.

2200 Солди хотун кўз ўшчал чўри тараф,  
Кўзлари бежо, турарди қалтираб.

Эрининг авзойи доғи ўзга ҳол,  
Титрар эрди, шубҳага тушди аёл.

Борди-да, очди этогин шул замон,  
Кўрдиким, ботмиш ҳаромга ул тамом.

Томчилар эрди ҳамон эрлик суйи,  
Ул намоз айларди лекин шул кўйи.

Урди эрнинг бошига, деди, хачир,  
Бул намозхон кимсага лойиқмидир?

2205 Булганиб чун, бўйла бўлганда иши,  
Тангрига ҳеч сажда этгайму киши?

Энди айт, ул нома - фисқу куфру кийн,  
Ўнг тарафдин бергали лойиқмикин?

Гар габрдин сўрсангиз, бул осмон  
Кўзларинг ўнгида шул халқу жаҳон.

Ким яратмишдир уларни? Дер: Худо,  
Ки Яратганга яратмоқлик раво.



Энди боқ ул куфру фиқру корига,  
Мосму ул, лойиқму бул иқрорига.

2210 Қайдадир ул рост иқрори анинг,  
Қайдадир бул феълу атвори анинг?

Феъли ёлгонга чиқаргай сўзини,  
Шул йўсин қийноққа солгай ўзини.

Рўзи машҳар ҳар ниҳон пайдо бўлур,  
Ҳар гуноҳкор бир йўла расво бўлур.

Қўл-оёқлар тилга киргай, сўйлагай,  
Қилмишин Ҳаққа ҳикоят айлагай.

Қўл дегай: урдим, ўмардим бўйлаким,  
Лаб дегай: сўрдим, сумардим бўйлаким.

2215 Неча юрдим, дер оёқ, шаҳватгача,  
Олат айтур: мен зино этдим неча.

Кўз дегайким, неча бор кўрдим ҳаром,  
Ҳам қулоқ дер: тингладим макруҳ калом.

Бас, қабоҳатларни сўйлайдир бари,  
Бўйла расво айлагай аъзолари.

Ҳар сафар банда намозга тургуси,  
Бандага бели гувоҳлик бергуси.

Бас, амал этгилки, то соҳиб имон,  
Деб гувоҳлик айласинлар безабон.

2220 Бор вужудинг, узву узвинг, эй ўғил,  
Поклигинг айтсин, анга саъй айлагил.

Хўжа бирлан юрса қул, ҳамроҳ демак,  
Бандадир ул, бул анга Мавло демак.

Номайи умринг қорайтирдинг магар,  
Тавба қил қилмишларингга сарбасар.

Нақди умринг кечди, ҳушни жамлагил,  
Илдизинг табва суйи-ла намлагил.

Илдизи умрингга бер оби ҳаёт,  
Ул дарахтинг мева бергайдир, набот

2225 Жумла кечмишлар самарга айланур,  
Заҳри қотиллар шакарга айланур.

Хақ мубаддал айласа, бўлмас, дема,  
Қилмишинг тоатга айлангай ҳама.<sup>184</sup>

Хўжа, Насуҳ тавбаси не, англагил,  
Сўйлайин, жону танинг-ла тинглагил.

Шарҳи не бул тавбанинг, мендин эшит,  
Айламишдинг тавба, такрор табва эт.

ОНА КЎКСИДАН ОҚҚАН СУТ ИЗИГА ҚАЙТМАС,  
НАСУҲ ТАВБАСИ ҶАМ БЎЙЛАДИР. У ЭНДИ  
ГУНОҲЛАРИНИ РАҒБАТ ИЛА ЭСЛАМАС,  
ЭСЛАСА, ҶАР НАФАСДА НАФРАТИ ОШАР. БУ  
ЭСА ТАВБАСИНИНГ ҚАБУЛ БЎЛГАНИГА  
ДАЛИЛДИР  
ЧУНКИ РАҒБАТ КЕТДИ, УНИНГ ЎРНИНИ  
НАФРАТ ЭГАЛЛАДИ.

*Ишқ керак бир ўзга даъфи ишқ учун,  
Яхшироқ ёр изламайдирсен нечун?*

---

<sup>184</sup> Қуръони карим, Фурқон сраси, 70-оятга ишорат.

КЎНГИЛИНГ УЛ ГУНОҲГА ЯНА РАҒБАТ ЭТСА БУ -  
ТАВБАНГ ҚАБУЛ ЭТИЛМАГАНИ АЛОМАТИДИР.  
ҚАБУЛ ИЗЗАТИ ГУНОҲ ЛАЗЗАТИ ЎРНИНИ  
ОЛМАМИШДИР. “САВОБ ИШЛАРНИ УНГА  
ҚУЛАЙЛАШТИРАМИЗ” ҲУКМИ ҚАМОН ЎЗ  
ЎРНИДАДИР

Бор эди бир кимса чун, номи Насух,  
Ки хотин ҳаммомда даллок эрди у.<sup>185</sup>

2230 Юзлари эрди аёл рухсоридек  
Эрлигин пинҳон тутар эрди ва лек.

Ул аёлларга ажиб даллок эди,  
Ҳийлагар эрди, баса чолок эди.

Ўтса ҳамки неча йиллар бўйла, кас  
Билмас эрди унда не ҳолу ҳавас?

Чунки юз, овози хотинвор эди,  
Эрлиги тўкис ва шиддаткор эди.

2235 Ёпиниб чодра, тутар эрди ниқоб  
Гарчи шаҳвоний эди масту хароб.

Неча подшо қизларини шул тарийқ  
Эзгилаб, роҳатланарди бетийқ.

Тавба айлаб неча, бузди тавбани,  
Шаҳвати ҳаммомга судрарди ани...

Келди ориф олдига ул беҳаё,  
Деди: лутф айлаб, мени этгил дуо.

Сиррини билди ўшал озодмард,  
Ҳилми Ҳақдек жим туриб боқди фақат,

---

<sup>185</sup> Даллок - ходим, массажист.

Лаб юмуқ, кўнгилда неча роз эди,  
Тил тугук, кўнгил тўла овоз эди.

2240 Аҳли орифким майи Ҳақ тотдилар,  
Билдилар асрорни, лекин ёпдилар.

Гар кишини сирга ошно этдилар,  
Муҳр уриб, лабларни сўнгра тикдилар..

Кулди ориф, кўз солиб деди анга:  
Тангридин тавба насиб этсин сенга...

ҲАҚҚА ВОСИЛ ОРИФНИНГ ДУОСИ., ҲАҚДИН БИР  
НАРСА СЎРАМОҒИ ҲАҚНИНГ ЎЗ-ЎЗИДАН БИР  
НАРСА СЎРАГАНИ КАБИДИР. ЧУНКИ “УНГА  
ҚУЛОҚ БЎЛАРМЕН, КЎЗ БЎЛАРМЕН, ТИЛ  
БЎЛАРМЕН, ҚЎЛ БЎЛАРМЕН” ДЕМИШ” “ЎҚНИ  
ОТГАНИНГДА СЕН ОТМАДИНГ, ОЛЛОҲ ОТДИ”  
ОЯТИ, ЯНА ЎЗГА ОЯТЛАР ҲАМ БОР, ТАНГРИ  
БИР САБАБ ИЛА ҚУЛНИНГ ҚУЛОҒИДАН ТУТИБ,  
НАСУҲНИНГ ТАВБАСИГА ЭЛТАР

Етти гардун-да ўтди ул дуо,  
Бўйлаким, қул ҳожати бўлди раво.

Ул дуони айламишди Ҳақ сўзи,  
Тангри сўзи эрди ул ориф сўзи.

2245 Тангриким бир ишга рағбат айлагай,  
Ўз дуосин ул нетиб рад айлагай?..

Бир сабаб сурди арога Зулжалол,  
Кетди даллокдин у нафрину вубол..

Шоҳ қизи ҳаммомга тушди хулласи,  
Ногаҳон кўздин йўқолди сирғаси.

Гавҳар эрди қиз қулоғида ўшал,  
Ҳар аёлни тинтибон, ахтардилар.

Аввало ҳаммом эшигин беркитиб,  
Боқдилар барча кийимларни титиб.

2250 Лек ўшал гавҳар сира топилмади,  
Олгувчи шарманда, расво бўлмади.

Сўнгра оғиз ҳам қулоққа ўтдилар,  
Бошқа тирқишларга ҳам кўз тикдилар.

Кўрдилар бундоқ амални ўзга эп,  
Ул йўқолган дуру гавҳар қайда деб.

Дедилар: барча тамом урэн бўлинг,<sup>186</sup>  
Ёшу кекса саф чекиб, бир ён бўлинг..

Ҳожиба бир-бир кўришни бошлади,  
Яъни, бошдин то оёқ кўз ташлади.

2255 Ўзни бир бурчакка тортмишди Насуҳ,  
Ҳам оқармиш, ҳам кўкармиш эрди у.

Кўзлари олдида ҳозирди ажал,  
Қалтирарди елда япроқдек магар.

Деди: ё Раб, четга юз бурдим неча,  
Аҳд этиб, тавбамни синдирдим неча.

Ўзга лойиқ ишни этдим, бул замон,  
Сел босиб келди бошимга беомон.

Ахтаришлар менга ҳам гар етгуси,  
Вой, менинг жонимга аждар етгуси.

2260 Йўқ ажаб, тушди жигарга юз шарар,  
Ўртаниб, куйган кабобимдир жигар.

Етмасин кофирга ҳам бул илтифот,  
Раҳму дод сендин тилармен, раҳму дод

---

<sup>186</sup> Урэн - яланғоч

Кошки эрди туғмаса онам мени,  
Шер есайди то бериб бархам мени.

Сен ўзинга лойиқ ишни эт, Худо,  
Йўқса, бўлгаймен ширин жондин жудо.

Тош эрур жоним магар, кўнглим темир,  
Йўқса, кулфатдин омон қолгаймидир?

2265 Бўлди ҳолим танг, менинг додимга ет,  
Подшолик айла, фарёдимга ет.

Эй Худо, айбимни беркитсанг агар,  
Тавба қилдим, этмагаймен бошқа гал.

Боз қабул эт, Тангри, тавба айлагум,  
Тавба деб юз бир камарни бойлагум.

Тавбани бузсам, юзим бурсам яна,  
Майли, сўнгра оҳу воҳим тинглама...

Ёш тўкарди ёлвориб, йиғлаб ёниқ,  
Дерди: жаллод қўлига тушдим аниқ.

2270 Ҳеч фарангий бул азобда ўлмасин,  
Ҳеч мулҳид бўйла мазлум бўлмасин.<sup>187</sup>

Жонни таслим этгали мойил эди,  
Кўзлари ўнгида Азроил эди.

Эй Худо, дерди, Худо, дерди нуқул,  
“Эй Худо” акси садо эрди нуқул.

Ё Рабу ё Раблар ичра бир маҳал  
Етди овозким, Насуҳга келди гал...

---

<sup>187</sup> Мулҳид - динсиз, даҳрий.

ТИНТИШ-ТИТКИЛАШ НАВБАТИ НАСУҲГА  
ЕТГАНИ. ҲАММАНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИК, ЭНДИ  
НАСУҲНИ ТОПИНГЛАР, ДЕГАН ОВОЗ  
ЯНГРАГАНИ. НАСУҲ ҚЎРҚУВ ИЧРА ҲУШДАН  
КЕТГАНИ. ИШ СЎНГ ДАРАҲАДА ОФИРЛАШИБ,  
СЎНГ ЕЧИЛГАНИ. ЗЕРО, ПАЙҒАМБАР  
АЛАЙҲИССАЛОМ БИР МУШКУЛОТГА ДУЧ КЕЛСА  
ЁХУД ХАСТАЛАНИБ ЁТИБ ҚОЛСА:  
“МУШКУЛОТИНГНИ ОШИР, ОЧИЛАРСЕН,  
ЕЧИЛАРСЕН” ДЕБ АМР АЙЛАМИШДИ

Барчани кўрдик, яқинроқ кел, Насуҳ,  
Кетди ҳушдин, жисмини тарк этди руҳ.

2275 Кўҳна, девордек йиқилди шул заҳот,  
Ақлу ҳушдин айру тушди чун жамод.<sup>188</sup>

Ақлу ҳуш айрилди тандин беомон,  
Сирри Оллоҳга етишди шул замон.

Бўйлаким жисми қафасди жонига,  
Жонини Тангри чақирди ёнига.

Кемаси дарз кетди чун ул бемурод,  
Наҳри раҳмат соҳилига чиқди бот.

Жони Ҳаққа бўлди пайваст, учди ҳуш,  
Мавжи раҳмат ул замон жўш урди, жўш.

2280 Танни тарк айлаб, етай деб васлига,  
Шўху шодон қайтди жони аслига.

Тан-қафасдир, анда жон оворадир,  
Қўл-қаноти боғли бир бечорадир.

Ҳуш кетиб, банди очилгач, шул заҳот,  
Қуш учар, ҳой, қайдасен деб Кайқубод.

---

<sup>188</sup> Жамод - жонсиз жисм.

Мавжи раҳмат пишқириб, жўш айлагай,  
Мавжидин тошлар-да ул нўш айлагай.

Майда зарра каттайиб арбоб бўлур,  
Шўр, қаро тупроқ ипак, кимхоб бўлур.

2285 Гўрни тарк этгуси юз йиллик ўлик,  
Деву шайтонда кўрарсен ҳусну кўрк.

Ер юзи ороланиб, бўлгай яшил,  
Қақраган чўлларга ҳам тўлгай яшил.

Бўри қўйни ўзга маҳрам этгуси,  
Ноумидларга умидлар етгуси.

### ГАВҲАРНИНГ ТОПИЛГАНИ ВА ШАҲБОНУНИНГ КАНИЗАКЛАРИ НАСУҲДАН УЗР СЎРАШГАНИ

Бўйлаким хавфи ҳалоки жон эди,  
Ногаҳон кимдир, мана, топдим, деди.

Битди бир зумда азобу хавфу бийм,  
Чун топилди гавҳар ул, дурри ятим.

2290 Дур топилди, деб таралди хуш овоз,  
Ҳай, суюнчи, деб нидолар учди боз.

Шодиёна қўпти ҳаммомда ажаб,  
Қарс уриб, бошланди бир базму тараб.

Ҳушсиз эрди, ҳушига келди Насуҳ,  
Неча юз кунларни кўрди олдда у.

Бошида ўнлаб канизлар эрдилар,  
Қўл ўпиб барча, ҳалолсен, дердилар.

Бадгумон эрдик ўзингдин, эй ҳалол,  
Айладик шаънингга қанча қийлу қол...



2295 Чун гумон остида кўпроқ ул эди,  
Чунки шоҳқизга яқинроқ ул эди.

Хос даллок эрди, маҳрамди Насуҳ,  
Қиз била бир жону бир тан эрди у.

Дердиларким, қизга маҳбуб эрди, бас,  
Ул эрур гавҳарни олган, бошқамас.

Аввал андин изламоқчи эрдилар,  
Ҳурматин айлаб, кейинга сурдилар.

Олган эрса, ташласин бир четга то,  
Ўзни қутқарсин қулай фурсат аро...

2300 Энди-чи, барча узрлар сўрдилар,  
Барча бирдек, сен ҳалолсен, дердилар.

Дерди ул: лутф этди Тангри меҳрибон,  
Мен улар айтган ёмондин ҳам ёмон.

Сен ҳалолсен, дейди менга барчаси  
Бормикин мендек разил бир бандаси?

Айтдилар шаънимга чун юздан бирин,  
Аслида мен баттаринмен, баттарин.

Ким гуноҳимни маним билдим дегай?  
Бирни билгай, мингни лекин билмагай.

2305 Мен билармен кимлигимни, ул билур,  
Айбларимни пардалаб ёпгувчи ул.

Бошда Иблис эрди устоз менга, бас,  
Сўнгра ул бўлди қошимда хору хас.

Кўрди Ҳақ, кўрмасга олди, айтмади,  
Этмади расво, юзим саргайтмади.

Боз, раҳмат бирла тикди пўстиним?  
Тавба берди, ўйлаким жондек ширин.

Ҳар не қилдим, қилмаган этди ҳисоб,  
Этмаган тоатларим бўлди савоб.

2310 Бўйла сарву савсаним озод этиб,  
Бўйла бахту давлатим обод этиб,

Ёзди номимни асл деб, покравиш,  
Дўзахий эрдим, насиб этди биҳишт.

Оҳ, дедим, ип бўлди ул оҳим менинг,  
Қолди тубанларда ул чоҳим менинг.

Ипга чирмашдим, мана, эркин бўлиб,  
Ўлтирибмен шод бўлиб, дуркун бўлиб.

Тийра чоҳ тубида эрдим мен забун,  
Энди-чи, оламга сирмасмен бугун.

2315 Офаринлар сенга, эй қодир Худо,  
Ногаҳон этдинг мени ғамдин жудо.

Бошда ҳар тола туким бўлса забон,  
Етмагай шукрингни этмоққа баён.

Бонг урармен боғу гулшан ичра чун,  
Эй Худо, ё лайта қавми яъламун...<sup>189</sup>

### ШАҲБОНУ НАСУҲНИ ТАКРОР ЧАҚИРГАНИ, ТАВБАСИ ҚАБУЛ БЎЛГАН НАСУҲ БАҲОНА ҚИЛИБ, УНИНГ ҲУЗУРИГА БОРМАГАНИ

Шоҳ қизи бор айлади даъват уни,  
Истади, келсин дебон, албат уни.

---

<sup>189</sup> Эй Худо, кошкийди бун қавмим ҳам билсайди... Қуръони карим, Ёсун сураси, 26-оятга ишорат.

Мен бугун бошимни ювгумдир, деди,  
Инчунин ҳаммомда бўлгумдир, деди.

2320 Истамасмен ўзга даллок, ўзга кас,  
Ул силаб қўйсин танимни, ўзгамас.

Деди Насуҳ: илким оғриб, зормен,  
Бўйлаким бир ҳастаю бемормен.

Ўзга даллок изласин Шаҳбону то,  
Қўлларим ишдан чиқиб, бўлмиш адо.

Кўнглида дерди: баса айбим менинг,  
Тарк этарму дилни ул ваҳмим менинг?

Мен кетиб, дунёга боз қўйдим қадам,  
Англадим недир ўлим бирлан адам.

2325 Тавба қилдим, бузмагаймен, эй Худо,  
Бўлмагунча токи жон тандин жудо.

Ул қаро меҳнатга ўзни ким солар?  
Солса, одам эрмас ул, эшшак магар...

УЛ ҲАҚДАКИМ, КИШИ ТАВБА ҚИЛИБ,  
ПУШАЙМОНЛИК ЧЕКСА, СЎНГ УНИ УНУТИБ,  
СИНАГАН НАРСАСИНИ ЯНА СИНАМОҚҶА  
КИРИШСА, АБАДИЙ АЛАМГА ГИРИФТОР  
БЎЛГАЙ. ТАВБАСИДА САБОТУ ҚУВВАТ, ҲУЗУР  
ВА ҲАЛОВАТ ТОПМАСА, ТАВБАСИ ҚАБУЛ  
БЎЛМАСА, НАУЗУНБИЛЛОҲ, У ИЛДИЗИ  
ҚИРҚИЛИБ, КУН САЙИН ҚОВЖИРАБ БОРГУВЧИ  
ДАРАХТГА ЎХШАР

Бор эди бир кирчи кўп йўқсил, ҳақир,  
Эшшаги бор эрди нимжону яғир.

Маскани эрди унумсиз, бегиёҳ,  
Судраларди унда эшшак бенаво.

Сувдин ўзга бир вақое йўқ эди,  
Дард бор эрди, давое йўқ эди.

2330 Ёнида эрди тўқайзор, бўйла ер,  
Ўлжа, ов излаб яшарди унда шер.

Нарра шер бирлан арода жанг бўлиб,  
Қолган эрди шернинг ҳоли танг бўлиб.

Шер ҳориб, аҳли емаксиз эрди чун,  
Барчаси сарқит, суяксиз эрди чун.

Шердин ортганни улар ер эрдилар,  
Ҳолимиз энди забун, дер эдилар.

Чорлади тулкини шер, амр этди: бор,  
Биз учун бир эшшак излаб, эт шикор.

2335 Топсанг эшшак, биз томонга бур ани,  
Сеҳру жоду айлабон келтир ани.

Қувват олсам гар эшакнинг этидин,  
Мен тушармен ўзга ўлжа кетидин.

Озгина ерман, чу ортган барча лош,  
Сизга бўлгай, сиз уни айланг маош.

Ё эшак, ё бир ҳўкизни излагил,  
Билган ул афсунларингни сўзлагил.

Яхши сўзлар бирла авра яхшилаб,  
Бошин айлантир-да, келтир биз тараф..

ТАНГРИ ИЛҲОМИ ИЛА ҲАЛҚҚА ЭҲСОН АЙЛАБ,  
ҲАР КИМНИНГ МАРТАБАСИГА ЯРАША  
МАҒФИРАТ ВА РАҲМАТ ФАЙЗИНИ ЁҒДИРГАН,  
ҲАҚҚА ЕТИШГАН ОРИФЛАР ҚУТБИНИ ЎЗИНИНГ  
ОВ-ЎЛЖАСИ ИЛА ЎЗГА ҲАЙВОНЛАРНИ ҲАМ  
ТЎЙДИРГУВЧИ АРСЛОНГА ЎХШАТИШ. АММО БУ  
ЯҚИНЛИК МАКОН ЖИҲАТИ БИЛАНМАС, СИФАТ  
ЭЪТИБОРИ БИЛАНДИР. БУНИНГ ТАҒСИЛОТИ  
УЗУН, ВАЛЛОҲУЛ - ҲОДИ<sup>190</sup>

2340 Қутб - шердир, ов қилиш-шернинг иши.  
Ундан ортган ўлжа - халқнинг турмуши.

Сен қутбни рози этгил, айла шод,  
Овласин ёввойиларни ул зиёд.

Ранжиса қутб, халқ ризқсиз қолгуси,  
Чунки халқ ризқни ақлдин олгуси.

Халқда не эрса, қутбдин ортгани,  
Кўнглинг ов истарса, англа, бил ани.

Ул-ақлдир, халқ эса-аъзойи тан,  
Ақлу ҳушга боғли тадбири бадан.

2345 Заъфи қутб тандин эрур, руҳдин эмас,  
Кемадандир заъф ул, Нуҳдин эмас.<sup>191</sup>

Қутб улким, айланур ўз бобида,  
Кўклар айлангай унинг атрофида.

Унга ўзни дўсту ҳамдам айлагил,  
Кемасин ўнглашга ёрдам айлагил.

Унга эрмас, сенга бўлгай ёрдам у,  
Ҳақ буюрмиш: тансуруллоҳ тунсару.<sup>192</sup>

<sup>190</sup> Валлоҳул - ҳоди - тўғри йўлга ҳидоят айлаган Оллоҳдир.

<sup>191</sup> Заъф - заифлик.

<sup>192</sup> Оллоҳга ёрдам этсангиз, Оллоҳ ҳам сизга ёрдам этар... Қуръони карим, Муҳаммад сураси, 7-оятга ишорат.

Тулкидек овлаб, қутбга эт фидо,  
Неча минглаб ўлжа келгайдир санго.

2350 Чун мурид ҳам тулкиёна овланур,  
Ўлжа сиртлонга - ўлакса, лош эрур.

Мурда қутб олдида кўз очгай кулиб,  
Гўнг-ўғит полизда унгай гул бўлиб.

Тулки шерга айтди: хизмат айлагум,  
Ҳийла бирлан овни даъват айлагум.

Ҳийлаву афсун шиоримдир азал,  
Йўлдин ургаймен ўқиб байту масал...

Тушди сўнг тоғ бошидин сув бўйига,  
Мискину бечора эшшак сўйига.

2355 Қайғулар-ла эшга ул берди салом,  
Соддадил дарвешга ул берди салом.

Сўрди эшшакдин, аё, ҳолинг нечук?  
Бул қуруқ саҳрода аҳволинг нечук?

Деди: қисмат гоҳи ғам, гоҳи Эрам,  
Қисматим Ҳақ берди, мен шукр айларам.

Хайру шаррда Ҳаққа шукр этгум мудом,  
Чун қазо бордир ёмондин ҳам ёмон.

Куфр эрур Ҳақдин шикоят ҳам гила,<sup>193</sup>  
Сабр лозим, сабр мифтоҳис-сила.<sup>194</sup>

2360 Ҳақдин ўзга барча душмандир, у-дўст,  
Дўстдин душманга дод айларму дўст?

Берса айрон, ўрнига бол истамам,  
Чунки ҳар неъматда бордир дарду ғам.

<sup>193</sup> Гила - гина.

<sup>194</sup> Сабр-мифтоҳис-сила-Сабр-нажот калитидир.

ЎТИНФУРУШНИНГ ЭШАГИ БЕДОВ ОТЛАРНИНГ  
ХОС ОХУРЛАРИЮ ОХУРЛАРДАГИ НОЗ-  
НЕЪМАТЛАРНИ КЎРИБ, УЛАРГА КЎНГЛИ  
КЕТГАНИ, ҲАР НЕЧУК ДАВЛАТНИ ТИЛАМОҚ  
УНГА ЭШ БЎЛГАН ЗАҲМАТНИ ҲАМ ТИЛАМОҚ  
ДЕМАКДИР, АММО СЕН УНИ КЎРМАССЕН.  
ЧУНОНЧИ ҲАР ТУЗОҚДА ДОН БОРДИРКИМ,  
ТУЗОҚ ЯШИРИНДИР. СЕН ТУЗОҚДА ТУРИБ ЎЗГА  
ДОНЛАРНИ ОРЗУ ЭТАРСАН, АММО ЎША  
ДОНЛАР ОРТИДА ҲАМ ТУЗОҚЛАР БОРЛИГИ  
ХАЁЛИНГГА КЕЛМАС

Бор эди саққо, унинг бир эшшаги,  
Устухон бўйнида занжир эшшаги.<sup>195</sup>

Устида залворли юкдин юз яро,  
Жон чекар эрди баса меҳнат аро.

Арпа қайда, ул сомон ҳам йўқ эди,  
Кўргани силтов ва ниқтов, дўқ эди.

2365 Кўрди мирохўр уни, раҳм айлади,  
Соҳибин ошнаси эрди, сийлади.

Учрашиб саққога, андин сўрди ҳол:  
Не сабабдин эшшагинг афтодаҳол?

Дедиким, зору ҳақирмен, ул сабаб,  
Эшшагим афтода мен йўқсул сабаб.

Деди: менга неча кун бергил ани,  
Парвариш айлаб, авайлаб боққани.

Берди саққо, дўсти чун лутф айлади,  
Элтди, подшо охирига бойлади.

2370 Унда эшшак ҳар тараф ташлаб назар,  
Арғумоқлар кўрди бир-бирдин гўзал.

---

<sup>195</sup> Саққо - сув ташувчи, мешкоб.

Тоза эрди, йилтирарди барчаси,  
Мўл эди охурда беда, арпаси.

Неча кас сийпаб уларни, жон фидо,  
Кўкка юзланди эшак, деди: Худо.

Махлуқингмен мен-да, эшшакмен фақир,  
Нега мазлуммен мудом, устим яғир?

Кечалар очлик ва оғриқ басма-бас,  
Мен ўлимга розидирмен ҳар нафас.

2375 Ҳар нафас отларга лутфу марҳабо,  
Менгаму ёлғиз бу қийноғу бало?

Ногаҳон қўзғалди бир жангу жадал,  
Урдилар барча бедовларга эгар.

Кетдилар майдонга жавлонлар била,  
Қайтдилар танларда пайконлар била.

Чўкдилар охурга отлар шул замон,  
Қон сизар эрди яролардин ҳамон.

Сўнгра қийноқларга тушди ҳар бедов,  
Солдилар бир-бир оёқларга тушов.

2380 Тиг учи бирлан яроларни тилиб,  
Олдилар пайкону ўқларни илиб.

Чун кўриб эшшак дедиким, эй Худо,  
Очлигу йўқсиллигимга мен ризо.

Нонни деб орттирма заҳмат, чекма ўй,  
Офият истар эсанг, дунёни қўй.



## ЭШАК, МЕН ҚИСМАТИМДАН РОЗИМЕН, ДЕГАНИ ВА БУ СЌЗ ТУЛКИГА ЁҚМАГАНИ

Тулки деди унга: қўй бу қийлу қол,  
Сенга фарздир изламоқ ризқи ҳалол.

Кўрганинг дунё-сабаблар маскани,  
Бесабаб келмайди ризқ, ахтар ани

2385 Иста Ҳақ лутфини, чун бўлди амр<sup>196</sup>  
Даҳр аро ўғри, қароқчи бўлмағил.

Ризқ уйининг, деди ул соҳиб вуқуф,  
Эшиги бордир, ўшал эшикда қулф.

Саъю гайрат этмоғинг эрмиш калит,  
Қулфни оч, деб Ҳақ сенга бермиш калит.

Сол калитни, оч эшикни, ўйла то,  
Сўрмагунча банда, бермайдир Худо.

## ЭШАКНИНГ ТУЛКИГА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Бул заифлик асли Куллдин келгуси,  
Жонни берган кимса нон ҳам бергуси.

2390 Улки подшолик тилаб, истар зафар,  
Луқма нони унга етмасму магар?

Дом-тузоқ ризқ ейди, ов ҳам ейди, бас,  
Ризқни ахтаргувчи ё элтгувчимас.

Барчага Раззоқ улашгай ризқини,  
Ҳар кишининг олдига қўйгай ани.

Ризқ ўзи келгай, керак сабру чидам,  
Бесабрлар қисмати-ранжу ситам.

---

<sup>196</sup> Қуръони карим, Жумъа сураси, 10-оятга ишорат.

## ТУЛКИНИНГ ЭШАККА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Деди: Кулл деб айтганинг нодир эрур,  
Кам киши Кулл баҳсида моҳир эрур.

2395 Улки нодир, ўзни андин тут йироқ,  
Ҳамма ҳам султон бўлолмас, чора йўқ.

Чун қаноатни Паямбар ганж демиш,  
Ганж ҳар кимга муяссарму эмиш?

Ошма ҳаддингдин, ҳаволаб учмагил,  
Шўру шарр ўпқони сори тушмагил.

## ЭШАКНИНГ ТУЛКИГА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Сотма сафсатта, билиб қўй аввало,  
Таъмадин жонингга етгайдир бало.

Сабр ила бир кимса бежон бўлмади,  
Ҳирсга тутқун банда султон бўлмади.

2400 Нон ўзин тутгайму итлардин дариг?  
Ёгса ёмғир, сувга тўлмасму ариқ?

Ризқинг истарсен, тилаб, етмоққа зор,  
Ризқ-да етсам дейди сенга, интизор.

ТАВАККУЛ МАЪНОСИНИ АНГЛАТИШ БАЁНИДА.  
ТАВАККУЛНИ ИМТИҲОН ЭТИБ БОҚҚАН ЗОҲИД  
ҲИКОЯТИ. У ШАҲАРДАН ЧИҚИБ, ИНСОНЛАР  
ОЁРИ ЕТМАЙДИГАН ТОҒ ЭТАГИГА ЕТИБ,  
ОЧЛИКДАН СИЛЛАСИ ҚУРИБ, БИР ТОШГА БОШ  
ҚЎЙИБ, Ё РАББИЙ, САБАБЛАР ЯРАТИБ, РИЗҚ  
БЕРМОҒИНГГА ТАВАККУЛ ЭТДИМ,  
САБАБЛАРДИН КЕЧДИМ, ТАВАККУЛНИНГ  
САБАБЛАР ЯРАТИШИНИ БИР КЎРАЙИН ЭНДИ,  
ДЕБ УЙҚУГА КЕТГАНИ

Тингламиш зоҳид - демишди Мустафо:  
Сенга ризқингни насиб этгай Худо.

Истагайсан, йўқму, ризқингдир сенинг,  
Ризқни келтиргувчи ишқингдир сенинг.

Борди тоғ пойига зоҳид, уфлади,  
Қўйди бошин тошга, ётди, ухлади.

2405 То кўрай, келгайму ноним, дерди ул,  
Токи кучлансин гумоним, дерди ул.

Ногаҳон йўлдин адашди корвон,  
Тоғ сари юрди, етишди бир замон.

Кўрдилар, унда ётарди бир ғариб,  
Тош уза барги хазондек саргайиб.

Дедилар: оё ўликми ул, тирик?  
Бўрилардин қўрқмайин ётгай нечук?

Ҳой, кўзингни оч, дея силкитдилар,  
Очмади кўз, келмади жондин асар.

2410 Боши узра чекдилар ҳар чанд нидо,  
На бирор сас келди андин, на садо.

Дедилар: очлик хароб этмиш тамом,  
Шул сабаб ётгай мажолсиз, тийраком.

Аҳли карвон меҳру шафқат этдилар,  
Келтириб, оғзига шўрво тутдилар.

Лозим эрди унга ишинг омади,  
Тишни тишга босди, оғзин очмади.

Аҳли карвон дедиларким, бул гадо  
Гар емаксиз қолса, бўлгайдир адо.

2415 Эҳтиёт айлаб, пичоқ ишлатдилар,  
Бир-биридин тишларин ажратдилар.

Қўйдилар оғзига шўрво дамба-дам,  
Солдилар сўнгра неча нон пора ҳам.

Дерди: эй кўнгил билурсен, розни,  
Розни билсанг ҳам қилурсен нозни.

Роз билурмен, деди кўнгил, бил турур,  
Менга ризқ бергувчи Оллоҳим эрур.

Бундан ортиқ борму исбот, ўйласанг,  
Ризқ ўзи келгай, агар сабр айласанг.

## ТУЛКИНИНГ ЭШАККА ЖАВОБ БЕРГАНИ, УНИ САЪЮ ҲАРАКАТГА УНДАГАНИ

2420 Тулки деди: бул ҳикоятларни қўй,  
Излагил ризқингни, айла фикру ўй.

Ҳақ сенга қўл чўзди, ўзни йўллагил,  
Касби рўзи айла, дўстни қўллагил.

Ҳар кишиким ўзни ишга бойлагай,  
Дўст-биродарларга имдод айлагай.

Бир киши машгул бўлолмас бир йўла  
Бир-биридин айру неча касб ила.

Шул сабабдин жумла олам барқарор,  
Ҳар кишида ўзга хизмат, касбу кор.

2425 Теп-текин ейман дема, иллат эрур,  
Касби рўзи айламоқ суннат эрур.

ЭШАКНИНГ ТУЛКИГА ЖАВОБ БЕРГАНИ,  
ТАВАККУЛ КАСБЛАР ИЧРА ЭНГ ЯХШИ  
КАСБДИР, ДЕГАНИ, ИЛЛО, ҲАР КИМСА  
ТАВАККУЛГА МУҲТОЖДИР, ЭЙ ХУДО,  
ИШИМНИ ЎЗИНГ ЎНГЛА, ДЕБ ДУО АЙЛАР, БУ  
ДУОДА ТАВАККУЛ НИҲОНДИР, ТАВАККУЛ  
БЎЙЛА КАСБДИРКИМ, БОШҚА КАСБЛАРГА  
МУҲТОЖЛИГИ ЙЎҚДИР ВА ҲОКАЗО

Деди: не касбларга ўзни урмадим,  
Лек таваккулдек азизни кўрмадим.

Касби шукроним нечук сўйлай, аё,  
Ризқу рўзинг орттитар шукри Худо.

Ўртада бўлди талай баҳсу хитоб,  
Жонга тегди ҳам саволу ҳам жавоб.

Сўнг деди Тулки: аламга ботмагил,  
Ўзни сен хавфу хатарга отмагил.

2430 Бул қуруқ саҳрода сабринг не, абас,  
Тангрининг дунёси кенгдир, тор эмас.

Бул биёбондин яшил маъвога кўч,  
Унда келгайсен зилол сувларга дуч.

Бир чаманзор анда, чу боғи жаҳон,  
Майса-гуллар белга ургайдир чунон.

Шоду ҳуррамсен магар қўйсанг қадам,  
Гар қадам қўйса, кўринмас тева ҳам.

Ҳар тараф оби равонлар ундадир,  
Роҳату амну омонлар ундадир...

2435 Лекин ул эшшак демасди: эй лаин,  
Нега чилтонсен, эшилган ипдаин?

Қайда ул жисмингда қувват, обу тоб,  
Не сабабдин бўйла сен қоқу хароб?

Айтганинг боғу чаман чин эрса, бас,  
Не сабабдин кўзларинг махмур эмас?

Гушналикдир гушна кўзларнинг таги,  
Мен гадо, дейди, демас беглар беги.

Чашма эрсанг, нега сувсоқсен, тақир?  
Оҳу эрсанг, мушки нофинг қайдадир?

2440 Ул чаманни мақтадинг, этдинг баён,  
Бир нишона борму сенда, эй фалон?

БИР ТЕВА ҲИКОЯСИ. УЛ ҲАҚДАКИМ, БИР  
ДАВЛАТДИН ХАБАР БЕРГУВЧИ КИМСАДА УЛ  
ДАВЛАТНИНГ БИРОР НИШОНАСИНИ  
КЎРМАСАНГ, ЎШАЛ КИМСА ЎШАЛ ДАВЛАТГА  
МУҚАЛЛИД БЎЛДИ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙВЕР

Тевани бир кимса кўрди, сўрди: ҳой  
Шул замон қайдин келурсен, хушчиroy.

Деди: ҳаммомдин келурмен, кўрмисен?  
Деди: рост, тиззангда кўрдим белгисин...

Фиръавн Мусо илонин кўрди, бас,  
Сўрди муҳлат, тортди юмшоқ бир нафас.

Дердилар, қаҳру ғазабда Фиръавн,  
Кам эмас, ўзни санарди Рабби дин.

2445 Мўъжиза гарчи илондир, аждаҳо  
Қайда қолди эмди ул кибри Худо?

Рабби аъло эрса, не паст кетгани?  
Бир семиз қурт деб хушомад этгани.

Баски нафс хурмо майидин маст эмиш,  
Чунки руҳ гайбнинг шаробин ичмамиш.

Бул аломатдирки, кимса кўрса нур,  
Унга ҳеч эрмиш жаҳон - дорулгурур.

Қуш тахир сувларга бермишдир кўнгил,  
Ичмамиш чунки чучук сувларни ул.

2450 Тақлид эрмиш дину иймони анинг,  
Кўрмамиш иймонни чун жони анинг.

Хавф-хатар тушгай муқаллидга азийм,  
Йўл тўсар ҳар лаҳза шайтони ражийм.

Нури Ҳақни кўрса ул иймин бўлур,  
Изтироби тарқалиб, сокин бўлур.

Боқ, кўпик сув узра тургайдир неча,  
Етмагунча асли ул тупроқча.

Асли тупроқдин, у сув узра ғариб,  
Чун ғариблик ичра тургай сарғариб.

2455 Кўз очиб, нақшу ёзувни кўрди ул,  
Деву шайтонлар чўзолмас энди қўл.

Гарчи эшшак тулкига асрор эди,  
Сарсари сўйлаб, муқаллидвор эди.

Сувни мақтар, тойиқ эрмасди вале,  
Тўнни йиртар, ошиқ эрмасди вале.

Сен қабул этма мунофиқ узрини,  
Тилда сўйлаб, кўнглида айтмас уни.

Олма йўқ илкида, бўйи бор фақат,  
Бўйидин етгай анга озор фақат.

2460 Гар аёл майдонга тушса, қийналур,  
Сафни ёрмас, иш ҳама хуржун бўлур.

Гарчи ул майдонда шердек ўкрагай,  
Қўлида шамшири дир-дир титрагай.

Вой ангаким, ақли андоқ модадир,  
Нафси эркакдир, мудом омодадир.<sup>197</sup>

Ақли доим мағлуб эрса, не ажаб,  
Нақли ҳам номатлуб эрса, не ажаб.

Бахтлидир ул кимса, ақли эр эса,  
Нафси камтарликда мисли ер эса.

2465 Ақли жузвийси анга голиб эрур,  
Нафси унсийси анга мағлуб эрур.

Ҳамлайи хотун ёмонмас ҳар қалай,  
Офати бордир ва лекин бир талай.

Васфи ҳайвонлик аёлда анча мўл,  
Рангу бўйга кўнгли кетгайдир нуқул.

Ул чаманнинг рангу бўйин тинглабон,  
Битди эшшакда далил, ҳужжат ҳамон.

Ташна сув истаб, мадори қолмади,  
Нафси ирғишлаб, қарори қолмади.

2470 Сабр-чин қалқон эмишдир, эй падар,  
Ҳақ сўзи ёзмиш анга жаъулзафар<sup>198</sup>

<sup>197</sup> Мода - урғочи. Омода - ҳозир-нозир.

<sup>198</sup> Жаъулзафар - зафар гарови.



Ул муқаддас фикрини айлаб баён,  
Юз далил айтар, вале кўрмас аён.

Мушк ҳиди бордир, ўзи лек мушк эмас,  
Аслида гўнгдир, тезакдир, бошқамас.

Мушкка айлагунча ахлат,эй мурид,  
Боғ аро йиллар керакдир кетма-кет.

Чун эшаклардек емасдин арпа, дон,  
Оҳудек Хўтонда тотгил арғувон.

2475 Водийи Хўтанга бор дўстлар билан,  
Гул егил унда, қаранфул, ёсуман.

Меъдага бергил фақат райҳону гул,  
Ҳосил эт сўнг ҳикмату қути Расул.

Сен сомону арпадан андиша қил,  
Гул билан райҳон емоқни пеша қил.

Меъдаи тан арпаю сомон тилар,  
Меъдаи дил гул била райҳон тилар.

Арпаю сомон еган қурбон бўлур,  
Нури Ҳақ нўш айлаган Қуръон бўлур.

2480 Ярми ахлат, ярми тоҳир мушксен,  
Қўйгил ахлатни, кўпайтир мушк сен.

Ул муқаддас юз далилу юз баён,  
Тилга келтиргай, кўринмас унда жон.

Чунки йўқ эрмиш ўзида жону фар,  
Сўзида қайдин бўлур баргу самар?

Йўлдин оздиргай халойиқни сўзи,  
Титрагай барги сомон янглиғ ўзи.

Сўзи ичра гар ёруғ, яшноғи бор,  
Сўзининг элдин ниҳон титроғи бор.

АСЛ ВА КОМИЛ ШАЙХНИНГ ДАЪВАТИЮ  
ЎРГАМЧИК, НОҚИС КИМСАЛАРНИНГ СЎЗЛАРИ  
ОРАСИДАГИ ТАФОВУТ

2485 Шайхи нуроний сени огоҳ қилур,  
Нури иймонингни ул ҳамроҳ қилур.

Жаҳд қилким, сен-да нурга йўғрилиб,  
Сўзларинг чиқсин оғиздин нур бўлиб.

Шиннида қайнатса мева зотини,  
Оқибат бергай у шинни тотини.

Сабзими, олма, беҳи, ёнроқму ул,  
Мағзидин шинни ҳиди бурқиб келур.

Сен илмга нурни этгил қўру қут,  
Токи нур топсин илмдан қавми Луд.

2490 Ҳар не сўйларсен, мунаввар, нурнок,  
Осмондин тушса ёмғир - тоза, пок,

Осмон бўлгил, булут бўл, сийла, бас.  
Новадондин тушгани найсон эмас.

Новадондин тушгани гўрбат суйи,  
Кўк ва дарёдин келур фитрат суйи.

Фикру андишанг мисоли новадон,  
Кашфу илҳоминг-булутдир, осмон.

Оби найсон боғи гулранг келтирур,  
Новадон қўшнинг билан жанг келтирур.

2495 Тулки бирлен икки-уч бор қилди баҳс,  
Чун муқаллид эрди, сўзни этди бас.

Нотавон ақли гадо этди уни,  
Тулкининг макри адо этди уни.

Еб-ичиш деб бўйлаким бўлди залил,  
Таслим ўлди, илкида беш юз далил...

БИР КИШИ БИР МУХАННАС ИЛА ЁТИБ, НЕ  
УЧУН БЕЛИНГГА ХАНЖАР ТАҚИБ ОЛДИНГ, ДЕБ  
СЎРАГАНИ. МУХАННАС<sup>199</sup>, МЕН ҲАҚИМДА ЁМОН  
ЎЙГА БОРГАНЛАРНИ ЧАВАҚЛАШ УЧУН, ДЕБ  
ЖАВОБ БЕРГАНИ. ШУНДА ҲАЛИГИ КИШИ  
ДЕМИШКИ, АЛҲАМДУЛИЛЛОҲ, СЕН ТЎҒРИНГДА  
ЁМОН БИР ФИКРГА БОРМАДИМ

*Менинг байтим байт эмас, иқлимдир,  
Менинг ҳазлим ҳазл эмас, тағлимдир.<sup>200</sup>*

“ЧИНДАН ҲАМ ОЛЛОҲ ПАШШАНИ ҲАМ, УНДАН  
ЙИРИК ҲАЙВОНЛАРНИ ҲАМ ЎРНАК, ИБРАТ  
УЧУН ЯРАТДИ” ЯЪНИ ОЛЛОҲ БУ ИБРАТ ИЛА НЕ  
ДЕМОҚЧИ ЎЗИ, ДЕБ ИНКОР ЙЎЛИНИ  
ТУТГУВЧИЛАРГА ҲАМ МИСОЛ ИБРАТ  
КЎРСАТУР. БУ СЎЗНИ СЎЗЛАГУВЧИЛАРГА  
ЖАВОБАН АМР ЭТАРКИМ, У ИБРАТ БЎЛСИН  
ДЕБ КЎПЛАРНИ ЙЎЛДАН ОЗДИРАР, КЎПЛАРНИ  
ТЎҒРИ ЙЎЛГА БОШЛАР” ЧУНКИ ҲАР БИР  
СИНОВ ТАРОЗУГА ЎХШАР. БИРОВЛАР БУ  
СИНОВДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ЎТИБ, МУРОДИГА  
ЕТАР, БИРОВЛАРГА ЭСА ЮЗ ҚАРОЛИК НАСИБ  
ЕТАР... ШУ ҲАҚДА БИР ОЗ ЎЙЛАБ КЎРСАНГ,  
Фойдадан холи бўлмас.

Боқ, муханнас бирла ётди бир киши,  
Бўйла бўлди кимсанинг манфур иши.

Бир замон ханжарни кўрди ул лаин,  
Сўрди андин не учун деб ханжаринг.

---

<sup>199</sup> Муханнас -хунаса

<sup>200</sup> Ҳазл-ҳазил... Ушбу байт Ҳақим Санойи қаламига мансуб.

2500 Занчалиш дедики, мен тўғримда ким  
Бир ёмон ўйларга борса, қўймагум..

Деди бадахлоқ: Худога минг шукур,  
Келмади кўнглимга бундоқ бир фикр.

Ўқса эрлик, белда ханжардин не суд?  
Савлати, турқи Скандарин не суд?

Гар Алидин сенга қолмиш зулфиқор,  
Айлагил шери худолик ошкор.

Ўрганибдирсен Исодин бир дуо,  
Борму сенда жони жонбахши Исо?

2505 Кема қурмишсен салобатли, кабир,  
Нуҳ каби денгизчи аммо қайдадир?

Отдинг Иброҳимга ўхшаб бутни сен,  
Ўзни чун оташага ҳам отгаймисен?

Бир далилинг эрса, кўрсатгил бу дам,  
Зулфиқор айла ёғоч шамширни ҳам.

Бир далил улдирки, Оллоҳи гани,  
Бандаликдин айламиш маҳрум сени.

Гарчи қўрқмасликка ундайдир сўзинг,  
Титрагайсен ҳаммадан кўпроқ ўзинг.

2510 Ҳаммага дарси таваккул айлабон,  
Пашшанинг қонин сўрарсен ҳар замон.

Эй муханнас, ўзни дерсан пешво,  
Кимлигинга ҳулқу атворинг гувоҳ.

Бўйла номардлик кишига белгидур,  
Ул соқол-мўйлов эмасдир, кулгидир.

Тавба қил, кўз ёши тўк гардунга хос,  
Ўзни андоқ кулгидин этгил халос.

Ич йигитлик дорусин, этгил амал,  
Бўл қуёш янглиғ, ҳароратли ҳамал.

2515 Нафсни қўй, кўнгил сари этгил хиром,  
Токи Ҳақдин пардасиз етсин салом.

Бос қадам, этгил такаллуф, қуч ани,  
Ишқ ўзи тутгай қулогингдан сени.

ЭШАКНИНГ САБРУ ТАВАККУЛИ УСТИДАН  
ТУЛКИНИНГ МАКРУ ҲИЙЛАСИ УСТУН  
КЕЛГАНИ, ТУЛКИ ЭШАКНИ ЧАНГАЛЗОРГА,  
АРСЛОН ҲУЗУРИГА БОШЛАГАНИ

Тулки андоқ ҳийла тўрин ташлади,  
Тутди эшакни, тўқайга бошлади.

Қайда ул мутриб, бунда урса даф,<sup>201</sup>  
Воҳки, эшшак кетди, эшакк кетди, деб.

Шерни чоҳга бошлаган эрди қуён,  
Бошламасму тулки эшшакни у ён?

2520 Сен вале афсунга парво қилмагил,  
Тингласанг, нақли валийни тинглагил.

Бир фусундир улки, ҳалводин ширин,  
Хоки пойи шаҳди анводин ширин.

Хўжа хумлар ичра шарбат мавжланур,  
Ки ўшал лаблар шаробидин эрур.

Неча жонлар чун чекарлар иштиёқ,  
Лаъли лабларнинг шаробидин йироқ.

---

<sup>201</sup> Даф-доира, чилдирма

Қушки асло тотмамиш мавжи сучук,  
Шўр, тахир сувларни тарк этгай нечук?

2525 Жони Мусо сийнани сийно қилур,  
Неча кўр қушларни ул бийно қилур.<sup>202</sup>

Жони Ширин Хусрави ҳам урди бонг,  
Шаҳр аро қанду шакар арзон, дебон.

Неча ғайб Юсуфлари лашкар чекар,  
Йўқ, қамиш деб ўйлама, шақкар чекар.

Тевалар келмиш Мисрдин биз томон,  
Тўтилар, тингланг, етишди корвон.

Эрта бозор-растага шақкар тўлур,  
Шақкар арзон эрди, арзонроқ бўлур.

2530 Эй ширинхўрлар, келинг, даврон суриг,  
Тўтижонлар, ўзни шақкарга уриг.

Найшакар янчгилки, кор бундоқ эмиш,  
Жон сочинг ҳар ёнга, ёр бундоқ эмиш.

Қолмиш шаҳр ичра мискин, ғамзада,  
Ҳусравин ўтқазди Ширин тахт уза.

Май уза майлар қуйилгай базм аро,  
Ур минора устидан бонги сало.

Неча йиллик сирка ширин бўлгуси,  
Тошу мармар лаълу заррин бўлгуси.

2535 Офтоб авжи фалакда қарс уриб,  
Зарралар ошиқ мисоли чарх уриб.

Кўз бўлиб махмур яшилликлар билан,  
Гул бутоқлар узра очмишдир чаман.

---

<sup>202</sup> Бийно -кўзи равшан.

Ҳақ сўзи чун сеҳри мутлақ айлағай,  
Руҳ Мансурдек аналҳақ айлағай.

Бошласа тулки эшакни, бошласин,  
Лек ўшал ўшал эшакка ўхшаб қолма сен.

РАНГИ ЎЧИБ, ЛАБЛАРИ ГЕЗАРГАН, ҚЎЛЛАРИ  
ЯПРОҚДЕК ТИТРАБ, ҚАЛТИРАГАН КИМСАНИНГ  
БИР ЭШИККА ЎЗИНИ УРГАНИ. УЙ ЭГАСИНИНГ,  
БАХАЙР, НЕ БЎЛДИ, ДЕГАН САВОЛИГА,  
ЭШАКЛАРНИ ТУТИШЯПТИ, ДЕБ ЖАВОБ  
БЕРГАНИ. УЙ ЭГАСИНИНГ, ЭЙ МУБОРАК  
БЎЛСИН, АММО НЕГА СЕН ҚЎРҚАСЕН,  
ЭШАКМАССАНКУ, ДЕГАН ЭЪТИРОЗИГА ҲАЛИГИ  
КИМСА ДЕМИШКИ, УЛАР БУ ИШГА ШУ ҚАДАР  
ЖАҲДУ ЖАДАЛ ИЛА КИРИШГАНЛАРКИМ,  
ҚЎРҚАМЕН, МЕНИ ҲАМ ЭШАК ЎРНИДА СУДРАБ  
КЕТИШЛАРИ ҲЕЧ ГАПМАС.

Бир киши урди эшакка ўзини,  
Заъфарон этмишди қўрқув юзини.

2540 Сўрди уй соҳиби: не бўлди, бахайр,  
Қалтирайдирсен теракнинг баргидай?

Ким сени қувди, магар кимдин қочиб,  
Бизга кирдинг ранги рўйинг қум учиб?

Деди: шоҳнинг эрмаги деб бул замон,  
Қайда эшак эрса, тутгайлар ҳамон.

Кулди уй соҳиби, деди: муҳтарам,  
Эшшак эрмассан-ку, сенга бу не ғам?

Деди: ҳеч гапмас улар айлаб жадал,  
Эшшак ўрнида мени ҳам тутсалар.

2545 Бўйла бу ишга киришганларки, бас,  
Эшшагу инсон уларга айрумас.

Бетамизлар элга раҳбар бўлмасин,  
Эшшак ўрнига тутарлар эгасин.

Ўзгадир лек шаҳримизда шоҳимиз,  
Дардимиздан ҳар нафас огоҳимиз.

Одамо, эшшакқувардин қўрқмагил,  
Эшшак эрмассен, алардан қўрқмагил.

Тўлди тўртинчи фалак нуринга, бас,  
Ҳошакаллоҳ, масканинг охур эмас.

2550 Аслида чарх узра, юлдуз узрасен,  
Гарчи бир кенгаш или охурдасен.

Мири охур ўзга, эшшак ўзга, ҳай,  
Барча охур аҳли эшшак бўлмагай.

Сўйладинг эшшакни шунча, шартмидир,  
Энди сен гулдин, гулистондин гапир.

Ё анорлардин, турунжу олмадин,  
Дилраболардин, шаробдин, ишвадин.

Мавжлари гавҳар ўшал денгизни айт,  
Сўзга лаб очса магар, тенгсизни айт.

2555 Ёки ул қушларни айт, гулчин эрур,  
Тухми зарриндир ва ё сиймин эрур.

Сўйла лочинларни, какликлар билан,  
Гоҳи паст парвоз этурлар, гоҳ баланд.

Неча нарвонлар жаҳон ичра ниҳон,  
Поя-поя юксалур то - осмон.

Ҳар гуруҳнинг нарвони ўзгадир,  
Ҳар равишнинг осмони ўзгадир.



Ул бириси бул биридин бежабар,  
Бўйла бир мулкдирки, бепоёни сар.<sup>203</sup>

2560 Ул нечук ҳуш деб, бу ҳайронлик аро,  
Ул-да ҳайрат ичра, сарсонлик аро.

Саҳни арзуллоҳ кенгишидир ҳар тараф,  
Ҳар тараф ўсгай оғочлар гуркираб.

Бир ажиб маъно дея ҳар ёнаси,  
Новда, япроқларда дил шукронаси.

Гул ичар шабнам шаробин дамба-дам,  
Булбул айтурким, узатгил бизга ҳам...

Бул сухан билмас ниҳоя, ортга қайт,  
Шеру тулки қиссаси не бўлди, айт.

ТУЛКИ ЭШАКНИ АРСЛОН ҲУЗУРИГА БОШЛАБ  
БОРГАНИ. ЭШАК АРСЛОННИ КЎРИБ, УНДАН  
ҚОЧГАНИ. ТУЛКИ, НЕГА ПИСИБ ЎЛТИРМАДИНГ,  
ДЕБ АРСЛОННИ КОЙИГАНИ. АРСЛОН, ЭШАКНИ  
ЯНА БИР БОР ЙЎЛГА СОЛ, ДЕБ ТУЛКИГА  
ЯЛИНИБ ЁЛБОРГАНИ

2565 Бошлади тоғ бағрига, сув бўйига,  
Соддадил эшакни шеринг сўйига.

Шер йироқдин кўрди эшшакни, шу дам,  
Нафси ёнди, этмади сабру чидам.

Наъра чекди, солди қўрқинч бир нидо,  
Лек мажолсиз эрди ул, ҳоргин, адо.

Кўрди чун эшшак, бурилди ортига,  
Жон ҳовучлаб қочди тоғнинг пастига.

---

<sup>203</sup> Бепоёну сар- боши-охири йўқ, сўнгсиз.

Тулки деди: подшоҳим, найладинг,  
Жанг-жадалда бесабрлик айладинг.

2570 Ўлжа олгай эрдинг андак сабр ила,  
Ғолиб ўлгай эрдинг андак зарб ила.

Макри шайтондир у таъжилу шитоб,<sup>204</sup>  
Лутфи Раҳмондир чу сабру эҳтисоб.<sup>205</sup>

Чун йироқдин ҳамла айлаб, ҳезладинг,  
Ошкор бўлди тамом ожизлигинг.

Деди: ўзни кучли деб этдим хаёл,  
Аслида ожиз эмишмен, бемажол.

Эҳтиёж тоқ этди андоқ тоқатим,  
Ақлу ҳуш кетди, таҳаммул этмадим.

2575 Хизмат айлаб, шоду мамнун эт мени,  
Қайта бошлаб кел, дигаргун эт мени.

Ҳийла бирлан қайта келтирсанг агар,  
Шоду миннатдор бўлардим қанчалар.

Деди:шоҳим, айлагум амринг бажо,  
Ғар кўнгил кўзини кўр этса Худо.

Ваҳму қўрқувни унутса ул кейин,  
Улки эшшакдир, унутмоғи тайин.

Сен эса ризқингни елга сочмагил,  
Бесабрлик бирла қўлни очмагил.

2580 Дедиким, билдим, заифу зормен,  
Бўйладирким хаставу бемормен.

Келмаса қошимга, очмасмен кўзим,  
Бош қўйиб уйқуга солгаймен ўзим...

<sup>204</sup> Таъжилу шитоб -шошилмоқ, ошиқмоқ

<sup>205</sup> Эҳтисоб - фармонбардорлик, бўйсунитлик.

Йўлга тушди Тулки, дерди дамба-дам:  
Ақлини гафлатга солгил, эй Эгам.

Улки эшшак тавба этмиш неча бор,  
Бормагил, деб судраса гар нобакор.

Ҳийла бирлан синдирурмиз тавбани,  
Бизки ул аҳду ақллар душмани.

2585 Ул эшак боши ўйинчоқ биз учун,  
Фикри эрмакдир, овунчоқ биз учун.

Ақлу ҳушким маҳсули даври Зуҳал,  
Ақли Кулл олдида не эрмиш ўшал?

Ул Аторуд ҳам Зуҳалдин нур олур,  
Бизга нур бергувчи Ҳақ, Оллоҳ эрур.

Илмил-инсонни хама туғройимиз,  
Илми-индаллоҳ-кўнгил оройимиз.<sup>206</sup>

Офтоб бизга мураббий, ҳамнафас,  
Раббиюл-аъло, деюрмиз ҳар нафас.

2590 Ул синаб кўрди, синовлар қилди то,  
Имтиҳонин макримиз этгай адо.

Ул муқаррар тавбасин синдиргуси,  
Алданиб, дому тузоққа боргуси.

---

<sup>206</sup> Байтнинг мазмуни: “Инсонга билдирди” ояти -бизга туғро ,  
“Оллоҳ паноҳидаги билим”га эришиш -мақсадмимздир.

УЛ ҲАҚДАКИМ, ТАВБАНИ БУЗМОҚ ИНСОНГА  
БАЛО КЕЛТИРУР, ҲАТТОКИ УНИ ҲАЙВОН  
СУВРАТИГА СОЛУР. БЎЙЛАКИМ, ШАНБА КУНИ  
ИШЛАМАСЛИК АМРИНИ ОЛГАН, ИСО ДУОСИ  
БИЛА КЎКДАН НОЗУ НЕЪМАТ НАСИБ ЭТГАН  
ҚАВМ ҲАМ ШУНДОҚ ҚИСМАТГА ДУЧОР  
БЎЛМИШДИ. “УЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИ  
МАЙМУН ВА ТЎНГИЗ ШАКЛИГА СОЛДИ.” БУ  
УММАТДА ҲАМ КЎНГИЛ ЎЗГАРУР, ҚИЁМАТ  
КУНИ БАНДАЛАР КЎНГИЛ СУВРАТИГА КИРУР

Бузма аҳд, синдирма тавба, чунки ул,  
Оқибатда боиси лаънат эрур.

Ул қавмким тавбани синдирдилар,  
Оқибат ҳайвонсифатлиғ бўлдилар.

Чун бузилди аҳди, синди тавбаси,  
Ҳақ буюрди, бўлди маймун барчаси.

2595 Барчаси сувратда одам эрди ул,  
Аслида маймун эди, маймун кўнгил.

Кўнгли маймун эрса, не эрмиш тани?  
Шул эрур маймунданам хор бўлгани.

Кўнглида бўлсайди Ҳақдин бир нисор,  
Ул эшак бўлгайму эрди шунча хор?

Нур эди Асҳоб итининг сийрати,  
Нуқс эмасди унга итлик суврати.

Аҳли сабтга келди андоқ бир бало,<sup>207</sup>  
Токи халқ кўргай, не эрмишдир жазо.

Аҳдида турмай ўшал минглаб авом,  
Бўлдилар эшшак тугал, тўнғиз тамом.

---

<sup>207</sup> Аҳли сабт -яхудийлар

ТУЛКИНИНГ ҲИЙЛА, НАЙРАНГ ЭТИШ УЧУН  
ЯНА ЭШАК ОЛДИГА КЕЛГАНИ

2600 Келди Тулки, ул сари айлаб назар,  
Деди эшшак: сендин этгумдир ҳазар.

Ҳой, фалокат, сўйла не қилдим сенга,  
Аждаҳони рўбарў этдинг менга?

Пешладинг кўксимга тиг жонимга ўт,  
Бул-да бир пасткашлигингму, эй унуд?

Оғуга тўлган чаён ҳам бўйламиш,  
Бир сабабсиз ургай ул одамга ниш.

2605 Деву шайтонлар-да юргай эврилиб,  
Ҳеч сабабсиз жонимизга қасд қилиб

Ки азалдин душмани одам улар,  
Одамий эрса ҳалок, ҳуррам улар.

Одамий қасдидадирлар эрта-кеч,  
Бул қабоҳатдин улар кечгайму ҳеч?

Пастарин зоти муқаррар ҳар замон,  
Зулму бедодликка бошлар беомон.

Ҳар замон чодирга бошлайдир сени,  
Бир қоронғу жарга ташлайдир сени.

2610 Ё фалон жойда ҳовуз бор, дейди, чун,  
Истаги-этса чуқурга сарнигун.

Одамийда гар ваҳий бирлан назар,  
Бошига солгай бу янглиғ шўру шар.

Одамий унга гуноҳе этмамиш,  
Одамийдин унга заҳмат етмамиш.

Деди Тулки: кўрганинг айру эди,  
Шер эмасди, сеҳр эди, жоду эди.

Шу кичик жисмимга боқ, сендин увоқ,  
Кеча -кундуз унда ўтлармен бироқ.

2615 Бўлмасайди унда тилсим, саф-саф,  
Гушналар ёприлгай эрди ул тараф.

Қанча аждар бор жаҳонда, қанча фил,  
Бул макон қолгайму эрди ям-яшил?

Бошданоқ айтмоқни билдим сенга эп,  
Ки бирор қўрқинч йўлиқса, қўрқма, деб.

Сўйламоқни лек фаромуш айладим,  
Кўрдиму кўнгилни сенга бойладим.

Чун кўриб ҳолингни тўзгин, бенаво,  
Истадим дардингга дармону даво.

2620 Йўқса бергайдим у тилсимдин йўриғ,  
Ваҳмаси бордирку, лекин жисми йўқ.

### ЭШАКНИНГ ТУЛКИГА ЖАВОБИ

Деди: бор, кет, сенга йўқдир рағбатим,  
Шум юзинг кўрмоққа борму тоқатим?

Ҳақ яратмишдир сени бадбахт қилиб,  
Бети қаттиқликда чин ибрат қилиб.

Қайси юз бирлан келурсан мен томон,  
Ор қилур ҳатто юзингдан каркидон.<sup>208</sup>

Майсали ўтлоққа юр деб қистадинг,  
Аслида қоним тўкишни истадинг.

---

<sup>208</sup> Бу ерда каркидон терисининг қалинлигига ишорат этилмоқда.

2625 Менга Азроилни кўрсатдинг ҳали,  
Ҳойнаҳой келдинг яна макр этгали.

Гарчи эшшакмен, эшит, алдоқчи, шум,  
Шеваи лофинга энди учмагум.

Кўрганим қўрқинч, ваҳми кўрса гар,  
Йўқ ажабким, ўспирин ҳам кексаяр.

Сўнди умрим, чиқди жоним ул замон,  
Мен ўзимни пастга отдим беомон.

Кўз эмас, қаршимда ёнди бир олов  
Тушди пойимга кўринмас бир тушов.

2630 Ёлвориб этдим Эгамга илтижо:  
Боғу бандимдин халос эт, эй Худо

Мен қасам ичдим ўшал дам ўзига,  
Кирмагаймен деб бировнинг сўзига.

Ул дуою илтижойим келди рост,  
Ҳақ мени этди бўғовлардин халос.

Йўқса, менга нарра шер етгай эди,  
Етса ул, ҳолим хароб этгай эди.

Шер яна эски ҳунарни қўлламиш.  
Ул сени қошимга такрор йўлламиш.

2635 Тангри ҳаққи, мен қасам ичгум ҳамон.  
Ки ёмон улфат илондин ҳам ёмон.

Гар илон чирмашса - жонинг душмани,  
Лек ёмон дўст ўтда ёндиргай сени.

Сенга сўз юққай унинг гуфторидин,  
Сенга феъл юққай унинг атворидин.

Ул солар бошинга бир дам сояни,  
Сўнгра олгай юлқилаб сармойани.

Аждаҳо ақлинг муқаррар маст бўлур.  
Боиси - қаршингда дўстинг, зумрад ул.

- 2640 Ул қамаштиргай кўзингни, ўйла то,  
Оқибат бошинга келгайдир вабо.

## ТУЛКИНИНГ ЭШАККА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Дедиким, бизнинг кўнгилда дард йўқ,  
Ул мусаффордир, ваҳимдин гард йўқ.

Бул ҳама ваҳминг эмиш, эй соддадил,  
Кўнглимизни чанг-ғубордин тоза бил.

Ўзгаларни сен ўзингдек ўйлама,  
Дўсти жонингдин гумоне айлама.

Яхшилик деб бил, у ихвони сафо,<sup>209</sup>  
Этсалар зоҳирда сенга бир жафо.

- 2645 Чунки бу ваҳму хаёллар касридин,  
Неча минг дўст айру тушди дўстидин.

Меҳрибонинг этса жабру имтиҳон,  
Сен суян ақлингга, бўлма бадгумон.

Сен мени тубан дема, бир зоти паст,  
Кўрганинг ул тилсим эрди, ўзгамас.

Гар хатолик этса дўст, не бўлгуси?  
Шафқат айлаб, дўст уни кечиргуси.

Олами ваҳму хаёлу фикру бийм,  
Йўлчига йўл узра бир садди азийм.

---

<sup>209</sup> Ихвони сафо - тоза мусаффо дўстлар.



2650 Ул хаёлотдин туғилган нақшлар,  
Этдилар тоғдек Халилга ҳам зарар.

Олами ваҳм ичра тушди бир замон,  
Ҳазза Раббий деди Иброҳим ҳамон.<sup>210</sup>

Ул кишиким юлдузим таъвил, деди,  
Сочгани ҳам гавҳари таъвил эди.

Қуршаса ваҳму хаёлот дамба-дам,  
Қўзгатур ҳатто баланд тоғларни ҳам.

Бўйладирким “Ҳазза Раббий” дейди ул,  
Ғоз ила эшакнинг ҳоли не бўлур?

2655 Боқ ўшал тоғдек ақллар тобига,  
Чўкдилар ваҳму хаёл гирдобига.

Сувки тоғлардин ошаркан беомон,  
Ёлғиз ул Нуҳ кемаси қолгай омон.

Йўлтўсар ваҳму хаёлот дастидин,  
Етмиш икки миллат ўлди аҳли дин.

Марди ийқондин йироқ ваҳму хаёл,<sup>211</sup>  
Қошининг мўйи анга эрмас ҳилол.

Гар мададкор эрмаса нури Умар,  
Қошининг мўйи ани йўлдин урар.

2660 Неча юз минг кема - қўрқувга асир,  
Ул ваҳмлар баҳрида чилпорадир.

Фиръавнким эрди доно файласуф,  
Ойига етди ваҳмлардин ҳусуф.

Кимса билмас фоҳиша кимдир ҳамон,  
Билса,этмас эрди тахмину гумон.

<sup>210</sup> Ҳазза Раббий -Бу - менинг Раббим...

<sup>211</sup> Марди ийқон - ҳақиқий эр.

Баски қўрқув айламиш бошингни банд,  
Айланурсен мунчалар атрофидан?

Менку ожизмен ўшал менлик била,  
Сен нечун қаршимда манманлик била?

2665 Борму бир менсизки, борсам ёнига,  
Сўнгра тўп бўлсам унинг чавгонига.

Кимки менсиз эрса, менлар унга дўст,  
Ўзига нодўст эрур мардумга дўст.

Ойна сувратисиз эрса, не етар,  
Ҳар не суврат эрса, унда акс этар.

### ШАЙХ МУҲАММАД САРРАЗИЙ ҒАЗНАВИЙ ҚАДДАСАЛЛОҲУ СИРРАҲУЛ АЗИЗ ҲИКОЯТИ

Ғазнида бор эрди зоҳид бир кези,  
Дердилар исмин Муҳаммад Сарразий.

Сарраз эрди унга ифтор ҳар кеча,<sup>212</sup>  
Етти йил кечди ародин бўйлача.

Не ғаройиблар кўриб, огоҳ эди,  
Мақсуди лекин жамоли шоҳ эди.

Чиқди тоғ бошига, деди: оч юзинг,  
Йўқса, шу жарликка ташлармен ўзим.

Келди сас: бул ишга муҳлат бор, ҳамон,  
Пастга отсанг ўзни, ўлмоғинг гумон.

Ўзни отди пастга ул жон қасдига,  
Тушди лекин ергамас, сув устига.

Ўлмади, бу ишга бағрин тиглади,  
Оҳу афғон чекди, ўксиб йиглади.

---

<sup>212</sup> Сарраз - бу ерда, ток япроғи маъносиди.

2675 Дедиким, менга ҳаёт эрмиш ўлим,  
Ул ўлимга нега етмайдир қўлим?

Олами гайбдин ўтинган эр эди,  
Инна фи мавти ҳаёти, дер эди.<sup>213</sup>

Бас, тирикликдек ўлим мақбул бўлиб,  
Чун ҳалоки жонга ул ҳозир бўлиб.

Шамширу ханжар эди райҳон анга,  
Наргису насрин-адуви жон анга.

Келди овоз анга гайбдин: эй фалон,  
Тоғни тарк эт, сен шаҳар боргил, дебон.

2680 Сўрди: эй асрорга элтгувчи ҳукм.  
Мен шаҳар ичра бориб, не айлағум?

Деди: хизмат улки, баҳри зул-нафас,<sup>214</sup>  
Сен тилан шаҳр ичра чун Аббоси дабс.<sup>215</sup>

Сен ганийлардин йиғиб нон, ақчани,  
Мискину бечораларга бер ани.

Бўйла бир хизмат сенга, этгил адо,  
Деди шайх: бош устига, эй жонпаноҳ.

Не саволлар ҳам жавоблар нечаким,  
Кечди, зоҳид эрдию Раббулкарим.

2685 Нурга маскан еру осмон бўлди, бас,  
Бул хабар тилларда дoston бўлди, бас.

Қисқа қилдим мен вале гуфторни,  
Билмагай деб хору хас асрорни.

---

<sup>213</sup> Чинданам тириклигим ўлимимдадир..

<sup>214</sup> Баҳри зул-нафас - нафсни урга уриш учун.

<sup>215</sup> Аббоси дабс - машҳур тиланчи, гадой.

ШАЙХНИНГ ҒАЙБ ИШОРАТИ ИЛА ДАШТУ  
САҲРОНИ ТАРК ЭТИБ, ҒАЗНИ ШАҲРИГА  
БОРГАНИ, ЗАМБИЛҒАЛТАК СУРИБ,  
ТИЛАНЧИЛИК ҚИЛИБ, ТОПГАНИНИ  
ЙЎҚСИЛЛАРГА УЛАШГАНИ

*Ҳар кишига жониким лаббайк эрур,  
Унга гайбдин нома узра пайк эрур...<sup>216</sup>*

БАСКИ, УЙ ДАРИЧАСИ ОЧИЛСА, ИЧКАРИГА ОЙ  
ҲАМ КИРАР, ОҒТОБ ҲАМ, ЁМҒИР ҲАМ КИРАР,  
МАКТУБ ҲАМ... БЎЙЛАКИМ, ИЧКАРИ  
КИРУВЧИЛАРНИНГ КЕТИ УЗИЛМАС...

Келди Ғазни шаҳрига фармонпазир,  
Ғазни шаҳри бўлди ул нурдин мунир.

Барча пешвоз чиқди жону дил била,  
Кирди шайх ўғринча, овлоқ йўл била.

Жумла аъёнлар оёққа турдилар,  
Кўшуку айвонларга оро бердилар.

2690 Деди: келдим мен гадолик этгали,  
Йўқки беклик, худнамолик этгали.

Қилу қол бирлан ишим йўқ ўлтираб,  
Кўйма-кўй юргум фақат замбил суриб.

Бандадирмен, менга бул амри Худо,  
Мен гадодирмен, гадодирмен, гадо.

Сўз аро алфози нодир айтмагум,  
Бул гадоликни этармен, қайтмагум.

Ғарқ бўлай баҳри мазаллатга тамом,  
Таъналар отсин менга хосу авом.

---

<sup>216</sup> Пайк- хабар

Амри Ҳақ - жондирки, қурбондир ҳама.  
Тангри амри бизга: залли ман тамаъ.<sup>217</sup>

Тамаъ этмоғимни истар шоҳи дин,  
Ўлсин ул сабру чидам шундан кейин.

Ҳақ мазаллат истагай, иззат нечун?  
Ҳақ гадолик хушлагай, давлат нечун?

Бас, менга хорлик, мазаллат жон эрур,  
Халтам ичра неча Аббос ўлтирур...

Шайх суриб замбил, кезарди ҳар тараф,  
Шайъулиллоҳ, эй хўжам, деб мўлтираб.<sup>218</sup>

2700 Курсиву Аршдин ўтиб асрори ул,  
Шайъулиллоҳ, шайъулиллоҳ - кори ул,

Анбиё иш кўрсатурлар ҳар замон,  
Аҳли муфлисдин кутарлар армуғон.

“Ақризуллоҳ” арз этарлар ҳар қадам,<sup>219</sup>  
“Унсуруллоҳ” ҳам дегайлар дамба-дам.<sup>220</sup>

Шайх юаркан ул эшикдин бул эшик,  
Кўкда унга шай эди юз бир эшик.

Ул гадолик айлар эрди ҳар нафас,  
Ҳақ учун айларди, амри нафс эмас.

2705 Нафс учун айларса, не тадбир эди?  
Оғзида ҳар лаҳза Ҳақдин нур эди.

Ҳақ учун еса магар нону асал,  
Неча минглаб рўзадин ортиқ ўшал.

---

<sup>217</sup> Залли ман тамаъ - Таъма этган тубанлашур

<sup>218</sup> Хўжам, Худо ҳаққи бир нарса...

<sup>219</sup> Ақризуллоҳ - Оллоҳга қарз беринг...

<sup>220</sup> Унсуруллоҳ - Оллоҳга кўмаклашинг...

Нон еганда нўши нур деб бил ани,  
Ўт еса ул-лолагул ўстиргани.

Ўт - олов мой ейди, лекин шамъ ул  
Даврада нурни зиёда айлаюр.

Нон еганларга деди: лотусрифу,<sup>221</sup>  
Нур еганга демади Ҳақ иктафу.<sup>222</sup>

2710 Ул томоқ эрмиш балойи беомон,  
Бул томоқ асрар балолардин омон.

Амру фармон эрди, на ҳирсу тамаҳ,  
Бўйла жон айларму ҳирсга марҳама?

Кимиё мисни чақирса: менга кеч,  
Бул сўзи ҳирсу тамаҳ бўлгайму ҳеч?

Ганжлар ётгай заминда бесаноқ,  
Барчасин бир-бир очиб, кўрсатди Ҳақ.

Шайх деди: мен сенга ошиқмен, Илоҳ,  
Ўзгага боқсам, чу фосиқмен, Илоҳ.

2715 Тоат этсам равзаи ризвонни деб,  
Тавба қилсам ё жаҳаннамдин чўчиб.

Мўмин эрсам гар омонлик излаган,  
Жон учунмас бул, фақат ҳаззи бадан.<sup>223</sup>

Ошиқ ул ишқи Худодин еса лут,  
Қолмагай, ҳисси бадан бўлгай унут.

Ул баданким шайхда эрмишди бу дам,  
Мунча ўзгармишди, эрмасди бадан.

---

<sup>221</sup> Лотусрифу - Исроф этманг.

<sup>222</sup> Иктафу - бас, етар.

<sup>223</sup> Ҳаззи бадан - бадан учун.

Ошиқи ишқи Худога не тилак?  
Жабраил чун мўътамандир, не керак?

2720 Лайлига ишқи сафоси бас эди,  
Наздида шу мулки олам хас эди.

Унга бирдек эрди ул тупроғу зар,  
Зар не эрмиш, жонига йўқди хатар.

Шеру қашқир сирридин воқиғ бўлиб,  
Кўз тикарди амрига ҳозир бўлиб.

Хўйи жонзоддин мусаффо эрди, пок  
Ишққа тўлгин эти эрди заҳрнок.

Ақлу идрок шарбати ҳайвонга зид,  
Яхшиларнинг яхшиси ёмонга зид.

2725 Ерму ҳеч дарранда ошиқ этини,  
Ишқ надир, борлиқ жаҳон билгай ани.

Гар еса дарранда, этгайдир хато,  
Ошиқ эти оғудир, айлар адо.

Ҳар не мавжуддир - емиш ишқ олдида,  
Икки дунё не эмиш ишқ олдида?

Дона дон қушни егайму ҳеч қачон?  
Ё сомон отни егайму ҳеч қачон?

Бандалик қил, бўл басо ошиқ лаъалл,<sup>224</sup>  
Бандалик келгай агар этсанг амал.

2730 Банда озодлик тилайдир, марҳамат,  
Ошиқ эрса банда бўлгай то абад.

Банда хилъат дейди, истайдир либос,  
Ошиқ аҳли истаги-дийдори дўст.

---

<sup>224</sup> Сен бўлмасанг, кўкларни яратмасдим..

Ҳеч қачон битгайму ишқнинг эртаги,  
Ишқ - денгиздирки, тубсиздир таги.

Ким билур унда не миқдор томчидир,  
Етти уммон олдида ирмоқчадир.

Бул сухан асло туганмас, эй фалон,  
Сўйлагил ул қиссаи шайхи замон.

“ЛАВ ЛОКА ЛАМОХАЛАҚТУЛ АФЛОК”  
СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

2735 Бўйла шайх бўлди гадойи кў-бакў,  
Ишқ келди, лоуболи иттақу.<sup>225</sup>

Ишқ денгизни қозондек қайнатур,  
Қум қилиб сочгай баланд тоғларни ул.

Ишқ фалакнинг кўсини тилгай магар.  
Ишқ ўшал солгай заминга ларзалар.

Бас, Муҳаммад жуфти ишқи пок эди,  
Ул сабабдин Ҳақ ани “лавлок” деди.<sup>226</sup>

Ишқ аро ул бўйла танҳо эрди, тоқ,  
Анбиё ичра уни хос этди Ҳақ.

2740 Севмасайдим, деди, ишқи покни,  
Мен яратмасдим магар афлокни.

Мен яратдим кўкни юксак, беназир,  
Токи билгайсен муаззам ишқ надир.

Манфаат бордир ўшал кўкдин неча,  
Кўк - тухум эрса, тухумда ер-жўжа.

Мен яратдим ерни чун хору ҳақир,  
Ошиғи хору ҳақирга белгидир.

<sup>225</sup> Ишқ бостириб келди, ҳазир бўл

<sup>226</sup> Лавок - сен бўлмасанг



Ерга бердим мен баҳордин парвариш,  
Боққи, ишқ бирлан келур не ўзгариш.

2745 Сенга сўйлар шу баланд тоғлар кушод,  
Не эмиш ишқ аҳлида сабру сабот.

Гарчи ул маъни, бу суврат,эй ўгил,  
Англамоғингни теранроқ айлар ул.

Гуссага хору тикан ташбиҳ магар,  
Гам тиканмас, бу сенга танбиҳ магар.

Тош юрак деб гоҳи бергайлар сифат,  
Тош юрак бўлмас, мисолдир ул фақат.

Бу тасаввурга сира сиғмас, дема,  
Айбни қўй тасвиргаву рад айлама.

ШАЙХНИНГ ҒАЙБ ИШОРАТИ ИЛА ТИЛАНЧИЛИК  
ҚИЛИБ, БИР КУНДА ТЎРТ ҚАРРА АМИР  
ЭШИГИГА БОРГАНИ, АМИР УНГА ТАҲҚИРОМУЗ  
СЎЗЛАР АЙТГАНИ, ШАЙХ АМИРДАН УЗР  
СЎРАГАНИ

2750 Шайх бир кунда шитоб айлаб нуқул,  
Борди тўрт қарра амир қасрига ул.

Қўлда замбил, тилда шайъуллоҳ эди,  
Ҳар сафар, бергил гадога нон, деди.

Боқки, ишлар гоҳи қандоқ бўлгуси,  
Ақли Кулл ҳам бунга ҳайрон қолгуси.

Чун амир кўрди, деди: эй хомтамаҳ,  
Сенга сўз айтгум, мени нокас дема.

Бу нечук безбетлик эрмиш, кирдикор,  
Бир эмас, бир кунда келдинг неча бор.

2755 Бунда ким бордирки, сенсан матлаби,  
Кўрмадим муфлис тиланчи сен каби.

Ерга урдинг сен тиланчи отини,  
Сурдинг ул майдонга Аббос зотини.

Тенг келолмасдир сенга Аббоси дабс,  
Шунчалар бўлмас магар даҳрийда нафс.

Деди: мир, фармонпазирмен, қайнама,  
Оташимдин беҳабарсен, қийнама.

Бўлса эрди менда зарра ҳирси нон,  
Тиг чекиб, қорним ёрардим бегумон.

2760 Етти йил чекдим чу ишқнинг доғини,  
Еб биёбонларда ток япроғини.

Тоза барг эрди тановул этганим,  
Ул сабаб тўлди тароватга таним.

То кийибдирсен ҳижоби Булбашар,  
Солма ошиқларга бундоқ паст назар.

Боқ, буюклар қилни қирққа бўлдилар,  
Илми ҳайъат шавқи бирлан тўлдилар.

Ўрганиб чу илми сеҳру фалсафа,  
Билмайин бир зарра Ҳаққул-маърифата,

2765 Ҳар не имкон эрса, анга етдилар,  
Ҳар не ақрон эрса, андин ўтдилар.<sup>227</sup>

Ишқ вале чекди алардин ўзини,  
Офтоб эрди, яширди юзини.

Кўзки юлдузни кўрарди кундузи,  
Нега андин бурди юз офтоб ўзи?

---

<sup>227</sup> Ақрон -яқинлар дўсту биродарлар.

Сен менинг пандимни тингла, бўлма гўр,  
Ишқ кўзи бирлан боқиб, ошиқни кўр.

Вақт нозик, жон-да ҳолат ичра, ҳай,  
Сенга бул дам узрини айтолмагай.

2770 Англа, сўзлатмоққа лекин урнама,  
Аҳли ошиқлар дилини тирнама.

Бегумондир сендаги завқу нишот,  
Бўл баче тамкинли, вазмин, эҳтиёт.

Вожиб иш бор, жоиз иш бор, мустаҳил,<sup>228</sup>  
Ўртага тушмоқни сен ҳам пеша қил.

ШАЙХ НИСАҲАТИНИ ТИНГЛАБ, АМИРНИНГ  
КЎЗ ЁШИ ТЎҚҚАНИ, ШАЙХ СИДҚИНИНГ АМИР  
КЎНГЛИДА АКС ЭТГАНИ, ГУСТОҲЛИҚДАН СЎНГ  
АМИР ХАЗИНАСИНИ ШАЙХГА ТОРТИҚ  
ҚИЛГАНИ, ШАЙХ, ТО ИШОРАТ БЎЛМАГУНЧА  
ҚЎЛ УРМАГАЙМЕН, ДЕБ ХАЗИНАНИ ҚАБУЛ  
ЭТМАГАНИ

Айтиб-айтиб йиғлади ул, ҳой-ҳой,  
Сузди кўз ёшида юлдуз бирла ой.

Урди мир кўксига шайхнинг сидқи ул,  
Ишқ баче янги қозонлар қайнатур.

2775 Сидқи ошиқ тошга ҳам этгай асар,  
Не ажаб, етса дили донога гар.

Сидқи Мусо нелигин билди асо,  
Тоғ ошиб етди ўшал денгизга то.

Сидқи Аҳмад урди, ойга тушди дарз,  
Балки ул тўсди қуёшни бир нафас.

---

<sup>228</sup> Мустаҳил – маҳол, номумкин.

Баски дарду ғам аро бирлашдилар,  
Ул амиру ул фақир йиғлашдилар.

Бўйла бир соатча йиғлаб кечди дам,  
Юзланиб деди амир: эй муҳтарам.

2780 Ол хазинамдан не истарсен ани,  
Хақли этмиш Ҳақ бу эҳсонга сени.

Уй сенинг, анжом сенингдир биласос,  
Танлагил, дунёни берса сенга, оз.

Шайх деди унга баён айлаб сўзин:  
Бермамишлар танлаб олмоққа изн.

Бас, изн йўқдирки, густоҳлик била,  
Ўз-ўзимча уйга кирмасмен сира.

Шайх баҳона қилди, йўлни бурди то,  
Чунки чин содиқ эмасди ул ато.

2785 Гарчи мир пок эрди макру ҳийладан,  
Шайх вале боқмасди ҳар содиққа ҳам.

Дедиким, чун менга амр этмиш Худо:  
Нон сўраб боргил эшикка, бўл гадо...

ШАЙХГА ҒОЙИБДАН ИШОРАТ БЎЛГАНИ,  
ДЕЙИЛМИШКИМ, ИККИ ЙИЛ АМРИМИЗ ИЛА  
ОЛДИНГ ВА БЕРДИНГ. ЭНДИ БЕРГИЛ, ЛЕКИН  
ОЛМА. ҚЎЛИНГНИ БЎЙРА ОСТИГА ТИҚ, БИЗ  
УНИ АБУ ҲУРАЙРА ХАЛТАСИГА  
АЙЛАНТИРГАНМИЗ, ИСТАГАН НАРСАНГНИ  
ТОПАРСЕН. ТОКИ ОЛАМ АҲЛИ  
БИЛСИНЛАРКИМ, ШУ ОЛАМ ОРТИДА ЯНА БИР  
ОЛАМ БОР, У ЕРДА ҲОВУЧИНГГА ТУПРОҚ  
ОЛСАНГ, ОЛТИН БЎЛУР, ЎЛИК КЕЛСА,  
ТИРИЛУР, НАҲСИ АКБАР САЪДИ АКБАР  
СУВАТИГА ҚИРУР, КУФР ИЙМОНГА, ЗАҲАР  
ТАРЕҚҚА АЙЛАНУР. У ОЛАМ БУ ОЛАМНИНГ НА  
ИЧИДАДИР, НА ТАШҚАРИСИДА, НА  
ОСТИДАДИР, НА УСТИДА. НА БУ ОЛАМГА  
ТУТАШДИР НА УНДАН АЙРУ, САБАБСИЗ,  
ВОСИЛАСИЗДИР. У ОЛАМДИН ҲАР ЛАҲЗАДА  
МИНГЛАБ ИШОРАТЛАР КЕЛУР. МИНГЛАРЧА  
АЛОМАТЛАР ЗОҲИР БЎЛУР. ҚЎЛНИНГ  
САЪНАТИ, КЎЗНИНГ БОҚИШИ, ТИЛНИНГ  
ГЎЗАЛ СЎЙЛАШИ, ҚЎЛНИНГ, КЎЗНИНГ,  
ТИЛНИНГ НА ИЧИДАДИР, НА ТАШҚАРИСИДА,  
ҚЎЛГА, КЎЗГА, ТИЛГА ТУТАШ ҲАМ ЭМАС,  
АЙРУ ҲАМ. ОҚИЛГА ИШОРАТ ЕТАР.

Икки йил шайх этди, кўргил бўйла, кор,  
Сўнгра берди амрини Парвардигор:

Энди бергил ўзгаларга, олма лек,  
Сенга эҳсон этди чун Оллоҳи нек.

Ҳар кишиким, бер дебон келгай сенга,  
Бўйра остидан олиб бергил анга.

2790 Ганжи раҳматдир у, шафқат бирла бер,  
Зар бўлур кафтингда тупроқ, тилла бер.

Сўрганин бер, фикру андеш айлама,  
Доди Яздондир, тугар деб ўйлама.

Ҳеч туганмасдир у, бўлмас зарра кам,  
Афсусу ҳасратни билмас зарра ҳам.

Бўйра остига қўлинг сол, эй санад,  
Бул ёмон кўздан ҳижоб эрмиш фақат.

Зарга тўлдир кафтни, олмос порага,  
Сўнгра тутгил мискину бечорага.

2795 Сўнгра унга ажри номамнунни бер,<sup>229</sup>  
Истаганга гавҳари макнунни бер.

Сен-да ядуллоҳ фавқайдиҳим бўл,<sup>230</sup>  
Дасти Ҳақ бўл, соч сабабсиз ризқи мўл.

Қарзга ботганларни қутқар сен ҳамон,  
Оби найсондек яшарт фарши жаҳон.

Шайхнинг бир йилча кори бўлди шул,  
Рабби дин ҳаменидин зар берди ул.

Олса тупроқ, кафтида олтин эди,  
Ҳотами Той-олдида мискин эди.

ШАЙХ УНГА АРЗ ЭТГУВЧИ СЎЗГА ЛАБ ОЧМАЙ  
ТУРИБ, УНИНГ КЎНГЛИДАГИНИ ПАЙҚАШИ, НЕ  
МИҚДОРДА ҚАРЗИ БОРЛИГИНИ БИЛИШИ. БУ  
УНИНГ «ХАЛҚҚА СИФАТЛАРИМ-ЛА КЎРИН»  
СИРРИГА ЕТГАНЛИГИ БЕЛГИСИ ЭДИ.

2800 Ҳожатин айтишга улгурмай фақир,  
Шайх биларди, унда не эрмиш замир.

Кўнглидан не кечса мискиннинг шу дам,  
Ул берарди зарра этмай бешу кам.

---

<sup>229</sup> Ажри номамнун - туганмас мукофот... Қуръони карим, Ват-  
тийн сураси, 6- оятга ишорат.

<sup>230</sup> “Оллоҳнинг қудрат қўли уларнинг қўллари устидадир” сиррига  
соҳиб бўл.

Эл сурарди бунга ҳайрат айларак:  
Ҳожатим қайдин билурсен, эй амак?

Дедиким, кўнгил уйи хилват эрур,  
Унда бир бегона йўқ, жаннат эрур.

Ишқи Ҳақдин ўзга дилда ёр йўқ.  
Ёди Ҳақдин ўзга бир дилдор йўқ.

2805 Мен супурдим ҳар не бордир неку бад,<sup>231</sup>  
Дил уйим тўлдирди ул ишқи Аҳад.

Ҳар не кўрсам унда гар ғайри Худо,  
Мендин эрмас ул, магар акси гадо.

Гар кўрарсен сувда ҳурмо аксини,  
Сувдамас, соҳилда кўргил аслини.

Суврати гарчи ариқда, сувдадир,  
Соҳиби суврат вале соҳилдадир.

Истасанг оби зилолдин файзи қут,  
Танда оққан ул ариқни тоза тут.

2810 Гар ариқдин хору хасликлар кетар,  
Сен амин бўлгилки, юзлар акс этар.

Сув ила лойдир танинг ул, не яна?  
Лой била оби зилолинг булғама.

Сен емак-ичмак ва уйқу бирла банд,  
Сув уза тупроқ сочарсен дамба-дам.

## ҲАЛҚНИНГ КЎНГЛИДАГИНИ БИЛИШНИНГ БОИСИ

Чунки ул кўнгил ғубордин холидир,  
Йўқ ажабким, ойна тимсолидир.

---

<sup>231</sup> Нек - яхши, бад - ёмон.

Лек сенинг кўнглинг қаро эрмиш баса,  
Деву шайтон унда ин қурмиш баса.

2815 Эй эшак, кўнглингда бўйла қаҳру кийн,  
Баҳра етгайму Масиҳо руҳидин?

Бош кўтарса бир хаёл, айлаб зуҳур,  
Сен уни билгаймусен, қайдин келур?

Истаснг зоҳид хаёлин, эй фато,  
Қув хаёлларни кўнгилдин аввало.

## ТУЛКИ МАКР ИЛИ ЭШАКНИ МАҒЛУБ ЭТГАНИ

Ҳайдади Тулкини эшшак, кет, деди,  
Бедаво очлик вале ҳамроҳ эди.

Нафси голиб келди, сабри нотавон,  
Неча бир бошларни узди ишқи нон,

2820 Тингла Аҳмаддин бу ҳақда не демиш:  
Йўқчиликнинг сўнгги - кофирлик эмиш.

Чун эшак очликка бўлмишди асир,  
Деди: бу ҳолимдин ўлсам яхшидир.

Балки душманга тутилгаймен, деди,  
Лек шу очликдин қутилгаймен, деди,

Тавбалар айлаб неча этмишди аҳд,  
Қилди эшшаклик, унутди оқибат.

Ҳирс бировни кўру нодон айлагай,  
Ўйлаким, ўлмоқни осон айлагай.

2825 Лек эшакларга ўлим келгай гарон,  
Билмагайлар чун ҳаёти жовидон.



Жони жовиддин хабарсиздир шақий,  
Ул сабаб истар ажални аҳмақий.

Жаҳл қил, жонингни жовид айлагил.  
Ки ўлим келганда япроқ бўлсин ул.

Эътимоди йўқ эди Розикқа, чун,  
Сочмади гайб унга, ол, деб дону дун.

Лутфи Ҳақ гоҳ ризқни айлаб нисор,  
Айламишди гоҳи очликка дучор.

2830 Бўлмаса очлик, бало урғай эди,  
Юз касаллик танда юз бергай эди.

Хасталикдан очлик афзалдир, ўшал,  
Етказур сенга неча лутфу самар.

Ранжи поклайдир, тамизлайдир фақат,  
Ҳуллас, очлик ичра юз бир манфаат.

### ОЧЛИКНИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

Дорулар султонидир ул, кам дема,  
Жон ила этгил қабул, хор айлама.

Хасталиклар бўлгуси андин абас,  
Бўлмаса очлик, таоминг хуш эмас.

2835 Арпа нон ерди биров худди юҳо,  
Сўрди кимса: мунча нафсу иштаҳо?

Дедиким, очлик агар ҳамроҳ эрур,  
Арпа нон ҳам сенга чун ҳалво эрур.

Баски мен ҳалво егаймен бардавом,  
Келса очлик, бўлмагай сабрим тамом.

Ҳамма ҳам эрмас магар полвон анга,  
Очлик ўтлоқдирки, йўқ поён анга.

Хоси Ҳақларга муяссар эрмиш ул,  
Ул сабаб бўлгай эранлар шеру зўр.

2840 Ҳар гадога ҳам ўшал эрмас насиб,  
Ўт-алафни олдига чошлаб, босиб,

Е, дегайлар, сен шунинг тенги-туши,  
Нон қушидирсен, эмассен сув қуши.

**БИР ШАЙХ МУРИДИНИНГ ҲИРСИДИН ВОҚИФ  
БЎЛИБ, УНГА НАСИҲАТ ЭТГАНИ, ҲАҚ АМРИ  
ИЛА АНА ШУ НАСИҲАТ ЮЗИДАН МУРИДГА  
ҚУВВАТИ ТАВАККАЛ ЭТГАНИ**

Бир шаҳарга бордилар шайху мурид,  
Унда нон оз эрди, тақчил қўру қут.

Ғафлати боис муриднинг жонига,  
Тушди очлик ваҳми, олди домига.

Шайх бўлиб огоҳ анинг аҳволидин,  
Юзланиб, сўз очди мискин ҳолидин:

2845 Не эмиш, ҳой, ўзни чун кул этмагинг,  
Қайда ул сабру таваккул этмадинг?

Бас, эмасдирсен эранлардек азиз,  
Ҳақ сени қўйгайму бенону майиз?

Очлик истайдир фақат хоси Худо,  
Не керак очликка сендек бир гадо?

Сен эранлардин эмассен, бил ани,  
Қўймагайлар ҳеч маҳал нонсиз сени.

Коса узра коса, ош узра таом,  
Тўймагурларнинг насибидир мудом.

2850 Юрсалар, нон йўлда пешров бўлгуси,  
Ўлсалар, ўлдиргуси нон қайгуси.

Кетсалар, нон ҳам алардин Мосуво,  
Эйки, нон, деб ўзни чун этган адо,

Бас, таваккул эт, сабрни пеша қил,  
Ризқ ўзи сендан-да ошиқроқ эрур.

Ошигингдирким, эмаклар сен томон,  
Ул билур, сабринг тугунмишдир ҳамон.

Етса сабринг, ризқ ўзи келгай эди,  
Ёр каби бошингдин эврилгай эди.

2855 Келса гар бошингга очлик, титрама,  
Сен таваккулни таомдин кам дема.

КАТТАКОН БИР ОРОЛДА ЁЛҒИЗ ЯШАГАН ҲЎКИЗ  
ҲИКОЯСИ. ТАНҒРИ ТАОЛО ҲЎКИЗ ЎТЛАСИН  
УЧУН ОРОЛНИ ЎТ-ЎЛАНЛАР, МАЙСА-  
ЧЕЧАКЛАРГА ТЎЛДИРМИШ. ҲЎКИЗ КУН БЎЙИ  
ЎТ-ЎЛАНЛАРНИ ЕБ-ЯМЛАБ, СЕМИРИБ, ОҚШОМ  
ТОҚҚА ҚАЙТАРМИШ. ЎТЛОҚДА БОРИНИ ЕБ  
БИТИРДИМ, ЭРТАГА НИМА ЕЙМАН, ДЕБ ТУН  
БЎЙИ УХЛАМАС, ҚАЙҒУ ЧЕКАРМИШ. ЭРТАСИ  
ОРОЛНИ ТАҒИН ЎТ-ЎЛАН ҚОПЛАГАНИНИ  
КЎРИБ, ЯНА ЕМОҚҚА БОШЛАР, ОҚШОМГАЧА ЕБ  
ТУГАТИБ, СЕМИРИБ, ЯНА ҒУССАГА БОТАРМИШ.  
ОРАДАН ЙИЛЛАР ЎТСА ҲАМКИ, ҲЎКИЗДА  
ЭЪТИМОД ПАЙДО БЎЛМАМИШ

Бир орол бор эрди жаннатдек тўкис,  
Унда ўтлар эрди танҳо бир ҳўкиз.

Ўт-ўланларни тамомлаб кечгача,  
Ҳар куни яйраб, семиргайди пича.

Тун бўйи лекин адо айларди ғам,  
Не егаймен эртага, дерди. Эгам?

Эртага боқса, яшилдир ҳар тараф,  
Ҳар тараф яшнаб, кўкарган ўт-алаф.

2860 Ўт-алафга ўзни ургай эрди ул,  
Кун бўйи ямлаб битиргай эрди ул.

Эт қўйиб, ҳайбатли бўлгайди яна,  
Ёғ ила қувватга тўлгайди яна.

Тунда боз қўрқувга чўмгай эрди то,  
Ғам-аламлар бирла бўлгайди адо.

Эрта не ерман, дея чун уйқусиз,  
Ўтказарди ою йилларни ҳўкиз.

Ўйламас эрди вале, йилларки ман,  
Еб-ичармен, масканим чўлу чаман.

Ҳеч қачон кам бўлмади еб-ичганим,  
Бас, нечундир бу ваҳим, дарду ғамим?

2865 Ҳар қачон тун келса, ул тўзгин эди,  
Воҳки, ризқим битди, деб озгин эди.

Ул ҳўкиз нафс эрса, даштдир шул жаҳон  
Ҳар кеча нон дарди бирлан нотавон.

Эртага мен не моаш этгум, дегай,  
Етмаса ризқим магар, нетгум, дегай.

Кечди йиллар, битмади ризқинг бироқ,  
Қўй-да истиқболни, сен кечмишга боқ.

2870 Ою йиллар еб-ичарсен кўпу хўб.  
Эртани деб чекма ғам, қайгурма кўп.

АРСЛОН ЭШАКНИ ОВЛАГАНИ. ХОРИБ, ЧАНҚАБ  
ЧАШМА БОШИГА БОРГАНИ. БУ ОРАДА ТУЛКИ  
ЭШАКНИНГ ЖИГАРИ, ЮРАГИ ВА  
БУЙРАКЛАРИНИ ЕБ ҚЎЙГАНИ. АРСЛОН ИЗИГА  
ҚАЙТИБ, БУНИНГ ЖИГАРИ БИЛАН ЮРАГИ  
ҚАЙДА ДЕБ СЎРАГАНИ. ТУЛКИ, УНИНГ ЖИГАРИ  
БИЛАН ЮРАГИ БЎЛСАЙДИ, ЎШАНДОҚ  
ДАҲШАТНИ КЎРИБ, МИНГ ҲИЙЛА БИЛАН  
ЖОННИ ҚУТҚАРГАНИДАН СЎНГ БУ ЁҚҚА  
ҚАДАМ БОСАРМИДИ, ДЕБ ЖАВОБ БЕРГАНИ  
«ТИНГЛАСАЙДИК ЁХУД АҚЛ ЮРИТСАЙДИК,  
ДЎЗАХИЙ БЎЛМАСДИК».

Тулки Бошлаб келди, эшшак бўлди ер,  
Босди ногоҳ, пора-пора қилди шер.

Чанқади чун етди чек бардошига,  
Борди сув ичмоққа чашма бошига.

Вақт ғанимат эрди, тулки англади,  
Ҳам жигарни, ҳам юракни ямлади.

Ортига шер қайтди, боқди излабон,  
Йўқ жигардин ҳам, юракдин бир нишон.

2875 Тулқидан сўрди аларни қайда деб,  
Чунки аввал роҳат этмиш эрди еб.

Деди тулки: бўлса унда дил, жигар,  
Бул тарафга бошқа келмасди магар.

Ул қиёмат, ул қочишлардин кейин,  
Жон ҳовучлаб, чинқиришлардин кейин,

Бўлса эрди унда кўнгил, басди ул,  
Бул тарафларга оёқ босмасди ул.

Дилмидир ул, бўлмаса нур дил аро,  
Руҳдин айру танни тупроқ бил, қаро.

2880 Нури жондин айру қандил не эмиш?  
Қандил эрмас ул, қўлланса бир идиш.

Гар идишларда саноқ бор, эътидод,<sup>232</sup>  
Лек оловларда саноқ йўқ, иттиҳод.

Олти қандил нур сочарлар ярқираб,  
Лек уларнинг нурини бўлмас санаб.

Ул жуҳуд, мушрик кўрар қандилни тек,  
Аҳли мўмин бир кўрарлар нурни лек.

2885 Нурдамас, қандилда кўрса руҳни,  
Икки кўргай Шис бирлан Нуҳни.

Ул ариқ эрмишки, сув жавлони бор,  
Одамий улдирки, танда жони бор.

Бас, улар одам эмас, суврат эрур,  
Бул жаҳонда нону шаҳват деб ўлур.

### БИР ҲОЛАТГА ТУШИБ, КУНДУЗЛАРИ ҚЎЛДА ЧИРОҚ КЎТАРИБ, БОЗОР КЕЗГАН РОҲИБ ҲИКОЯСИ<sup>233</sup>

Ул бири бозор кезарди кундузи,  
Қўлда шамди, кўнглида ишқи, сўзи.

Билфузул сўрди баногоҳ: эй фалон,  
Не тиларсен ул дўкондин бул дўкон?

2890 Нени изларсен дўконларга боқиб,  
Куппа-кундузда бунингдек шам ёқиб?

Деди: излармен анингдек одамий,  
Ки тирик бўлсин ҳаётда ҳар дами.

<sup>232</sup> Эътидод -ҳисоб, ҳисоблаш.

<sup>233</sup> Румийшунос олимларнинг фикрича, бу ерда милоддан олдин яшаган юнон файласуфи Диоген кўзда тутилмоқда. Жадда - катта кўча, гузар.

Бормикин ҳеч? Деди: эй донойи ҳур  
Кам эмас, бозор тўла одам эрур.

Дедиким, мен икки йўллик жаддада  
Бир сабрли мардни истармен жуда.

Қаҳру шаҳват чоғи то эр бўлсин ул,  
Кўйма-кўй овора, излармен нуқул.

2895 Бормикин дунё ичинда бўйласи,  
Бўлса гар, жонимни айлай садқаси.

Дедиким, ул айтганинг камёб магар,  
Ғофил эрмишсен, қазодин беҳабар.

Сен кўрарсен парчани, ул-барчамиз,  
Асл-аҳкоми қадар, биз-парчамиз.

Чархни ҳам йўлдан адаштиргай қазо,  
Юз Аторуд устидан кулгай қазо.

Чора - тадбирлар жаҳонин тор этар,  
Тош-темирни сув қилиб, абгор этар.

2900 Эйки йўлда талпиниб, ургувчи гом,<sup>234</sup>  
Хому хомсен, хому хомсен, хому хом.

Айланур, кўрдинг тегирмон тошини,  
Энди кўргил сувни ҳам, қайношини.

Юксалур кўкларга тўзон гоҳ-гоҳ,  
Сен у тўзон ичра кўр боду ҳаво.

Қайнагай фикрат қозони дамба-дам,  
Сен қозон остида кўр оташни ҳам.

Ҳақ Аюбга лутфини айлаб баланд,  
Сабр бергум, деди ҳар мўминга ман.

---

<sup>234</sup> Ургувчи гом - қадам босувчи.

2905 Уз кўзингни, эмди мундоқ ўйлаким,  
Сабрини кўрдинг, сабр бергувчи ким?

Неча бор кўрдинг, чигирким айланур,  
Кўз солиб, кўр эмди сувни, қайда ул?

Сен баса кўрдим дегайсен, шошма, ҳай,  
Унда бор яхши аломатлар, талай.

Кўрганинг кўпик эмиш сув узра, ғўр,  
Ҳайрат истарсен, бориб денгизни кўр.

Кўрди кўпик, сирга бийрон бўлди ул,  
Кўрди чун денгизни, ҳайрон бўлди бул.

2910 Кимки кўпик кўрса, ният айласин,  
Кимки денгиз кўрса, дилга жойласин,

Ул кўриб кўпик, саноқ бошлар узун,  
Бул кўриб денгиз, йўқотгайдир ўзин.

Улки кўпик кўрди, бўлди чанг-ғубор,  
Булки денгиз кўрди, бўлди беғубор.

## МУСУЛМОН МУҒНИ ДАЪВАТ ЭТГАНИ

Деди мугга бир кишиким, эй фалон,  
Кел, мусулмон бўл-да, сен ҳам топ омон.

Деди: бўлгаймен Худойим ҳоҳласа,  
Лутф этиб, сидқу имоним ёқласа.

Деди: истар сидқу иймонингни Ҳақ,  
Қутқарур дўзахданам жонингни Ҳақ.

Лек у нафсинг, нафси шайтони дани,  
Сўйи куфронларга судрайдир сени.

Дедиким, чунки улар голиб эрур,  
Улки голиб, жазб этар, жозиб эрур.



Жазб этарким, мен борурмен ул тараф,  
Кучлидирким, ёндашурмен ул тараф.

Менга Ҳақ сидқу сафо истар баса,  
Ерда қолса истаги, не фойдаси?

2920 Нафсу шайтон айтганин қилдирса, бас,  
Ул иноят зое кетгайдир, абас.

Сен магар қасру сарой этдинг бино,  
Ҳар тараф нақшу нигор чекдинг расо.

Масжид этмоқчи эдинг сен, жойи хайр,  
Лек биров келди-да, олди, этди дайр.<sup>235</sup>

Ё тўқиб бўз, ҳозир айларкан матоҳ,  
Ниятинг бор эрди, этмоққа қабо.

Келди бир душман, қўлингни эгди ул,  
Олди ул карбосни, шалвор тикди ул.

2925 Ғолиб ул боққайму бўзнинг майлига,  
Бўз боқар ғолибга, юргай раъйига.

Сўйла, бу савдода бўзнинг айби не?  
Измига солгай магар ғолиб ани.

Ер бировнинг мулки эрди, унга тан,  
Ўзгаси сўрмай, келиб, экиди тикан.

Соҳиби мулк ранжиди хорлик чекиб,  
Этдилар хор ерига янтоқ экиб.

Бўйла қисмат менга ҳам юзланди бас,  
Баски хорлик ичрадирмен ҳар нафас.

2930 Чунки ҳосил бўлди ул Ҳақ истаги,  
Бўлмади аммо қабул Ҳақ истаги.

---

<sup>235</sup> Дайр - оташпарастлар ибодатхонаси.

Гарчи муғдирмен ва ё кофир бўлай,  
Шубҳа этмасмен Худога ҳар қалай.

Истамас эрса Худо, сен ўйлаким,  
Ким унинг мулкига юргизгай ҳукм?

Ўзгалар гар этсалар мулкани хор,  
Индамай тургайму ҳеч Парвардигор?

Ҳақ ўшал Шайтонни қувмоқ истагай,  
Лек Азозил, йўлга юр, деб қистагай.

2935 Арзигаё ул бедавога бўлса қул,  
Чунки ҳар бир анжуманда голиб ул.

Ул менинг бўйнимга солганда каманд,  
Не учун тутмас қўлимдин Зулминан?<sup>236</sup>

Чун Азозил истаги этса амал,  
Қайданам келсин бу ҳолимга самар?

## РАҲМОН ЭШИГИДА ШАЙТОННИНГ ҲОЛИ

Ҳақ ўзи не истаюрса, ул бўлур,  
Ҳар макону ломаконга ҳоким ул.

Токи Оллоҳ ҳукмини юргизмагай,  
Бандаси бир тола мўйин узмагай.

2940 Мулк унинг мулки, чу билмассен нечук?  
Эшиги олдида Шайтон бир кучук.

Соқчидир туркмон ити гар хонага,  
Бошини қўйгай ўшал остонага.

Тортқилар ҳар дам гўдаклар, ул фақир,  
Шу гўдаклар илкида зору ҳақир.

---

<sup>236</sup> Зулминан - эҳсонлар соҳиби, Худо.

Кўрса лекин нотаниш бир кимсани,  
Шер бўлиб, олдига солгайдир ани.

Чунки ашидду алал-куффор ул,  
Дўстга гул, душманга лекин хор ул.

2945 Чун берар тутмоч суйидин туркмон,  
Ул сабаб эшикда доим посбон.

Ҳақ яратган зоти шайтон ҳам магар,  
Ит эрур, кўппак, тийиқсиз, ҳийлагар.

Чун унинг овқат, ғизоси - оби рў,<sup>237</sup>  
Бас, тўкар яхши-ёмондин обрў.

Унга тутмоч суйи - обрўи авом,  
Иблиси кўппак ани айлар таом.

Ўони ҳар дам чодирини Ҳақ олдида,  
Ўлмагайму ҳукми мутлақ олдида?

2950 Тўда-тўда ҳам муриду ҳам марид,<sup>238</sup>  
Судралиб келгай халойиқ мисли ит.

Даргоҳи Ҳақ эшигида бесабр,  
Ўлтирурлар амри Ҳаққа мунтазир.

Эй кучук шайтон, дейилгай, бўлди, қалқ,  
Бир синов қил, токи йўлга тушди халқ.

Ҳамла қил, этгил ўйинлар бўйлаким,  
Айру бўлсин эр киму уроғочи ким.

Эй Худойим, асрагил, дейди киши,  
Бир қутурган итга қолганда иши.

2955 Асрагил, дейдики, эй Турки Хито,  
Қув итингни, йўлни бизга эт раво.

<sup>237</sup> Обирў - юзнинг суви... Мавлоно бу ерда сўз ўйини қилади.

<sup>238</sup> Марид - ўжар қайсар, саркаш.

То етай қаршимда хиргоҳингга мен,<sup>239</sup>  
Юз тутай жудинг ила жоҳингга мен.<sup>240</sup>

Турк агар ит олдида ожиз эса,  
Фойдасиздир кимса минг бир дод деса.

Турк деса ит олдида бечорамен,  
Ўз уйимда бўйлаким оворамен,

Сенда кирмассен эшикдин ичкари,  
Менда чиқмасмен эшикдин ташқари.

2960 Бошига тупроқ қўноғу туркнинг ул,  
Битта итга бўйла гар тутқун эрур.

Хошалиллоҳ Турк ҳайқирган замон,  
Ит не эрмиш, шер йиқилгайдир ҳамон.

Эйки ўзни шери Яздон ўйлаган,  
Ихтиёрин битта итга бойлаган.

Ул нетиб этгай сенинг-чун бир шикор,  
Сен ўзинг унга шикорсен ошкор.

---

<sup>239</sup> Хиргоҳ - чодир

<sup>240</sup> Жуд - жумардлик, жоҳ мавқе, мансаб

СУННИЙ МҰМИННИНГ ЖАБРИЙ КОФИРГА  
 ЖАВОБ БЕРИБ, БАНДАДА ЭРКУ ИХТИЁР  
 БОРЛИГИГА ДОИР ДАЛИЛ КЕЛТИРГАНИ. СУННАТ  
 - ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМЛАРНИНГ  
 ОЁҚЛАРИ ИЛА ТОПТАЛИБ, ОЧИЛГАН ЙЎЛДИР. У  
 ЙЎЛНИНГ ЎНГ ТАРАФИДА ЖАБР ЧЎЛИ БОРДИР,  
 У ЧЎЛГА ОЁҚ БОСГАНЛАР ЎЗЛАРИДА ИХТИЁР  
 БОРЛИГИНИ КЎРМАЙ, ЭТ-ЭТМА БУЙРУҚ-  
 ЛАРИНИ ИНКОР ҚИЛИБ, ТАЪВИЛ ЭТИШАДИ.  
 ЭТ-ЭТМА БУЙРУҚЛАРИ ИНКОР ЭТИЛГАЧ,  
 ЖАННАТ ҲАМ ИНКОР ЭТИЛГУСИДИР. ҚОЛБУКИ  
 ЖАННАТ БУЙРУҚҚА БЎЙСУН-ГАНЛАРГА  
 БЕРИЛГАН МУКОФОТДИР. ДЎЗАХ ЭСА  
 БУЙРУҚҚА БЎЙСУНМАГАНЛАРГА БЕРИЛГАН  
 ЖАЗОДИР. ХЎШ, ХУЛОСА НИМА?  
 СЎЙЛАМАЙМИЗ, ОҚИЛГА ИШОРАТ ЕТАР, У  
 ЙЎЛНИНГ СЎЛ ТАРАФИДА ҚАДАР ЧУЛИ БОРДИР.  
 БУ ЧЎЛГА ОЁҚ БОСГАНЛАР ХАЛҚ ҚУДРАТИНИ  
 ХОЛИҚ ҚУДРАТИДАН УСТУН ҚЎЮРЛАР.  
 БУНДАН НЕЧА БИР БУЗУҚ, ФАСОД  
 ТУШУНЧАЛАР МАЙДОНГА КЕЛУРКИМ, УЛАРНИ  
 МУҒИ ЖАБРИЙ БОЯ ТЎКИБ СОЛМИШДИ

Деди мўмин: тингла, жабрий, бул хитоб,  
 Сўйладинг, сўзингга бергаймен жавоб.

2965 Ўйнадинг, боқдинг ўзинг, шатранжбоз,  
 Ўзгалар ҳам ўйнасин, кўргил бир оз.

Номайи узринг ўқиб бўлдинг магар,  
 Номайи суннийга эмди сол назар.

Нуқта айтдинг жабриёна не қазо,  
 Тингла мендин, не эмиш бул можаро.

Ихтиёр бор бизда бешак, бегумон.  
 Ҳисга иқрорсен, бу иқроринг аён.

Тошга бир кимса дегайму, кел, аё,  
 Ё кесақдин кимса кутгайму вафо?

2970 Уч, дегайму одамийга бир киши?  
Кўр мени, деб кўрга айтарму киши?

Деди Яздон: моалал -аъмо ҳараж,<sup>241</sup>  
Зўрламас ҳеч кимсани Раббул фараж.

Тошга бир кимса, кечикдинг-ку, демас,  
Ё мени урдинг нечун, деб айбламас.

Силталаб, мажбурни сургайму биров?  
Ё суриб, маъзурни ургайму биров?

Амру наҳйю хашму ташрифу итоб.  
Ихтиёри борга этгайдир хитоб.

2975 Ихтиёр бордир зулмга, йўқ ажаб,  
Нафсу шайтондин сўз очдим ул сабаб.

Ботинингда ихтиёр сокин эрур,  
Кўрмаса Юсуфни, ким кесгайди қўл?

Нафсдадир майлу тилак, ул ихтиёр,  
Истагин кўрганда бўлгай беқарор.

Ит ётаркан, иътиёри эрди гум,  
Кўрди чун ишкамба, ул ўйнатди дум.

Арпани кўрганда от кишнар нечук?  
Этни кўрганда миёвлайди мушук.

2980 Ҳосил ўлгайдир кўришдин ихтиёр,  
Пуфлашинг ўтдин чиқаргандек шарор.<sup>242</sup>

Ихтиёринг қўзгалур ул дам, Билис,  
Сенга келтурса магар пайгоми Вис.<sup>243</sup>

---

<sup>241</sup> Кўзи ожизга вубол йўқ

<sup>242</sup> Шарор учқун

<sup>243</sup> Пайгоми Вис - Виснинг мактуби. XI асрда яшаган Эрон шоири Фахриддин Гургонийнинг “Висову Ромин” достонида қаламга олинган муҳаббат мижозосига ишорат.

Матлубин кўрганда жўшгай ихтиёр,  
Кўз очиб, ишга киришгай ихтиёр.

Ул малак шайтонга айлаб қасдма-қасд,  
Яхшилиқдин дилга солгайдир ҳавас.

Яхшилиқ этмоққа майлинг қўзгалур,  
Гарчи ухлоқ эрди бундан олдин ул.

2985 Бўйла бузгайлар қарорингни сенинг,  
Қўзгатурлар ихтиёрингни сенинг.

Васваса, илҳом юракда қўзгалур,  
Ихтиёри хайру шарринг ўн бўлур.

Ул сабабданким намоз айлаб тамом,  
Сен малакларга дегайсен: ассалом.

Ки дуойингиз туфайли хўбу хуш,  
Шул намозга ихтиёрим урди жўш.

Бир гуноҳ этсангчи, унда ўзгасен,  
Лаънат айтурсен ёвуз Иблисга сен.

2990 Икки зид-хайр бирла шаррни дамба-дам,  
Кўрсатурлар сенга парда ортидан.

Пардаи ғайб қалқса бир кун, ул кези,  
Очилур қаршингда даллоллар юзи.

Илгари кўп тинглаб эрдинг сўзларин,  
Эмди кўргайсен баралла ўзларин.

Шайтон айтуркиим, аё тан тутқуни,  
Арза этдим, этмадим мажбур сени.<sup>244</sup>

Лек фаришта дерки, ҳамдам мен эдим,  
Бўйла шодлиқдин гаминг ортар, дедим.

<sup>244</sup> Арза этмоқ - кўрсатмоқ. Қуръони карим, Иброҳим сураси, 22-оятга ишорат

- 2995 Бул тарафга юр, дедим мен, эй фалон,  
Бул тараф элтар сени сўйи жинон.
- Дўстдирмиз руҳи афзойингга биз,  
Сажда этмишдик чу бобойингга биз.
- Эмди ҳам хизмат адо этгувчимиз,  
Сенга, махдум, деб нидо этгувчимиз!
- Ул гуруҳ бобонга душман эрдилар,  
“Усжуду” амрига мункир бўлдилар.<sup>245</sup>
- Сен эса бординг, уларни сийладинг,  
Хизмат этмишдик, фаромуш айладинг.
- 3000 Бизга боққил ҳам уларни кўр аён  
Англатур ҳар кимни оҳангу баён.
- Тун яримда сўйласа дўст рози дил,  
Тонгда билгайсен магар айтгувчи ул.
- Икки кимса тунда келтирса хабар,  
Тонг отаркан, кимлиги маълум бўлар.
- Ит ҳуриб, арслон ўкиргай тун аро,  
Сен кўролмассен уларни, тун қаро.
- Кундузи такрор келаркан ул овоз,  
Оқил инсон англагай, ул кимга хос.
- 3005 Руҳу шайтон сенга савдо кўрсатур,  
Ихтиёрингдин нишон эрмасми бул?
- Ихтиёр бор бизда, лекин ул ниҳон,  
Матлубин кўрганда қўзғолгай ҳамон.
- Гоҳи устозлар гўдакларни урар,  
Бир қаро тошни урарларму улар?

---

<sup>245</sup> Усжуду - сажда қилинг



Тошга дерму: эртага келгил, аё,  
Келмасанг, мен сенга бергумдир жазо?

Ё кесакка кимса этгайму хитоб?  
Тошга айларму магар қаҳру итоб?

3010 Ул қадардан ҳам жабр расво турур,  
Чунки жабрий ҳиссига мункир эрур.

Ҳиссига мункир эмас марди қадар,<sup>246</sup>  
Ҳақ иши туйғуга сигмас, эй жигар.

Мункири феъли Худованди жалил,  
Рад этар ҳар лаҳза мадлули далил.<sup>247</sup>

Дерки, ўтсиз ҳам тутун бўлгусидир,  
Ёки шамсиз ҳам, дегай, бўлгуси нур.

Ул кўрар оташни, лек инкор этар,  
Якка инкор деб бу янглиғ кор этар.

3015 Тўни ёнгай, ул дегайким нор йўқ,  
Чок тикар, дерким, қатим йўқ, тор йўқ.

Бас, тафассутдир бу даъвои жабр,  
Балки андин яхшироқ эрмиш габр.

Габр дейди: шул жаҳон бор, йўқ Раб,  
Ҳар неча “ё Раб” десанг, бермас жавоб.

Ул эса дерким, жаҳон йўқ, вассалом,  
Айтгани мубҳам, суфастойи тамом.<sup>248</sup>

Шул жаҳон амри наҳий тасдиғидир,  
Бўйла эт, дер ёки бўйла этма, дер.

---

<sup>246</sup> Марди қадар - қадарга ишонувчи.

<sup>247</sup> Мадлули далил - далил далолат этган нарса.

<sup>248</sup> Суфастойи - қадимги Юнонистонда шаклланган, олам ва мавжудотни хаёлий ва мавҳум деб талқин этувчи фалсафий оқим, софистика.

3020 Ул дегай амри наҳий уйдирма, ло,  
Ихтиёр йўқ, бор демак-янглиш, хато.

Ҳисни ҳам ҳайвон далиллар, эй рафиқ,  
Лек буни англаш осон эрмас, дақиқ.

Бизга хос эрмишки майлу ихтиёр,  
Яхши таклифлар юракка хуш ёқар.

ИХТИЁРИМИЗ БОРЛИГИ, ЧОРАСИЗ  
ҚОЛИШИМИЗ, ҚАҲҲУ ҒАЗАБГА ТЎЛИШИМИЗ,  
САБРУ ТОҚАТ ҚИЛИШИМИЗ, ОЧЛИҚ, ТЎҒЛИҚ  
КАБИ ЎЗИМИЗГА ОИД ҲОЛАТЛАРНИ СЕЗИБ,  
АНГЛАШИМИЗ - ҲИС-ТУЙҒУ ДЕМАҚДИР. ҲИС-  
ТУЙҒУ ИЛА САРИҚНИ ҚИЗИЛДАН, КАТТАНИ  
КИЧИҚДАН, АЧЧИҚНИ ШИРИНДАН, МУШКНИ  
АҲЛАТДАН АЖРАТА ОЛАМИЗ. ТЎҒИНИБ,  
ЮМШОҚНИ ҚАТТИҚДАН, ИССИҚНИ СОВУҚДАН,  
ДЕВОРНИ ОҒОЧДАН ФАРҚЛАЙ ОЛАМИЗ.  
ИНСОНИЙ ТУЙҒУЛАРНИ ИНКОР АЙЛАГАН  
КИМСА УМУМАН ҲИССИЁТНИ ИНКОР ЭТАР,  
БУГИНА ЭМАС, У ЯНА ИЛГАРИ КЕТАР. ЧУНКИ  
БОТИНИЙ ТУЙҒУЛАР ЗОҲИРИЙ СЕЗГИЛАРДАН  
КУЧЛИРОҚДИР. ЗОҲИРИЙ СЕЗГИЛАР ЙЎЛИНИ  
ТЎСИШ МУМКИН, ЛЕКИН БОТИНИЙ ТУЙҒУЛАР  
ЙЎЛИНИ ТЎСИШ ИМКОНСИЗДИР. ОҚИЛГА  
ИШОРАТ ЕТАР

Ўз-ўзингни англашинг туйғу эрур,  
Бир ариқда икки тўлқин мавжланур.

Хушдир унга, эт ва ё этма, деган  
Амру фармон, мажаролар ҳам сухан.

3025 Эртага, дерсан, бу янглиғ айларам,  
Бу-далили ихтиёринг, эй санам.

Афсусу андуҳ чекарсан гоҳ маҳал,  
Ул-да эрку ихтиёрингдин магар.

Жумла Қуръон амру фармону ваҳим,  
Тошга фармон айлағайму бўйлаким?

Аҳли доно бўйла сўз сўйларму ҳеч?  
Тош-кесакка қаҳру кийн айларму ҳеч?

Ҳеч дегайму ул, буюрдим сизга чун,  
Эй ўликлар, этмадингиз сиз нечун?

3030 Ақлу ҳуш амр айлағайму тахтага,  
Нақш-душман, деб ўтарму ҳамлага?

Қўл-оёғи боғли қулга, келди ёв,  
Жангга кир, деб буйруқ айларму биров?

Кўкни, юлдузларни бор этган Худо,  
Сенга ҳеч беҳуда этгайму нидо?

Бандасини ихтиёрсиз билганинг,  
Халқни жоҳил, деб маломат қилганинг.

Йўқ қадар, деб айтса ҳақ эрмас фалон,  
Ҳаммадан лекин билимсизлик ёмон.

3035 Турк қўноққа эҳтиёт бўлгил, дегай,  
Бизга итсиз, ҳирқасиз келгил, дегай.

Кел фалон ёқдин адаб бирлан юриб,  
Кўппагим ташланмасин ногоҳ ҳуриб.

Сен эса доим этарсен аксини,  
Ул сабабдин кўппагим қопгай сени.

Кел базе қулларга ўхшаб, эй фалон,  
Кўппагим боқсин мулойим, меҳрибон.

Сен келарсен ит ва ё тулки била,  
Ҳар ўтовдин ит чиқар шиддат ила.

3040 Ихтиёр ул Ҳақда дерсанку, ажаб,  
Нега сочгайсен гуноҳкорга газаб?

Ёғдираркан ёвга қаҳринг ҳар куни,  
Нега билгайсен гуноҳкор деб уни?

Тахта-чўп шифтдин баногоҳ ажраса,  
Тушса бошингга ва мажруҳ айласа.

Тахтага қаҳру газаб айлармисен?  
Шум рақибим деб уни ўйлармисен?

Дермисен ҳеч: берди илкимга шикаст,  
Душманам ул, айлади жонимга қасд?

3045 Нега ургайсен гўдакни, эй фалон?  
Катталарга қўл кўтармоғинг гумон.

Ўғри урса мол-бисотингни сенинг,  
Қўл - оёгин синдириг, дерсан, унинг.

Хотинингга кўз олайтирса биров,  
Ўт кетиб жонингга, чирмашгай олов.

Сел ювиб, гарқ этса молингни агар,  
Этмагайсен унга қаҳру кийналар.

Не дегайсен, юлса дасторингни ел?  
Қўзгатарму бир нафас ориггни ел?

3050 Дилдаги қаҳринг-далили ихтиёр,  
Кўрсатур ул ихтиёрким, сенда бор.

Тевачи гар теvasини урса, ҳай,  
Тева ҳам ургувчига қасд айлагай.

Тева ул калтакка тўкмас қаҳрини,  
Ихтиёри борга сочгай заҳрини.

Итга тош отгил-да, кўргил, нетгай ул,  
Тошга эрмас, сенга ҳамла этгай ул.

Ҳамла этса тошга, билким, сен йироқ,  
Ул сабабдин тошга элтгайдир фироқ.

3055 Бўйлаким ҳайвон билур: не ихтиёр,  
Ақли инсон билмагайму ихтиёр?

Билгай ул, лек кўз юмиб, кўрмайди нур,  
Нон ейишнинг фурсатин чўзмоқ бўлур.<sup>249</sup>

Нурни кўрмас, нонни кўргайдир фақат,  
Юзни ул зулматга бургайдир фақат.

Ҳирс қуёшни бўйла пинҳон айлагай,  
Не ажаб, гар тарки бурҳон айлагай.

### ХАЛҚНИНГ ЭРКУ ИХТИЁРИ БОРЛИГИ, ЭРКУ ИХТИЁР ТАҚДИР ВА ҚАЗОДИН КЕЛМАСЛИГИГА ДОИР ҲИКОЯТ

Ўғри миршабга деди: эй подшо,  
Ҳар не қилдим, эрди ул ҳукми Худо.

3060 Деди: миршаб: ҳар не айлармен, жигар,  
Ул-да менга ҳукми Оллоҳдир магар.

Бир туруп олса дўкондин бир киши,  
Десаким гар, бу-Худонинг хоҳиши.

Мушт урарсен бошига, эй бесабак,  
Ўрнига қўйгилки, бул ҳам ҳукми Ҳақ.

Бир кўкат деб бўйла этсанг, эй фузул,  
Бўйла узринг этмагай баққол қабул.

---

<sup>249</sup> Бу ерда рўза кунлари этиладиган саҳарлик нонушта фурсатига ишорат этилмоқда.

Бўйла узрим бор, дея ўйланма кўп,  
Аждаҳонинг бошидин айланма кўп.

3065 Бўйла узрим бор, десанг эй соддадил,  
Молу жонинг барчаси қолгай сабил.

Йўқса, чун узрини қилгайдир киши,  
Узрин айтиб, ичда кулгайдир киши.

Тангри ҳукми гар узр эрмиш сенга,  
Сен уни ўрганда, фатво бер менга.

Менда юз орзу-ҳаво, шаҳват эрур.  
Лек йўлимда ваҳм ила ҳайбат эрур.

Бас, узрдин таълим айлаб эрта-кеч,  
Қўл-оёғимдин менинг бандимни еч.

3070 Ихтиёр этдинг магар бир пешани,  
Англатур ул ихтиёр андишани.

Йўқса, қайдин учради ул муддао,  
Сайлаб олдинг сен уни, эй кадхудо.

Жонда гар нафсу ҳавойинг қўзғалур,  
Дилдаги бир ихтиёринг юз бўлур.

Зарра заҳмат этса сенга дўсту ёр,  
Жанг қилишни айлагайсен ихтиёр.

Етса лекин навбати шукри наъам,  
Ихтиёринг қолмагай бир зарра ҳам.

3075 Унда дўзах ҳам аяб турмас сени,  
Ёндириб ул дерки, маъзур тут мени.

Бул узр, бундоқ далилинг сенга оз,  
Баски, жаллод илкидин этмас халос.

Бул жаҳонга боқки, чун манзум эрур,  
Ул жаҳонинг ҳам магар маълум эрур.

ЖАБРИЙГА ЖАВОБАН ИХТИЁР ИСБОТИГА, “ЭТ-  
ЭТМА” АМРЛАРИНИНГ ҲАҚИҚАТИГА, ЖАБРИЙ  
АЙТГАН УЗРНИНГ ҲЕЧБИР МИЛЛАТ, ҲЕЧБИР  
ДИНДА ҚАБУЛ ЭТИЛМАСЛИГИГА, БУ УЗР ИЛА  
ЖАЗОДИН ҚОЧИБ ҚУТУЛИБ БЎЛМАСЛИГИГА  
ДОИР БИР ҲИКОЯТ. ЧУНОНЧИ ИБЛИС ҲАМ  
“РАББИМ, СЕН МЕНИ ЙЎЛДАН ОЗДИРДИНГ”  
ДЕМИШДИ, СЎЗИ ҚАБУЛ БЎЛМАДИ. ОЗ КЎПГА  
ДАЛОЛАТ АЙЛАР

Бир киши эрди дарахтнинг устида,  
Силкитиб, мева қоқарди пастига.

Келди боғбон, деди: эй бузғун амал,  
Не қилурсен, ҳай? Худойимдин уял.

3080 Дедиким: мен-банда, бул-боғи Худо,  
Мевасин ерман Худойимдин ато.

Кўр-кўрона сен маломат айлама,  
Қўй бу очкўзликни, одат айлама.

Деди: ҳой, Айбак, кетур арқонни сен,  
То бу дам олсин жавобин Бул-Ҳасан.

Ўғрини тутди, дарахтга боғлади,  
Урди андоқким, туйиб тўқмоқлади.

Ўғри ул қичқирди: инсофинг қани?  
Беғуноҳдин ўлдирарсен бандани.

3085 Деди боғбон: мен - Худонинг бандаси,  
Ушбу калтаклар-Худонинг зарбаси.

Қул-Худонингдир, тани ҳам жони-да,  
Менда қулдирмен, унинг фармонида.

Деди ўғри: тавба қилдим, эй аёр,  
Ихтиёр бордир жаҳонда, ихтиёр.

Ихтиёри ихтиёринг келтирур,  
Бир суворийдирки, тўзон ичра ул.

Ихтиёрин ихтиёринг айлагай,  
Амрини кўнгилга бундоқ жойлагай.

3090 Суврат ичра гарчи ул беихтиёр,  
Ҳар нечук махлуқда ленкин иқтидор.

Ихтиёрсиз ўлжасин овлайди ул,  
Зайд қулоғидин тутиб, товлайди ул.

Қўлламай бир восита, сунъи самад,<sup>250</sup>  
Ихтиёрингни сенга этгай каманд.

Ихтиёри бирла Зайдни бойлагай,  
Итсизу тўру тузоқсиз овлагай.

Ул дурадгорким, ёғочга амр этар,  
Ул мусаввирким, расмни банд этар,

3095 Не темирлар чун темирчи ҳукмида,  
Олату асбоб қурувчи ҳукмида.

Бир ажиб улдирки, мунча ихтиёр  
Ихтиёрига эгилгайдир ҳазор.

Қудратинг жонсиз жисмга етгуси,  
Қайда лекин унга жон бахш этгуси?

Қудрати Ҳақ гар буюқдир ончунон,  
Ихтиёрингдин айирмас ҳечқачон.

Сўйла Ҳақ ҳоҳиши не эрмиш, камол,  
Неча айтсанг, заррача етмас завол.

---

<sup>250</sup> Сунъи самад - Тағрининг санъати



3100 Чун дединг: куфрим-Худонинг хоҳиши,  
Ҳоҳишинг бордир куфрга, эй киши.

Ҳоҳишинг йўқ эрса, кофирлик-да йўқ,  
Куфри беҳоҳиш - таноқиздир тўлиқ.<sup>251</sup>

Амр этиш ожизга офатдир ёмон,  
Лек Худонинг қаҳри андин беомон.

Моли саркаш эрса, гаврон унга эп,  
Кимса ургайму уни учмайди деб?

Молки саркашликда маъзурмас чунон,  
Соҳиби мол маъзур ўлгайдир қачон?

3105 Хаста эрмассен, бошингни бойлама,  
Ихтиёринсиз табассум айлама.

Жаҳд этиб, Ҳақнинг шаробидин симир,  
Ихтиёрингсиз, беҳуда мастона юр.

Сенда эрмас, майда бўлгай ихтиёр,  
Сен эса маъзур эурсен маствор.

Ҳар не сўйларсен, сабабчи май бўлур,  
Ҳар не айларсен, сабабчи май бўлур.

Жоми Ҳақдин улки ичгайдир шароб,  
Не этар, этгай нуқул адлу савоб.

3110 Фиръавнга деди соҳирларки, тур,  
Қўл-оёқдин маст киши ғофил эрур.

Қўл оёқдир бизга Ҳақнинг жоми, бас,  
Зоҳирий қўл соядир чун, ўзгамас.

---

<sup>251</sup> Таноқиз - зиддият.

“МОШООЛЛОҶ КОНА”, ЯЪНИ, ТИЛАК\_УНИНГ  
ТИЛАГИДИР, РОЗИЛИК УНИНГ РОЗИЛИГИ.  
УНИНГ РОЗИЛИГИНИ ИЗЛАНГ, ЎЗГАЛАРНИНГ  
ҒАЗАБИ, ЎЗГАЛАРНИНГ ГАПИДАН ДИЛТАНГ  
БЎЛМАНГ, СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ “КОНА-  
БЎЛДИ” ГАРЧИ КЕЧМИШ ЗАМОННИ БИЛДИРАР,  
АММО ТАНГРИ ИШИДА КЕЧМИШ ВА КЕЛАЖАК  
БЎЛМАС, ЗЕРО ДЕЙИЛМИШКИМ, “ОЛЛОҶ  
ҲУЗУРИДА НА САБОҶ БОР, НА ОҚШОМ”

Хоҳиши Ҳақ бўлди, дерса, эй ўғил  
Ишда танбал бўл дегони эрмас ул.

Бул, ишингда саъйу ғайрат қил, демак,  
Чин садоқат бирла хизмат қил демак.

Десалар: буткул муродинг келгуси,  
Ҳар не истарсен, муҳайё бўлгуси.

3115 Унда танбаллик басае жоиз бўлур,  
Хоҳишинг ул баски юз фоиз бўлур.

Десалар гар: айш шаъоллоҳу кон,<sup>252</sup>  
Ҳукм - унинг ҳукми, мақаррар, жовидон.

Тортмагай иш, жозиб эрмасдир сенга,  
Бас, нечун парвона эрмассен анга?

Десаларким, ҳар не истайдир вазир,  
Ҳукм-унинг ҳукми, ўшал бўлгусидир.

Айланурсен бошидин парвонадек,  
Бошима келгайму, деб, эҳсони нек.

3120 Ё вазирнинг қасридин кетгаймисен?  
Бул ишингдин бир самар кутгаймисен?

---

<sup>252</sup> Оллоҳ не тиласа бўлур...

Тескари айлар эсанг, танбал ўзинг,  
Хотиринг хомуш, паришондир сўзинг.

Амри-амри хўжадир, ул не демак?  
Хўжа бирлан эшу ҳамдам бўл, демак:

Баски айлан хўжанинг атрофидин,  
Ки нажот бергай сенга даргоҳидин.

Неки истар ул, сенга бўлгай яқин.  
Узма кўнгил, айла бори хизматин.

3125 Йўқса, кўп эврилма бул маскан аро,  
Бўлмасин рангинг сарик, номинг қаро.

Ҳақдир ул таъвилки, шердил айлагай,<sup>253</sup>  
Боумид, номусли, эпчил айлагай.

Гар бўшаштирса, паришон этса, бас,  
Тадбил эрмиш ул, вале таъвил эмас.

Ҳақ сени ишга, юмушга йўллагай,  
Ноумидларни кўтаргай, қўллагай.

Маънийи Қуронни кўр Қуръонда, бас,  
Ўтда ёнганларда кўр ҳою ҳавас.

3130 Улки жон Қуръонга қурбон айлади,  
Бўйладирким, жонни Қуръон айлади.

Мойни кўргил, гулга жон бахш этди ул,  
Иста, гулмой ҳидла, иста, ҳидла гул.

---

<sup>253</sup> Бу ерд таъвил - йўл-йўриқ маъносида

ЧУНОНЧИ “ҚАЛАМ ЁЗДИ ВА ЁЗУВНИНГ СИЁҲИ  
ҚУРИДИ” ДЕЙИЛМИШ. БАНДАЛИК ИЛА ГУНОҲГА  
БОТИШЛИК КЕЛИШМАС. ОМОНАТ ИЛА  
ЎҒРИЛИК ҚИЛИШ КЕЛИШМАС. ҚАЛАМ  
БУЛАРНИДА ЁЗДИ ВА ЁЗУВНИНГ СИЁҲИ  
ҚУРИДИ. ШУҚР ЭТИШЛИК ИЛА НОНҚЎРЛИК  
ҚИЛИШ КЕЛИШМАС. БУНИ ҲАМ ҚАЛАМ ЁЗДИ  
ВА СИЁҲИ ҚУРИДИ, ДЕЯВЕР. ЧУНКИ “ОЛЛОҲ  
ЯХШИЛИК ҚИЛУВЧИЛАРНИНГ АМАЛЛАРИНИ  
ЗОЕ АЙЛАМАС”<sup>254</sup>

Бўйлаким таъвил қад жаффул-қалам,<sup>255</sup>  
Сенга бир ташвиқ эрур, эй муҳтарам.

Ёздиким, ҳар ишни айларсен адо,  
Бор анга лойиқ мукофоту жазо.

Эгри бўлсанг гар, қабоҳатдир насиб,  
Тўғри бўлсанг гар, саодатдир насиб.

3135 Зулм этарсен ҳам, уни ёзгай қалам,  
Адл этарсен ҳам, уни ёзгай қалам.

Ўғрилик қилсангда, ёзгайдир яна,  
Ёки маст бўлсангда, ёзгайдир яна.

Сен раво кўргаймидирсен, Раббу Ҳақ  
Қолса ожиз, этмаса ҳукми сабақ?

Деса, қўлдин кетди иш, хорланмагил,  
Келма менга, ёлвориб, зорланмагил.

Не эмишдир аслида жаффул қалам?  
Тенг эмас олдимда, дер, адлу ситам.

3140 Хайру шаррни мен айирдим ончунон,  
Фарқлидир ҳатто ёмондин энг ёмон.

<sup>254</sup> Қуръони карим, Тавба сураси, 120-оятга ишорат.

<sup>255</sup> Қалам ёзди ва сиёҳи қуриди.

Ортса сенда заррача фазлу адаб,  
Бул сенга эҳсони Дўстдир, лутфи Раб.

Зарра ул қадрингни афзун айлагай,  
Тоғ этиб, қаддингни устун айлагай.

Улки подшо ишда бетадбир эса,  
Олдида одилу золим бир эса.

Титраса олдида ҳар дам ул бири,  
Таъналар ёғдирса унга бул бири,

3145 Бормаса фарқига икки кимсанинг,  
Шоҳ эмасдир, бошига тупроқ анинг.

Заррайи жаҳдинг агар афзун эрур,  
Ҳақ тарозусида ул мавзун эрур.

Жон чекарсен подшо олдида, қул,  
Билмагай лек содиқу хоинни ул.

Шум ҳасадчи этса унга гийбатинг,  
Зое бўлгай шунча этган хизматинг.

Шоҳки огоҳдир, хабардор ҳар нафас,  
Шумният гийбатчиларни тингламас.

3150 Жумла гийбатчи ўчиб, маъюс эрур,  
Бизга келганда ва лекин акси ул.

Шоҳга сўйлаб, бизга этгайлар жафо,  
Бас, қалам ёзмишди: камроқ қил вафо.

Маънийи жаффул-қаламдир эътибор,  
Ки вафо бирлан жафонинг фарқи бор.

Ҳам вафолардин вафо келгай, деди,  
Ҳам жафолардин жафо келгай, деди.

Авф бор, лек қайда уммиду фуруғ,  
Бандаси тақволи бўлгай, юз ёруғ?

3155 Авф этилса, ўғри жонни қутқарур,  
Лек вазиру газнабон бўлгайму ул?

Кел, Аминиддинни Раббоний аё,  
Чиқди майдон ичра ул тожу ливо.<sup>256</sup>

Шаҳга шаҳзода хиёнат қилгуси,  
Шубҳа йўқким, бошидин айрилгуси.

Ҳинду қул шаҳга садоқат айлагай,  
Шаҳ карам айлаб, дуолар сўйлагай.

Қул не эрмиш, ит агар этса вафо,  
Соҳиби ит андин ўлгайдир ризо.

3160 Не ризо, итнинг лабидин ўпгуси,  
Ит эмас, шер бўлса, нелар этгуси?

Ўғри гар сидқу садоқатлар этар,  
Шаҳ анга лутфу иноят кўрсатар.

Ул Фузайл йўлларни тўсағиди давом,  
Тавба қилди, йўлни ўзгартди тамом.<sup>257</sup>

Этди соҳирлар неча сабру вафо,  
Бўлди Фиръавн арода юз қаро.

Қўл-оёқни бердилар қўрқмай, дадил,  
Қайси тоат мунча бўлгай, сўйлагил?

3165 Сенки эллик йил этарсен хизматинг,  
Қайда лекин бўйла сидқу ҳимматинг?

---

<sup>256</sup> Ливо - байроқ.

<sup>257</sup> Фузайл - Марвлик, баъзиларнинг фикрича, самарқандлик машҳур қароқчи. Бошда қароқчилик билан шуғулланиб, кейин тавба-тазарру қилиб, тақво йўлини тутган.

БИР ДАРВИШ ҲИКОЯТИКИМ, ҲИРОТДА  
ХУРОСОН АМИДИНИНГ АРАБ ТУЛПОРЛАРИНИ  
МИНИБ, ЗАРБОФ ТҶНЛАР КИЙИБ, БОШИГА  
ЗАРРИН ҚАЛПОҚЛАР ҚҶНДИРГАН, ЯСАНИБ-  
ТУСАНГАН ҚУЛЛАРИНИ КҶРИБ, БУЛАР ҚАЙСИ  
АМИРЛАРУ ҚАЙСИ ПОДШОЛАР, ДЕБ СҶРАГАНИ.  
УНГА, БУЛАР АМИРЛАР ҲАМ, ПОДШОЛАР ҲАМ  
ЭМАС, ХУРОСОН АМИДИНИНГ ҚУЛЛАРИ, ДЕБ  
ЖАВОБ БЕРИШГАНИ, ШУНДА ДАРВЕШ  
ОСМОНГА ЮЗЛАНИБ, ЭЙ ХУДО,  
ҚУЛПАРВАРЛИКНИ АМИДДАН ҶРГАН, ДЕБ  
КИЧҚИРГАНИ. ХУРОСОНДА МОЛИЯ ИШЛАРИ  
НОЗИРИНИ “АМИД” ДЕРЛАР

Бор эди Ҳирида бир йҶқсил, Ҷшал,<sup>258</sup>  
КҶчада дуч келди қулга бир маҳал.

Эй Худойим, қулга чун эҳсон этар,  
ХҶжамиздин сен-да Ҷргансанг, нетар?

Бандапарварликни Ҷрган, эй Худо,  
БҶйла эрмиш қулга эҳсону ато.

3170 Бенаво дарвеш, қаландар эрди ул,  
Қиш-зимистонларда титрар эрди ул.

ЙҶқчиликдин бҶйла журъат айлади,  
Журъат айлаб, ушбу сҶзни сҶйлади.

Ул биларди лек не эрди марҳамат,  
Ҳақ надими эрди, аҳли маърифат.

Шоҳ надими этса густоҳлик, қабул,  
Сен вале дам урма, сенда йҶқ далил.

Белни Ҳақ берди, камар этгайму дош?  
Кимса тож берса, Худойим берди бош.

---

<sup>258</sup> Ҳири - Ҳирот шаҳри.

3175 Хўжани подшо гуноҳкор айлади,  
Тутди бир кун, қўл-оёгин бойлади.

Олди қулларни сўров-қистовга сўнг,  
Ки амиднинг ганж-бисотин кўрсатинг.

Сиррини ошкор этингиз менга то,  
Йўқса этгаймен ширин жондин жудо.

Муддати бир ой азоб берди, ситам,  
Кеча-кундуз кўз очирмай дамба-дам.

Пора-пора қилди, бир қул айтмади -  
Хўжа асрорини, сўздин қайтмади.

3180 Уйқуда дарвешга сас келди: киё,  
Бандаликни сен-да ўргангил, аё.

Эй Юсуф тўнини йиртган ҳийлагар,  
Кўр ўзингдин, бўри қонинг тўкса гар.

Ҳар неким тиксанг, киярсен йил бўйи,  
Ҳар неким эксанг, еярсен йил бўйи.

Ҳосилинг чун ғусса эрмишдир, алам,  
Шул эрур маънийи қад жаффул қалам.

Йўлимиз йўлдин оғишмас ҳеч қачон,  
Яхшига яхши, ёмонларга ёмон.

3185 Ишла, ҳей, токи Сулаймон зиндадир,  
Дев эсанг, шамшир сенинг бўйнингдадир.

Гар малак эрсанг, омонсен ҳар маҳал,  
Ки Сулаймондин етишмас бир хатар.

Девдадир қасди, малакда бўлмагай,  
Ердадир ранжи, фалакда бўлмагай.



Сен жабрни қўйгил энди, бўш ўйин,  
Сирру асрорини билгайсен кейин.

Улки танбал жабридир, тарк айлагил,  
Жонга тенг жабрингни билгил, англагил.

3190 Эй гўзал деб ўзни билгувчи булут,  
Қўй у маъшуқликни, ошиқликни тут.

Маъни ичра лол туриб тун сингари,  
Нега изларсен ўзингга муштари?

Бошни ул чайқар қошингда шунчаким,  
Вақтни сен зое этарсен унчаким.

Сен дегайсен, бул ҳасаддир, ташла, кеч,  
Ҳечга бир кимса ҳасад этгайму ҳеч?

Эйки пасткаш, берганинг таълим абас,  
Сен кесакка нақш чекарсен, тошгамас.

3195 Англа аввал, не эрур ишқу назар,  
Тошга нақш чекмоқ магар мундоқ бўлар.

Нафс сенга шогирд тушиб, айлар вафо,  
Най йўқотдинг, қайдин изларсен наво?

Ўзгаларга бермоқ истарсен билим,  
Ул билим йўқдир ўзингда, ўйлаким.

Ул маконга баски бойлабсен кўнгил,  
Ундин айру тушмагайсен, қўрқмагил.

Амри “Қул” ҳам шул сабаб келмиш атай,  
Мисли денгиз ул, сира кам бўлмагай.<sup>259</sup>

---

<sup>259</sup> “Қул - айтгил” сўзи Қуръони каримнинг уч юз ўттиз икки оятида учрайди.

3200 Анситу, яъни, сувингни беҳуда  
Сарфлама, боғ сувга чанқоқдир жуда.<sup>260</sup>

Бул сухан пойнсиз эрмиш, эй ўгил,  
Боқки, қандоқ бир ниҳоя топди ул.

Қўзгалур рашким, йўлингни тўссалар,  
Ошиқ эрмаслар, сўзинга кулсалар.

Улки ошиқдир, кўринмасдан бу дам,  
Сен учун этгай фиғонлар дамба-дам.

Бўйла ошиқларга кўнгил бойлагил,  
Даҳри дун ошиқларига боқмагил.

3205 Шунча йил нонинг егайлар эрта-кеч,  
Зарра ҳиммат этдиларму сенга ҳеч?

Халқни деб нелар бошингдин ўтмади?  
Йўл босиб юрдинг, муродинг етмади.

Соғ эканда барча дўсту ошно,  
Хасталик етганда дўстинг бир Худо.

Кўзу тишлар оғриси, жонинг ҳалак,  
Меҳрибонинг йўқ Худойингдин бўлак.

Эсла ул дардларни, чин ихлос қил,  
Сен Аёздек пўстининг эъзоз қил.

3210 Пўстинингдир - ҳолати дардинг, ажаб,  
Ул Аёз ҳам асрамишди шул сабаб.

---

<sup>260</sup> Анситу - тингла, эътибор қил.

ЯНА КОФИРНИНГ УНИ МУСУЛМОНЧИЛИККА  
ДАЪВАТ ЭТИБ, ЖАБРИЙЛИКНИ ТАРК ЭТИШГА  
УНДАГАН СУННИЙГА ЖАВОБИ. ЎРТАДА БАҲС-  
МУНОЗАРАНИНГ ЧЎЗИЛИБ КЕТГАНИ. ҲАҚИҚИЙ  
ИШҚ БУЛАРГА ПАРВО ЭТМАС, “ БУ ҲАМ  
ОЛЛОҲНИНГ ЛУТФИДИР, НЕ ИСТАСА, ШУНИ  
БЕРАР”

Кофири жабрий жавобин сўйлади,  
Сўйлабон, суннийни ҳайрон айлади.

Сўйласам гар не саволу не жавоб,  
Сўз узангай, дилга тушгай изтироб.

Сўзларим бордир улардин ҳам муҳим,  
Тингласанг, ўсгай магар фикру фаҳим.

Зарра айтдим мен у баҳсдин, эй ўғил,  
Заррада зоҳир бўлур қонуни Кулл.

3215 То қиёмат жабриву аҳли қадар,  
Баҳс этарлар, баҳсда чун айлаб жадал.

Баҳсда голиб чиқмасанг, нетгай эдинг,  
Мазҳабин сен ҳам қабул этгай эдинг.

Не бўлурди, мунча жон этмай хароб,  
Ул саволлар қолса эрди бежавоб?

Йўқ, улар майдонда қатъий турдилар,  
Неча бир фикру далил келтирдилар.

Бас, керак эрди жавоблар бермаги,  
Лозим эрди ёвни бундоқ урмаги.

3220 Етмиш икки мазҳаб ул айлаб давом,  
Етгуси маҳшарга, то явмул-қиём.<sup>261</sup>

Бул жаҳон эрмиш қоронғу бир жаҳон,  
Соялар тушмоққа ўнғай бир макон.

То қиёмат етмиш икки тургуси,  
Сўз камаймас, тортишувлар бўлгуси.

Гар хазина мулки салмоқдор эрур,  
Олдида миршаб баса бисёр эрур.

Мақсадинг чун олий эрса, эй жигар,  
Ҳозир ўлғайдир йўлингда йўлтўсар.

3225 Иззати Каъба не эрмиш, эй фати?  
Йўлтўсар аъробу чўллар заҳмати.

Ҳеч машаққатсиз бўлурму чхши йўл?  
Бемашаққат йўл жаҳонда қайда ул?

Ул бирига бул бири душмон эмиш,  
Ул муқаллид ўртада ҳайрон эмиш.

Ҳар гуруҳ ўз йўлига хурсанду бас,  
Ўзгалар йўлини дерлар: тўғримас.<sup>262</sup>

Эътироз бўлса, улар гавго этар,  
Бўйла савдо то қиёматга этар.

3230 Дер: улуғлар бор, улар бергай жавоб,  
Бизга кўрсатмас юзин важҳу савоб.

---

<sup>261</sup> “Мусонинг қавми етмиш бир бўлакка бўлинди, бир бўлаги қутилди, етмиш бўлаги жаҳаннамдадир. Исонинг қавми етмиш икки бўлакка бўлинди, бир бўлаги қутилди, етмиш бир бўлаги жаҳаннамдадир. Менинг умматим етмиш уч бўлакка бўлинди, бир бўлаги қутилди, етмиш икки бўлаги жаҳаннамдадир” /Ҳадис/.

<sup>262</sup> Қуръони карим, Мўминлар сураси, 53-оятга ишорат.

Васваса ёприлса, тўсгай ишқ уни,  
Ундан ўзга ким кесарди бўйнини?

Сен-да ошиқ бўл-да, бир ёр излагил,  
Сув кезиб, сувларда оққуш кўзлагил.

Тўкса обрўйингни, сувдин не самар?  
Не ақл ул, етса ақлингга зарар?

Ақлу идрокингдин афзал, бебаҳо,  
Неча гавҳарлар топарсен ишқ аро.

3235 Бор ақллар неча, ақлингдин бўлак,  
Ҳақ яратмишдир, самоларга тирак.

Бу ақлдин-ризқи рўзу фан сенга,  
Ул ақлдин-кўк юзи маскан сенга.

Очса юз кўнглингда ул ишқи Самад,  
Ул бирингга етти юз бергай Аҳад.

Ул хотинларким ақлни тикдилар,  
Ўйнашиб, Юсуф сари энтикдилар.

Этдилар бир лаҳза май бирлан талаш,  
Ақлу ҳушга бўлдилар бегонаваш.

3240 Юз Юсуфга тенг жамоли Зулжалол,  
Эй кўнгил, бўлгил фидойи ул жамол.

Ишқ кесар баҳсу адоватларни, бас,  
Ул эрур жонларга дармон, ўзгамас.

Сўзга ишқдин бўйлаким ҳайрат келур,  
Айтгали билмас қачон журъат келур?

Қўрқадир ул сўзга чун лаб очгали,  
Тушмагай андин баногоҳ гавҳари.

Лаб юмар то тушмагай деб ул гуҳар,  
Сўйламас бир зарра бўлсин хайру шарр.

3245 Сўйламишди бўйла асҳоби Расул:  
Лаб очиб сўзга Расули акрам ул.

Ҳар сафар айларди бизга жон нисор,  
Биздин истар эрди тамкину виқор.

Ўйлаким, қуш ўлтирур бошингда шай,  
Учмагай, деб жисму жонинг титрагай.

Ўлтирарсен бир қимир этмайки, то,  
Этмагай жаннат қушинг майли ҳаво.

Қўрқасен аксирмайин деб ногаҳон,  
Айрилурсен ул Ҳумойингдин ҳамон.

3250 Сўйласа бир кимса аччиқ ё ширин,  
Лабга босгайсен ишорат бармоғинг.

Қуш сени гар мунча тилсиз айлагай,  
Лек қозондек ичда жонинг қайнагай.

ПОДШО АЁЗНИ ТИЛГА КИРИТМОҚ УЧУН  
УНДАН, ЖОНСИЗ ЖИСМЛАР БЎЛМИШ ЧОРИҚ  
ВА ПЎСТИНГА НАМУНЧА ҒАМГИН ВА СЕВИНЧЛИ  
СЎЗЛАР АЙТУРСЕН, ДЕБ СЎРАГАНИ

Эй Аёз, чориққа меҳринг мунчалар,  
Ул санамдир, унга ошиқсен магар?

Эйки Мажнун, тарки Лайли айладинг,  
Айламишсен ёки ул чориқни дин?

Икки эски нарсани аъло билиб,  
Бош эгурсен ҳужра тўрига илиб.

3255 Икки жонсизга такаллуф айлабон,  
Сиру асрорингни этгайсен баён.

Бир арабдек, чодиринг йиққач, Аёз,  
Сўйлагайсен хору хасга ишқу роз.

Чоринг ул қайси Осаф киймаги?<sup>263</sup>  
Пўстининг қайси Юсуфнинг кўйлаги?

Попага учраб чу насроний атай,  
Унга бир йиллик гуноҳин сўйлагай.

Попа авф айлар ҳама айбу гуноҳ,  
Афви унга ўйлаким афви Илоҳ.

3260 Билмагай попи нечук ул журму дод,  
Боқ, нечук бир жоду эрмиш эътиқод.

Сидқ ясар юз бир Юсуфни бешу кам,  
Ишқ соҳир Ҳоруту Морутданам.

Ёд этар ёрин, бериб суврат анга,  
Сирлашар суврат-ла сўнг, ҳайрат анга.

Арз этар сувратга дардин бор-бор,  
Бўйлаким, ёр олдида сўйлайди ёр.

Суврату ҳайкал у ёқда учрамас,  
Юз “Аласт” бирлан “бали” янграйди, бас.

3265 Она, дарди кўздин оққан ёшида,  
Ўлтирар фарзанди қабри бошида.

Дилдаги ҳасратларин ул сўйлагай,  
Жондин айруни тирик деб ўйлагай.

Ҳаййу қойим деб билур ул хокни,  
Кўз, қулоғи бор дегай хошокни.<sup>264</sup>

---

<sup>263</sup> Осаф - Сулаймон алайҳиссаломнинг вазири.

<sup>264</sup> Ҳаййу қойим - тирик, жонли.

Бўйлаким шўрликда ҳолат, ақлу ҳуш,  
Кўргай ул ҳар зарра тупроқ ичра ҳуш.

Сўзларин тинглайди тупроқ ичра гўр,  
Ҳолига боққил, сеҳрли ишқни кўр.

3270 Она ул тупроқни айлаб жиққа нам,  
Юзларин сургай қабрга дамба-дам.

Ул тирик эрканда юзни сурмамиш,  
Юз суриб юзига, оҳлар урармиш.

Эскирар лекин аза, ғам ўрташи,  
Сўнгра ул кўнгилда ҳижрон оташи.

Ишқ ўликка не керак, ул энди ер,  
Ҳайи жонафзойга сен ишқингни бер.<sup>265</sup>

Ул қабр уйқу уфургайдир абад,  
Ки жамодийдин жамод келгай фақат.<sup>266</sup>

3275 Кечди ишқу ишқаро афсона ул,  
Сўнди оташ, қолди оташдонда кул.<sup>267</sup>

Ёш не кўргайдир боқиб кўзгусида,  
Пир кўрар ғишт узра, ўз ўтрусида.

Пир-ишқдир, кекса оқсоқол эмас,  
Қўллагай маҳзун, умидсизларни, бас.

Ишқ чизар ҳижронда сувратлар талай,  
Лек висол чогида суврат чизмагай.

Асли асл-мен, дейди инсон, яхшидир,  
Ҳусни сувратлар-чиройим аксидир.

---

<sup>265</sup> Ҳайи жонафзой-жонга жон бағишловчи, тирик.

<sup>266</sup> Жамод - жонсиз жисм.

<sup>267</sup> Оташдон - ўчоқ.



3280 Пардаларни мен кўтардим бул замон,  
Токи ҳусн қаршингда бўлгайдир аён.

Баски ҳусним акси эрди талъатинг,  
Жамладинг кўрмоққа зотим қувватинг.

Улки жазбим бул тарафдин урди-да,  
Кўрмагай кашишни энди ўртада.<sup>268</sup>

Мағфират истайди айлаб ул хато,  
Парда ортидин тилар лутфи Худо.

Гар булоқ кўз очса қоя остидин,  
Сувлари сачраб, сочилгай устидин.

3285 Эмди ҳеч кимса демас бул - қоятош,  
Баски айлар инжу, гавҳарларни фош.

Кўрганинг суврат эмасдир, коса ул,  
Ҳар неким Ҳақ қўйса, лиммо-лим тўлур.

МАЖНУННИНГ ХЕШУ АҚРАБОЛАРИ УНГА,  
ЛАЙЛИ У ҚАДАР ГЎЗАЛМАС, ШАҲРИМИЗДА  
УНДАН-ДА ОРТИҚРОҚ ГЎЗАЛЛАР БОР, БИР  
НЕЧАСИНИ КЎРСАТАЙЛИК, ЎЗИНГ ТАНЛАБ ОЛ,  
ЎЗИНГНИ ҲАМ ҚУТҚАР, БИЗНИ ҲАМ,  
ДЕЙИШЛАРИ. МАЖНУННИНГ УЛАРГА ЖАВОБ  
БЕРГАНИ

Неча нодон дедилар Мажнунга, бас,  
Лайли ҳусни ортиғу чандон эмас.

Шаҳримизда неча минглаб дилрабо,  
Андин ортиқдир магарким ҳусн аро.

Деди: суврат-кўза, май эрмиш ҳусн,  
Тангри менга май тутар ул кўзадин.

---

<sup>268</sup> Кашиш - поп, христиан руҳонийси.

3290 Сизга сирка, менга май сунгай басы,  
Ул сабабдин сизга хушмас кўзаси.

Бир идишдин ул Худойи аззи жал,  
Ҳам заҳар қуйгай-да, ҳам қуйгай асал.

Кўзани кўрдинг ва лекин ул шароб,  
Сенга пинҳон эрди, тутмишди ҳижоб.

Чунки ҳар кимга кўринмас завқи жон,  
Кўрсатур ёлғиз яқинларга нишон.

Ҳар тикилган кўзга бўлмас жилвагар,  
Ул қадаҳлар-пардадир, чодир магар.

3295 Гарчи денгиз жумла розларга ҳаёт,  
Қарға-қузғунларга офатдир, мамот.

Гар илонга оғу қувватдир, амал,  
Ўзгаларга ул ҳалокатдир, ажал.

Суврат ичра неча нозу неъмат ул  
Унга дўзах эрса, бунга жаннат ул.

Бас ҳама ашёву анжом ичра чун,  
Жонга дармон бор, заҳар ҳам ёширин.

Ҳар бадан ҳам косадир ё кўзадир,  
Кўза ичра оғудир ё бўзадир.

3300 Коса пайдо, ичда не сирру сифат,  
Кимки тотгайдир, ўшал билгай фақат.

Суврати Юсуф - гўзал бир жом эди,  
Отасига бодаи гулфом эди.

Оғаларга оғу эрди ул шароб,  
Чунки кўнгилларда қаҳр эрди, итоб.

Тотди ул жомдин Зулайҳо ҳам шакар,  
Йўқ, шакармас, балки оғую заҳар.

Эрди гар Яъқуб гизоси ўзгача,  
Лек Зулайҳонинг сафоси ўзгача.

3305 Кўза битта, шарбат эрди ончунон,  
Билмагай гайб шарбатига бир гумон.

Бода гайбдин, кўза дунёдин келур,  
Кўза пайдо, бода пинҳон эрди ул.

Гарчи номаҳрамга эрмиш ул ниҳон,  
Ошно, маҳрамга ошкору аён.

Ё илоҳо суккарат абсорано,  
Фо афу ано анқалт авзорано.<sup>269</sup>

Ё хафийян малағтал-л-хафиқайн,  
Қад ӯулавта фавқа нур ил-машриқайн.

3310 Анта сирру кошифу асрорано,  
Анта фажру муфжиру анҳорано.

Ё хафийян-з-зоти махсусал-ъато  
Анта калмоъи ва наҳу карраҳо.

Анта корриҳи ва наҳну кал-ғубор,  
Тахтафи ар-риҳу ғабраҳо жиҳор.<sup>270</sup>

---

<sup>269</sup> Эй Оллоҳим, сархушликдин кўзларимиз махмур бўлиб,  
елкамиздаги юк бизни чўктирди.

<sup>270</sup> Эй у дунёю бу дунёни тўлдирган асрор, мағриб нури билан  
ҳам, машриқ нури билан ҳам юксалган ўзингсен.  
Бир асрорсенким, сирларимизни майдонга сургувчи сен, бир  
чашмадирсенким, сувларимизни оқизгувчи сен.

Эй зоти ниҳон, эҳсони ошкор, сен-сувсен, биз-тегирмон тошидир-  
миз.

Сен-шамол, биз-ғубормиз. Ел кўзларга кўринмас, тўзон ҳавода  
солланур.

Сен-баҳор, биз-боғда ўсган дов-дарахт,  
Ташланур кўзларга эҳсонинг фақат.

Сенки жонсиз, биз сенга қўлмиз, оёқ,  
Жондин айру қўл-оёгингдир таёқ.

3315 Сен ақлсен, биз сенга тилмиз, забон,  
Сўзни айлармиз ақл бирлан баён.

Сен севинчдирсенки, бизлар хандамиз,  
Ки севинч ошкор этиб, фархундамиз.

Ҳар нафас этсак амал, феълу фаол,  
Бу-далили Ҳақ, гувоҳи Зулжалол.

Ул тегирмон тошиким эврилгуси,  
Айқириқ сувдин шаҳодат бергуси.

Эйки ваҳму қолу қийларсиз Эгам,  
Хок менинг бошимга, тамсилимга ҳам.

3320 Бандаким мадҳу санойинг қасдида,  
Дейди: шул жоним оёгинг остида.

Ҳов анув чўпонга ўхшаб дер: аё,  
Мен муҳиббинг, мен сари келгил, Худо.

Битларингдин мен сени фориг этай,  
Чоринг бутлаб, оёгингни ўпай.

Ҳаққа ишқи бўйлаким тенгсиз эди,  
Сўзу тасбиҳ ичра лек ожиз эди.

Ишқи гардун узра чин ўрнак эди,  
Жон ўшал чодирда бир кўппак эди.

3325 Баҳри ишқ забтига олмишди уни,  
Сенга етган ул садойи тўлқини.

ЖУҲОНИНГ ЧОДРА ЁПИНИБ, ХОТИНЛАР  
ОРАСИГА КИРИБ, ВАЪЗ ТИНГЛАГАНИ, ҚАЛТИС  
БИР ҲАРАКАТИ ТУФАЙЛИ КИМЛИГИ ОШКОР  
БЎЛИБ, БИР ХОТИННИНГ ДОД - ВОЙ  
КЎТАРГАНИ

Воизе бор эрди доно, хушбаён,  
Минбари пойида мардум ҳар қачон.

Чодра солди бошига, борди Жуҳо,  
Турди ул мажлисда хотинлар аро.

Сўрди воиздин бири чун сирру роз:  
Мўйи авратдин бузилгайму намоз?

Деди воиз: ҳа, намозингни бузар,  
Авратинг мўйини ўстирсанг агар.

3330 Лозим ўлгай баски қиртишлаб туриш,  
То намозинг комил ўлгай, хубу хуш.

Сўрди хотин: қанча ўстирса бўлур?  
Ошмасин, дерман, магар меёрдин ул.

Деди: арпа бўйидек ўсса етар,  
Андин ўстирма, намозинг мавҳ этар.

Деди Жуҳо: ҳай, сингилжон, боқ ўзинг,  
Авратим мўйи магар ўсганмикин?

Боқ Худо ҳаққи, хабар ол боридин,  
Ошмаганму туклари меёридин?

3335 Солди хотин қўлни эр шалворига,  
Қўли дуч келди ўшанда борига.

Сачради, дод-вой кўтарди шу маҳал,  
Деди воиз: сўзларим этмиш асар.

Деди Жуҳо: таъсир этди қўлига,  
Кошки таъсир этса эрди кўнглига.

Етди соҳирлар қўлига бир наво,  
Ўйлаким бирлашди қўл бирлан асо.

Кексадин олсанг асони, ранжигай,  
Ки асо қўлдир, оёқдир унга шай.

3340 Наърайи “ло дайр” бўлиб кўк ҳамдами,<sup>271</sup>  
Кес, дейишди, жонда йўқдир жон гами.

Англадикким, тан эмасмиз мутлақо,  
Бизга маскан энди даргоҳи Худо.

Бахтлидир гар кимса ўзни англаса,  
Мангулик қасрини бунёд айласа.

Ёш бола ёнғоқ, майиз деб йиғлагай,  
Катталар ёнғоққа парво қилмагай.

Бас, кўнгил олдида ёнғоқдир жасад,  
Ёш бола етгайму бул донишга, айт?

3345 Парда тортган ул гўдаклар эрди, бас,  
Эр киши улдирки, шубҳа айламас.

Гар соқоли бирла эр бўлса киши,  
Эчкиларнинг айру бўлгайди иши.

Эчки пешво бўлса, юртнинг шўри шул,  
Аҳлини бошлаб борар қассобга ул.

Ул соқол сийпаб дегай: мен пешқадам,  
Пешқадамдир чунки унга маргу гам.

Йўлга тушгил, эчки соқолдин қутил,  
Этма манманлик, қилу қолдин қутил.

<sup>271</sup> Ло дайр-зиёни йўқ. Қуръони карим, Шуаро сураси, 50-оятга ишорат.

3350 Жумла ошиқ аҳлига гул атри бўл,  
Сен гулистоннинг имоми, садри бўл.

Атри гулдир сендаги ақлу хирад,  
Бошлар у одамни то мулки абад.

ПОДШО АЁЗГА ЯНА БИР ҚАРРА, ШУ ЧОРИҚ ИЛА  
ПЎСТИН СИРРИНИ АНГЛАТ, ТОКИ  
ХЎЖАТОШЛАР ИБРАТ ОЛИШСИН, ДЕБ  
БУЮРГАНИ. ЗЕРО, ДЕЙИЛМИШКИМ, ДИН  
ПАНДУ НАСИҲАТДИР

Сўйла чориқ сиррини, англа, Аёз,  
Не сабабдин унга чун меҳру ниёз?

Тингласинлар Сунқуринг, Бекёруғинг,<sup>272</sup>  
Не эмишдир пўстининг ул, чоригинг.

Эй Аёз, қуллик сенинг-ла топди нур,  
Етди сўнг етти фалак, гардунга ул.

3355 Бўлди озодларга орзу бандалик,  
Баски бердинг бандаликка зиндалик.

Мўмин улдир, чўкса ҳам, юксалса ҳам,  
Қўзгалур имонидин кофирда гам.

БОЯЗИД ЗАМОНИДА БИР КОФИРГА, МУСУЛМОН  
БЎЛ, ДЕЙИШГАНИ, УНИНГ БУ СЎЗГА ЖАВОБ  
БЕРГАНИ

Боязид даврида кофир бор эди,  
Бир мусулмон юзланиб унга, деди.

Не бўлур гар этсанг исломни қабул,  
Ёрлақаб, бахту нажотинг бергай ул.

---

<sup>272</sup> Сунқур, Бекёруғ - хизматкорларнинг исмлари.

Деди: иймон бўлса чиндан, эй мурид,  
Билки ул иймони шайхи Боязид.

3360 Менда куч йўқ, тоқат этмасмен анга,  
Неча жаҳд этсам-да, етмасмен анга.

Гар ишонмасмен дину арконига,  
Лек ишонгаймен унинг иймонига.

Мен билармен тантиликда тоқ ўшал,  
Ҳотаму марду латиф, порлоқ ўшал.

Лабда муҳрим борки, очмасмен даҳон,  
Лек ишончим дилда сақлармен ниҳон.

Дин сенинг иймонинг эрса, эй киё,  
Менга йўқдир унга майлу иштаҳо.

3365 Кимсада гар эрса юз майли имон,  
Сизни кўргач, соврилур ул бегумон.

Бўйла бир номдирки, бемаъно, сўник,  
Чўлни бўстон деб аташдек жиннилик.

Кимса гар иймонингизни кўргуси,  
Ишқу иймондин ўшал айрилгуси.

БИР МУАЗЗИННИНГ ХУНУК ОВОЗ-ЛА  
КОФИРЛАР ШАҲРИДА АЗОН АЙТГАНИ, БИР  
КОФИРНИНГ УНГА ҲАДЯ БЕРГАНИ

Бир муаззин борди, овози ёмон,  
Келди кофир шаҳрига, айтди азон.

Дедилар: қўй, сен азон деб чекма ун,  
Тортгуси баҳсу адоватлар узун.

3370 Кўнмади ул, зое кетди эътироз,  
Ҳар куни урди неча бонги намоз.



Халқ тўлиб тошганда бул савдо била,  
Чиқди бир кофир, қўлида, тўн ила.

Шаъму ҳалво бор эди илкида боз,  
Ҳады келтирмишди айлаб сарфароз.

Сўрдиким, айтинг, муаззин қайда ул?  
Ки овози бизга ғоят хуш эрур.

Дедилар: овози қурсин, қўй уни,  
Дедиким, бутхонадин келгай уни.

3375 Бир қизим бор, ой хира ёғдусига,  
Тушди ул мўмин бўлиш орзусига.

Бошини банд этди савдо, кетмади,  
Панд-ўғитлар унга таъсир этмади.

Чун имон деб ўзни этмишди унут,  
Ул магар ўт эрди, мен ўт ичра уд.

Турмушим эрди азоб, дарду алам,  
Ўз уйимда гурбат эрди дамба-дам.

Ўртанаркан, чорасиз эрдим чунон,  
Бул муаззин айтди тўсатдин азон.

3380 Не овоз бул, деб ҳамон сўрди қизим,  
Ки унинг бирлан қорайди юлдузим.

Не овозлар тингладим мен эрта-кеч,  
Бул овоздек туймадим расвони ҳеч.

Синглиси дедики, бул-бонги азон,  
Аҳли мўминларни чорлайдир ҳамон.

Бовар, этмай, бошқалардин сўрди ул,  
Бошқалар ҳам дедиларки, бўйладир.

Ўйга толди, чекди андуҳ, чекди гам,  
Қўнгли қолди ул мусулмонликданам.

3385 Кетдилар ташвиш, азобим тарқалиб,  
Шул кеча ётдим магар роҳат қилиб.

Орзуга етказди овози мени,  
Ҳадя келтирдим, муаззин эр қани?

Кўрди муаззинни, деди: марҳабо,  
Бир йўла дардимга этдинг сен даво.

Мунча эҳсон бўлди менга этганинг.  
Ўлгунимча мен мададкоринг сенинг.

Молу мулк, давлатга бўлсайдим эга,  
Тўлдирар эрдим даҳонинг тиллага.

3390 Баски ул иймонингиз-макру мажоз,  
Бир қароқчидир ўшал бонги намоз.

Лекин ул иймону сидқи Боязид,  
Солди шул жисмим аро жонимга ўт.

Бир хотин эшшак жимосини кўриб,  
Не ажаб эркак, демишдир оҳ уриб.

Ишни бундоқ қойил этгай эр киши,  
Иш эмишму бизнинг эркаклар иши?

Берди иймон додини ул Боязид,  
Ки дегайсен: офарин, шери фарид.

3395 Қатра иймони тушаркан баҳр аро,  
Гарқ бўлур денгиз анингдек даҳр аро.

Тушса учқун бир бутоққа, нетгуси,  
Ўт кетиб, ўрмонни абгор этгуси.

Бир хаёл сургай чу подшоҳу сипоҳ,  
Ул хаёл сўнг ёвни янчар жанг аро.

Порлади андоқ Муҳаммад юлдузи,  
Қақшади габру жуҳуднинг илдизи.

Кимки иймон топди, топди ул омон,  
Ўзгаларга қолгани - куфру гумон.

3400 Сўнгра кофирлик-да битди бир йўла,  
Ё мусулмонлик-ла, ё қўрқув ила.

Сувга ёғ қўшмоқни этмишдик ғараз,  
Заррача нурдек бу сўздин наф эмас.

Зарра бўлгайдир ҳақиру мунжасим,  
Зарра бўлмас шориқи лоянқасим.<sup>273</sup>

Зарра айтишдан муродим бор ниҳон,  
Дур эмас, денгизда кўпиксен ҳамон.

Офтобдек порласа иймони шайх,  
Не ажаб, чун офтобдир жони шайх.

3405 Жумла тубанлар асил бўлгай тамом,  
Жумла юксаклар яшил бўлгай тамом.

Шул азиз нури мунирдин жон анга,  
Шул қаро хоки ҳақирдин тан анга.

Эй ажаб, ул булмидир, бул улми ё?  
Қолдим андоқ қийналиб мушкул аро.

Эй биродар, улки тупроқ эрса чун,  
Етти кўк нурига йўғрилмиш нечун?

Нур эса чун, не эмиш таннинг сири,  
Ким эмиш ул, иккисидин қай бири?

---

<sup>273</sup> Байтнинг мазмуни: зарра-бир жисмнинг ушоқ парчасидир. Зарра бўлакларга бўлинмайдиган порлоқ қуёш бўлолмас.

БИР ХОТИН ЭРИГА, ГҰШТНИ МУШУК ЕБ  
ҚҰЙДИ, ДЕГАНИ. ЭРИ МУШУКНИ ТАРОЗИДА  
ТОРТГАНИ, МУШУК ЯРИМ БОТМОН КЕЛГАНИ.  
ШУНДА ЭР, ҲОЙ, ХОТИН, ГҰШТ ЯРИМ  
БОТМОН, БАЛКИ УНДАН ОРТИҚРОҚ ЭДИ, ЭНДИ  
ЎЗИНГ АЙТ, ШУ ТАРОЗИДА ТОРТГАНИМ ГҰШТ  
ЭСА, МУШУК ҚАНИ, МУШУК ЭСА, ГҰШТ ҚАНИ,  
ДЕБ СҰРАГАНИ

3410 Кадхудо бир кимса бор эрди, ани,  
Нафси катта, олгир эрди хотини,

Эри не келтирса, ул ямлар-да, ер,  
Лек оғиз очишга ожиз эрди эр.

Бир сафар меҳмон чақирмоқ бўлди-да,  
Уйга гўшт келтирди не заҳмат ила.

Олди хотин гўштни ул, этди кабоб,  
Еб битирди, устидин ичди шароб.

Келди эр, етказди меҳмондин паём,  
Олдига тортмоқ керак, деди таом.

3415 Деди хотин: гўштни еб қўйди мушук,  
Бошқа гўшт келтир таомга етгулик.

Деди эр: Айбак, тарозини кетур,  
Мен мушукни тортайин, ёнимда тур.

Тортди мушукни тарозига солиб,  
Вазни келди нақ ярим ботмон бўлиб.

Ҳой, хотун, мушук ярим ботмон, деди,  
Гўшт ярим ботмондин ортиқроқ эди.

Эмди айт, бу гўшт эса, мушук қани?  
Мушук эрса, гўштни топ, кўрсат ани.

3420 Боязид ул эрса, руҳи сир надир?  
Руҳ эса, бул суврату тасвир надир?

Ҳайрат узра ҳайрат, эй ёрим менинг,  
На сенинг коринг бу, на корим менинг,

Иккиси ҳам ул, экиннинг асли-дон,  
Дону дунга эргашиб келгай сомон.

Бўйла ҳикмат иккиси ҳам бойлагай,  
Сонни гарданга баробар айлагай.

Тандин айру жон деган бечора ул,  
Жондин айру тан совуқ музпора ул.

3425 Гар танинг пайдову жонингдир ниҳон,  
Иккиси боис шу асбоби жаҳон.

Бошга соч тупроқни, тупроқ ёрмагай,  
Бошга қуйгил сувни, мутлоқ ёрмагай.

Бошни гар ёрмоқни этсанг ихтиёр,  
Йиғ ўшал тупроқни, сўнгра сувга қор.

Бошни ёрсанг, сув кетар, ўз аслига,  
Тандаги тупроқ-да тупроқ васлига.

Шул йўсин бир-бирга зидлар сийрати,  
Бирлашиб, ошкор ўлур Ҳақ ҳикмати.

3430 Бирлашувлар неча бўлгайдир, бироқ,  
Кўз кўриб, асло эшитганмас қулоқ.

Гар эшитса эрди ул, кутгаймиди,  
Бошқа сўзга ўзни ҳеч тутгаймиди?

Кўрса эрди порлаган хуршидни муз,  
Қордин узгай эрди бор уммидни муз.

Сув бўларди муз қотиб турмасди то,  
Зирҳ ясарди унда Довуди ҳаво.

Жонига дармон топарди ҳар дарахт,  
Ҳар оғочнинг бошига қўнгайди бахт.

3435 Лек ҳамон тўнгмиш, ҳамон муз эрди ул,  
Ҳар оғочга, ломасоси, дерди ул.<sup>274</sup>

Лайса яълаф лайса юълаф жисмуҳу  
Лайса илло шуҳҳу нафсин қисмуҳу.<sup>275</sup>

Зое эрмас, гарчи ювгайдир жигар,  
Лек яшиллик шоҳидин бермас хабар.

Эй Аёз, чун юлдузинг эрмиш баланд,  
Ҳар нечук манзилни этмас ул писанд.

Ҳар вафони хушлагайму ҳимматинг?  
Ҳар сафони қутлагайму сафватинг?<sup>276</sup>

БИР АМИР ҚУЛИГА, ШАРОБ КЕЛТИР, ДЕБ  
БУЮРГАНИ. ЙЎЛДА БИР ЗОҲИД ТОШ ОТИБ,  
ШАРОБ КЎЗАСИНИ СИНДИРГАНИ. БУНИ  
ЭШИТГАН АМИР ЗОҲИДНИНГ ТАЪЗИРИНИ  
БЕРИШГА ҚАРОР ҚИЛГАНИ. БУ ВОҚЕА ИСО  
АЛАЙҲИССАЛОМ ЗАМОНИДА ЮЗ БЕРГАНИ,  
УНДА ШАРОБ ҲАЛИ ҲАРОМ ЭТИЛМАГАНДИ.  
ЛЕКИН ЗОҲИД ХАЛҚНИ ШАРОБДАН ЮЗ  
ЎГИРИШГА ЧАҚИРАР, ШАРОБХЎРЛИККА  
ҚАРШИ ЭДИ.

3440 Бир амир бор эрди андоқ кўнгли ганж,  
Махмуру бечорага эрди суянч.

---

<sup>274</sup> Ломасоси - менга яқинлашма, менга тегма.

<sup>275</sup> Муз ҳеч нарса билан қўшилиб қоришмайди, ёлғиз ўзининг  
ҳирсу ҳавоси ила яшайди.

<sup>276</sup> Сафват - поклик, тозалик.

Мушфиқу мискиннавозу одиле,  
Ҳотаму зарбахшишу дарёдиле.

Шоҳимардону амирал-мўминин,  
Раҳнамои оқил эрди, дўсти чин.

Даври Исо эрди, айёми Масиҳ,  
Халқ дилдору камозору малиҳ.<sup>277</sup>

Келди бир меҳмон амирга бир кеча,  
Ул-да дилкаш эрди, хушфеъл айрича.

3445 Бода лозим бўлди хуш айларга ҳол,  
Бода ичмоқ унда пок эрди, ҳалол.

Бас, амир қулга буюрди: бўл шитоб,  
Кўза ол-да, бизга келтиргил шароб.

Бор фалон роҳибга, келтир амри хос.<sup>278</sup>  
Хосу омдин токи жон топсин халос.

Қатраси эрмиш магар жон роҳати,  
Неча минг хумнинг анга не нисбати.

Унда бир асрорки чун пинҳон эрур,  
Ул ҳақир тўнлик буюк султон эрур.

3450 Сен ямоқли тўнга боқма, эл аро,  
Гоҳи зар сиргини этгайлар қаро.

Тушмасин деб то ёмонларнинг кўзи,  
Чанг-ғуборга бурканур ёқут юзи.

Ганж деган бўлгайму кўркам хонада,  
Ганжу гавҳар изла сен вайронада.

Ганжи одам ҳам эди анда дафн,  
Кўрмади ул ганжни шайтони лаин.

<sup>277</sup> Малиҳ - ширин, бер ерда, юмшоқ муомалали, маъносида.

<sup>278</sup> Амир хос - махсус шароб.

Кўз соларди беписанд, кибри ўсиқ,  
Жон деюрди: сенга тупроғим тўсиқ.

3455 Икки кўза олди, елдек елди қул,  
Пири дайр олдига зудлаб келди қул.

Зар бериб, олди шароби зар ҳамон,  
Тош бериб, олди магар гавҳар ҳамон.

Майки, шоҳлар бошини дўндиргуси,  
Тожни соқий бошига қўндиргуси.

Майки, ул шўришу ғавғолар солур,  
Ки ўшал шоҳларга қуллар қотилур.

Устихонлар борки, жумла жон бўлиб,  
Тахту тахта бирлашур, яксон бўлиб.

3460 Сув била ёғдир чу ҳушёрликда эл,  
Жону тандир масту хумморликда эл.

Чун ҳалимдек дону дунга фарқ эмас,  
Фарқини билгайму улким фарқ эмас?

Бўйла бода эрди, элтар эрди қул,  
Соҳиби ҳиммат амир қасрига ул.

Учради йўл узра зоҳид ногаҳон,  
Ғам, алам илкида ожиз, нотавон.

Жисми кўнгил оташида эрди чўғ,  
Дил уйида Ҳақдин ўзга кимса йўқ.

3465 Меҳнату заҳматга чун ботмиш эди,  
Кўксида доғ узра доғ ётмиш эди.

Кўнгли айлар эрди ҳар дам ижтиҳод,  
Кеча-кундуз эрди ҳамдам ижтиҳод.



Ою йиллар бўйлаким ул маст эди,  
Сабри бирлан ҳилми ўксинмас эди.

Сўрди зоҳид: не этарсен бўйласи?  
Деди: бода, сўрди: кимнинг бодаси?

Дедиким, бул бодайи мири ажал,  
Деди: толиб бўйла этгайму амал?

3470 Толиби Яздон этарму айшу нўш?  
Бодайи шайтон емиргай ақлу ҳуш.

Эс-ҳушинг майсиз магар пажмурдадек,  
Ақлу ҳушга ақлу ҳуш қўшмоқ керак.

Бўйла ҳушёрликда бошдин ҳуш учар,  
Сархуш ўлган чоғда ҳолинг не кечар?

ҲИКОЯТ УЛ ҲАҚДАКИМ, ЗИЁИ ДАЛҚНИНГ  
БЎЙИ БАҒОЯТ УЗУН, УНИНГ БИРОДАРИ,  
ШАЙХУЛ-ИСЛОМ ТОЖИ БАЛХНИНГ БЎЙИ ҒОЯТ  
КАЛТА ЭДИ. ШАЙХУЛ-ИСЛОМ БИРОДАРИ  
ЗИЁДАН ТОРТИНАРДИ. ЗИЁ БИР КУНИ УНИНГ  
ДАРСИГА КЕЛДИ. БАЛХНИНГ БАРЧА УЛУҒЛАРИ  
УНДА ҲОЗИР ЭДИЛАР. ЗИЁ САЛОМ БЕРИБ,  
ИЧКАРИ КИРДИ. ШАЙХУЛ-ИСЛОМ ЯРИМ  
ҚАЛҚИБ, ЯНА ЎРНИГА ЎЛТИРДИ, ЯЪНИ,  
ЭТАРЛИЧА ЭҲТИРОМ КЎРСАТМАДИ. ЗИЁ УНГА  
БЎЙИНГ БАҒОЯТ УЗУН, БИР ОЗ ҚИСҚАРТ,  
ҲАММАСИНИ БИР ЙЎЛА КЎРСАТМА, ДЕДИ

Ул Зиёи Далқки хушилҳом эди,  
Ва биродар унга шайх-ислом эди.

Тожи Шайх-ислом дорулмулки Балх,  
Эрди паст бўйли, увоқ қуш эрди нақ.

3475 Гарчи фозил эрди, фахлу зуфунун,  
Лек Зиё эрди зарофатда фузун.

Камтар эрди, қадду басти кўп дароз,  
Шайхул-исломда ва лекин кибру ноз.

Ул Зиёдин тортиниб, тангдил эди,  
Чун Зиё ҳам воизи комил эди.

Бир куни мажлисга келди ул Зиё,  
Бор улуғлар эрдилар мажлис аро.

Шайхул-ислом кўрсатиб кибрин тамом,  
Қўзғалиб ўлтирди, айлаб ним қиём.

3480 Чун Зиё деди: дароздин ҳам дароз,  
Савр қаддинг бор, иним, қисқарт бироз.

Баски кўтоҳдир неча ақлинг сени,  
Май ичарсен, эй билимлар душмани.

Юзларингга сур упони, майдакаш,  
Не ажаб ул, гар упо сурса ҳабаш.

Кўнглинг ичра қилча нур йўқдир, ажаб,  
Боз нечун зулматни этгайсен талаб?

Соя излангай қуёшли кун аро,  
Соя изларму булутли тун аро?

3485 Май ҳалол эрди авомга чун таом,  
Ҳаққа толибларга лекин ул ҳаром.

Бода ошиқларга-кўнгил қони ул,  
Кўзлари йўл узра, манзил узрадур.

Йўлки ул қўрқинч биёбондин ўтар,  
Раҳнамони не машаққатлар кутар.

Қум сочарсен раҳнамо кўзига, хок,  
Оқибат карвонни этгайсен ҳалок.

Арпа нонин кўрма нафсинга раво,  
Бер кепак нонин, есин ул бедаво.

3490 Душмани Ҳақдир ўшал, хор айла бот,  
Ўғрини минбарга эрмас, дорга торт.

Қўлларин кес, зулму бедод айлагил,  
Кесмасанг, банд айла, маҳкам бойлагил.

Қўлларин кесгил, қўлингни бойлагай,  
Кес оёгин ҳам, оёқсиз айлагай.

Сен нега душманга бергайсен шакар,  
Ол, ҳалолинг, деб анга тутгил заҳар.

Кўзага тош отди зоҳид, синди ул,  
Синди ўзга кўза ҳам чун, қочди қул.

Борди мирга, арза изҳор айлади,  
Можаро не кечди, бир-бир сўйлади.

### АМИРНИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚИБ, ЗОҲИДНИ ЖАЗОЛАШ УЧУН ЙЎЛГА ТУШГАНИ

Бас, амирнинг жаҳли чиқди, сачради,  
Менга зоҳид уйини кўрсат, деди.

Гурзи бирлан токи ёргум бошини,  
Йиғлатиб, кўздин оқизгум ёшини.

Амри маъруфму магарким ит сўзи,  
Толиби маъруф эмишдир ул сўзи.

Ул фирибгар бўйла савдо айлагай,  
Токи бир овоза пайдо айлагай.

3500 Кўрсатур ушбу ҳунарни ҳар йўла,  
Гоҳи унга, гоҳи бунга макр ила.

Жинни эрса, жиннини не тинчитир?  
Жиннининг давоси - гаврон, қамчидир.

Тарк этур шайтон уни бешубҳа-шак,  
Урмасанг, йўлларда юргайму эшак?

Чиқди хуллас илкига чўқмор олиб,  
Етди зоҳид уйига аждар бўлиб.

Баски ўлдирмоққа азм этмишди ул,  
Қочди лек, беркинди зоҳид ҳар тугул.

3505 Беркиниб, тингларди зоҳид ушбу дам,  
Мир сўкиб, нафрин этарди дамба-дам.

Зоҳид ул аҳволга афсус айларак,  
Деди: шул аснода бир кўзгу керак.

Бир темир кўзгу керакдир, кўргулик,  
То дегайсен, боқ ўзинга, эй хунук.

### ДАЛҚАК САЙИДШОҲ ТЕРМИЗИЙНИ ҚАНДОҚ МОТ ЭТГАНИ ҲИКОЯТИ

Шатранж ўйнар эрди шоҳ Далқак била,  
Мот бўлиб, жаҳли чиқарди ҳар йўла.

Бирма-бир тошларни шоҳ тергай эди,  
“Шаҳ-шаҳ” деб бошига ургай эди.

3510 Дедиким, ол шоҳларингни, қалтабон,  
Қул чидаб дерди дамо-дам: ал-омон!..

Шоҳ яна шатранжни этди ихтиёр,  
Титради Далқак, вале беихтиёр.

Сурдилар тош, келмади шоҳ омади,  
Келди боз “шаҳ-шаҳ” дейишнинг фурсати.

Қочди Далқак, тушди қўрқув дастига,  
Кирди ул олти наमतнинг остига.

Устида олти наमत ҳам болиши,  
Кўнглида ёлғиз қутилмоқ хоҳиши.

3515 Сўрди подшо: ҳай, надир бу қилганинг?  
Дедиким, “шаҳ-шаҳ” бу, шоҳим, билганинг.

Кирмагунча бир наमत остига то,  
Ким сенга ҳақ сўзни айтар, подшо?

Сен-да мотсен, мен-да ул заҳминга мот,  
Беркиниб “шаҳ-шаҳ” деюрмен бенажот...

Ул амир қаҳру ғазаб айлаб ҳамон,  
Тепкилар эрди эшикни, оч, дебон.

Ҳар тарфдин халқ йиғилди бирма-бир,  
Дедиларким, мир, мурувват чоғидир.

3520 Маъзур айла, чун заифу ожиз ул,  
Бир гўдакдек ақли қисқа, ноқис ул.

Зухду пирлик унга этмишдир асар,  
Топмамиш зуҳд ичра бир суду самар.

Ранж чекиб, ганждин нишоне кўрмамиш,  
Иш кўриб, бир армугоне кўрмамиш.

Балки лойиқмасди бундоқ иш анга,  
Келмамиш ё вақти бахшойиш анга.

Ғайрати ёхуд жуҳуднинг ғайрати,  
Ёки келгай ул мукофот фурсати.

3525 Унга чирмашди мусибатлар баса,  
Ки бало водийсида йўқ кимсаси.

Кўзлари оғриқли, бир бурчакда ул,  
Бош эгиб, маъюс, паришон ўлтирур.

На табиб келгай ғарибнинг бошига,  
На ғариб боргай табибнинг қошига.

Ижтиҳод айлар гумонлар бирла, ҳай,  
Ўнганур иш, деб умидлар айлагай.

Кўп йироқдир дўст сари элтгувчи йўл,  
Изламай бош, бош бўлишни истар ул.

3530 Гоҳи бир дам Ҳаққа этгайдир итоб,  
Ки насибим мунча деб ранжу азоб.

Гоҳи бахти бирла жанг айлайди бот:  
Ўзгалар парвоздаю мен беқанот.

Кимса рангу бўйга чун тутқун эрур,  
Инмагай зуҳд ичра ҳам кўнглига нур.

Тангу тор масканни то тарк этмагай,  
Руҳи яшнаб, кўнгли равшан тортмагай.

Ғуссалардин то халос эрмас, сира,  
Тутма зоҳидга пичоғу устара.

3535 Ул олар-да, шартта ёргай қорнини,  
Чунки ғам-андуқ адо этмиш уни.

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ ЖАБРОИЛ  
АЛАЙҲИССАЛОМ КЎРИНИШ БЕРАВЕРМАГАЧ,  
ҚЎРҚУВГА ТУШИБ, ЎЗИНИ ҲИРА ТОҒИДАН  
ПАСТГА ОТМОҚЧИ БЎЛГАНИ, ЖАБРОИЛ  
КЎРИНИШ БЕРИБ, ҲОЙ, ЎЗИНГИ ПАСТГА  
ОТМА, СЕНГА НАСИБ ЭТАЖАК ДАВЛАТЛАР  
ҲАЛИ ОЛДИНДА, ДЕГАНИ

Дарди ҳижрон қийнаганда ўзни то,  
Тоғдин отмоқчи бўлурди Мустафо.

Жабраил дерди келиб, ҳой, шошма, тур,  
Амри “кун”дан сенга давлатлар келур.

Зўр берарди Мустафо бардошига,  
Боз ҳижрон от соларди бошига.

Боз аламларда кўрарди ўзни ул,  
Тоғдин отмоқчи бўларди ўзни ул.

3540 Жабраил пайдо бўлур эрди яна,  
Дерди: эй подшо, бу ишни айлама.

Бўйла кечди парда қалқиб кўк аро,  
Тўлмагунча қўйни ул гавҳарга то.

Халқким меҳнатга чун машғул эрур,  
Бўйла ҳижрон дардини қайдин билур?

Ишга мардум жонфидодирлар баса,  
Биз-да бир сийрат адову садқаси.

Бахтлидир ул кимса, эҳсон айламиш,  
Борини бир дўстга қурбон айламиш.

3545 Фанга чун ошуфта эрмиш ул мудом,  
Умрини шу йўлда этгайдир тамом.

Мағрибу машриқда ҳам шундоқ бўлур,  
Ошиқ ўлгай, балки маъшуқ ҳам ўлур.

Илму фан деб ўлса, муқбил оти бор,<sup>279</sup>  
Бул ўлимда юз тириклик тоти бор.

Ошиғу маъшуқлик этгайдир давом,  
Икки оламда уларга яхши ном.

---

<sup>279</sup> Муқбил - иқбол эгаси, бахтиёр.

Ё кировий! Ирҳуму ахлал-ҳаво,  
Шаънуҳум вирдут-таво баъдат таво<sup>280</sup>

3550 Эй амир, авф айла, боқ аҳволига,  
Сол назар дилпора, маҳзун ҳолига.

Кеч гуноҳу айбидин, авф эт ани,  
Тангри ҳам кечгай гуноҳингдин сени.

Сен-да билмай кўза синдирдинг неча,  
Маъзур истаб, термулиб турдинг неча.

Маъзур айла, авф эрмишдир сазо,  
Авф бўлгай сенга ҳам рўзи жазо.

АМИР ЗОҲИДНИНГ ҚЎШНИЛАРИ,  
ШАФОАТЧИЛАРГА, УЛ НЕГА ГУСТОҲЛИК  
ҚИЛИБ, КЎЗАМИЗНИ СИНДИРДИ, МЕН УНИНГ  
ТАЪЗИРИНИ БЕРИШГА ОНТ ИЧДИМ, СЎЗИМДА  
ТУРГАЙМЕН, ДЕГАНИ

Мир дедиким, ким эмиш йўлда туриб,  
Кўзамизни бўйла синдиргай уриб?

3555 Нарра шер гар кўчамиздин ўтгуси,  
Тавбасин ҳар лаҳза такрор этгуси.

Нега бизнинг қулга озор берди ул,  
Бизни меҳмон олдида этди хижил?

Бодамизни йўлда тўкди муттаҳам,  
Бир қуёндек беркиниб олмиш бу дам.

Жони шул илкимда бўлгайдир адо,  
Майли, учсин қуш бўлиб кўкларга то.

Мен отармен ўққа қаҳримни қалаб,  
Патларин сўнгра юлармен битталаб.

<sup>280</sup> Эй муҳтарам зотлар, ошиқлар ҳолига ачининг, уларнинг шарафи - ҳар лаҳза ўлимга шай бўлиб туришдир.



3560 Гар бекинса каттакон тош остига,  
Судраб опчиқгум уни тош устига.

Бергум унга сўнгра андоқ зарбате,  
Токи бўлгай бошқаларга ибрате.

Ўзгаларга макр этди, менга ҳам,  
Додини бергаймен энди бешу кам.

Мир миниб қаҳру газабга беомон,  
Оғзидин ўтлар сочарди ҳар томон.

ШАФОАТЧИЛАР, ЗОҲИДНИНГ ҚЎШНИЛАРИ  
АМИРНИНГ ОЁФИГА ЙИҚИЛИБ, ЯНА БИР БОР  
ЯЛИНИБ, ЕЛБОРИШГАНИ

Мир аламдин чекди бундоқ наъралар,  
Халқ унинг қўлу оёгин ўпдилар.

3565 Дедилар: мир, бўлма бундоқ кийнакаш,  
Бодасиз ҳам хуш дилингни этма гаш.

Бода лутфингни кўраркан, ўтдадир,  
Сув магар меҳринг кўриб, ҳасратдадир.

Подшолик айла бир бор, эй раҳим,  
Эй карим ибн ал-карим ибн-ал карим.

Қадду бастингга шароблар қул фақат,  
Жумла сархушлар сенга айлар ҳасад.

Қўй майи гулгунни, гулгун тийнасен,  
Не сенга гулгунча, чун гулгунчасен.

3570 Эй юзинг Зуҳрою офтобу қамар,  
Барча гулгуна гадойингдир магар.

Бодаким хум ичра қайнайдири ниҳон,  
Ул юзинг орзусида эрмиш мудом.

Сенки дарёсен, қуруқлик сенга не?  
Сенки борлиқсен, у йўқлик сенга не?

Эй тўлин ой, тутма тупроқни макон,  
Ой сенинг қаршингда сарғиш, заъфарон.

Хубу хушсен, хубу хушлиқсен, ажаб,  
Бодадин миннат чекарсен не сабаб?

Тожи каррамноки бош устингдадир,  
Тавқи аътайнока ул кўксингдадир.<sup>281</sup>

Жавҳар - Инсондирки, осмондир қафас,  
Барча майда-чуйдадин Инсон ғараз.

Эйки барча ақлу тадбир сенга қул,  
Сен ўзингни мунча арзон сотмагил.

Сенга хизмат айламоқ борлиққа фарз,  
Сен уларнинг лутфига муҳтож эмас.

Илм изларсен китобдин, во дариг,  
Завқ изларсен шаробдин, во дариг.

3580 Баҳри илмсен, гарчи қатра нам ўзинг,  
Уч қулоч тан ичра бир олам ўзинг.

Май не эрмиш, ё самову, ё жимоъ?  
То улардин наъша изларсен, сафо.

Заррадин имдод ўтингай офтоб,  
Зуҳра хумдин истамиш жоми шароб.

Жони бекайфсен, вале маҳбуси кайф,  
Чун тутилган офтобсен кўкда, ҳайф.

---

<sup>281</sup> Байтнинг мазмуни: бошингда “Биз улуғладик” тожи бор, бўйнингга “Сенга бергувчи биз” тавқи осиглиқ.

## АМИРНИНГ УЛАРГА ЯНА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Деди: йўқ-йўқ, гарчи мен май улфати,  
Менга камдир кайфи бирлан роҳати.

3585 Мен мисоли ёсумандирмен ҳамон,  
Бош эгармен ул томону бул томон.

Қолмамиш кўнглимда чун уммиду хавф,  
Худди толдек солланурмен ҳар тараф.

Чайқалурмен, шохларим ларзон бўлиб,  
Елда мажнунтол каби рақсон бўлиб.

Улки май бирлан топар хушлик, карам,  
Бўйла бир хушликни билсин қайданам?

Анбиёга бўйла хушлик келди паст,  
Жонлари Ҳақ шавқи бирлан эрди маст.

3590 Ўйлаким хушликни кўргандин кейин  
Бўйла хушликлар уларга бир ўйин.

Улки ул маҳбубга маҳрам эрта-кеч,  
Мурдага эмди қучоқ очгайму ҳеч?

“УЛАР БИЛСАЛАР ЭДИ, ОХИРАТ ЮРТИ-АБАДИЙ  
ҲАЁТ ДИЁРИДИР” ОЯТИНИНГ ТАФСИРИ.<sup>282</sup>  
ЯЪНИ, У ОЛАМНИНГ ЭШИГУ ДЕВОРИ, БОҒИ ВА  
ДАЛАСИ, СУВ ИЛА КЎЗАСИ, ҲАММА-ҲАММАСИ  
ТИРИК: ҲАМ СЎЙЛАР, ҲАМ ТИНГЛАР, УЛ  
САБАБДИН МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ  
БУЮРМИШЛАРКИМ, БУ ДУНЁ-ЛОШДИР, УНИ  
ИСТГАНЛАР КЎППАҚДИР. . . ОХИРАТ ҲАМ  
ТИРИК БЎЛМАГАНДА ЛОШ БЎЛУР ЭДИ, ЛОШНИ  
ЎЛИК БЎЛГАНИ УЧУН ЛОШ ДЕРЛАР, ИРИБ-  
ЧИРИБ, ҚУЛАНСА ҲИД ТАРАТГАНИ УЧУНМАС

Ул жаҳон чун зарра-зарра зиндадир,  
Сўзлагай ҳар неки борким ундадир.

Бул ўлик дунёда ором бўлмагай,  
Ўт-алафдин ўзга инъом бўлмагай.

Ул кишиким ўрни бор гулхонада,  
Бода ичгайму сира кулхонада?

3585 Руҳи поклар жойи олийин эрур,  
Қуртга маскан гўнг ила саргин эрур.<sup>283</sup>

Масти Ҳақларга насиб жоми зилол,  
Тийрақўз қушларга кўлмак ҳам увол.

Ҳар киши адли Умардин чекса қўл,  
Наздида Ҳажжожии хуний одил ул.

Қизчалар жонсиз қўғирчоқ ўйнагай,  
Жонлини чунки ишониб бўлмагай.

Болакайларда футувват йўқ магар,  
Ул сабаб чўбин қиличлар ҳам етар.

3600 Аҳли кофирга Набийдин не нафас,  
Дайр деворида суврат бўлса, бас.

<sup>282</sup> Қуръони карим, Анкабут сураси, 64-оятга ишорат.

<sup>283</sup> Саргин - қумалоқ.

Бизга чун равшан уларнинг талъати,  
Ҳожат эрмас шакли бирлан суврати.

Битта нақши эрса даҳри дун аро,  
Битта нақши ой каби гардун аро.

Бир даҳони сўзлагай мажлисга сўз,  
Бир даҳони Холиқи мунисга сўз.

Сўзни гар зоҳир қулоғи англагай,  
Жон қулоғи амри “Кун”ни тинглагай.

3605 Гар сени зоҳир кўзи кўргай магар,  
Сир кўзи ҳайрони мо зоғал-басар.

Тан оёгин босса масжидга, шу тоб,  
Жон оёғи кўкни этгайдир тавоб.

Жумла эл вақту замонга ичкари,  
Ул эса вақту замондин ташқари.

Бул баданнинг умри то вақти ажал,  
Ул бадан боқий қолур, дўсти азал.

Битта отидир вали-юд-давлатайн,  
Битта наътидир имом-ал-қиблатайн.<sup>284</sup>

3610 Хилвату чилла анга лозим эмас,  
Боши узра бир булут қойим эмас.

Курси хуршиддир чу хилватхонаси,  
Тун ва зулматлар унинг бегонаси.

Хасталиклар кечди, буҳрон қолмади,  
Куфри иймон бўлди, куфрон қолмади.

---

<sup>284</sup> Байтнинг мазмуни: унинг бир исми - икки давлат эгаси, бир мақтови - икки қибла имомидир. Бу ерда икки давлат дейилганда дунё ва охират, икки қибла дейилганда Каъбатуллоҳ ва Қуддиси шариф кўзда тутилмоқда.

Бир алифдек борди, унга бўлди жам,  
Қолмади авсофидин бир зарра ҳам.

Тан либосидин қутилди бир йўла,  
Жон яланғоч қолди жонафзо била.

3615 Бўлди шоҳ авсофи хилъат жонига,  
Чиқди чоҳдин мартаба айвонига.

Сув тиниқ тортганда шундоқ бўлгуси,  
Остида лойу губорлар қолгуси.

Ости лой бўлгай, агарчи усти пок,  
Сув била чунки қоришмиш эрди хок.

Бойламишди дўсти ноқобил тамом,  
Аслида сув эрди ул олиймақом.

3620 Бас, “тушинг” амри етаркан, босдилар,  
Худди Ҳорутдек оёқдин осдилар.

Бир малак эрди, самоларда қабул,  
Бир итоб бирлан муаллиқ бўлди ул.

Сарнигун бўлди, тушиб бошдин йироқ,  
Унда бош бўлмоққа эрди иштиёқ.

Сувга тўлмишди сават, мағрур бўлиб,  
Кўкак учди нозу истиғно қилиб.

Қолмади сув бағрида бир қатра ҳам,  
Лек яна дарё анга этгай карам.

3625 Не азиз фурсатки ул соат келур,  
Сенга раҳмат бўйла беминнат келур.

Бор-да дарё бўйини кез ҳар замон,  
Гарчи дарё аҳли ранги заъфарон.

Лутфу бахшойиш бошингни бойласин,  
Заъфарон чеҳрангни гулгун айласин.

Заъфарон ранг ранглар ичра жонажон,  
Чунки зору интизорликдин нишон.

Юзда гар гул-гул қизиллик бўлгуси,  
Бул-жаҳонда комронлик белгиси.

3630 Ки тамаҳдин юз бўлур сориқ, залил,  
Илллати жисмингга эрмас ул далил.

Гар юзингни кўрса бул ҳолат аро,  
Жолинус ҳам қолгуси ҳайрат аро.

Чун тамаҳ бўлди сенга анвори Ҳу,  
Мустафо амр этди: заллат нафсаҳу.<sup>285</sup>

Соясиз нурлар латифу олий ул,  
Сояли нур тўру ғалвирдин келур.

Ошиқ истарким яланғоч бўлса тан,  
Эрлиги йўқларга не тўну бадан?

3635 Рўзадорларга азиздир хону нон,  
Пашшага бирдек: ўчоқдирму, қозон.

ШОҲ АЁЗГА ЯНА БИР КАРРА, ШУ ИШНИНГ  
СИРРИНИ СЎЙЛА, СЕНДАН ГУМОНСИРАБ, СЕНИ  
МАЛОМАТГА ҚЎЙГАНЛАРНИНГ МУШКУЛИНИ  
ОСОН ҚИЛ, ЗЕРО УЛАРНИ ШУБҲА-ГУМОНЛАР  
ИЧРА ҚОЛДИРИШ ҲАМ ИНСОФДАН ЭМАС, ДЕБ  
АЙТГАНИ

Бул сухан сўнгсиз магар, билмайди ҳад,  
Эй Аёз, кел бизга асрорингни айт.

---

<sup>285</sup> Байтнинг маҳзмуни: Ҳақнинг нурига кўнгил бойладингми, бас, рангинг саргаюр, Мустафо “Тамаҳ этган тубанлашур” деб бежиз айтмаган.

Чунки бул иш бирла ҳолинг айрича,  
Рози бўлгунгму бу ҳолга, айт пича.

Айт, очилсин бизга ҳолинг манзари,  
Олти, беш дарсу сабогин қўй нари.<sup>286</sup>

Ҳоли ботин келмас эрса тилга, боқ,  
Ҳоли зоҳир сўйла ўйнаб жуфту тоқ.<sup>287</sup>

3640 Ёрдин лутфу карамлар келса, хуш,  
Лутфи олдида наботинг не эмиш?

Қатра лутфи томса денгизга магар,  
Тонг эмас, денгиз суви ширин бўлар.

Неча минг ҳолатки келгайлар чуниң,  
Гайб қароргоҳига кетгайлар кейин.

Бир кунинг аввалги кунга ўхшамас,  
Бир ариқдирким оқаркан, тўхтамас.

Ҳар кунинг завқи, севинчи ўзгача,  
Ҳар даминг дарди, овунчи ўзгача.

ИНСОННИНГ ТАНИ-МЕҲМОНХОНАГА, УНДАГИ  
ТУРЛИ-ТУМАН ФИКРУ АНДИШАЛАР ТУРЛИ-  
ТУМАН МЕҲМОНЛАРГА ЎХШАР. ОРИФ КИМСА У  
ҒАМ, У СЕВИНЧЛАРНИ ХУШ ҚАРШИЛАР,  
МЕҲМОННИ КУЛИБ ҚАРШИЛАГАН, УНИНГ  
КЎНГЛИНИ ОЛГАН, ХОТИРИНИ ШОД ЭТГАН  
ҲАЛИЛУЛЛОҲ КАБИ ХАЛИЛНИНГ ЭШИГИ  
ҲАМИША ОЧИҚ ЭДИ: КОФИРГА ҲАМ, МЎМИНГА  
ҲАМ, АМИНГА ҲАМ, ХОИНГА ҲАМ. БАРЧАНИ  
ОЧИҚ ЮЗ ИЛА ҚАРШИ ОЛАРДИ У

3645 Шу танинг - меҳмон уйдир, эй ўғил,  
Ҳар саҳар бир янги меҳмонинг келур.

<sup>286</sup> Олти, беш - олти тараф, беш туйғу.

<sup>287</sup> Жуфту тоқ - болалар ўйини.



Демаким, ул сенга ташвиш этгуси,  
Барчаси мулки адамга кетгуси.

Ҳар не келгай гайб диёридин сенга,  
Дилга меҳмондир, такаллуф эт анга.

БИР УЙГА МЕҲМОН КЕЛГАНИ, ЁМҒИР ЁҒИБ, УЙ  
ЭГАСИНИНГ ХОТИНИ, МЕҲМОН БИЗГА  
ТАШВИШ БЎЛДИ, ДЕГАНИ

Ул бирига келди меҳмон бемаҳал,  
Қаршилаб, эъзоз этди қанчалар.

Нозу неъмат қўйди унга, сийлади,  
Ҳам ўшал оқшом гузарда тўй эди.

3650 Эр деди хотинга, келгач сўз гали;  
Икки тўшак сол бу оқшом ётгали.

Бир тўшак бизга, эшикнинг ёнига,  
Бир ўрин меҳмонга, уй айвонида.

Хўп, деди хотин, сўзинг сўз, эргинам,  
Сидқидилдин сенга хизмат айларам.

Иккала тўшакни ҳозир этди ул,  
Сўнгра тўй, сурнай базмга кетди ул.

Қолди эр уйда ўшал меҳмон ила,  
Сийлабон меҳмонни дастурхон ила.

Икки улфатким гурунг айлашдилар,  
То ярим хуфтонгача сўйлашдилар.

Чарчади меҳмон ниҳоят, борди-да,  
Ётди тўшакка эшикнинг олдида.

Эр хижолат ичра бир сўз айтмади,  
Бул сенинг, деб унга жой кўрсатмади.

Демади, сенга тўшак ул ёндадир,  
Бунда эрмас ул, магар айвондадир.

Хулласи, бош қўйди меҳмон, қотди ул,  
Ул тўшақмас, бул тўшакка ётди ул.

3660 Тун бўйи сел қуйди, асло тинмади,  
Сур булутлар кўкка гўё сизмади.

Тўй базмдин қайтди хотин, ул ҳамон,  
Эрни эшик олдида этди гумон.

Зуд ечинди, кирди зуд тўшакка ҳам,  
Ўпди сўнг меҳмонни ҳидлаб дамба-дам.

Деди: эржон, айтганим бўлгай нуқул,  
Келмагай меҳмон дегандим, келди ул.

Устига устак яна ёмғир қуйиб,  
Бошимизга қолди ул ташвиш бўлиб.

3665 Қайга боргай лойу ёмғир бўлса чун,  
Бўлди бир ортиқча заҳмат биз учун.

Тинглабон меҳмон бу сўзни, сачради,  
Лой писандми, менда этик бор, деди.

Йўлга тушдим, сизга дерман хайрбод,<sup>288</sup>  
Бўлмагай бир дам сафарда руҳ шод.

Тинчимас, манзилга токим боргуси,  
Шодлиги йўлдин уни қолдиргуси.

Боқди хотин, кўп пушаймонлар еди  
Айтгани сўзга ва лекин кеч эди.

Ул ялинди, эй бегим, отланма деб,  
Мен ҳазил қилдим, кўнгилга олма деб.

---

<sup>288</sup> Хайрбод - Худо хайрингизни берсин.

Ёлвориб, зорланди қанча, бўлмади,  
Кетди меҳмон, уйда бир зум қолмади.

Эр-хотин ғам чекдилар, айлаб фиғон,  
Ул магар шам эрди, ғайбдин армуғон.

Ул кетаркан дашт аро жаннат эди,  
Тун аро зулмат эмас, талъат эди.

Эр бўлиб эш ошно, бегонага,  
Уйни айлантирди меҳмонхонага.

3675 Эр-хотиннинг ҳоли андоқ эрдиким  
Ҳар замон дилларда меҳмон дердиким,

Мен Хизр дўсти эдим, йўллар босиб,  
Ганж тутдим, этмади сизга насиб.

ҲАР КУНИ КҮНГИЛГА КЕЛГАН ФИКР ЭРТАЛАБ  
ТАШРИФ БУЮРГАН МЕҲМОНГА ҲХШАР,  
МЕҲМОН КУТИШ, МЕҲМОННАВОЗЛИК ҚИЛИШ,  
МЕҲМОННИНГ НОЗУ ФИРОҚИГА САВРУ  
БАРДОШ ЭТИШ ФАЗИЛАТЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳар нафасда бир азиз меҳмондайн  
Бир фикр кўнглиннга келгайдир тайин.

Сен фикрни шахс бил, эй жонажон,  
Чунки шахс топгай фикрдин қадру жон.

Ғам агар шодлик йўлини тўсгуси,  
Чекма ғам, янги севинчлар ўсгуси.

3680 Дил ўйин ғамлар супурса, не ажаб,  
Янги шодликлар келурлар ярқираб.

Дил бутоғи сап-сарик япроқ тўкар,  
Ям-яшил япроқ кўкарсин деб магар.

Эски илдизларни ковлар гам ҳамон,  
Янгининг завқини тотгаймен, дебон.

Эски илдизни қўпоргай, отгай ул,  
Ёширин илдизга бир кун етгай ул.

Ҳар неким гам ул кўнгилдин сургуси,  
Ўрнига аълосини келтиргуси.

3685 Кўк булутдин тутмаса эрди ҳижоб,  
Куйдирар эрди узумни офтоб.

Саъду наҳс кўнглинда меҳмон бўлгуси,  
Кўк аро юлдузга ўхшаб юругуси.

Ул сенинг буржингда ўлтирган маҳал,  
Толеим деб айла эъзоз, эй жигар.

Токи дил розингни ойга сўйласин,  
Шоҳга шукронангни изҳор айласин.

3690 Етти йил Аюб этиб сабру ризо,  
Ҳар балони билди меҳмони Худо.

Ҳар сафар бўлса балога рўбару,  
Ҳаққа юз шукрона айтар эрди у.

Бир нафасдир кўзни Ҳақдин олмади,  
Бир нафас бўлсин қовоғин солмади.

Ул бало бирлан қоришди бўйла, то,  
Кўнглида эрди вафо, илми Худо.

Гар фикр келса кўнгилга, қўй малол,  
Марҳабо, деб шоду ҳуррам қарши ол.

3695 Ки аъизни холиқи мин шарриҳи,  
Ло туҳар римни опил мин бирриҳи.

Рабби авзиъни ли шукри мо аро,  
Ло туъаққиб ҳасратан ли ин мазо.<sup>289</sup>

Сен ўшал аччиқни эъзоз айлагил,  
Йўқ, тахирмас, бу ширин деб ўйлагил.

Сур булутлар кўкда гоҳи бадқовоқ,  
Ерни намлаб, шўрни ювгайлар бироқ.

Фикри гамни сен булутдин кам дема,  
Келган ул аччиққа аччиқ айлама.

3700 Эҳтимолким унда гавҳар, лаълу дур,  
Жаҳд этким, рози бўлсин сендан ул.

Балки йўқдир гавҳари, эрмас гани,  
Лек ажаб ширинзабон айлар сени.

Қўл келур бир ерда бундоқ одатинг,  
Ки раво бўлгай баногоҳ ҳожатинг.

Гамки ул парвона бўлмишдир сенга,  
Тангри ҳукми бирла келмишдир сенга.

Сен мусибат билма, балки ул ҳамон  
Қутли юлдуздир сенга, соҳибқирон.

3705 Ул аслдир, ноасл бўлмайти ул,  
Сен ўшанга қўлни чўз, мақсадга юр.

Ноасл деб гар уни этсанг қарор,  
Сен асл излаб, чекарсен интизор.

Итизорлик жонга солгайдир заҳар,  
оқибат шу йўлда ўлгайсен магар.

---

<sup>289</sup> Холиқим, де, унинг шарридан мени қўриқла, келажак лутфу  
карамлардан у боис мени маҳрум этма.

Бас, асл деб бил уни, бағрингга бос,  
Интизорлик дардидин бўлгил халос.

## СУЛТОННИНГ АЁЗГА ИЛТИФОТИ

Эй Аёз, сидқингни сўйлай мен сенга,  
Тенг келолмас тоғу денгизлар анга.

3710 Шаҳватинг босганда селдек ёприлиб,  
Тоғ каби ақлинг сочилмас қум бўлиб.

На ғазаб этгай сени бир ўзга зот,  
Ҳам қарор бордир дилингда, ҳам сабот.

Аслида мардоналик шул, эрса шак,  
Шоҳимардон деб аталгай ҳар эшак.

Кимни Қуръон эр деди, яъни, рижол,  
Борму сенда унга етмоққа мажол?<sup>290</sup>

Руҳи ҳайвонда не қиймат, эй падар,  
Сен бориб, қассоб бозорин кўр магар.

3715 Неча минг бошлар, қоринлар келбати,  
Думбаву думдан-да пастдир қиймати.

Ақли сичқон, шаҳвати шер бўлса гар,  
Эр эмас, бир телба фосиқдир ўшал.

## БИР ОТАНИНГ ҚИЗИГА, ЭҲТИЁТ БЎЛ, ЭРИНГДАН ҲОМИЛАДОР БЎЛМА, ДЕБ НАСИҲАТ ЭТГАНИ

Хўжа бор эрди: қизи - гулшанда гул,  
Юзлари ойдек, кумуштан эрди ул.

Бўйга етгач қиз, узатди ул ато,  
Лек куёв эрди гарибу бенаво.

---

<sup>290</sup> Қуръони карим, Нур сураси, 37-оятга ишорат.

Бас, қовун пишгач, уни сўймоқ керак,  
Таъми айнаб, йўқса бўлгай ҳандалак.

3720 Чун зарурат бўлди, қизни берди чол,  
Эр эди бечораю афтодаҳол.

Чол деди қизга билимдонлик била:  
Бул эрингдин этма зинҳор ҳомила.

Билганингдек, ул ғарибдир, чун гадо,  
Ки ғариблар хайлида бўлмас вафо.

Ногаҳон кетгай у, тарк айлаб ҳама,  
Лек бола бўлгай бошингда мазлама.<sup>291</sup>

Қиз деди: бош устига, жоним отам,  
Сўзларингни дилга мен жо айларам.

3725 Кун оша чол қиз ғамини ер эди,  
Ҳой, қизим, сен эҳтиёт бўл, дер эди.

Бўлди қизнинг бўйида лек ногаҳон,  
Иккиси ёш эрди чунки, навқирон.

Қиз яширди, пайқамай қолди бобой,  
Шул йўсин кечди ародин олти ой.

Бир куни чол сизди, сўрди: бул нима?  
Мен, ҳазир бўл, деб сенга айтувдим-а.

Айтганим сўзмас, шамол эрмиш магар,  
Этмади сенга бирор суду самар.

3730 Қиз деди: ота, нечук бўлгум ҳазир,  
Эру хотун чун оловдир, пахтадир.

Пахта оташни нечук сўндиргуси?  
Ўт магар ўтдирки, ул ёндиргуси.

---

<sup>291</sup> Мазлама - ташвиш.

Ота дер: унга яқинлашма, дедим,  
Қўйнига кирмоққа кўп шошма, дедим.

Лозим эрди сен ошиқмай кутмоғинг,  
Ул бўшалган чоғда ўзни тутмоғинг.

Қиз деди: қайдин билармен, ул ниҳон,  
Иш магар бўлмас чу ошкору аён.

3735 Чол деди: унда сузилгай кўзлари,  
Ҳам аён этгай бу ҳолни юзлари.

Қиз деди: кўзи сузилгунга қадар  
Кўр бўлурмен, кўзларим кўрмас магар.

Ҳар ақл ҳам устивормас тоғида  
Ҳирс, ғазаб, жангу жадаллар чоғида.



СОЯДА ЎСГАН, НАФСИ ИЛА САВАШМАГАН,  
 ИШҚ ДАРДИДА ЁНМАГАН, ИШҚ ДОҒИНИ  
 ЧЕКМАГАН, ЛЕКИН ХАЛҚНИНГ САЖДА ЭТИБ,  
 ҚЎЛЛАРИНИ ЎПИШЛАРИНИ, УНГА ЭҲТИРОМ  
 ИЛА, БУГУН ҲАҚИҚИЙ СЎФИЙ МАНА ШУ, ДЕБ  
 КЎРСАТИШЛАРИНИ ИСТАБ, СЎФИЙЛИК  
 ЙЎЛИГА КИРГАН БИР КИМСА, УНИНГ  
 ҚЎРҚОҚЛИГИ ВА ОЖИЗЛИГИ ХУСУСИДА  
 ҲИКОЯТ. ТАЛАБАЛАРИ, ХАСТАЛАНИБСИЗ, ДЕЯ  
 ХАСТАЛАНТИРГАН МУАЛЛИМ КАБИ У ҲАМ  
 ХАЁЛГА БУРКАНИБ, МЕН МУЖОҲИДМЕН, ШУ  
 ЙЎЛДА ПАҲЛАВОНМЕН, БУЮК ЖАНГДА  
 НАФСИМНИ МАҒЛУБ ЭТДИМ, ЭНДИ КИЧИК  
 ЖАНГДА ҲАМ ҲУНАР КЎРСАТГУМ, ЗОТАН  
 КИЧИК ЖАНГ ДЕГАНИ НЕ ЎЗИ, ДЕБ РОЗИЙЛАР  
 ИЛА ЖАНГГА ЖЎНАДИ. ХАЁЛИДА АРСЛОННИ  
 УЧРАТДИ, ЖАСОРАТ КЎРСАТДИ, ЖАСОРАТИГА  
 МАСТ БЎЛИБ, ЎРМОНГА ЮЗ ТУТДИ, АРСЛОН  
 ОВЛАМОҚЧИ БЎЛДИ. АРСЛОН ЭСА ҲОЛ ТИЛИ  
 БИЛА, УНДОҚ ЭМАС, ҲАЛИ БИЛИБ ОЛАРСИЗ,  
 СИРАЯМ УНДОҚ ЭМАС, ДЕРДИ<sup>292</sup>

Юрди сўфий жангга лашкарлар ила,  
 Ногаҳон етди сурону гулгула.

Қолди сўфий ортда, отлиқлар бари,  
 Тўхтамай от солдилар майдон сари.

3740 Аҳли тупроқ барча тўхтаб турдилар,  
 Собиқун ас-собиқун от сурдилар.<sup>293</sup>

Жангда енгиб, Ҳаққа шукрон айтдилар,  
 Сўнг ганиматлар-ла ортга қайтдилар.

Тутдилар сўфийга жангдин армуғон,  
 Олмади сўфий вале, рад айлабон.

<sup>292</sup> Қуръони карим, Тақосур сураси, 8-оятига ишорат.

<sup>293</sup> Собиқун ас-собиқун - ҳаммадан ўзиб кетганлар.

Сўрдилар: ғашлик нечундир, эй надим?  
Ул дедиким, жангда мен қатнашмадим.

Чекмадим майдон аро ханжарни, бас,  
Ул сабабдин ўлжа олмоқ хуш эмас.

3745 Дедилар: ол бир асирни, рози бўл,  
Сен уни ўлдир-да, биздек рози бўл.

Турган эрди қош-қовоғин очмайин,  
Кўнгли хушланди бу таклифдан кейин.

Сув ила этсанг таҳорат, яхши ул,  
Сув агар йўқса, таяммум ҳам қабул.

Қўллари боғлиқ асирни судрабон,  
Ўтди чодир ортига сўфий ҳамон.

Лек ҳаяллаб қолди унда негадир,  
Дедилар: нечун кечикди ул фақир?

3750 Қўллари боғлиқни чун қатл айламак  
Не эмишдир, шунча фурсатму керак?

Биттаси борди чу билмоқ қасдида,  
Кўрди ул кофирни сўфий устида.

Ул фақирни шер бўлиб йиқмишди ул,  
Эр бўлиб сўнг устига чиқмишди ул.

Қўллари боғлиқ ва лекин оғзини  
Бўйнига босмиш, узарди бўғзини.

Тишларин чекмишди ул ханжар этиб,  
Остида сўфий ётар ҳушдан кетиб.

3755 Кофир ул сўфий томоғини ҳамон,  
Бир мушук янглиғ ғажирди беомон.

Жон беришга сўфий ул етмиш қарийб,  
Қонга ботмишди соқоли ҳурпайиб.

Бўйла йиқмишдир сени ҳам банди нафс,  
Ки ётарсен остида беҳушу маст.

Бир тепа кўрсанг, фиғон аршингдадир,  
Неча юз минг тоғ вале қаршингдадир.

Бир кичик дўнгдин ошиш ҳам сенга юк,  
Йўлда ошгайсен доvonлардин нечук?

3760 Ғозилар ул бандини ўлдирдилар,  
Бошига тиғи жафони урдилар.

Сўнг дамо-дам сепдилар сўфийга сув,  
Сесканиб кўз очди, ҳушга келди у.

Кўз очиб, ул кўрди ўзни қавм аро,  
Сўрдилар андин, не бўлди можаро.

Оллоҳ-Оллоҳ, дедилар, бу не ажаб,  
Ҳушдин айрилдинг бу янглиғ, не сабаб?

Қўллари боғлиқ асир тупроққа чун,  
Қорса жисмингни, этолса сарнигун?

3765 Деди: бошин кескали юрдим ҳамон,  
Кўзларин менга олайтирди ёмон.

Кўзларин тикди, кўзимдин олмади,  
Мен боқиб, жонимда дармон қолмади.

Кўз эмасди ул, азим лашкар эди,  
Ваҳму қўрқувдин таним қақшар эди.

Хуллас ул кўз касридин бўлдим адо,  
Ҳушдан ажраб, сўнгра шул тупроққа жо.

РАҲМАТЛИ АББОЗИЙ ҲИКОЯТИ, УНИНГ  
ШАҲИД БЎЛИШ УМИДИДА ЕТМИШ ҚАРРА  
ЯЛАНГТЎШ БЎЛИБ ЖАНГГА ҚИРГАНИ, НИҲОЯТ  
КИЧИК ЖАНГДА ШАҲИД БЎЛИШДАН УМИДИНИ  
УЗИБ, БУЮК ЖАНГГА ҚИРИШИБ, ХИЛВАТ  
ИХТИЁР ҚИЛГАНИ. НОҒАҲОН ҲОЗИЙЛАРНИНГ  
НОҒОРА САДОЛАРИНИ ЭШИТАРКАН, НАФСИ  
ЗАНЖИРЛАРНИ ЮЛҚИБ, ЖАНГГА  
ТАЛПИНГАНИ, АЁЗИЙ УНГА ТАЪНА-  
ДАШНОМЛАР ОТГАНИ

Дерди Аббозий: этмай дилни ғаш,  
Айладим майдонда тўқсон бор саваш.

Ҳар сафар ўзни ялангтўш айладим,  
Жонга етгайму яро деб ўйладим.

Бўғзидин ўқларга бўлгайдир дучор,  
Ўзгамас, ёлғиз шаҳидий бахтиёр.

Неча бор жисмимга ўқдек етди ўқ,  
Шул танимни тешди, ғалвир этди ўқ.

3785 Лек ажалдин етмади жонимга ниш,  
Ки шаҳидлик ҳам улуғ омад эмиш.

Бас, шаҳидлик етмади, этдим итоб,  
Бордим у хилватга кирдим мен шитоб.

Бул жиҳоди акбар эрди айрича,  
Айладим танга риёзатлар неча.

Ногаҳон етди қулоғимга садо,  
Жангчилар отланмиш эрди жангга то.

Нафси ботин берди кўнглимдин овоз,  
Жон қулоғи-ла эшитдим рўй-рост.

3790 Дерди: тур, ўлтирма бундоқ, жангга бор,  
Жанг қилиб майдонда, этгил жон нисор.

Мен дедим? Нафси балойим, майдасен,  
Ки ўшал жанг қайдаю сен қайдасен?

Ростин айт, бул ҳийла эрмасму магар?  
Нафси шаҳватсен, чу шайтон, ҳийлагар.

Айтмасанг, этгум сиёсатлар яна,  
Бошинга солгум риёзатлар яна.

Ич-ичимдин нафс яна берди овоз,  
Чун фасоҳат бирла ошкор этди роз.

3795 Ки мени ҳар лаҳза ўлдиргувчи сен,  
Қийнабон, жонимни сўлдиргувчи сен.

Кимса олмас бўйла ҳолимдин хабар,  
Бул машаққатларда ўлгаймен магар.

Танга етса бир жароҳат жанг аро,  
Халқ кўрарким, не баҳодирмен, шужо...

Нафс, дедим, коринг мунофиқлик била,  
Баски, ўлгайсен мунофиқлик ила.

Икки оламда магар қайгудасен,  
Икки олам ичра чун беҳудасен.

3800 Аҳд қилдим, то тирикдир тан, хира,  
Бош чиқармасмен шу хилватдин сира.

Хилват ичра ҳар неким тан айлагай,  
Ўзгаларнинг хотирин кам айлагай.

Хилват ичра ётса-турса, фурсати,  
Ҳаққа боғлиқ, Ҳақ эмишдир нияти.

Бу - буюк жанг, ул кичикдир, эй фалак,  
Ҳар бирига Рустаму Ҳайдар керак.

Жанг-жадал бу, йўқки қўрқоқлар иши,  
Бунда не қилгай магар қўрқоқ киши?

3805 Бўйла кимса турса жанглардин йироқ,  
Нозланиб ўлтирса уйда яхшироқ.

Икки сўфий. Игнадин ўлгай бири,  
Бул бирин кесмас вале ёв шамшари.

Улки суврат, сўфий анга ном эрур,  
Ул сабаб сўфий бари бадном эрур.

Танга жо айлаб ёмону яхшини,  
Солди Ҳақ юзларча сўфий нақшини.

Сеҳридин нақшу намо жавлон қилур,  
Ки Мусонинг ҳассаси пинҳон қолур.

3810 Лек нақшларни егай сидқи асо,  
Фиръавн кўзига қум тўлгай расо.

Ўзга сўфий жангда жон айлаб талаш,  
Нақ йигирма карра этгайдир саваш.

Ул мусулмонлар-ла сафда гуркираб,  
Ташланар душманга, айлар ҳабру зарб.

Жисмига тушгай яро узра яро,  
Ул яро боғлаб, юрар майдон аро.

Ҳар яродин ҳам киши ўлмайди, бас,  
Нақ йигирма жойига етгай шикаст.

3815 Ҳайф деб охирда лек жон бергай ул,  
Сидқи боис жонни осон бергай ул.

БИР МУЖОҲИД КУМУШ ТЎЛА ҲАМЁНИДАН БИР  
ДИРАМ ОЛИБ, ҲАР КУНИ ДЕНГИЗГА ОТАРДИ.  
НАФСИДА БИР ҲИРС, БИР ХОҲИШ ҚЎЗҒОЛИБ,  
КЎНГЛИГА ВАСВАСА СОЛАРДИ. АҚЧАНГИ  
ДЕНГИЗГА ОТАР ЭКАНСАН, ҲАММАСИНИ БИР  
ЙЎЛА ОТ, МЕН ҚУТИЛАЙ. УМИД УЗМОҚ - ИККИ  
РОҲАТНИНГ БИРИ, ДЕМИШЛАР, ДЕРДИ НАФСИ.  
СЕНГА ШУ РОҲАТНИ ҲАМ РАВО КЎРМАЙМАН,  
ДЕРДИ МУЖОҲИД

Бир киши бор эрди, этмай бешу кам,  
Ҳар кеча денгизга ташларди дирам.<sup>294</sup>

Мақсади-сабрини ўстирмоқ эди,  
Нафсини қийнаб, сиқиштирмоқ эди.

Кетди жангга, гўшада ўлтирмади,  
Ёвга дуч келганда юзни бурмади.

Ўқ еди, лекин яросин бойлади,  
Бир яросин нақ йигирма айлади.

3820 Сўнг йиқилди, берди ул тупроққа тўш,  
Сидқи боис бўлди сиддиқларга эш.

Сидқ не, аслида жон бермоқдир у,  
Бор, ўқи оят рижолу саддақу.<sup>295</sup>

Бир хил эрмасдир ўлимнинг суврати,  
Шул бадан эрмиш сенга жон олати.

Кимсалар бор қанчалар қон тўкмади,  
Нафси лек бир четда жонни асради.

Найзаси синди, саломат қолди ёв,  
Нафс тирик, гар қонга ботмишди улов.

---

<sup>294</sup> Дирам - кумуш танга.

<sup>295</sup> “Эрлар борким, Оллоҳга берган сўзларида туриб, сиддиқ бўлдилар” оятини ўқи

3825 От йиқилди, чун босилмай қолди йўл,  
Бўйла бир ошуфта, расво бўлди ул.

Ҳар кесилган бош-да эрмасдир шаҳид,  
Йўқса, ҳар кофир бўлурди Бусаид.

Эй басо андоқ шаҳидларким, йирик,  
Шул ёриғ дунёда юргайлар тирик.

Жон қароқчи ўлди, лек тан эрди тиг,  
Ул ҳамон қўлларда шайдир, эй дариг.

Тиг ўшал тигдир ва лекин эр қани?  
Бўйла суврат бирла лол айлар сени.

3830 Нафс мубаддал бўлди, лекин тиг-тан  
Қўлдадирким, исми сунъи Зулминан.<sup>296</sup>

Бўйла эрликдирки бул, дунёси дард,  
Бор тагин эрлик, иши - тўзону гард.

БИР ХАБАРКАШ МИСР ХАЛИФАСИГА БИР  
КАНИЗАК СУВРАТИНИ КЎРСАТИБ, УНИ  
МАҚТАГАНИ, ХАЛИФА ҚИЗГА ОШИҚИ БЕҚАРОР  
БЎЛГАНИ, ҚИЗНИ ОЛИБ КЕЛИШ УЧУН МУСУЛ  
ШАҲРИГА БИР АМИР ЛАШҚАР ИЛА ҚЎШИН  
ЮБОРГАНИ, ЎРТАДА ЖАНГ-САВАШ БЎЛИБ,  
КЎП ОДАМЛАР ЎЛИБ, КЎП ЖОЙЛАР ХАРОБ  
БЎЛГАНИ<sup>297</sup>

Чун Миср подшосига етди хабар,  
Бор Мусул шоҳида андоқ бир гўзал.

Бир каниздирким, пари пайкарча бор,  
Жумла оламда анингдек йўқ нигор.

Мухтасар айлаб хабарчи деди: гул,  
Сувратин ҳам сунди, чизмиш эрди ул.

<sup>296</sup> Сунъи Зулминан - Тангрининг санъати.

<sup>297</sup> Мусул - Ироқда жойлашган шаҳар.



3835 Кўрди ул сувратни подшо, бас, тамом,  
Боши айланди, қулидан тушди жом.

Паҳлавон чорлаб, қўшинни мўллади,  
Сўнг ўшал шаҳри Мусулга йўллади.

Дедиким, гар бермаса ул моҳни,  
Теп-текис этгил дару даргоҳни.

Берса қизни, бир зиён етказма, ҳой,  
Ярқираб кирсин менинг қўйнимга ой.

Паҳлавон юрди Мусулга даъфатан,  
Неча Рустам таблу байроқлар билан.

3840 Бордилар мўру малахдек ёприлиб,  
Ул Мусул шаҳрига даҳшатлар солиб.

Ҳар тарафда манжанақлар қурдилар,  
Тош отиб, қалъа деворин урдилар.

Ўқ ёгилди бўйла сўлу соғидин,  
Учди чақмоқлар қиличлар тигидин.

Ҳафта кечди жангу ҳунрезлик била,  
Битди мардумда саботу ҳафсала.

Чун Мусул подшоси боқди, ўйлади,  
Паҳлавонга элчиларни йўллади.

3845 Сўрдиким, не муддойинг, айт уни,  
Шунчалар тўқдинг мусулмон қонини.

Истагинг гар давлати Мусул эрур,  
Қон тўкишни қўй, мурод ҳосил эрур.

Мен чиқармен, сен шаҳарга кир қулай,  
Беғуноҳлар қони токим тутмагай.

Муддаойинг сийму зар эрса, гуҳар,  
Бул шаҳар олишданам осон магар.

МУСУЛ ПОДШОСИ МУСУЛМОНЛАР ҚОНИ  
БЕҲУДА ТЎКИЛМАСИН ДЕЯ УЛ КАНИЗАКНИ  
ХАЛИФАГА ТОРТИҚ ЭТГАНИ

Элчи келди Паҳлавоннинг бошига,  
Паҳлавон қўйди расмни қошига.

3850 Деди: боқ, мен шу гўзални истарам,  
Йўқ, десанг, шаҳрингни вайрон айларим.

Қайтди элчи, шоҳга бир-бир сўйлади,  
Қизни элт, деб шоҳ анга амр айлади.

Деди: мўминмен, эмасмен бутпараст,  
Бут муносиб бутпарастга, бизгамас.

Элчи элтди қизни, кўрди паҳлавон,  
Ҳуснига ошуфта бўлди шул замон.

Ишқ денгиз эрса, кўпикдир фалак,  
Боққи, Юсуф деб Зулайҳодир ҳалак.

3855 Айланур гардун, бу ишқандир ҳамон,  
Бўлмаса ишқ, балки бўлмасди жаҳон.

Қайда эрди ул жаמודийдин набот?<sup>298</sup>  
Қайда эрди ул наботийдин ҳаёт?

Хушнасим руҳдин эсиб бир дамда ул,  
Ҳомила бўлгаймиди Марямда ул?

Ҳамма нарса тош қотиб музлар эди,  
Бир-бирини қайданам излар эди?

---

<sup>298</sup> Жаמודий - жонсиз жисм. Набот - ўсимлик

Кимки ошиқ, унга хоҳишдир камол,  
Бўй чўзиб, кўкларга талпингай ниҳол.

3860 Саббаҳаллиллаҳ шитобдир ишлари,  
Жон учундир танни пок этмишлари.

Паҳлавон йўл билди, лек эрди қудуқ,  
Яхши ер деб экди шўр ерга уруғ.

Уйқуда туш кўрди моҳи пайкарин,  
Жуфтлашиб, тўкди ўшанга жавҳарин.

Уйғониб, кўз очди, бошдин учди ҳуш,  
Кўргани ул ўнг эмас, уйқу эмиш.

Зое этдим ўзни деб ул чекди оҳ,  
Ишвагарнинг ишваси қилди адо.

3865 Эр эмас, тан паҳлавонни эрди ул,  
Бўйлаким ерга уруғни берди ул.

Маркаби ишқи юлиб-юлқиб лижом,<sup>299</sup>  
Бонг урарди, лоуболи бил-ҳимом.<sup>300</sup>

Айшуболи бил-халифа фил-ҳава,  
Истава инди вужуди ват-тава.<sup>301</sup>

Донни сочма бўйла оташлар била,  
Маслаҳат қил бир билимдон эр ила.

Маслаҳат қайда: ақл йўқ, ҳирс чун,  
Элтмиш овлоққа, ботирмиш тирногин.

3870 Олдида бордир тўсиқлар, ортда ҳам,  
Олди-ортин кўрмас ул, кўргай санам.

---

<sup>299</sup> Лижом - жилов

<sup>300</sup> Лоуболи бил- ҳумом -мен ўлмдан қўрқмайман.

<sup>301</sup> Ишқ аро халифа ким эмишқи, ундан қўрқсам. Менинг борлигим ҳам, йўқлигим ҳам бир.

Бир қаро сел жонни тортар бағрига,  
Тулки элтар шерни ул чоҳ қаърига.

Бир хаёл тубанда ул зоҳир этар,  
Тоғдайин шерларни чоҳга иргитар.

Кимсани хотинга маҳрам этма, ҳов,  
Ул бири пахта, бири эрмиш олов.

Ҳақ суви ювмоғи лозимдирки, ўт  
Чун Юсуфдек ихтиёр этгай сукут.

3875 Сарвқад, гулгун Зулайҳо олдида,  
Шер бўлиб турмишди вазмин, осуда.

Паҳлавон қайтди Мсулдин, ниқтади  
Отни ул, ўрмонга етди, тўхтади.

Оташи ишқи баланд эрди чунон,  
Билмас эрди на замин, на осмон.

Бошлади чодирга ул гулчеҳрани,  
Ақлу хушким бўлмаса, қўрқув қани?

Шаҳвати қоқса довул узра довул,  
Ақли ҳуш бўлгай фужул ибн-ал фужул.<sup>302</sup>

3880 Бир эмас, юз бир халифа не демак?  
Кўзлари ўнгида худди пашшадак.

Ташлади қўлни санамнинг бўйнига,  
Ўт бўлиб чирмашди, тортди қўйнига.

Бўйла шиддат бирла бошланганда иш,  
Етди атрофдин сурону ҳайқириш.

Сакрабон чиқди ҳамоно дов солиб,  
Қип-ялонғоч, илкига шамшир олиб,

---

<sup>302</sup> Бу ерда, ақлу хуш йўқолади= кетади, маъносида.

Бир қора арслонки, кўзда чақнаб ўт,  
Урдугоҳ аҳлига солмишди човут.

3885 Хуркишиб отлар қочарди ҳар тараф,  
Хайма, чодирларни топтаб, босқилаб.

Нарра шер ҳайбат солиб, ўкрав эди,  
Ўлжа излаб ҳар томон сакрав эди.

Паҳлавон мардона эрди неча бор,  
Тўсди шер йўлини ул мардонавор.

Урди шамшир, етди шернинг жонига,  
Қайтди сўнг зебо санамнинг ёнига.

Қайтди-да, ташланди шердек, сапчиди,  
Майли шаҳват унда андоқ авж эди.

3890 Шер ила гарчи олишган бўлса ҳам,  
Бўлмамишди иштиёқи зарра кам.

Ул санамни этди ҳайрон эрлиги,  
Шиддати, шавҳатда бундоқ шерлиги.

Ул-да чирмашди йигитга шул замон,  
Бир-бирига бўлди пайваст икки жон.

Баҳра келгайдир кўришдин кўп улуғ,  
Баҳраким, унга қулоқнинг дахли йўқ.

Бир киши сўрди билимдондин чунон:  
Хаққу ботил не эмиш, эй нуқтадон?

Ул қулоғин тутди, бул ботил, деди,  
Кўз била ҳаққу яқин ҳосил, деди.

3910 Ул бунинг олдида ботилдир баса,  
Аксарий сўз ҳам қулоқдин келгуси.

Шабпарак тутгай қуёшдин тўр, ҳижоб,  
Фикрида лекин хаёли офтоб.

Ул хаёл солгай ваҳимлар беадад,  
Шул сабаб қочгай қоронгуга фақат.

Нур хаёлидин туғилгай даҳшати,  
Маскан ўлгай унга тунлар зулмати.

Қўрқитиб душман хаёли беомон,  
Ёру дўстга ёндашурсен ҳар замон.

3915 Эй Мусо, ул нурки урмишди сенга,  
Урди тоққа, етмади бардош анга.

Сен вале кибру ҳаволар айлама,  
Ҳаққа етгаймен хаёл бирлан, дема.

Жанг хаёли қўрқитолмас кимсани,  
Жангдин олдин ким дегай ботир сени.

Боқ уятсизни, хаёл айлаб нуқул,  
Жангаро Рустам санайди ўзни ул.

Киргай ул ҳаммомга, белни бойлагай,  
Суврати Рустам ила жанг айлагай.

3920 Лек эшитганларни кўрса ул ҳамон,  
Қолмагай даъвойи Рустамдин нишон.

Кўр эшитганларни, кўздир одилинг,  
Ҳаққа айлантир тамомий ботилинг.

Сўнг қулоғинг ҳам магарким кўз бўлур,  
Бағрида гавҳар дема, юлдуз бўлур.

Кўзгу истарсен, қулоғинг ул бўлур,  
Бор вужудинг кўз ила кўнгил бўлур.

Бир хаёл бергай қулогинг, ул хаёл,  
Бошлагай кўнгилни то васлу висол.

3925 Жаҳд қилким, ул хаёл афзун бўлиб,  
Йўлга тушсин, раҳнамо Мажнун бўлиб.

Боқки, ул нодон халифа қўймади,  
Ул канизак бирла эрмак ўйнади.

Ғарбу Шарқ мулкин эгалла, шоҳ бўл,  
Қолмагай илкингда ул, огоҳ бўл.

Мамлакат илкингда, кўнглинг хуш эрур,  
То абад турмоғи шундоқ туш эрур.

Салтанат не, жонга жаллод бил ани,  
Аслида бўғзингдин олмишдир сени.

3930 Бошинг узра кўр паноҳинг юлдузин,  
Тинглама ҳаргиз мунофиқнинг сўзин.

ОХИРАТНИ ИНКОР ЭТГУВЧИЛАР, БИЗ ДУНЁДАН  
ЎЗГА ДУНЁ КЎРМАЯПМИЗ, ДЕЙИШЛАРИ ВА  
ДАЛИЛ СИФАТИДА АЙТГАН ШУ СЎЗЛАРНИНГ  
ЗАИФЛИГИ

Ҳужжати улдирки, сўраганда нуқул,  
Бир нима бўлса, кўрардим, дейди ул.

Бўйла нокас деб гўдакнинг ақлини,  
Сўйламасми унга оқил нақлини?

Билмаса оқил магар асрори ишқ,  
Кам бўлурми ул моҳи анвори ишқ?

Огалар кўрмас Юсуфнинг ҳуснини,  
Огаларданмас, Яқубдин сўр ани.

3935 Ул асо гарчи Мусога чўп эди,  
Гайб учун лек аждари ошуб эди.<sup>303</sup>

Бош кўзи-ла жон кўзи жанг қилди, бил,  
Жон кўзи мот этди, кўрсатди дадил.

Қўл эди қўли Мусонинг наздида,  
Нур эди гайби самонинг наздида.

Бул сухан поёнсиз эрмиш чун камол,  
Балки ҳар маҳрамга эрмишдир хаёл.

Чун ҳақиқат унга тешиқдир, томоқ.  
Зоедир асрори дўстни сўйламоқ.

3940 Бизга ул тешиқ, томоғингдир хаёл,  
Жон ўзи ҳар лаҳза кўрсатгай жамол.

Ҳар киши тешиқ, томоққа бўлса банд,  
«Он лакум дину вале дин» унга тан.<sup>304</sup>

Аҳмадо, муникрга не эрмиш далил,  
Кекса кофир ул, сўзингни қисқа қил.

### ХАЛИФА АЙШУ ИШРАТ ҚИЛМОҚ УЧУН УЛ КАНИЗАҚ ОЛДИГА КЕЛГАНИ

Чун халифа нафси андоқ қистади,  
Ул канизак-ла қовушмоқ истади.

Дедиким, жонимга роҳат айлайин,  
Ул канизак бирла ишрат айлайин.

3945 Борди, қучди ул гўзални, чирмади,  
Лек қазо тўсди, анга йўл бермади.

---

<sup>303</sup> Аждари ошуб -қиёмат аждари

<sup>304</sup> «Сизнинг динингиз ўзингизга, менинг диним ўзимга» ояти кўзда тутилмоқда.



Бир шитирлашдир етишди шул замон,  
Ҳафсала пир бўлди,сустлашди тамом.

Ул магар сичқонмикан деб ўйлади,  
Ё илондир, деб гумонлар айлади.

КАНИЗАК ХАЛИФА ШАҲВАТИНИНГ  
СУСТЛИГИНИ КЎРИБ, ПАҲЛАВОН  
ШАҲВАТИНИНГ ШИДДАТИНИ ЭСЛАБ,  
КУЛГАНИ, ХАЛИФА БУНИ ПАЙҚАГАНИ

Ул канизак подшо ҳолин кўриб,  
Боқди ҳайрон, кулди сўнг қаҳқаҳ уриб.

Эсга тушди шерни енгган паҳлавон,  
Шиддати шаҳватда эрди шерсимон.

3950 Ул канизак баски кулгандан кулиб,  
Қаҳқаҳа айларди ҳар ён силкиниб.

Қаҳқаҳа айларди бангиларсимон,  
Ёдигатушмасди ҳеч суду зиён.

Жаҳд этиб, ўзни тутолмасди гўзал,  
Қаҳқаҳа эрмасди, сел эрди ўшал.

Шодлиги ғамдин келур кулгу, йиғи,  
Ҳар бирининг айрудир юз бермоғи.

Ҳар бирининг маҳзани бордир, калит  
Қодирул фаттоҳда тургай,эй йигит.

3955 Ул канизак кулугдин тинмасди, чун,  
Бас, халифа қош чимирди,бўлди тунд.

Чекди шамширни ғилофдин, деди,зуд  
Кулгининг сиррини сўйла, эй палид.

Бир гумонлар тушди дилга бул дама,  
Рост сўйла менга, ёлгон сўйлама.

Алдасанг ёки фириб берсанг, инон,  
Ҳар не ёлғонингни билгаймен ҳамон.

Бор менинг кўксимда равшан бир кўнгил,  
Айт у айтар сўзни, пинҳон тутмагил.

3960 Жо эрур шоҳлар дилига нурли ой,  
Гоҳ-гоҳ киргай булутга ҳойнаҳой.

Бир чироғ бор дилда, сўнмайдир сира,  
Қаҳру ҳирс босганда тортгайдир хира.

Ул фаросат жонга ҳамдамдир бу дам,  
Ростин айтмай, ҳийла қилсангчи, санам.

Тиг чекиб, бошингни узгумдир жадал,  
Ҳеч баҳонанг бермагай суду самар.

Ростини айтсангчи, озод айларам,  
Ҳаққи Яздон, хотиринг шод айларам.

3965 Етти Мусҳафни қўйиб шоҳ устма-уст,  
Ичди онтлар, айтганим чин деб, дуруст.

ҲАЛИФА КУЛИШНИНГ САБАБИНИ СЎЙЛА,  
ЙЎҚСА, ШУ ҚИЛИЧИМ ИЛА БОШИНГНИ  
УЗАМЕН, ДЕБ ТАҲДИД АЙЛАГАЧ, КАНИЗАК  
СИРНИ ФОШ ЭТГАНИ

Сўнг канизак сўйлади аҳволни,  
Мардлигин ул Рустами юз Золни. <sup>305</sup>

Йўлда нелар кечди, не савдо, ҳамон,  
Айтди бир-бир, айлади шарҳу баён.

Паҳлавон арслон ила жанг қилганин,  
Сўнг канизак ҳолини танг қилганин.

---

<sup>305</sup> Рустами юз Зол - юзта Золга тенг Рустам.

Зоти олий эрса сичқондин чўчиб,  
Турганин чун чорасиз, ранги ўчиб.

3970 Сирларинг Ҳақ айлагайдир ошкор,  
Сен ёмонлик этма, бўлгайсен дучор.

Сув, булут, оташ ва офтоб бешу кам,  
Сирларинг судраб чиқар тупроқданам.

Қиш ўтиб, барглар яна бўлгай яшил,  
Бир қиёмат кечганига бу далил.

Кун исиб, сирлар яна пайдо бўлур,  
Не эмиш ер, очилиб расво бўлур.

Оғзидин чиққай у ямлаб ютгани,  
Бўғзига келгай қоринда тутгани.

3975 Ҳар не пинҳондир оғоч бардошида,  
Бир йўла пайдо бўлурлар бошида.

Ҳар нечук гамдирки, келмиш дилга ул,  
Ичганинг майнинг ҳуморидин келур.

Лек сира билгаймисен ранжи ҳумор,  
Қайси майдин келди, бўлди ошкор?

Бул ҳумор зимнида қай бир донадир,<sup>306</sup>  
Англаувчи оқилу фарзондир.

Шоҳу мева ўхшагайму донага?  
Нуфта ўхшарму тани мардонага?

3980 Қайда ул Ҳаюлову қайда илож,<sup>307</sup>  
Қайда монандир уруғ бирлан оғоч?

Нуфта - нону луқмадин, ўхшарму ҳеч?  
Мардум эрса - нутфадин, ўхшарму ҳеч?

<sup>306</sup> Бу ерда «дона» данак, уруғ маъносида.

<sup>307</sup> Ҳаюло - исми бору жисми йўқ, Анқо ҳам дейишади.

Жин оловдин, қайда оташ, қайда жин?  
Кўкда буғ бирлан булут бирдекмикин?

Дейдилар: Жабрил даминдандир Исо,  
Ул нафасга зарра ўхшарму, аё?

Одамий ўхшарму тупроқ рангига?  
Бир узум ўхшарму букри зангига?

3985 Ўғрининг шаклига ҳеч ўхшарму дор?  
Қайда тоат, қайда хулди пойдор?<sup>308</sup>

Ҳеч аслга монанд эрмасдир асар,  
Билмагайсен, қайдин эрмиш дардисар?

Бесабаб келмас бировга бир жазо,  
Бегуноҳни қайда ранжитгай Худо?

Ўхшамас гар иккиси, айрилгуси,  
Лек асар асли аслдин келгуси.

Баски ранжинг боиси зиллат эрур,  
Офатингни шайлаган шаҳват эрур.

3990 Гар гуноҳинг билмасанг, қил эътибор,  
Ҳаққа юзлан, ёлвориб, сўр игтифор.<sup>309</sup>

Сажда қил юз карра, айтгил, эй Худо,  
Бул гамим айбу гуноҳимга жазо.

Эйки, субҳон, сенда йўқ зулму ситам,  
Бесабабдин бермагайсен дарду гам.

Не гуноҳ этдимки, билмасмен шу тоб,  
Бир гуноҳ қолмас жаҳонда бежавоб.

Сен сабабни беркитарсен, эй Ҳамид,  
Ошкор этма гуноҳимни, бекит.

<sup>308</sup> Хулди пойдор - абадий жаннат.

<sup>309</sup> Игтифор- мағфират, кечирим.

3995 Ул жазо айбимни изҳор айлагай,  
Кимлигимни элга ошкор айлагай.

ПОДШО ВОҚЕАДАН ВОҚИФ БЎЛГАЧ, ХИЁНАТНИ  
БЕКТИБ, ХИЁНАТКОРНИ АВФ ЭТИШГА,  
КАНИЗАКНИ ПАҲЛАВОНГА БЕРИШГА ҚАРОР  
ҚИЛГАНИ. АНГЛАМИШКИМ, БУ НАРСА УНИНГ  
ҚИЛМИШИГА ЖАЗОДИР, У МУСУЛ ШОҲИГА  
ЗУЛМ ЭТГАНИ УЧУН «КИМ ЁМОНЛИК ҚИЛСА,  
ЎЗИГА ҚИЛУР», «ШУБҲА ЙЎҚКИ, РАББИНГ  
СЕНИ КУЗАТУР» ОЯТЛАРИДА АЙТИЛГАНИДЕК,  
БУНДОҚ ФАЛОКАТГА ДУЧОР БЎЛДИ ВА  
ҚЎРҚДИКИМ, АГАР ЎЧ ОЛГУДЕК БЎЛСА, ЎШАЛ  
ИНТИҚОМ АЛАЛ-ОҚИБАТ УНИНГ ЎЗ БОШИГА  
КЕЛУР.<sup>310</sup>

Шоҳ ўзига келди, тавба айлади,  
Айлаган айбу гуноҳин ўйлади.

Деди: этдим ўзгаларга не ёмон,  
Ёпирилиб бошимга келди бу замон.

Ўзгаларнинг жуфтига тикдим кўзим,  
Бу маломатга дучор бўлдим ўзим.

Ўзгаларнинг эшигин урдимки, ҳов,  
Урдилар чун эшигимни беаёв.

4000 Ким тилайдир ўзгаларнинг ёрини,  
Ўзгаларга эш этар дилдорини.

Чунки қилмишга қидирмишдир сазо,  
Ҳар гуноҳнинг жинсидин эрмиш жазо.

Ўзгаларнинг ёрига кўз солганинг  
Сен даюсликни бўйинга олганинг.<sup>311</sup>

<sup>310</sup> Қурони карим, Валфажр сураси, 14-оятга ишорат.

<sup>311</sup> Даюс- қўшмачи.

Тортиб олмишдим канизни зўр билан,  
Зўр билан тортиб олишди менданам.

Паҳлавон эрди вафо ойинлигим,  
Хоин этди,боқ, уни хоинлигим.

4005 Лозим эрмас эмди кийну интиқом,  
Ҳар не ўтди, ўтди ул мендин тамом.

Қаҳру кийна айласамчи, этганим,  
Ёприлиб, бошимга келгайдир маним.

Бир сафар билдим, синаб кўрдимку мен,  
Кел, билай деб боз синаб кўргайму мен?

Шоҳ Мусулга жавр этиб, топдим шикаст,  
Ўзгача этсам, у нелар айламас?

Берди додимни Худойи оғаҳий,  
Ин удтум биҳи удно баҳий.<sup>312</sup>

4010 Бунда ул кийну нифоқдин суд эмас,  
Сабр этишдин ўзгаси маҳмуд эмас.

Раббано, инна залламно, сийлагил,  
Раҳматинг чексиз, менга раҳм айлагил.

Авф этдим, сен-да аф этгил мени,  
Эски, янги не гуноҳ этдим, ани.

Деди сўнгра, эй канизак сўйлама,  
Кимсага бу сирни ошкор айлама.

Мен сени бергум амирга, қайтмагил,  
Бунда не кечди, яширгил, айтмагил.

4015 Чекмасин мендин ҳижолат ё ҳадик,  
Бир ёмонлик қилди, лек юз яхшилиқ.

<sup>312</sup> Ёмонликка юз тутсангиз, жазойингизни берамиз... Қуръони карим, Ал-Исро сураси, 8-оятга ишорат.

Мен синовлар айлаганмен, эй санам,  
Топшириб сендан-да барноларни ҳам.

Лек омонатга хиёнат этмамиш,  
Бул хиёнат менга қисматдин эмиш.

Улки йўқдир унда эшшак эрлиги,  
Тангри наздида - улуг беклар беги.

Мен ўлай, Ҳақ боқса менга, яхшироқ,  
То тирик юргунча Раббимдин йироқ.

4030 Асли эрлик мағзи шулдир, пўсти ул,  
Ул сурар дўзахгаю жаннатга бул.

Чеврамиш жаннатни нохушлик била,  
Дўзах атрофин вале хушлик била.

Эй Аёз, кўрсат улусга шерлигинг,  
Эшшак эрликмас, ақлнинг эрлигин.

Гар улугларга бу жумбоқдир, чигал,  
Сенга эрмақдир, ўйинчоқдир магар.

Эйки чин роҳат билиб амримни то,  
Амру фармонимга этган жон фидо.

4035 Тингла дoston маснавий дунёсидин,  
Завқу шавқ ол сен унинг маъносидин.

ПОДШО ДЕВОНДА АРҚОНИ ДАВЛАТ ҲУЗУРИДА  
ВАЗИРГА БИР ГАВҲАР ТУТИБ, БУНИНГ  
ҚИЙМАТИ ҚАНЧА, ДЕБ СЎРАГАНИ, ВАЗИР  
ГАВҲАРНИНГ БАҲОСИНИ ОШИРИБ-ТОШИРИБ  
АЙТГАНИ, ПОДШО УНИ УРИБ, СИНДИР, ДЕБ  
БУЮРГАНИ, ВАЗИР, УНИ СИНДИРИШГА ҚЎЛИМ  
БОРМАЙДИ, ДЕГАНИ

Подшо девонга келди бир маҳал,  
Аҳли аркон унда ҳозир эрдилар.

Кўз солиб ул аҳли аркон афтига,  
Қўйди бир гавҳарни вазир кафтига.

Сўрдиким, қийматда қандоқ бул гуҳар?  
Деди: шоҳим нархи юз харвор зар.<sup>313</sup>

Деди: синдир, деди қандоқ синдирай,  
Давлату молинга дўстмен ҳар қалай.

4040 Бир асл гавҳарки, андоқ бебаҳо,  
Кўрмагаймен ҳеч ушатмоқни раво.

Боракалло, деди, тўн айлаб ато,  
Олди вазир илкидин гавҳарни шоҳ.

Олди-да, вазирни такрор сийлади,  
Ўз тунин ҳам ечди, инъом айлади.

Подшо сўз очди сўнг дарбордин,  
Эскию янги неча асрордин.

Сўнгра гавҳарни тутиб ҳожибга ул,  
Сўрдиким, айтгил, баҳоси неча пул?

4045 Деди ҳожиб: бул гуҳар қимматбаҳо,  
Мамлакат ярмига тенгдир, голибо.

Деди: синдир, деди: эй хуршид жамол,  
Бўйла бир гавҳарни синдирмоқ увол.

Қимматин қўй, боқ нечук дурдонаси,  
Офтоб нури унинг парвонаси.

Балки душманликка дўнгайдир йўлим,  
Лек ушатмоққа уни бормас қўлим.

Унга ҳам кийдирди хилъат подшо,  
Ақлини мақтаб, ўқиб ҳамду сано.

---

<sup>313</sup> Юз харвор зар- юз эшакка ортилган олтин.



4050 Сўнгра гавҳарни амирга чўзди ул,  
Неча бир қўлдин яна ўтказди ул.

Барчаси бирдек шу сўзни қийдилар,  
Барчаси заррин чопонлар кийдилар.

Шоҳ уларни гарчи бундоқ хушлади,  
Аслида лекин чуқурга бошлади.

Эллик - олтмиш бек, амирлар эрдилар,  
Барчаси вазир сўзини дердилар.

Гар жаҳоннинг устун тақлид эрур,  
Лек муқаллид охири расво бўлур.<sup>314</sup>

ГАВҲАР ҚЎЛДАН ҚЎГА ЎТИБ, НИҲОЯТ АЁЗГА  
ЕТГАНИ, АЁЗНИНГ ЎЗГАЛАРГА ЭРГАШМАГАНИ,  
ПОДШО ТОМОНИДАН ИНЪОМ ЭТИЛАЖАК  
МОЛБИСОТ, ЗАРРИН ТўНЛАРГА УЧМАГАНИ,  
ПОДШО УЛАРНИ СИНАМОҚ НИЯТИДА БУНДОҚ  
ҲАМДУ САНОЛАР ЎҚИШИНИ АНГЛАГАНИ.  
АХИР, МУҚАЛЛИД МУСУЛМОН БЎЛУРМУ? ОЗ  
БЎЛСАДА МУҚАЛЛИД ҲАМ ЭЪТИҚОДГА СУЯНАР  
ВА БАЛКИ СИНОВЛАРДАН ЭСОҢ-ОМОН ЎТАР,  
АММО УНДАСОҲИБ НАЗАРЛАРНИНГ САБОТИ  
БЎЛМАС. ОЛЛОҲ ШАФОАТ ЭТСА, БОШҚА ГАП,  
ЗЕРО ҲАҚ БИРДИР, УНИНГ НЕЧА ЗИДДИ ВА  
МОНАНДИ БОРДИР: МУҚАЛЛИД УЛАРНИ  
ТАНИМАС ВАШУ САБАБДАН ҲАМ ҲАҚНИ  
АЖРАТА ОЛМАС. У ҲАҚНИ ТАНИМАСА-ДА, ҲАҚ  
УНГА ИНОЯТ КЎЗИ ИЛА БОҚАРКАН,  
ТАНИМАСЛИГИ МУҚАЛЛИДГА ЗИЁН АЙЛАМАС

4055 Шоҳ деди: етди сенга сув навбати,  
Эй Аёз, айтгил, бунинг не қиймати?

Деди: ҳеч таърифга сирмас мазмуни,  
Деди: ундоқ бўлса, ур, синдир уни.

---

<sup>314</sup> Муқаллид - тақлидчи.

Енгидан тош олди, синдирди шитоб,  
Чун унинг наздида бул эрди савоб.

Бахтига ёр бўлмиш эрди давлати  
Измига қўл бермиш эрди ҳикмати.

4060 Бўйлаким Юсуф қудуқда ўлтириб,  
Ҳар не савдо эрса, турмишди кўриб.

Кимгаким фатҳу зафар бергай қанот,  
Унга бирдекдир муроду бемурод.

Кимгаким бўлгай муяссар васли ёр,  
Қўрқмагай, бўлса фалокатга дучор.

Мот бўлиш эрса муқарар, дамба-дам  
Отни қурбон айлагайсен, филни ҳам.

Отни истар отни олсин, бок йўқ,  
Сенга ул отдин на иссиқ, на совуқ.

4065 Отга инсоннинг вафоси не эмиш?  
Отни севмоқдин муродингдир миниш.

Чекма сувратларни деб ранжу малол,  
Сен садову суврат олма, маъни ол.

Гам чекар зоҳид, магарким изтироб,  
Не бўлур ҳолим деб ул рўзи ҳисоб.

Бошданоқ ориф хабардор, хушманд,  
Не бўлур деб охирим, чекмайди гам.

Бор эди орифда ҳам хафу рижо,  
Иккисин ҳам этди ўздин Мосуво.

4070 Билдиким ул экканинг гар мош эрур,  
Кузда хирмонингда мошинг чош эрур.

Бўлмагай орифда зарра хавфу бийм,<sup>315</sup>  
Тиғи Ҳақ кесмиш уларнинг иккисин.

Бор эди қўрқув ила уммиди Ҳақ,  
Кетди қўрқув, қолди ул уммид фақат.

Чун Аёз гавҳарни синдирган замон,  
Аҳли аъён чекдилар оҳу фиғон,

Дедилар: йўқ шубҳақим, кофир эрур  
Бўйла гавҳарни ушатган кимса ул.

4075 Ўзлари лекин жаҳолат қилдилар,  
Шоҳ амри гавҳарин синдирдилар.

Битта гавҳар деб уларда меҳру вуд,<sup>316</sup>  
Иззату андиша бўлмишди унут

УМАРО, ГАВҲАРНИ НЕГА СИНДИРДИНГ, ДЕБ  
АЁЗГА ТАЪНА -ДАШНОМЛАР ОТИШГАНИ, АЁЗ  
УЛАРГА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Эй улуғлар, деди ул етганда гал,  
Амри подшодин азизроқму гуҳар?

Айтингиз қўрқиб Худонинг қаҳридин,  
Гавҳар афзалроқму султон амридин?

Сизга гавҳар бор, валелекин шоҳ йўқ,  
Қибласиз шайтон, юрарга роҳ йўқ.

4080 Ҳечқачон подшодин узмам кўзни мен,  
Тошу тупроққа ўгирмам юзни мен.

Шоҳгамас, тошларга эрса ҳиммати,  
Бўйла бир жоннинг не эрмиш қиймати?

---

<sup>315</sup> Бийм-қўрқув.

<sup>316</sup> Вуд-дўстлик, оқибат.

От гулранг тошни, у синган сопол,  
Тошга ранг берганга бўл ҳайрону лол.

Сувга киргил, кўзани сен тошга ур,  
Рангу бўйдин кеч, уни оташга ур.

Эрмасанг гар дин йўлин тўсгувчи тош,  
Рангу бўйлар олдида индирма бош.

4085 Аҳли аркон барчаси бош эгдилар,  
Бош эгиб, афсус надомат чекдилар.

Оҳлари худди тутундек ўрлабон,  
Юксалур эрди магар то осмон.

Шоҳ жаллодга ишорат айлади.  
Бу балохўрларни даф этгил, деди.

Иззатимга эмди лойиқму улар,  
Баски, бир тош деб сўзим синдирдилар?

Этдилар ул муттаҳамлар бўйла кор,  
Бир синиқ тош деб менинг амримни хор.

ПОДШО УЛАРНИ ЎЛИМГА БУЮРГАНИ, АЁЗ  
ШАФОАТЧИ БЎЛИБ ЎРТАГА ТУШГАНИ, ЭЙ  
ПОДШОҶИМ, УЛАРНИ АВФ ЭТГАНИНГ  
АВЛОДИР, ДЕГАНИ

4090 Сачради, турди Аёз ҳам борди тез,  
Тахт оёғига эгилди, чўкди тиз.

Сажда қилди, сўзга сўнг лаб очди бот:  
Кўк сенинг ҳайронинг эрмиш, эй Қубод.

Эй Ҳумо қушларга бахт берган ҳумо,  
Эй сахийларга ўзинг кони сахо.

Эй карим, лутфи карам этса жаҳон,  
Ул сенинг олдинда ҳечдир бегумон.

Эй латиф, ҳуснингни боғда кўрди гул,  
Лек хижолатдин яқосин йиртди ул.

4095 Тулкилар голиб эса шер олдида,  
Бул сенинг авфинг туфайли аслида.

Улки хор этмиш сўзингни, юз шувут,  
Унга ул авфингдин ўзга не умид?

Гафлату густоҳлик этмишлар чунон,  
Боиси авфинг эрур, эй афвилон.<sup>317</sup>

Бошлагай гафлатга густоҳлик магар,  
Эҳтиром кўзларга шабнам келтирар.

Гафлату нисён қўшилгайлар мудом,<sup>318</sup>  
Ёндириб андиша лек айлар тамом.

4100 Ул сабаб кўзлардин учгай уйқуси  
Саҳву нисён кўнглини тарк этгуси.

Вақта ғорат халқни уйқу элтмагай,  
Токи ҳирқам, дейди, қўлдан кетмагай.

Ҳирқни ўйлаб чу уйгоқдир нуқўл,  
Жонни ўйлар бўлса гар, ухларму ул?

«Ло туъахиз ин насайно» дир гувоҳ,<sup>319</sup>  
Чунки бир важди унутмоқ ҳам гуноҳ.

Этмамиш таъзимни ул такмил ила,  
Ҳарбу зарбда йўқса ухларму сира?

4105 Гар унутмоқ бобида ночор эрур,  
Лек унутмасликка ул мухтор эрур.

---

<sup>317</sup> Афвилон-авф этувчи.

<sup>318</sup> Нисён-унутиш.

<sup>319</sup> Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобинга гирифтор айлама... Қуръони карим, Бақара сураси, 286 оятга ишорат.

Сустлашиб, гар этмаса таъзим адо,  
Юз берар нисён, яна саҳву хато.

Бўйлаким маст ҳам жинойтлар қилур,  
Маст эдим, деб ўзни сўнг маъзур билур.

Унга дерлар, майни сўкма нобакор,  
Май ичишда сенда эрди ихтиёр.

Сенга ул мастлик ўзича келмади,  
Кел, дединг, келди, бошингни чирмади.

4110 Бўлмасайди мунчалар жаҳдинг сенинг,  
Ҳақ сўзи асрар эди аҳдинг сенинг.

Ҳақ ўзи узрингни айтар эрди то,  
Зиллати масти Илоҳга мен адо.

Жумла олам авфу лутфу баҳраси,  
Баҳри авфинг аксининг бир зарраси.

Авфлар сўйлар сано авфинга, Ҳу,  
Бўйла авф йуқ, айюҳаннос иттақу.<sup>320</sup>

Сен уларни қувма, эҳсон айла жон,  
Сен уларга комсен, эй комрон.

4115 Шафқат этгилким, юзингни кўрган ул,  
Айрилиқ келса, нечук тоқат қилур?

Сўйладинг ҳажру фироқдин, сўйлама,  
Ҳар не қилсанг қилки, бундоқ айлама.

Келса домингдин ўлимлар эрта-кеч,  
Ул фироқингдек тахир бўлгайму ҳеч?

Айрилиқ аччиқ эмишдир, ал-фироқ,  
Сен уни эркак-аёлдин тут йироқ.

<sup>320</sup> Эй инсонлар, сақланингиз... Қуръони карим, Нисо сураси, 1-оятга ишорат.

Васл умидибирла ўлмоқ хуш эрур,  
Айрилиқ - оташ уза оташ эрур.

4120 Габр оташ ичра дейдир ҳар маҳал;  
Не бўларди, солса менга бир назар.

Бир назарким, жумла дардингга даво,  
Бўлди соҳирларга андоқ хунбаҳо.

ФИРЪАВН СЕҲРГАРЛАРНИ ЎЛИМГА  
БУЮРГАНИ, УЛАР «ЗИЕНИ ЙЎҚ, БИЗ  
РАББИМИЗГА ҚАЙТАМИЗ» ДЕЙИШГАНИ  
ТАФСИРИ

Наърайи «Ло зайр» га андоқ тўлди кўк,<sup>321</sup>  
Сакради, гўёки чавгон бўлди кўк.

Фиръавн қаҳр этса бизга, не писанд,  
Қаҳри устунмас Худонинг лутфидан.

Билсанг эрди не эмишди сирри хос:  
Биз бўлурмиз ранжу заҳматдин халос.

4125 Кел, эшит, янграр садойи арғанун,  
Қар нафас: ё лайта қавми яъламун.<sup>322</sup>

Бизга ҳам Ҳақ берди подшоликни, бас,  
Ул сенинг подшолигингга ўхшамас.

Эйки сен мағрур маним деб Мисру Нил,  
Кўз очиб, кўр, бизда не мулки жалил.

Шул нажосат тўнни тарк этсанг, нетар,  
Наҳри жонинг наҳри Нилни фарқ этар.

Кел, қўлингни чек Мисрдин, аслида,  
Неча юзлаб Миср эмиш жон Мисрида.

<sup>321</sup> Ло зайр - зарари йўқ.

<sup>322</sup> Кошки, қавмим билсайди.. Қуръони карим, Ёсин сураси, 26-  
оятга ишорат.

4130 Сен»Ана Раббун» дегайсен халққа гар,<sup>323</sup>  
Не эмиш маъноси, андин беҳабар.

Рабби банда олдида титрарму зир?  
Жисму жонга «мен»қачон бўлгай асир?

Биз эмасмиз энди «мен» га мубтало,  
Бўйла бир менликдир ул, кони бало.

Сенга ул менлик, гурури шум насиб,  
Бизга эрса давлати маҳтум насиб.<sup>324</sup>

Бўлмасайди менлигинг, эй ношукур,  
Қайда эрди бизга бул иқболу нур?

4135 Минг шукурким, энди кетмоқ қасдида  
Панд ўқирмиз сенга шул дор остида.

Дор эмас, бизга буроқи рихлат ул,  
Мулк эмас, сенга гуруру гафлат ул.

Бул ҳаётдир, гарчи сувратда мамот,  
Ул мамотдир, гарчи сувратда ҳаёт.

Бас, кўрингай нур нору нор нур,  
Ул сабаб дунё эмиш дорулгурур.

Аввало йўқ бўл, тараддуд айлама,  
Баски ботдинг, бош кўтар шарқдин яна.

4140 Гар азалдан келса менлик, дилрабо,  
Ўзгаси бўлгай сенга айбу гуноҳ.

Менсиз эрди менлик ул, хушланди жон,  
Бул жаҳоннинг менлиги - ранжу зиён.

Топди менликдин халос ул, бўлди мен,  
Офарин айт бўйла бир менликка сен,

<sup>323</sup> Ана Раббун-мен Раббингизмен.

<sup>324</sup> Давлати маҳдум - хатлаб, муҳрлаб берилган давлат.



Ул чопар, олдида менлик чарх уриб,  
Ортидан тушмиш уни менсиз кўриб.

Унга толибсен, ул эрмас толибинг,  
Баски, ўлсанг, толибингдир матлубинг.

4145 Сен тириксен, мурдашўй ювмас сени,  
Сени тиларсен, матлубинг қувмас сени.

Гар хирад бу баҳс аро топсайди йўл,  
Фахри Розий бўлгай эрди воқиф ул.

Тотмаган билмас чу бир ҳикмат анга,  
Юклади ақлу хаёл ҳайрат анга.

Менни кашф этмоқ тафаккурга қийин,  
Кашф ўлур менлик вафотингдин кейин.

Тушгуси ақлу хирад чўнқирга бот,  
Исмани дерлар ҳулулу иттиҳод.<sup>325</sup>

4150 Эйки юлдуздек яқинлаб боз-боз,  
Офтоб нурида йўқ бўлган Аёз.

Нуфта янглиг сен бадан ичра бадан,  
Эй ҳулулу иттиҳодни билмаган.

Афв айла, афв сандигингдадир,  
Биздамас, лутфу карамлар сендадир.

Ким эмишмен, афв эт, дермен сенга,  
Амри «Кун» султонидирсен сен менга.

---

<sup>325</sup> Ҳулул - бир нарсанинг ичига иккинчи нарсанинг кириши. Калом тушунчасига кўра, баданда тажалли топиши. Бу ақидага ишонганларни «Ҳулулий» дейишган. Иттиҳод-Оллоҳнинг банди ила бирлашмоғи маъносиди. Бу ақида издошларини «Иттиҳодий» дейишган. Ҳақиқий сўфийлар унисини ҳам, бунисини ҳам тан олишмаган.

Ким эмишмен, қайда мену қайда сен,  
Доманинг тутмиш магарким жумла мен.<sup>326</sup>

АЁЗНИНГ ШАФОАТ ЭТИШДА ЎЗИНИ ГУНОҲҚОР  
БИЛИБ, УЗР СЎРАШИ, УЗР СЎРАШДА ҲАМ  
ЎЗИНИ ГУНОҲҚОР САНАШИ. БУ СИНИҚЛИК  
ПОДШОНИНГ УЛУҒЛИГИНИ  
БИЛИШДАНДИРКИМ, ЗЕРО, ДЕЙИЛМИШ: «МЕН  
ОЛЛОҲНИ ЭНГ КЎП БИЛГУВЧИМЕН ВА  
ОЛЛОҲДАН КЎРҚУВЧИДИРМЕН». ТАНГРИ ТАОЛО  
ДЕРКИМ, ОЛЛОҲДАН БИЛИМДОН БАНДАЛАР  
ҚЎРҚИШАР.<sup>327</sup>

4155 Эйки ҳилм дарёси, жоизму менга  
Илму ҳилмни бўйла ўргатмоқ сенга?<sup>328</sup>

Неча минг калтакка лойиқмен ҳамон,  
Арзигаё урсанг бошимга беомон.

Ким эмишмен, арзу изҳор айласам?  
Ё сенга шарҳи карамни сўйласам?

Даҳр аро сен билмаган не эрмиш ул?  
Хотирингда бўлмаган не эрмиш ул?

Сен жаҳлдин поксен, илминг-да пок,  
Сенга бегона фаромуш айламак.

4160 Ҳеч эди ул кимса, кас этдинг уни,  
Нур сочиб, офтобпараст этдинг уни.

Одам этдинг, илтижолар айласам,  
Илтижойим тинглагил сен, эт карам.

Ёлборурмен, кўнглим олгувчи ўзинг,  
Илтижони дилга солгувчи ўзинг.

---

<sup>326</sup> Доман-этак

<sup>327</sup> Қуръони карим, Фотир сураси, 28-оятга ишорат.

<sup>328</sup> Ҳилм - юмшоқлик, мулоимлик.

Чун халос бўлди вужудимдин ватан,  
Унда не эрса, эмас ул менга тан.

Сув каби дилдан дуойимни шу тоб,  
Сен равон этдинг, ўзинг қил мустажоб.

4165 Сен дуо бердинг дилимга, сийлагил,  
Ул дуойимни ижобат айлагил.

Лоф урай, шоҳу жаҳону фаҳру зеб  
Мен учун афв этди осийларни деб.

Дард эдим бошдин - оёқ мен худписанд,  
Сийлади шоҳим мени дармон билан.

Дўзахий эрдим, жаҳон шўру шари,  
Лутфидин етди биҳиштнинг кавсари.

Дўзах айтур: ўтда ёндиргувчимен,  
Кавсар айтур: қайта ундиргувчимен.

4170 Не эмиш Кавсар - зилолий қўру қут,  
Айлагай ул ҳар нечук нобудни буд.

Қатра-қатра сочилиб, малҳам эрур,  
Ҳар не дўзах ёқди, тиклаймен, деюр.

Дўзах эрмиш қаҳратон, фасли хазон,  
Кавсар эрмиш гулбаҳор, ҳусни жаҳон.

Дўзах ул худди ўлимдир, хоки гўр,  
Кавсар ул ширин нафас, оҳанги сур.

Эй тани дўзахда бўлганлар адо,  
Сизни ул Кавсарга етказгай Худо.

4175 Чун халақтул-халқ кай юрбаҳ алай-  
Сенга лутф этмишди ул қайюми Ҳай.<sup>329</sup>

<sup>329</sup> «Халқни мендан фойдалансинлар учун яратдим» сўзини ўзинг лутф этдинг, эй ҳамиша тирик Парвардигор.

Ло илон арбаҳ алайҳим-келди сўз<sup>330</sup>  
Бул карамдин барча ноқислар тўқис.

Танпараст шу қулларингини афв эт,  
Чунки афв бобида сен баҳри муҳит.

Халқ афви худди ирмоқ, худди сел,  
Талпинур дарёсига, бўлмоққа эл.

Ҳар кеча дилпоралдардин афву оҳ,  
Сен томон парвоз этур, эй подшо.

4180 Субҳидамда сен учиргайсен яна,  
Жумла танларга кўчиргайсен яна.

Боз учарлар сен томонга вақти шом,  
Жазбётар чунки ўшал айвону том.

Тандин узгайлар у боғлиқ торни,  
Талпинурлар кўргали дийдорни.

Сўнгра дерларким, сано айтгувчимиз,  
Чинданам биз Тангрига қайтгувчимиз.<sup>331</sup>

Бир садо келгай, келинг, деб дамба-дам,  
Қолмагай сизларда зарра ҳирсу ғам.

4185 Билдингиз, не эрмиш озори жаҳон,  
Энди қадрим сизга бўлмишдир аён.

Шу дарахтим соясида ўлтиринг,  
Чарчаган, ҳорғин оёқларни чўзинг.

Дин йўли қийнаб, қавартирди расо,  
Энди ҳурлар сийпалаб, этгай даво.

Ул гўзаллар кўз қисурлар меҳрибон,  
Қайтди сўфийлар саёҳатдин, дебон.

<sup>330</sup> «Мен улардан фойдаланишим учун эмас».

<sup>331</sup> Қуръони карим, Бақара сураси, 155-156 оятларга ишорат.

Сўфийи софийлар андоқ учдилар,  
Ерга офтоб шуъласидек тушдилар.

4190 Қайтдилар, тубанда бўлмасдин ҳалок,  
Нур каби Курси баландга тоза, пок.

Боқ, гуноҳкорларнинг оқди ёшлари,  
Ўйлаким, деворга тегди бошлари.

Не эмиш айбу хатолик, билдилар,  
Шоҳ ила шатранжда мағлуб бўлдилар.

Оҳ чекиб, юзландиларчун сен томон,  
Биз гуноҳкорларга йўл кўрсат, дебон.

Сен уларни поклагил шу лаҳзада,  
Афв Фироти, ул зилолий чашмада.

4195 Токи бўлсинлар гуноҳлардин халос,  
Тоза, пок сафларда этсинлар намоз.

Бўйла сафларким, узундан ҳам узун,  
Унда биз нур ичра, наҳнул-софиун.<sup>332</sup>

Сўз бу ҳолат васфига етгач, шу дам,  
Йиртилиб қоғоз, ҳамон синди қалам.

Мавжи денгиз жомга жо бўлгайму ҳеч?  
Қўзичоқ йўлбарсга тенг келгайму ҳеч?

Парда ичра ўлтирарсен, оч юзинг,  
Не ажаб подшолик унда, кўр ўзинг.

4200 Гарчи чун синдирди жоминг қавми маст,  
Сендин эрмишдир улар масту аласт.

Эрмас ул мастликка боис мулку мол,  
Ул шаробингдир сенинг, эй безавол.

<sup>332</sup> Наҳнун-софиун-саф чекиб турувчилармиз.. Қуръони карим,  
Вас сафот сураси, 165-оятга ишорат.

Баски мастлар маст эмишлар сен билан,  
Мастларингни афв эт, эй афвманд.

Бул маним, деб зарра этсанг эътибор,  
Ул сўзингда неча хумнинг тоти бор.

Бизни маст этган ўзингсен, подшо,  
Мастга жоизмас шариатда жазо.

4205 Бер жазойимни агар ҳушёр эсам,  
Лекин ҳушёрликни энди истамам.

Улки жомингдин симирди бир наво,  
Бўлди ҳушдан ҳам, ақлдан ҳам жудо.

Ман тафони фи ҳавокум лам яҳум.<sup>333</sup>  
Холидаyno фай фаноън сукруҳум

Фазлинг айтур кўнглимизга ҳар куни:  
Эйки ишқ айронимизнинг тутқуни.

Сен тушиб айрон аро, афтодасен,  
Аслида маст пашша эрмас, бодасен.

4210 Кўкда калхатлар-да сендин маст мудом,  
Чун асал баҳрида сузгайсен давом.

Тоғу тошлар заррадек пастингдадир,  
Нуқтаву паргору хат дастингдадир.

Фитналарким титрашур, ларзон сенга,  
Бебаҳо дуру гуҳар арзон сенга.

Берса эрди Ҳақ менга беш юз даҳон,  
Шарҳинг айтар эрдим, эй жону жаҳон.

Бир даҳоним бор танимда, эй улуг,  
Лек хижолатлиғ ила тургай юмуқ.

<sup>333</sup> Улар мастлик, сархушлик йўқлигида абадий қолурлар. Сенинг ишқингда фано топганлар, ундан айру тушолмас.

4215 Лабюмуқдир менданам йўқлик, адам,  
Бор умидим келди андин дамба-дам.

Юз туман осори ғайб, эй Бору Бир,  
Чиққғели йўқликдин ҳар дам мунтазир.

Айланур бошим хуморингдин, Худо,  
Бул карамга мен тасаддуқ, мен адо.

Хоҳишингдир майлу рағбат барчаси,  
Йўлчи йўлга тушса, ул Ҳақ жазбаси.

Чанг-ғубор учгайму еллар юрмаса,  
Кема йўл босгайму елкан сурмаса.

4220 Жон олур жонлар хаёлинг олдида,  
Оби ҳайвон не зилолинг олдида?

Оби ҳайвон қиблайи жон, эй рафиқ,  
Сув ила яшнайти бўстон, эй рафиқ.

Ишқ ила ўлмиш, тирилмишдир улар,  
Дилни жондин, жон суйидин уздилар.

Ишқ суйинг кўнгилга бермишдир нажот,  
Олдимизда оби ҳайвон ҳам касод.

Оби ҳайвон жон бағишлар, сувчи сен,  
Чунки ул сувга ҳаёт бергувчи сен.

4225 Ҳар нафас бердинг ўлимни, жонни ҳам,  
Англадим, неларга қодир ул карам.

Бас, ўлим уйқу эмишдир менга то,  
Эътимодим бор тирилмоққа, Худо.

Етти денгиз бўлса эрди гар шароб,  
Сен уни борлиққа бергайдинг шу тоб.

Ақлу ҳуш титрар ажалдин, ишққа не?  
Қўрқитар ёмғир кесакни, тошга не?

Масनावий иншосида бешинчи бул,  
Кам дема, жон буржида анжумдир ул.

4230 Ки ишоратлар этар юлдузга хос,  
Йўлни топгай кемачи, юлдузшунос.

Ўзгалар ҳам кўкка боққайлар ҳамон,  
Билмагайлар на суъуду на қирон.<sup>334</sup>

Ошно бўл тунда ул кўзларга сен,  
Девни ёндиргувчи юлдузларга сен.

Ҳар бири девдан бўларкан бадгумон,  
Ўт отар кўк гумбазидин беомон.

Ҳар бири девларга чун ақраб эрур,  
Муштарийларга вале ақраб эрур.<sup>335</sup>

4235 Қавс ўлал девларга ёйдин ўқ узар,  
Далв экинзорларга сувлар оқизар.

Ҳут гумроҳликни абгор айлагай,  
Савр пайкалларни шудгор айлагай.

Шер бўлиб тунларни йиртаркан қуёш,  
Лаълу ёқут кийгуси атлас, қумош.

Ҳар вужуде борки, йўқликдин келур,  
Кимга оғу, кимга ул шаккар эрур.

Дўст бўл, ташла ёмон атворни сен,  
Ҳар заҳардин ҳам тотин шаккарни сен.

---

<sup>334</sup> Суъуд-хайрли қутлуғ юлдуз. Қирон - икки юлдузнинг яқинлашуви.

<sup>335</sup> Ақраб-биринчи мисрада «чаён», иккинчи мисрада «яқин» маъносида.



4240 Этмади форуққа оғу бир зарар,<sup>336</sup>  
Чун унинг тарёқи этмишди шакар.

*«Маснавий маънавий»нинг  
бешинчи китоби тугади.*

---

<sup>336</sup> Форуқ- ҳақ ила ботилни ажратувчи, фарқ қилувчи.

## МУНДАРИЖА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!	5
Дебоча	7
«Тўртта қуш олиб, уларни олдинда тўпла» оятининг тафсири	9
Мустафо саловатуллоҳу алайҳнинг, кофирнинг қорни еттига, мўминнинг қорни битга, дейишининг боиси	12
Мустафо алайҳисалом ҳужра эшигини очгани ва меҳмон хижолат чекмасин, дея ўзини бир четга олгани	15
Мустафо алайҳиссалом ифлос тўшакни ўз қўли билан юваркан, меҳмоннинг қайтиб келгани, қаттиқ хижолат чекиб, ўз ҳолига йиғлагани	16
Мустафо алайҳиссалом меҳмонга меҳрибонлик кўрсатгани, хижолат тортиб, надомат ва умидсизлик оташида ўртаниб, фарёд чеккан арабга таскин, тасалли бергани	20
Ул ҳақдаким, намоз, рўза ва бошқа зоҳирий ишлар ботиний нурдан гувоҳлик бергай	22
Сув барча ифлосликларни тозалагани, худойи таоло яна барча ифлосликлардан сувни поклагани, ҳақ таоло барча нуқсонлардан мусаффо эканлиги	23
Сувнинг булганиб, ҳақ жалли жалолодан нажот сўрагани	24
Зоҳирий амал ва сўзнинг ботиний нурдан далолат беришлиги	26
Мунаввар кимсанинг кўнгил нури у бир иш қилмай, бир сўз демай, аён бўлишлиги	27
Мустафо алайҳиссалом меҳмонга калимайи шаҳодат келтиришни ўргатгани	28
Ул ҳақдаким, жон ғизоси бўлган нур авлиёлар жисмининг ҳам ғизосидир. То ул руҳингга ёр экан, шайтонинг ҳам мусулмон бўлур	31
Тан аҳлининг руҳ ғизосини инкор этишлари, ўз тубан емишлари устида титраб-қалтирашлари	32
Муножот	33
Лавҳи маҳфузнинг тимсоли, ҳар кимсанинг кунлик насиби қанча бўлса, унинг ақлу идроки лавҳи маҳфуздан у қадар олиши, шунингдек жаброил	

алайҳиссаломнинг лавҳи аъзамни ҳар куни бир ўзгача идрок этиши	34
Феъл - аъмоллардаги тафовутлар намоз вақти қоронғуликда қиблани қидирганлар ҳолига ёки денгиз тубига тушиб, инжу излаганлар аҳволига ўхшар	35
“Бўйла бандаларга ҳасрат-надомат бўлгай” оятининг тафсири	36
Фаражининг фаражи аталишининг илк сабаби	37
Товуснинг сифати ва табиати, иброҳим алайҳиссалом товусни сўйгани боиси	40
Тангри лутфини ҳар кимса билар, қаҳрини ҳам. Ҳар кимса тангри қаҳридан қочиб, лутфига сиғинар. Фақат ҳақ таоло қаҳрида лутфини, лутфида қаҳрини бекитмиш. Бу - тескари қоқилган тақа, тангрининг макридир. Шу ўринда оллоҳ нури ила назар этувчи аҳли тамиз билан фақат зоҳирни кўрувчилар бир-бирларидан айрилурлар. Амр этилмишким, қай бирингиз яхшироқ амал қилувчисиз, дея сизни имтиҳон қилурмиз...	43
Муъатазила аҳли дерларким, жузвий ақллар аслан тенг, баробардир, таълим, тарбия ва тажриба ила тафовут майдонга чиқар. Ҳолбуки ақллар тафовути аслан яратилишда, фитратдадир	46
Хуржуни тўла нон бўлатуриб, итига бир бурда нон бермаган, ити очликдан ўлгач, ўзини уриб, марсиялар айтиб, йиғлаган араб ҳикояси	48
Инсонга ўзига маҳлиё бўлиб боққан ўз кўзидан ҳам ёмонроқ таҳликали кўз бўлмас. Лекин “мен ила тинглар ва мен ила кўрар” сиррига етиб, борлиги борлиқсиз ҳолга келиб, кўзи ҳақ нури ила ёришган бўлса, у бошқа гап	49
“Қофирлар сизни кўзлари билан қулатиб, ҳалоқ этишларига оз қолди” оятининг тафсири	50
Бир товус ўз тумшуғи билан патларини юлқиб, ўзини тақир ва хунук бир ҳолга солгани, бунга кўрган ҳаким ҳайратга тушиб, ўзинга раҳминг келмайдими, деб сўрагани. Товус, ўзимга раҳмим келади, аммо жоним паримдан азизроқдир, парларим - душманимдир, деб жавоб бергани	53

- Ул ҳақдаким, нафси мутмаиннанинг софлиги,  
тозалиги фикрлар ила хира тортгай. Бўйлаким,  
ойинага бирор нарса ёзсанг ёхуд расм солсанг, уни  
ўчирганда ҳам изи қолур 55
- Пайгамбар алайҳиссаломнинг “мусулмончиликда  
роҳиблик йўқдир” сўзининг тафсири 56
- Ул ҳақдаким, ошиқ амалига берилган савоб  
ҳақдандир ва ҳақдир 57
- Пайгамбар алайҳиссаломнинг “ўлмасдан туриб,  
ўлимини тилаган кимса, агар у яхши киши бўлса,  
яхшиликка етишмоққа ошиққан, ёмон киши бўлса,  
ёмонлигини камайтирмоққа шошилган бандадир”  
сўзининг тафсири 59
- Ул ҳақдаким, бобул чоҳида тутқун бўлган ҳорут ва  
морут янглиғ ақлу жон ҳам бу дунёда маҳбусдирлар 60
- Товуснинг савол сўргувчига жавоб бергани 62
- Ул ҳақдаким, ақлли, заковатли бўлиш ва молу дунё-  
товус қушнинг парларидек жоннинг душманидир 63
- Кундузи қуёш нурида йўқ бўлган юлдузлар янглиғ  
ҳақ борлигида фоний бўлиб, шарридан ҳам,  
ҳунаридан ҳам қутулиб, омон топган, ўзлигидан  
кечганларнинг сифатлари. Фонийга на офат қўрқувси  
бор, на хавфу хатар 65
- Ул ҳақдаким, олами ҳақда ҳар нарсаким бор, егувчи  
ва емишдир, чунончи, чигиртка қувган қуш ўз  
ортидан оч лочиннинг тушганини билмас. Эй овчи, эй  
егувчи инсон, эҳтиёт бўлким, сенинг ҳам изингга  
овчи ва егувчи тушмиш. Кўз очиб, уни далил ва  
ибрат кўзи билан кўргил 69
- Халил алайҳиссалом қузғунни ўлдиргани сабаби, бу -  
муриднинг қайси бир ёмон сифатлардан қутулиши  
лозимлигига ишорат эканлиги 73
- Муножот 74
- Пайгамбар алайҳиссалом, уч кимсага ачининг, деб  
амр этмиш: ҳақир аҳволга тушган юксак мартабали  
кишига, қашшоқликка учраган давлатмандга,  
жоҳилларга кулгу бўлган донишмандга 77
- Оҳу боласини эшак оғилига қамашгани, эшаклар уни  
гоҳ тегиб, гоҳ масхара қилишгани. Оҳу оч қолиб,  
қуруқ сомон ейишга мажбур бўлгани. Аҳли дунё,

аҳли ҳавою шаҳват орасига тушиб қолган худонинг хос бандаси ўшал оҳуга ўхшар. Дейилмишким, ислом ғариб бўлиб келди, ғариб бўлиб кетгай, ғариблар бахтиёрдирлар...чин демиш бу сўзни расулиллоҳ	79
Халқи батамом рофизий бўлган сабзавор шаҳрини муҳаммад хоразмшоҳ жанг ила ишғол этгани. Шаҳар аҳолиси омонлик тилаганда, абубакр исмли кишини топиб, ҳадя этсангиз, омонлик берамен, дегани	80
Огилда, эшшаклар орасида қолган оҳу қиссасининг давоми	85
“Мен етти семиз сигирни етти ориқ сигир еганини кўрдим” оятининг тафсири. Тангри ул етти ориқ сигирни оч арслон сифати ила яратди ва улар етти семиз сигирни иштаҳа ила ейишди. Гарчи ул сигирлар хаёли тушда кўринмиш эса-да, сен маъно замирига боқ	87
Иброҳим алайҳиссалом хўрозни сўяркан, бунда мурид ботинидаги қайси сифатга барҳам берилиши лозимлигига ишорат борлиги баёни	88
“Биз инсонни энг гўзал бир шаклда яратдик ва уни энг тубанларга отдик” ояти ҳамда “кимга кўп умр берсак, унинг кучини озайтирамиз” оятининг тафсири	90
“Аmmo мўминлар, хайрли амалларни адо этганлар бошқа. Улар учун айрича ажру мукофотлар бор” оятининг тафсири	91
Йўқ кўринган бор дунё билан бор кўринган йўқ дунёнинг мисоли	95
Мустафо алайҳиссаломнинг “сенга сен билан тириклайин тупроққа кўмилажак бир дўст керак.... У сен билан бирга тупроққа кўмилур, сен ўлик экансан, у тирик бўлур. У яхши эрса, сени яхшиликка, ёмон эрса, сени ёмонликка дучор айлар. У дўсту йўлдошинг - этган иш -амалларингдир. Бас,кучинг борича яхши амаллар қилгил” ҳадиснинг тафсири, чин демиш расулиллоҳ.	97
«У сиз билан биргадир» оятининг тафсири»	99
Мустафо алайҳиссаломнинг “бутун дардларини битта дардга йига олган кимсани оллоҳ ўзга дардлардин халос айлар Турли-туман дардларга	

чалинганларни эса истаган ерда мавҳ этар, шафқат айламас” ҳадисини англатиш	100
Ушбу байтнинг баёни	102
Пайғамбарлик даъвосини қилган кимсанинг ҳикояси. Ундан, не едингким, бу қадар сафсата сотарсен, деб сўрашгани. У дедиким, егулик бир нарсам бўлганда, гумроҳлик йўлига кириб, сафсата сотармидим... Ҳар сўзни ўша сўз аҳлидин ўзгасига сўйласанг, уни сафсата дегайлар. Гарчи сўзловчи ўша сўзни сўйлашга маъмур бўлса ҳам.	103
Халқ ҳаққа, оби ҳаётга даъват этгувчи азиз авлиёларни ўзларига бегона санаб, уларга адоват ила боқишлари сабаби	106
Ёмон кимса ўз ёмонлигида собит туриб, яхшиларнинг давлатга эришганларини кўриб, шайтонга айланур, ҳасадқилиб, яхшиликка моне бўлур... Бўйлаким, хирмани ёнган киши ўзгаларнинг ҳам хирмани ёнишини истар.. “кўрдингми намозхонни намоздин тўсадиган кимсани?”	108
Муножот.	110
Подшо пайғамбарлик даъвосини қилган кимсадан, чинакам пайғамбар бўлиб, пайғамбарликда собит турган киши инсонга не бағишлар, унинг хизматида бўлганлар насиҳатидан ўзга яна не баҳра топгайлар, деб сўргани.	112
Бир ошиқнинг севгилисига этган хизматлари, кўрсатган сидқу садоқати, узун тунларни оч-наҳор, ҳаттоки сувсиз ташнайи зор кечирганини айтиб, бошқа иш қўлимдан келмайди, бирор хизматинг бўлса, буюр. Истасанг, иброҳим алайҳиссалом янглиг ўзимни оловга отай. Истасанг, юнус алайҳиссалом янглиг наҳанга ем бўлай, истасанг, жиржис алайҳиссалом янглиг етмиш карра ўлдирилай, истасанг, шуайб алайҳиссалом янглиг йиғлаб, кўзимни кўр қилай, дегани... Пайғамбарлар кўрсатган вафо ва жонбозликларни санаб адоғига етиб бўлмас... Маъшуқаси унга жавоб бергани.	114
Бирови олиму ориф кимсадан, киши намоз ўқиркан, оҳ чекиб йиғласа намози бузилмайдими, деб сўради. Жавоб бўлдиким, кўзингдин оққан сув - кўз ёшидир...	

Йиғлагувчи не кўрар уни билмоқ лозим. Агар у тангри таоло шавқи била йиғласа ёки гуноҳига тавба этиб кўз ёши тўкса, намози бузилмас, балки юксалур. Чунки намоз кўнгил ҳузурига айланмагунча намоз саналмас. Аммо бу баданидаги хасталик туфайлидан ёхуд ўғлидан айрилиб, йиғларкан, намози бузулур. Зеро, намознинг асли - иброҳимга ўхшаб танни тарк этмоқ, фарзанддин воз кечмоқдир. Иброҳим намоз такмили учун фарзандини қурбон қилиб, ўзини намруднинг оловига отмишди. Инчунин муҳаммад алайҳиссалом буюрмишларким, иброҳимга эргашинг, иброҳимда сизга ибрат бўлгулик гўзал фазилатлар бор.

117

Бир мурид шайх ҳузурига келди. Шайх дейиш ила ёши улуглигинимас, ақли, маърифати буюклигини айтмоқчимиз, холос. Исо алайҳиссалом ҳали бешиқда экан, сўзлай бошлаган, яхё алайҳиссалом мактабдаёқ зеҳнини намоёиш этган эди. Мурид кўрдиким, шайх йиглаб ўлтирур... У ҳам шайхга эргашиб, йиғлай бошлади. Шайх йиғидан тўхтагач, мурид ташқари чиқди. Шайхнинг ҳолини ундан яхшироқ билган бошқа бир мурид унинг ортидан етиб, хой, биродар, деди, шайх йиғлади, мен ҳам унга қўшилишиб йиғладим, деган гапни зинҳор кўнглингга келтирма... Шайхдек йиғламоқ учун ўттиз йил риёзат чекмоқ, наҳанг тўла денгизлардан кечмоқ, арслонлару йўлбарсларга тўла тоғлардан ошмоқ керак. Шунда ҳам андоқ кўз ёшларга балки етарсан, балки йўқ. Мабодо етар бўлсанг, икки дунё менга бир қадам бўлди, деб шукроналар қил...

118

Бир чўри эшак ила нафсини қондиргани. Бу ишда қовоқдан фойдалангани. Чўрининг бекаси бўлмиш хотун бундан хабар топиб, чўрини баҳонада бир ёққа жўнатиб, ўзи эшак билан жимо килгани ва ҳалок бўлгани... Чўри етиб келиб, эй жоним жигарим, эй кўзимнинг равшани, нега эшакни кўрдингу қовоқни кўрмадинг, деб фарёд солгани. Кулли ноқиси маълун, барча нуқсонлар, нуқсонли кўришлар лаънатлангандирлар. Йўқса, жисмоний нуқсонни бўлганларга ҳеч кимса ачинмасди. “кўзи ожизга айб

тақилмас” оятини ўқи. Бу оят кўзи ожизни айбловдан ҳам, лаънатдан ҳам, ранжу озору қаҳру газабдан ҳам халос этгай.

124

Шайхнинг муридларга, пайғамбарнинг умматларга талқини ойна ортида туриб тўти қушга сўз ўргатмоққа ўхшар. Тўти инсон ила улфат тутинишни истамас, чунончи муридлар ила умматлар ҳам ҳақ талқинига тоқатсиздирлар. Ҳақ таоло шайхни мурид қаршисида бир ойна каби қуяр, тўтига ойна ортидан туриб сўз қотишганидек, муридга шайх воситаси ила талқин айлар... Зеро, “пичирламай қўя қолинг” ва “у пайғамбарга ваҳий қилинаётган ваҳийдир”деб буюрмишди оллоҳ... Бу сўнгсиз бир масаланинг ибтидосидир. Тўти ойинада кўринган тўтига қараб, тумшугини ўйнатур. Сен уни бир хаёлга борди, дема. Тўтининг тумшуқ ўйнатиши унинг ихтиёри била бўлмас, бу ҳаракат ойна ортидаги сўз ўргатувчи туфайли ҳаммас ойинада акс этган тўти сабабли зоҳир бўлур... Аммо ойна олдидаги тўтининг сўзлаши ойна ортидаги кимсанинг тилагига боғлиқ. Бу бир мисолдирким, мисл эрмас.

132

Кўнгил соҳиби бўлмиш бир кимса ҳомиладор итни учратди. Ит қорнида болалари вовуллашарди. Итнинг вовуллашдан мақсади - қуриқчилик. Лекин она қорнида вовуллашаркан, мақсад қуриқчилик эмас. Сут ёки ёрдам сўраб вовуллашаяпти. Дейишда ҳам маъно йўқ... Сохибдил баттар ҳайратга тушди. Ҳаққа юзланди, “таъбирини тангри билур” деди. Жавоб келди, андоқким. Бу - пардадин чиқмасдан, кўнгил кўзи очилмасдан соҳибназарлик даъвосин айлаб. Лофлар ургувчи қавмнинг суврати ҳолидир. Уларга куч ва мадад етмас ва улар инсонларни рушду ҳидоят сари бошлашга ожиздирлар.

134

Зарвон аҳли қиссаси. Улар, отамиз боғ-роғлар ҳосилидин йўқсулларга хайри-эҳсон берар, деб ҳасад этишгани... Чувончи, узум узса, ушр берар, майиз қуритса, ушр берар, ҳалво. Полуда пиширса. Ушр берар. Бугдой ўрса, ушр берар. Хирмон кўтарса, ушр берар. Тегирмонда ун тортса, ушр берар хамир



- қорса, ушр берар, нон ёпса, яна ушр берар... Ҳақ таоло унинг боғи ва даласига бўйла бир баракот бермишдиким, ўзга боғ - роғларнинг эгалари унга муҳтож бўлиб, мева ва ақча сўрашар, у эса бировга муҳтож бўлмасли. Ўғиллари ўшал ҳайру эҳсонларни кўришардию боғдаги баракотни кўришмасди... Худди анави бадбахт хотин эшакни кўриб, қовоқни кўрмаганидек. 137
- Атойи ҳақ ва қудрати мавқуф халқнинг эҳсони янгли қобилиятга боғлиқ эмас. Чунки, ато-қадимдир. Қобилият-қодисий, яратилмишдир. Ато-ҳақ сифоти эса, қобилият маҳлуқ сифати. Қадимнинг муҳтожлиги бўлмас. Йўқса, қодис майдонга чиқмас эди 142
- Тангри таоло одам алайҳиссалом танини яратиш учун жаброил алайҳиссаломга, бор, ерга тушиб, бир ҳовуч тупроқ келтир, деб ишорат этгани. Бошқа бир ривоятга кўра эса, ҳар ер-ҳар ердан ҳовуч-ҳовучлаб тупроқ ол, деб буюргани 144
- Тангри таоло ўз халифаси, ҳазрат абулбашар, малаклар сажда этгучи, малаклар хўжаси одам алайҳиссаломнинг муборак жисмини яратмоқ учун тупроқ олиб келишга микоил алайҳиссаломни юборгани 146
- Юнус алайҳиссалом қавмининг ҳикояси.. Ул ҳақдаким, зору тазарру чекмоқ осмоний балоларни даф айлар, тангри таолло не истаса, шуни қилур... Лекин бош эгиб, унга илтижо этмоқ хайрлидир. Файласуфлар дерларким, тангри табиатга, сабабга суяниб иш тутар, инчунин зору тазарру табиатни ўзгартира олмас 148
- Тангри таолло одам алайҳиссалом жисмини яратмоқ учун тупроқ олиб келишни исрофил алайҳиссаломга буюргани 149
- Тангри таоло одам алайҳиссалом вужудини яратмоқ учун тупроқ олишга малакул азм вал-ҳазм азроил алайҳиссаломни жўнатгани 152
- Ул ҳақдаким, сенга зулм этган кимса - бир қуролдир. Ориф ҳақни кўрар, қуролни кўрмас. Қуролга боқса, унинг зоҳирига боқар, жоҳиллиги туфайлиданмас, маслаҳат юзасидан. Чунончи абу азид қадасаллоҳу

- сирруху демишки, неча йилларким яратил-  
ганларга сўйламадим ва уларни тингламадим.  
Аmmo халқ ўйларки, мен сўйлагаймен ва тинг-  
лагаймен. Чунки улар сўйлагувчи ва тинглагувчи  
улуғ зотни кўрмаслар. Улар сўзга акс садо бер-  
гувчи тоғлар кабидирлар. Мақол бор, девор мих-  
дин сўраганмиш, мени ким қоқаяпти, деб. 155
- Тангридан жавоб келдиким, эй азроил, сабаблар-  
ла хасталикни, қилич ярасини кўрмаганлар сени-  
да кўрмаслар. Гарчи сен ҳам сабабсен, лекин у  
сабаблардин махфийроқсен. Ҳаттоки хастага “сизга  
у сиздан кўра яқинроқдир, фақат у сиз уни кўр-  
массиз” сири махфийқолмас, аён бўлур. 157
- Дунёнинг мойли-тотли неъматларини ейишнинг  
таҳликаси, уларнинг оллоҳ таомига моне бў-  
лишлиги. Негаким, “очлик-оллоҳ таомидир, оллоҳ  
сиддиқларнинг жасмини ана шу таом ила тирил-  
тиргай” деб амр этилмиш. Яъни, очликда оллоҳ  
неъмати бор. Яна “ раббимга меҳмон бўлурмен, у  
мени туйдирар ва сувга қондирар” дейилмиш.  
Тангри ҳам “фараҳланиб, ризқу насибангизни  
теринг” деб буюрмиш 160
- Кошкийди ўлим бўлмаса, кошкийди дунё мулки  
завол кўрмаса, қабилда лофлар урғувчи гафлат  
эгасига жавоб 162
- Қул ҳали муҳтож бўлмай туриб, унга неъматлар  
бергувчи оллоҳдан сўраладиган нарсалар. “бўйла  
маъбуддирки, қуллар умидини узганда ёмғир  
ёғдирар” Неча йироқликлар борким, яқинлик  
келтирар. Неча ёмонликлар борким, яхшилик  
келтирар. Булар барчаси ёмонликларни ях-  
шилиқларга бургувчи оллоҳни билишинг учундир 163
- Аёзнинг бир ҳужрада чориқ ва пўстинини ас-  
рагани. Саройдагилар ҳужра эшигига қулф осил-  
ганини кўриб, бу ерда хазина бор, деб гумон  
қилишгани 170
- Бу ерда ҳар неким айтилмиш – қиссанинг сув-  
ратидир, тингловчиларнинг идроки, тасаввур  
ойиналарига мувофиқ қилиб айтилди. Қиссанинг  
сийратини, хақиқатини, қудсиятини сўзласам, бу

- хабардин сўз қизарур, бош айланур,  
Соқол ҳам, қалам ҳам хижолатдин адо бўлур... 173  
оқилга ишорат етар
- Чориқ ва пўстинга кўз ташлаб туришнинг ҳикмати.  
“инсонга боқ, у нимадан яратилди?” Хукмининг баёни 175  
“Ҷинларни тутунсиз оловдан яратди” ояти ила  
баробар тангри таоло иблис ҳақида”у чиндан ҳам  
жинлардан эди, раббининг буйруғидан бўйин тов-  
лади” деб амр этгани. 176
- “Ҳар нарсани бизга асл ҳолича кўрсат” ва “парда  
очилсайди, ҳақиқатим аён бўларди” сўзларининг  
баёни ҳамда 180  
Байтнинг маъноси хусусида 180
- Эҳтиёж эҳтижэсизликнинг зиддидир, аммо ҳақи-  
қатда ошиқ ва маъшуқ бир бутундир чунончи,  
ойинада суврат йўқдир, сувратсизлик ҳам сувратнинг  
зиддидир, аммо ойина ва суврат орасида бирлик  
мавжуд. Бунинг шарҳи узун, лекин оқилга ишорат  
ўзи етарлидир 182
- Маъшуқа ошиқдан, мени кўпроқ севасанми ёхуд  
ўзингними, деб сўрагани. Ошиқ демишки. Мен ўзим-  
ла ўлик, сен била тирикмен. Ўзимдин, ўз сифат-  
ларимдин кечиб, сенга айландим, ўз илминми  
унутиб, сенинг илминг-ла олим бўлдим. Куч-қуд-  
ратимни тарк этиб, куч-қудратинг-ла қодир бўлдим,  
ўзимни севганим - сени севганим, сени севганим-  
ўзимни севганим 184
- “Сифатларим-ла халқимга кўрин, сени кўрган мени  
кўргай, сени топмоқ истаган, сени топган мени топ-  
гусидир” деб амр этгани 184
- Амир ва миршаблар ярим тунда аёз ҳужрасига  
киришгани, унда бир пўстин ва чориқ осиглиқ  
турганини кўриб, буни макру ҳийла деб билишгани,  
ҳужранинг тагини қазиб, деворларини бузиб, ҳеч  
наrsa тополмай, шарманда бўлишгани... Бўйлаким,  
бадгумон ва хаёлпарастлар ҳам анбиё ва авлиёни  
сеҳргар деб аташган, ҳақиқат аён бўлгач, хижолат  
чекишган, аммо бундан бирор фойда топишмаган  
эди. 187
- Миршаблар тарвузлари қўлтиқларидан тушиб, аёз

- хужрасидан шоҳ хузурига қайтишгани... Бўйлаким пайгамбар алайҳиссаломлар ҳақида бадгумонлик қилганлар ҳам “у кун юзлар оқарур, у кун юзлар қораюр” ва “оллоҳга шак келтирганларни кўрарсен, юзлари қоп-қора бўлур” оятларида айтилганидек, пайгамбарларнинг поклиги, шубҳа -гумонлардан фориғлиги аён бўлгач, уялиб қолурлар 189
- Подшо ҳужрага кирувчилар тавбаси қабулини аёзга ҳавола этгани зеро, бу ёмонликни менгамас, унга этдингиз, дегани 191
- Шоҳнинг аёзга, истасанг, авф эт, истасанг, жазо бер, авф этсанг тўғри бўлур, жазо берсанг ҳам, тўғри бўлур, унисида ҳам, бунисида ҳам фойдалар бор, адолатда мингларча лутфу марҳамат мавжуд, дегани. Зеро, дейимишким, қасосда сиз учун ҳаёт бор... Қасосни хуш кўрмаган кимса ўлдирилган бир кишининг ҳаётини кўрар, аммо ўлдирилиш ваҳми ила юз мингларча кишининг ҳаётга қовушмоғини кўрмас 192
- Подшонинг аёзга бу ишни тезроқ тугат, кунлар ўтаверади, дея, пайсалга солма, деб буюргани, зеро, мақол борким, интизорлик қип -қизил ўлимдир... Аёзнинг подшога жавоб бергани 194
- «Неча муддат сўзламоқни имтиҳон қилдик, энди бир муддат сабру сукутни ҳам синаб кўрайлик» таъбирининг баёни 196
- Ул ҳақдаким, баъзи кимсаларнинг сўзи уларнинг ҳоли ва даъвосига мувофиқ келмас, чунончи, “кофирлардан осмонлар ва ерни ким яратган”, деб сўрасангиз, шубҳасиз, оллоҳ, дерлар. Лекин осмонларни ва ерни яратган, ҳамма нарсани кўргувчи, эшитувчи, ҳар ерда ҳозир-нозир оллоҳ эканлигини билган кимса нечук энди жонини, молини тошдан йўнилган бир бутга фидо этар, бош эгиб, унга ибодат қилар? 197
- Она кўксидан оққан сут изига қайтмас, насух тавбаси ҳам бўйладир. У энди гуноҳларини рағбат ила эсламас, эсласа, ҳар нафасда нафрати ошар. Бу эса тавбасининг қабул бўлганига далилдир. Чунки рағбат кетди, унинг ўрнини нафрат эгаллади. 202

- Кўнгилинг ул гуноҳга яна рағбат этса бу - тавбанг қабул этилмагани аломатидир. Қабул иззати гуноҳ лаззати ўрнини олмамишдир. “савоб ишларни унга қулайлаштирамиз” ҳукми ҳамон ўз ўрнидадир 203
- Ҳаққа восил орифнинг дуоси., Ҳақдин бир нарса сўрамоғи ҳақнинг ўз-ўзидан бир нарса сўрагани кабидир. Чунки “унга қулоқ бўлармен, кўз бўлармен, тил бўлармен, қўл бўлармен” демиш” “ўқни отганинда сен отмадинг, оллоҳ отди” ояти, яна ўзга оятлар ҳам бор, тангри бир сабаб ила қулнинг қулогидан тутиб, насухнинг тавбасига элтар 204
- Тинтиш-титкилаш навбати насухга етгани. Ҳаммани кўздан кечирдик, энди насухни топинглар, деган овоз янрагани. Насух қўрқув ичра ҳушдан кетгани. Иш сўнг даражада оғирлашиб, сўнг ечилгани. Зеро, пайгамбар алайҳиссалом бир мушкулотга дуч келса ёхуд хасталаниб ётиб қолса: “мушкулотингни ошир, очиларсен, ечиларсен” деб амр айламишди 207
- Гавҳарнинг топилгани ва шаҳбонунинг канизаклари насухдан узр сўрашгани 208
- Шаҳбону насухни такрор чақиргани, тавбаси қабул бўлган насух баҳона қилиб, унинг ҳузурига бормагани 210
- Ул ҳақдаким, киши тавба қилиб, пушаймонлик чекса, сўнг уни унутиб, синаган нарчасини яна си-намоққа киришса, абадий аламга гирифтор бўлмай. Тавбасида саботу қувват, ҳузур ва ҳаловат топмаса, тавбаси қабул бўлмаса, наузунбиллоҳ, у илдизи қирқилиб, кун сайин қовжираб боргувчи дарахтга ўхшар 211
- Тангри илҳоми ила халққа эҳсон айлаб, ҳар кимнинг мартабасига яраша мағфират ва раҳмат файзини ёғдирган, ҳаққа етишган орифлар қутбини ўзининг ов-ўлжаси ила ўзга ҳайвонларни ҳам тўйдиргувчи арслонга ўхшатиш. Аммо бу яқинлик макон жиҳати биланмас, сифат эътибори биландир. Бунинг тафсилоти узун, валлоҳул - ҳоди 213
- Ўтинфурушнинг эшаги бедов отларнинг хос охурларию охурлардаги ноз-неъматларни кўриб, уларга кўнгли кетгани, ҳар нечук давлатни тиламоқ унга эш бўлган заҳматни ҳам тиламоқ демакдир, аммо сен

- уни кўрмассен. Чунончи ҳар тузоқда дон бордирким,  
тузоқ яшириндир. Сен тузоқда туриб ўзга донларни  
орзу этарсан, аммо ўша донлар ортида ҳам тузоқлар  
борлиги хаёлингга келмас 215
- Эшак, мен қисматимдан розимен, дегани ва бу сўз  
тулкига ёқмагани 217
- Эшакнинг тулкига жавоб бергани 217
- Тулкининг эшакка жавоб бергани 218
- Эшакнинг тулкига жавоб бергани 218
- Таваккул маъносини англатиш баёнида. Таваккулни  
имтиҳон этиб боққан зоҳид ҳикояти. У шаҳардан  
чиқиб, инсонлар оёғи етмайдиган тоғ этагига етиб,  
очликдан силласи қуриб, бир тошга бош қўйиб, ё  
раббий, сабаблар яратиб, ризқ бермоғингга таваккул  
этдим, сабаблардин кечдим, таваккулнинг сабаблар  
яратишини бир кўрайин энди, деб уйқуга кетгани 219
- Тулкининг эшакка жавоб бергани, уни саъю ҳа-  
ракатга ундагани 220
- Эшакнинг тулкига жавоб бергани, таваккул касблар  
ичра энг яхши касбдир, дегани, илло, ҳар кимса  
таваккулга муҳтождир, эй худо, ишимни ўзинг  
ўнгла, деб дуо айлар, бу дуода таваккул ниҳондир,  
таваккул бўйла касбдирким, бошқа касбларга муҳ-  
тожлиги йўқдир ва ҳоказо 221
- Бир тева ҳикояси. Ул ҳақдаким, бир давлатдин  
хабар бергувчи кимсада ул давлатнинг бирор ни-  
шонасини кўрмасанг, ўшал кимса ўшал давлатга  
муқаллид бўлди, деб ҳисоблайвер 222
- Асл ва комил шайхнинг даъватию ўргамчик, ноқис  
кимсаларнинг сўзлари орасидаги тафовут 226
- Бир киши бир муханнас ила ётиб, не учун белингга  
ханжар тақиб олдинг, деб сўрагани. Муханнас, мен  
ҳақимда ёмон ўйга борганларни чавақлаш учун, деб  
жавоб бергани. Шунда ҳалиги киши демишки, ал-  
ҳамдулиллоҳ, сен тўғрингда ёмон бир фикрга бор-  
мадим 227
- “Чиндан ҳам оллоҳ пашшани ҳам, ундан йирик  
ҳайвонларни ҳам ўрнак, ибрат учун яратди” Яъни  
оллоҳ бу ибрат ила не демоқчи ўзи, деб инкор  
йўлини тутгувчиларга ҳам мисол ибрат кўрсатур. Бу

сўзни сўзлагувчиларга жавобан амр этарким, у ибрат бўлсин деб кўпларни йўлдан оздирар, кўп- ларни тўғри йўлга бошлар” чунки ҳар бир синов тарозуга ўхшар. Бировлар бу синовдан ёруғ юз билан ўтиб, муродига етар, бировларга эса юз қаролик насиб этар... Шу ҳақда бир оз ўйлаб кўрсанг, фойдадан холи бўлмас.	227
Эшакнинг сабру таваккули устидан тулкининг макру ҳийласи устун келгани, тулки эшакни чангалзорга, арслон ҳузурига бошлагани	229
Ранги ўчиб, лаблари гезарган, қўллари япроқдек титраб, қалтираган кимсанинг бир эшикка ўзини ургани. Уй эгасининг, бахайр, не бўлди, деган саволига, эшакларни тутишяпти, деб жавоб бергани. Уй эгасининг, эй муборак бўлсин, аммо нега сен қўрқасен, эшакмассанку, деган эътирозига ҳалиги кимса демишки, улар бу ишга шу қадар жаҳду жадал ила киришганларким, қўрқамен, мени ҳам эшак ўрнида судраб кетишлари ҳеч гапмас.	231
Тулки эшакни арслон ҳузурига бошлаб боргани. Эшак арслонни кўриб, ундан қочгани. Тулки, нега писиб ўлтирмадинг, деб арслонни койигани. Арслон, эшакни яна бир бор йўлга сол, деб тулкига ялиниб ёлборгани	233
Ул ҳақдаким, тавбани бузмоқ инсонга бало кел- тирур, ҳаттоки уни ҳайвон сувратига солур. Бўй- лаким, шанба куни ишламаслик амрини олган, исо дуоси била кўкдан нозу неъмат насиб этган қавм ҳам шундоқ қисматга дучор бўлмишди. “улардан ай- римларини маймун ва тўнғиз шаклига солди.” Бу умматда ҳам кўнгил ўзгарур, қиёмат куни бандалар кўнгил сувратига кирур	236
Тулкининг ҳийла, найранг этиш учун яна эшак олдига келгани	237
Эшакнинг тулкига жавоби	238
Тулкининг эшакка жавоб бергани	240
Шайх муҳаммад сарразий газнавий қаддасаллоҳу сирраҳул азиз ҳикояти	242
Шайхнинг гайб ишорати ила дашту саҳрони тарк этиб, газни шаҳрига боргани, замбилгалтак суриб, тиланчилик қилиб, топганини йўқсилларга улашгани	244

Баски, уй даричаси очилса, ичкарига ой ҳам кирар, офтоб ҳам, ёмғир ҳам кирар, мактуб ҳам... Бўй-лаким, ичкари кирувчиларнинг кети узилмас...	244
“Лав лока ламохалақтул афлок” сўзининг маъноси	248
Шайхнинг ғайб ишорати ила тиланчилик қилиб, бир кунда тўрт карра амир эшигига боргани, амир унга таҳқиромуз сўзлар айтгани, шайх амирдан узр сўрагани	249
Шайх насиҳатини тинглаб, амирнинг кўз ёши тўккани, шайх сидқининг амир кўнглида акс этгани, густоҳликдан сўнг амир хазинасини шайхга тортиқ қилгани, шайх, то ишорат бўлмагунча қўл урмагаймен, деб хазинани қабул этмагани	251
Шайхга гойибдан ишорат бўлгани, дейилмишким, икки йил амримиз ила олдинг ва бердинг. Энди бергил, лекин олма. Қўлингни бўйра остига тиқ, биз уни абу ҳурайра халтасига айлантирганмиз, истаган нарсангни топарсен. Токи олам аҳли билсинларким, шу олам ортида яна бир олам бор, у ерда ҳовучингга тупроқ олсанг, олтин бўлур, ўлик келса, тирилур, наҳси акбар саъди акбар сувратига кирур, куфр иймонга, заҳар тарёққа айланур. У олам бу оламнинг на ичидадир, на ташқарисида, на остидадир, на устида. На бу оламга туташдир на ундан айру, сабабсиз, восиласиздир. У оламдин ҳар лаҳзада минглаб ишоратлар келур. Мингларча аломатлар зоҳир бўлур. Қўлнинг саънати, кўзнинг боқиши, тилнинг гўзал сўйлаши, қўлнинг, кўзнинг, тилнинг на ичидадир, на ташқарисида, қўлга, кўзга, тилга туташ ҳам эмас, айру ҳам. Оқилга ишорат етар.	253
Шайх унга арз этгувчи сўзга лаб очмай туриб, унинг кўнглидагини пайқашни, не миқдорда қарзи борлигини билиши. Бу унинг «халққа сифатларим-ла кўрин» сиррига етганлиги белгиси эди.	254
Халқнинг кўнглидагини билишнинг боиси	255
Тулки макр или эшакни мағлуб этгани	256
Очликнинг фазилати ҳақида	257
Бир шайх муридиининг ҳирсидин воқиф бўлиб, унга насиҳат этгани, ҳақ амри ила ана шу насиҳат юзидан муридга қуввати таваккал етгани	258



Каттакон бир оролда ёлгиз яшаган ҳўкиз ҳикояси.	
Тангри таоло ҳўкиз ўтласин учун оролни ўт-ўланлар, майса-чечакларга тўлдирмиш. Ҳўкиз кун бўйи ўт-ўланларни еб-ямлаб, семириб, оқшом тоққа қайтармиш. Ўтлоқда борини еб битирдим, эртага нима ейман, деб тун бўйи ухламас, қайғу чекармиш. Эртаси оролни тафин ўт-ўлан қоплаганини кўриб, яна емоққа бошлар, оқшомгача еб тугатиб, семириб, яна гўссага ботармиш. Орадан йиллар ўтса ҳамки, ҳўкизда эътимод пайдо бўлмамиш	259
Арслон эшакни овлагани. Ҳориб, чанқаб чашма бошига боргани. Бу орада тулки эшакнинг жигари, юраги ва буйракларини еб қўйгани. Арслон изига қайтиб, бунинг жигари билан юраги қайда деб сўрагани. Тулки, унинг жигари билан юраги бўлсайди, ўшандоқ даҳшатни кўриб, минг ҳийла билан жонни қутқарганидан сўнг бу ёққа қадам босармиди, деб жавоб бергани «тингласайдик ёхуд ақл юритсайдик, дўзахий бўлмасдик».	261
Бир ҳолатга тушиб, кундузлари қўлда чироқ кўтариб, бозор кезган роҳиб ҳикояси	262
Мусулмон муғни даъват этгани	264
Раҳмон эшигида шайтоннинг ҳоли	266
Сунний мўминнинг жабрий кофирга жавоб бериб, бандада эрку ихтиёр борлигига доир далил келтиргани. Суннат - пайгамбар алайҳиссаломларнинг оёқлари ила топталиб, очилган йўлдир. У йўлнинг ўнг тарафида жабр чўли бордир, у чўлга оёқ босганлар ўзларида ихтиёр борлигини кўрмай, эт-этма буйруқларини инкор қилиб, таъвил этишади. Эт-этма буйруқлари инкор этилгач, жаннат ҳам инкор этилгусидир. Ҳолбуки жаннат буйруққа бўйсунганларга берилган мукофотдир. Дўзах эса буйруққа бўйсунмаганларга берилган жазодир. Ҳўш, хулоса нима? Сўйламаймиз, оқилга ишорат етар, у йўлнинг сўл тарафида қадар чули бордир. Бу чўлга оёқ босганлар халқ қудратини холиқ қудратидан устун қўюрлар. Бундан неча бир бузуқ, фасод тушунчалар майдонга келурким, уларни муғи жабрий боя тўкиб солмишди	269

Ихтиёримиз борлиги, чорасиз қолишимиз, қахру  
газабга тўлишимиз, сабру тоқат қилишимиз, очлик,  
тўқлик каби ўзимизга оид ҳолатларни сезиб, ан-  
лашимиз - ҳис-туйғу демакдир. Ҳис-туйғу ила са-  
риқни қизилдан, каттани кичикдан, аччиқни ши-  
риндан, мушкни ахлатдан ажрата оламиз. Тўқиниб,  
юмшоқни қаттиқдан, иссиқни совуқдан, деворни  
огочдан фарқлай оламиз. Инсоний туйғуларни инкор  
айлаган кимса умуман ҳиссиётни инкор этар, бугина  
эмас, у яна илгари кетар. Чунки ботиний туйғулар  
зоҳирий сезгилардан кучлироқдир. Зоҳирий сезгилар  
йўлини тўсиш мумкин, лекин ботиний туйғулар  
йўлини тўсиш имконсиздир. Оқилга ишорат етар 274  
Халқнинг эрку ихтиёри борлиги, эрку ихтиёр тақдир  
ва қазодин келмаслигига доир ҳикоят 277  
Жабрийга жавобан ихтиёр исботига, “эт-этма”  
амрларининг ҳақиқатига, жабрий айтган узрнинг  
ҳечбир миллат, ҳечбир динда қабул этилмаслигига,  
бу узр ила жазодин қочиб қутулиб бўлмаслигига  
доир бир ҳикоят. Чунончи иблис ҳам “раббим, сен  
мени йўлдан оздирдинг” демишди, сўзи қабул бўл-  
мади. Оз кўпга далолат айлар 279  
“Мошооллоҳ кона”, яъни, тилак унинг тилагидир,  
розилик унинг розилиги. Унинг розилигини изланг,  
ўзгаларнинг газаби, ўзгаларнинг гапидан дилтанг  
бўлманг, сўзининг маъноси “Кона-бўлди” гарчи  
кечмиш замонни билдирар, аммо тангри ишида  
кечмиш ва келажак бўлмас, зеро дейилмишким,  
“оллоҳ ҳузурида на сабоҳ бор, на оқшом” 282  
Чунончи “қалам ёзди ва ёзувнинг сиёҳи қуриди”  
дейилмиш. Бандалик ила гуноҳга ботишлик келишмас.  
Омонат ила ўғрилиқ қилиш келишмас. Қалам бу-  
ларнида ёзди ва ёзувнинг сиёҳи қуриди. Шукр этиш-  
лик ила нонкўрлик қилиш келишмас. Буни ҳам қалам  
ёзди ва сиёҳи қуриди, деявер. Чунки “оллоҳ яхшилик  
қилувчиларнинг амалларини зое айламас” 284  
Бир дарвиш ҳикоятиким, ҳиротда хуросон амидининг  
араб тулпорларини миниб, зарбоф тўнлар кийиб,  
бошига заррин қалпоқлар қўндирган, ясаниб-ту-  
санган қулларини кўриб, булар қайси амирлару

- қайси подшолар, деб сўрагани. Унга, булар амирлар ҳам, подшолар ҳам эмас, хуросон амидининг қуллари, деб жавоб беришгани, шунда дарвеш осмонга юзланиб, эй худо, қулпарварликни амиддан ўрган, деб қичқиргани. Хуросонда молия ишлари нозирини “амид” дерлар 287
- Яна кофирнинг уни мусулмончиликка даъват этиб, жабрийликни тарк этишга ундаган суннийга жавоби. Ўртада баҳс-мунозаранинг чўзилиб кетгани. Ҳақиқий ишқ буларга парво этмас, “ бу ҳам оллоҳнинг лутфидир, не истаса, шуни берар” 291
- Подшо аёзни тилга киритмоқ учун ундан, жонсиз жисмлар бўлмиш чориқ ва пўстинга намунча гамгин ва севинчли сўзлар айтурсен, деб сўрагани 294
- Мажнуннинг хешу ақраболари унга, лайли у қадар гўзалмас, шахримизда ундан-да ортиқроқ гўзаллар бор, бир нечасини кўрсатайлик, ўзинг танлаб ол, ўзингни ҳам қутқар, бизни ҳам, дейишлари. Мажнуннинг уларга жавоб бергани 297
- Жуҳонинг чодра ёпиниб, хотинлар орасига кириб, ваъз тинглагани, қалтис бир ҳаракати туфайли кимлиги ошкор бўлиб, бир хотиннинг дод - вой кўтаргани 301
- Подшо аёзга яна бир карра, шу чориқ ила пўстин сиррини англаб, токи хўжатошлар ибрат олишсин, деб буюргани. Зеро, дейилмишким, дин - панду насиҳатдир 303
- Боязид замонида бир кофирга, мусулмон бўл, дейишгани, унинг бу сўзга жавоб бергани 303
- Бир муаззиннинг хунук овоз-ла кофирлар шахрида азон айтгани, бир кофирнинг унга ҳадя бергани 304
- Бир хотин эрига, гўштни мушук еб қўйди, дегани. Эри мушукни тарозида тортгани, мушук ярим ботмон келгани. Шунда эр, ҳой, хотин, гўшт ярим ботмон, балки ундан ортиқроқ эди, энди ўзинг айт, шу тарозида тортганим гўшт эса, мушук қани, мушук эса, гўшт қани, деб сўрагани 308
- Бир амир қулига, шароб келтир, деб буюргани. Йўлда бир зоҳид тош отиб, шароб кўзасини синдиргани. Буни эшитган амир зоҳиднинг таъзирини

- беришга қарор қилгани. Бу воқеа исо алайҳиссалом замонида юз бергани, унда шароб ҳали ҳаром этилмаганди. Лекин зоҳид халқни шаробдан юз ўгиришга чақирар, шаробхўрликка қарши эди. 310
- Ҳикоят ул ҳақдаким, зиёи далқнинг бўйи бағоят узун, унинг биродари, шайхул-ислом тожи балхнинг бўйи гоят калта эди. Шайхул-ислом биродари зиёдан тортинарди. Зиё бир куни унинг дарсига келди. Балхнинг барча улуғлари унда ҳозир эдилар. Зиё салом бериб, ичкари кирди. Шайхул-ислом ярим қалқиб, яна ўрнига ўлтирди, яъни, етарлича эҳтиром кўрсатмади. Зиё унга бўйнинг бағоят узун, бир оз қисқарт, ҳаммасини бир йўла кўрсатма, деди 313
- Амирнинг жаҳли чиқиб, зоҳидни жазолаш учун йўлга тушгани 315
- Далқак сайидшоҳ термизийни қандоқ мот этгани ҳикояти 316
- Мустафо алайҳиссалом жаброил алайҳиссалом кўриниш беравермагач, қўрқувга тушиб, ўзини ҳира тоғидан пастга отмоқчи бўлгани, жаброил кўриниш бериб, ҳой, ўзингни пастга отма, сенга насиб этажак давлатлар ҳали олдинда, дегани 318
- Амир зоҳиднинг қўшнилари, шафоатчиларга, ул нега густоҳлик қилиб, кўзамизни синдирди, мен унинг таъзирини беришга онт ичдим, сўзимда тургаймен, дегани 320
- Шафоатчилар, зоҳиднинг қўшнилари амирнинг оёғига йиқилиб, яна бир бор ялиниб, ёлборишгани 321
- Амирнинг уларга яна жавоб бергани 323
- “Улар билсалар эди, охират юрти-абადий ҳаёт диёридир” оятининг тафсири. Яъни, у оламнинг эшигу девори, боғи ва даласи, сув ила кўзаси, ҳамма-ҳаммаси тирик: ҳам сўйлар, ҳам тинглар, ул сабабдин мустафо алайҳиссалом буюрмишларким, бу дунё-лошдир, уни истганлар кўппакдир. Охират ҳам тирик бўлмаганда лош бўлур эди, лошни ўлик бўлгани учун лош дерлар, ириб-чириб, қуланса ҳид таратгани учунмас 324
- Шоҳ аёзга яна бир карра, шу ишнинг сиррини сўйла, сендан гумонсираб, сени маломатга сўй-

ганларнинг мушкулени осон қил, зеро уларни шубҳа-  
гумонлар ичра қолдириш ҳам инсофдан эмас, деб  
айтгани

327

Инсоннинг тани-меҳмонхонага, ундаги турли-туман  
фикру андишалар турли-туман меҳмонларга ўхшар.  
Ориф кимса у ғам, у севинчларни хуш қаршилар,  
меҳмонни кулиб қаршилаган, унинг кўнглини олган,  
хотирини шод этган халилуллоҳ каби халилнинг  
эшиги ҳамиша очиқ эди: кофирга ҳам, мўминга ҳам,  
аминга ҳам, хоинга ҳам. Барчани очиқ юз ила қарши  
оларди у

328

Бир уйга меҳмон келгани, ёмғир ёғиб, уй эгасининг  
хотини, меҳмон бизга ташвиш бўлди, дегани

329

Ҳар куни кўнгилга келган фикр эрталаб ташриф  
буюрган меҳмонга ўхшар, меҳмон кутиш, меҳ-  
моннавозлик қилиш, меҳмоннинг нозу фироқиға  
сабру бардош этиш фазилатлари хусусида

331

Султоннинг Аёзга илтифоти

334

Бир отанинг қизига, эҳтиёт бўл, эрингдан ҳомиладор  
бўлма, деб насиҳат этгани

335

Сояда ўсган, нафси ила савашмаган, ишқ дардида  
ёнмаган, ишқ доғини чекмаган, лекин халқнинг  
сажда этиб, қўлларини ўпишларини, унга эҳтиром  
ила, бугун ҳақиқий сўфий мана шу, деб кўрса-  
тишларини истаб, сўфийлик йўлига кирган бир  
кимса, унинг қўрқоқлиги ва ожизлиги хусусида  
ҳикоят. Талабалари, хасталанибсиз, дея хаста-  
лантирган муаллим каби у ҳам хаёлга бурканиб, мен  
мужоҳидмен, шу йўлда паҳлавонмен, буюк жангда  
нафсимни мағлуб этдим, энди кичик жангда ҳам  
ҳунар кўрсатгум, зотан кичик жанг дегани не ўзи,  
деб ғозийлар ила жангга жўнади. Хаёлида арслонни  
учратди, жасорат кўрсатди, жасоратига маст бўлиб,  
ўрмонга юз тутди, арслон овламоқчи бўлди. Арслон  
эса ҳол тили била, ундоқ эмас, ҳали билиб оларсиз,  
сираям ундоқ эмас, дерди

337

Раҳматли аббозий ҳикояти, унинг шаҳид бўлиш  
умидида етмиш карра ялангтўш бўлиб жангга  
киргани, ниҳоят кичик жангда шаҳид бўлишдан  
умидини узиб, буюк жангга киришиб, хилват ихтиёр

- қилгани. Ногаҳон ғозийларнинг ногора садоларини эшитаркан, нафси занжирларни юлқиб, жангга талпингани, аёзий унга таъна-дашномлар отгани 340
- Бир мужоҳид кумуш тўла ҳамёнидан бир дирам олиб, ҳар куни денгизга отарди. Нафсида бир ҳирс, бир хоҳиш қўзғолиб, кўнглига васваса соларди. Ақчангни денгизга отар экансан, ҳаммасини бир йўла от, мен қутилай. Умид узмоқ - икки роҳатнинг бири, демишлар, дерди нафси. Сенга шу роҳатни ҳам раво кўрмайман, дерди мужоҳид 343
- Бир хабаркаш миср халифасига бир канизак сувратини кўрсатиб, уни мақтагани, халифа қизга ошиқи беқарор бўлгани, қизни олиб келиш учун мусул шаҳрига бир амир лашкар ила қўшин юборгани, ўртада жанг-саваш бўлиб, кўп одамлар ўлиб, кўп жойлар хароб бўлгани 344
- Мусул подшоси мусулмонлар қони беҳуда тўкилмасин дея ул канизакни халифага тортиқ этгани 346
- Охиратни инкор этгувчилар, биз дунёдан ўзга дунё кўрмаямиз, дейишлари ва далил сифатида айтган шу сўзларнинг заифлиги 351
- Халифа айшу ишрат қилмоқ учун ул канизак олдига келгани 352
- Канизак халифа шаҳватининг сустлигини кўриб, паҳлавон шаҳватининг шиддатини эслаб, кулгани, халифа буни пайқагани 353
- Ҳалифа кулишнинг сабабини сўйла, йўқса, шу қиличим ила бошингни узамен, деб таҳдид айлагач, канизак сирни фош этгани 354
- Подшо воқеадан воқиф бўлгач, хиёнатни бекитиб, хиёнаткорни авф этишга, канизакни паҳлавонга беришга қарор қилгани. Англамишким, бу нарса унинг қилмишига жазодир, у мусул шоҳига зулм этгани учун «ким ёмонлик қилса, ўзига қилур», «шубҳа йўқки, раббинг сени кузатур» оятларида айтилганидек, бундоқ фалокатга дучор бўлди ва кўрқдиким, агар ўч олгудек бўлса, ўшал интиқом алал-оқибат унинг ўз бошига келур. 357
- Подшо девонда аркони давлат ҳузурида вазирга бир гавҳар тутиб, бунинг қиймати қанча, деб сўрагани,

- вазир гавҳарнинг баҳосини ошириб-тошириб айтгани,  
подшо уни уриб, синдир, деб буюргани, вазир, уни  
синдиришга қўлим бормайди, дегани 359
- Гавҳар қўлдан қўга ўтиб, ниҳоят аёзга етгани,  
Аёзнинг ўзгаларга эргашмагани, подшо томонидан  
инъом этилажак молбисот, заррин тўнларга учма-  
гани, подшо уларни синамоқ ниятида бундоқ ҳамду  
санолар ўқишини англагани. Ахир, муқаллид му-  
сулмон бўлурму? Оз бўлсада муқаллид ҳам эъти-  
қодга суянар ва балки синовлардан эсон-омон ўтар,  
аммо ундасоҳиб назарларнинг саботи бўлмас. Оллоҳ  
шафоат этса, бошқа гап, зеро ҳақ бирдир, унинг  
неча зидди ва монанди бордир: муқаллид уларни  
танимас вашу сабабдан ҳам ҳақни ажрата олмас. У  
ҳақни танимаса-да, ҳақ унга иноят кўзи ила боқа-  
ркан, танимаслиги муқаллидга зиён айламас 361
- Умаро, гавҳарни нега синдирдинг, деб аёзга таъна -  
дашномлар отишгани, аёз уларга жавоб бергани 363
- Подшо уларни ўлимга буюргани, аёз шафоатчи  
бўлиб ўртага тушгани, эй подшоҳим, уларни авф  
этганинг авлодир, дегани 364
- Фиръавн сеҳргарларни ўлимга буюргани, улар  
«зиёни йўқ, биз раббимизга қайтамыз» дейишгани  
тафсири 367
- Аёзнинг шафоат этишда ўзини гуноҳкор билиб, уз  
сўраши, узр сўрашда ҳам ўзини гуноҳкор санаши.  
Бу синиқлик подшонинг улуғлигини билишдан-  
дирким, зеро, дейилмиш: «мен оллоҳни энг кўп  
билгувчимен ва оллоҳдан кўрқувчидирмен». Тангри  
таоло дерким, оллоҳдан билимдон бандалар қўр-  
қишар. 370

**МАСЪУЛ МУҲАРРИР:  
ЖАЪФАР МУҲАММАД**

**МУҲАРРИР:  
ВОҲИДА ҲАМИДОВА**

**РАССОМ:  
ТЕМУР САЪДУЛЛАЕВ**